



*...Нафснинг келажаги — зулмдир, зулмнинг келажаги эса — хорликдир. Биз ана шу оддий ҳақиқатни баён қилмоқчимиз. Бадан поклиги баданга, руҳ поклиги руҳга ҳаёт бағишлар...*

### **Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм**

«...Ана ўшалар ҳидоятга залолатни сотиб олгандинлар. Ва тижоратлари фойда келтиргади ҳамда ҳидоят топганлардан бўлмадилар. Улар мисоли бир ўт (машъала) ёқувчига ўхшайдилар. Олов энди атрофини ёритганида Оллоҳ ёруғликни кетказиб, уларни ҳеч нарсани кўрмайдиган ҳолда зулматларда қолдиради. Улар кар, соқов ва кўрдирлар. Бас, улар ҳидоятга қайтмаслар...»

(Бақара сураси, 16—18-оятлар)

### **МУАЛЛИФДАН**

Бутун оламлар Парвардигори Оллоҳга беҳад ҳамд бўлсин ва пайғамбарларнинг охиргиси — саййидимиз Мұхаммад алайҳиссаломга саловот ва саломлар бўлсин.

Албатта, ҳамд Оллоҳга хосдир. Биз унга ҳамд айтамиз, Ундан ёрдам сўраймиз. Ва Оллоҳдан нафсимизнинг ёмонликларидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурмиз. Кимни Оллоҳ ҳидоят қилса, уни адаштирувчи йўқ. Кимни Оллоҳ адаштирса, уни ҳидоят қилгувчи йўқдур.

Енг улуғ сўзлару энг билимли суҳбатлар ҳам шубҳасиз, Тангри таолога шукримизни керагича ифода эта олмайди.

Яратган Роббимизга шукрлар бўлсинким, сиз — азиз нафис адабиёт муҳиблари билан яна диллашиш насиб этяпти. Бу сафар ҳам адашган бандалар ҳаётидан аянчли лавҳани баён этишни ният қилдим. Чунки бу синовли дунёда адашган бандалар кўп. Улуғ ва қудратли Роббимиз марҳамат қилиб дерки: «Одамларга аёллардан, болалардан, тўп-тўп тилло ва кумушдан, гўзал отлардан, чорвадан, экин-тикиндан иборат шаҳватларнинг муҳаббати зийнатланди. Улар дунё ҳаётининг матоҳидир. Оллоҳнинг хузурида эса ҳуснли қайтар жой бор». (Оли Имрон сураси, 14-оят).

Тафсирчи уламоларнинг фикрича, «шаҳват» сўзи урфда жинсга оид маънода ишлатилса-да, аслида ўзаги «иштаҳа» сўзидан олинган бўлиб, кўнгил тусаши, хоҳлашини билдирап экан. Шунга кўра, ояти каримада инсоннинг аёлларга, фарзандларга, бойлика **иштаҳаси** мавжудлиги, яъни шу нарсаларга муҳаббати чиройли тарзда **зийнатлангани** таъкид этилмоқда. «Демак, бу муҳаббат инсоннинг асл табиатида бор экан. Бундай ҳолатнинг бўлиши табиий бир ҳол экан. Модомики, ушбу рағбатлар инсон табиатида бор экан, Оллоҳнинг ўзи инсонни шундай яратган экан, бу нарсалар инсон ҳаётини муҳофаза қилишда, унинг гўзал ва завқли кечишида хизмат қилмоғи лозим. Шунинг учун Ислом дини мазкур нарсаларни ҳаром қилган эмас, балки **мубоҳ** қилган. Бу нарсаларни ман қилишни эмас, **тартибга солишини**

йўлга қўйган. Ислом кишиларни тарбия қилиб, **шашват дарёсида ҳалок бўлмаслика** чақиради. Инсон мазкур шашватларнинг қули бўлиб қолмаслиги керак. Балки **уларнинг ҳожаси** бўлиб, ўз тасарруфига олиши даркор.»<sup>1</sup> Ояти карима «Оллоҳнинг ҳузурида эса ҳусни қайтар жой бор», деб якунланади. Бу жой — жаннати наимдир!

Мозийда ўтган валилардан бири «Дунё — ўткинчи меҳмонхонадир. Дунёдаги энг улуғ бойлик — **дунёга берилмаслиkdir**. Дунёни афзал билган киши зиллатга, хорликка ҳукм этилиб, ҳалок бўлур», деган экан. Яна ровийлар дерларки: дунё ясатилган келинчакка ўхшайдир. Кўзлар унга термулган, қалблар унга муштоқ, нафслар эса унга ошиқдур. У маккор эса, барча ошиқларни шафқатсиз ҳолда бирма-бир ҳалок қиласидир. Ҳаётдаги тириклар ўлганлардан, кейингилар олдингилардан **ибрат олмаслар...**

Хисоб-китоб қилинмасдан бурун **нафсини тийган** киши **ютади**. Нафси билан ғафлатда қолган эса, заарга учрайди.

Ғафлатда қолиб надомат чекканлар қанча?

Қабристон бизга сукунат олами бўлиб кўринади. Аслида оҳу фарёдлар ўлкасиdir! Биз бу фарёдларни эшитмаймиз, билмаймиз. Шу боис биз майитларнинг кечмишидан ибрат олмаймиз. Агар тинглай олганимизда эди...

«Мурдалар гапирмайдилар», деймиз. Бизга шундай туюлар? Балки улар гапиравлар, биз эшитмасмиз? Эшитсакми эди...

## МУҚАДДИМА

Нафисани қарғадилар:

— Ўйнаши билан ётган экан, шарманда!

...шарманда... шарманда...

— Сўйиб ўлдирибди. Худонинг ўзи жазолабди!

...ўзи жазолабди... жазолабди...

Нафисага ачиндилар:

— Тирноқقا зор ўтди, бечора...

...бечора... бечора...

Санжарни лаънатладилар:

— Суюқоёққа илакишиб юрган экан, йигит ўлгур!

...йигит ўлгур... йигит ўлгур...

— Тўрт боласи кўзига кўринмабди-да, ҳаромхўрга!

... ҳаромхўрга... ҳаромхўрга...

Санжарга ачиндилар:

— Қўй оғзидан чўп олмаган бола эди, бечора!

...бечора... бечора...

— Ўзи покиза эди, шайтон йўлдан урган!

...покиза эди... шайтон йўлдан урмаган... урмаган...

Икки мурда ўлиқхонада текширувчиларнинг ўткир тифини кутиб ётибди. Ҳадемай ўткир тифуларнинг қорни, кўкраги, бошини ёради. Ўлиқ ҳужайраларда яширинган ҳақиқатни ўқимоқчи бўлгандай титкилашади. Сўнг, ёрилган ерларини тикиб, мурдаларни эгаларига берадилар.

Нима учун ўлим топганларидан бехабар қолган икки одам эса, қиёматни кутиб ётмоғи учун қоронғу лаҳадга қўйилади.

Сўнг пичир-пичирлар:

«Хотинларга аралашадиган одати йўқ эди-ку?..»

«Фарқўз эди бу жувон...»

«Ким ўлдирган экан?»

<sup>1</sup> «Tafsiri hilol»dan.

«Ери аввал ҳам бир-икки ушлаб, кечирган экан. Лалайган бир эркак-да! Бу сафар чидолмабди, бояқиши...»

## **БИРИНЧИ БАЁН: ЯШАШ ҲУҚУҚИ**

### **АРРАЛАНГАН ДАРАХТ**

Үзини осмон тирговичи, деб фараз қилувчи кеккайган дараҳт жазосини арра берди: у ўзидан олдинги оғочлар қисматига етди — жон томири үзилиб, ерга узала тушди.

Турсунали бу манзарани дастлаб кўрганида ўзининг кечмишини шу дараҳт қисматига ўхшатган эди. Унинг қадди ҳам шу оғоч каби адл эди. У макон топган дараҳтзор, назарида даҳлсиз эди. Бу дараҳтзорда истаганича қўёшдан нур эмиши, ҳузурланиб чайқалиши мумкин эди. Томирлари тоборо кучлироқ қудрат касб этиб борарди. Аммо кутилмагандан унинг дараҳтзорига болта оралади: бир чеккадан чопа бошлади. Навбат ўзига етганида унтуилаётган ривоятни эслади. Эмишки, бир ўрмонда болта пайдо бўлиб, дараҳтларга қирғин келтирибди. Оғочлар унга қарши чора тополмай, қари Эмандан маслаҳат сўрашибди. «Болта деганларинг нима ўзи? У нимадан ишланган?» деб сўрабди Эман. «Болта — темирдан ясалган бир матоҳдир», деб жавоб берибдилар. «Ўзи-ку, темир экан, дастаси-чи? Дастаси ҳам темирданми?» деб сўрабди Эман. «Йўқ,— дебдилар, — дастаси — оғочдан, ўзимиздан». «Дастаси ўзимиздан бўлса, унга чора йўқ», деган экан Эман.

Турсунали макон топган «дараҳтзорда» «болта» пайдо бўлиши билан унга даста бўлишга ошиқувчилар кўпайди. Оқибатда Турсуналининг илдизлари чопилди-ю, совхоз директорлигидан райком саркотиблигига ўтаман, деб ният қилиб турган одам эгнига маҳбусларнинг пахталик калта чопонини кийиб, узоқ совуқ ўлкадаги дараҳт кесувчилар сафида ўзини кўрди. Уйқусиз кечаларда бу балога мубтало бўлиш сабабларини кўп ўйлади. Тузини еб тузлиғига тупургандарни лаънатлади. Дўст либосидаги илонлар бошини бирма-бир янчиши дилига тугди.

Худонинг қарфиши теккан бу жойларга келгунича бўлган ўтмиш кунларини эсласа, кўз олдини зулумот пардаси қоплайверади. Бу зулумотни гоҳи-гоҳида фақатгина бир нур ёритарди. Бу нур Нафисанинг чехрасидан тараларди. Шундай пайтда Нафисанинг димоғидан таралган илиқ нафас унга тириклик шуурини берарди. Азобли кечаларда ҳам фарзандларининг онаси, ҳалол жуфтига нисбатан шу Нафисани кўпроқ ўйларди, уни қўмсарди. Бунга баъзан ўзи ҳам ажабланарди. «Нима бу? Шунчалик қаттиқ севармидим?» деб ўйларди. Турсунали шаҳвоний ҳирс билан севги фарқини ажратা оловчи ақлга эга эмасди. Буни синамоқ учун Нафисага нисбатан ёшрок, гўзалроқ, ишвалари ширинроқ қиз рўпара қилинса, бас. У «севги» деб ўйлаб юрган туйғу ўларди-қоларди. Ҳозирча, Нафисанинг биринчи тунда шивирлаб айтган «Мунчалар яхши экансиз», деган гапи қулоғи остида турибди. Ўзга илиқ нафас билан айтилиши мумкин бўлган шундай сўз ўтмиш totли кечалар юзига қора парда тортмоғи та-йин. «Аҳмоқ бўлиб шу жувонга илакишиб юрган эканман. Дунёнинг лаззати бу ёқда экан-ку?» демоғи ҳам аниқ эди...

Аммо ҳозир, у буларни ўйламайди, орзу қилмайди. Унинг дарди ҳам, нияти ҳам бир — тезроқ бу ўлаксазордан қутулиш! Қачон, қандай қутулади, — бандасига қоронғи. Юртида унинг учун куйиб-еладиган, пул сарф қилиб озодликка чиқариш учун ташвиш чекадиган одами йўқ. Демак, яна ўн тўрт йил маҳбуслик либосида юрмоғи ростга ўхшаб турибди.

Турсунали ана шу оғир дард тоғини елкасига ортган ҳолда ўринга чўзилади, сахар чоғи шу юқ билан қаддини ростлайди. Баъзи эркаклар йиғлайдилар. Баъзилари дардларини айтиб, ҳасрат қиласидилар. Турсун-али дардини кимга айтсин, кимга йиғласин, кимга ҳасрат дастурхонини очсин?!.

Бир йигит келиб эди. Истарали бу йигитнинг покиза одам эканини юзидан ёғилиб турган нур ошкор этиб туради. Турсунали «Бу йигитни менга Яратганинг ўзи етказди», деб қувонган эди. Бугун бу қувонч ҳам балчикқа қоришадиганга ўхшаб турибди. Турсунали шу ҳавотирда дарё томонга қараб-қараб қўяди. Йигитни соҳилдаги қўлбола чайла томонга бошлаб кетгандар. Бу ерга келган кунининг ё учинчи, ё тўртинчи куни Турсунали ҳам шу чайлладаги сұхбатга чорланган эди. Ўшанда қўлига болта олиб, арралаб йикитилган дараҳт шохларини энди бутай бошлаган эди. Пачоқбурун бир маҳбус яқинлашиб, ҳе йўқ, бе йўқ:

— Эй, чучмек, юр бу ёқقا! — деб буюрди.

Турсунали у дамда осиёликларнинг «чучмек» деб аталишини билмас эди. Шу сабабли мурожаат кимга қаратилганини англамай:

— Менга айтяпсизми? — деб сўради.

Пачоқбурун ҳеч бир такаллуфсиз Турсунали томон чирт этиб тупурди-да, лабини кафти билан артди:

— Сенга айтяпман! — деб тўнфиллади.

Чакалак орасидаги ёлғизоёқ йўлдан бораётганида Турсуналининг юрагига ваҳм оралади. У қамоқ лагерларидағи одам ўлдиришлар ҳақида эшигтан эди. Бу Пачоқбуруннинг сўхтаси бунчалар совуқ бўлмаса! Онасидан туғилибоқ одамхўрликни касб қилиб олганини башарасининг ўзиёқ айтиб турибди. Ана шу башара Турсуналини қўрқувга солди. Агар ҳозир унга «бу одам қотил эмас, қулфбузарларнинг устаси», деб ҳақ гап айтилса ҳам ишонмаган бўларди.

«Ўлдиргани олиб кетяптими?» деб ўйлади Турсунали. Сўнг «Нимага ўлдиради? Эндиғина келган бўлсам?..» деб ўзига ўзи тасалли берди. Қамалганидан бери мутелик жандасини эгнига илиб, соқчи «юр» деб буюрганда юриб, «ўтириб!» деса ўтириб, «қўлингни орқага қил», деса қўлни орқага боғлаб туришга кўнишиб қолган Турсунали бу сафар ҳам юввош қўй каби «қассоб» — Пачоқбуруннинг етовида юриб борарди. Турсуналидан қўй ҳам тузук. Қўй қассобни кўрганида маъраб қўяди. Турсунали эса, ақалли бир оғиз гап айтишга ожиз.

Чакалакзордан ўтиб, дарё соҳилига чиқишиди. Шоҳшаббалардан ясалган қўлбола чайлага яқинлашганда Пачоқбурун орқасига ўгирилиб:

— Шу ерда тўхта! — деб буюрди.

«Юввош соқов қўй» амрга итоат этди.

Ҳали қуёш кўтарилиб, борлиқни илита олмаган бўлса-да, чайла хожаларидан икки киши ярим яланғоч ҳолда ўтириб тамадди қилишарди. Пачоқбурун уларга яқин бориб, буйруқ адо этилганини маълум қилгач, ҳожалардан бири Турсунали томон қараб қўйди-ю индамай лунжидаги таомни чайнайверди. Пачоқбурун у ерда, Турсунали эса йигирма қадам берида хода ютгандай тик туриб, уларнинг таомдан бўшашларини кутдилар. Нихоят, қорин тўйиб, нафс ором олгач, яқинлашмоққа ижозат бўлди.

Турсунали улардан бирини таниди: у ички қўшинлар маёри кийимида юрадиган, ошхонадаги тартибни кузатувчи одам эди. Резина таёфини кўз-кўз қилиб, ўйнатиб юрувчи бу маёр тартиб бузувчининг гарданига аямай уриб қоларди. Қўли қичиб турган бўлса-ю, тартиб бузилмаса, шўрвасини хўриллатиб ичаётган одамнинг ҳам гарданига тушириб қолишдан тоймасди. Маёр ошхонада кимнинг ёнига яқинлашса, ўша одам иложи бўлса, овқатни чайнамаёқ ютишга ҳаракат қиласди. Чайналмаган овқатни ошқозон ҳазм қилиб юборар, аммо гарданнинг резина таёқ зарбини ҳазм қилиши қийинроқ эди.

Турсунали яқинлашгач, маёр ўрнидан туриб, икки қадам наридаги кўкатлар устига ташланган кийимлар ёнидан таёфини олиб, чап кафтига уриб қўйди-да, унинг орқасига ўтди.

«Уради шекилли?» деб ўйлади Турсунали. Орқадан зарб кутгани учун у беихтиёр буқчайди. Ўтирган одам унинг бу ҳолатини кўриб кулди-да:

— Қўрқма, урмайди, — деб овутди.

Бу одамнинг кулиши ўзига ярашарди. Тимқора кўзлари Пачоқбурунники ёки орқада турган малла ма-ёрниги каби ёвузлик билан боқмасди. Қалдирғоч мўй-лаби ҳам ўзига ярашган эди. Шу сабабли Турсунали уни маҳбус эмас, шу ернинг катталаридан деб ўйлади.

— Мен — Тенгизман, ўтири, бугун сен менга қўноқсан.

Бу исмни эшитиб, Турсунали ажабланди. Чунки у келган куниёқ ётоқдаги қўшинисидан «Бу ернинг асл хўжайини полковник эмас, ашаддий ўғрибоши Тенгиз бўлади», деган гапни эшитганди. «Тенгиз» деганлари умри қамоқда ўтган, Пачоқбурун каби хунукбашара кекса одам деб ўйлаган эди. Ўзидан ёшроқ бир йигитнинг «Мен — Тенгизман», дейиши шу сабабли ҳам уни ажаблантириди.

— Гапимни эшитдингми? Кел, ўтири.

Турсунали итоат билан, худди қайнонасиникига биринчи марта келган уятчан куёв каби ўтириди. «Ол, е», деган таклифни ўринлатиб бажаролмади. Бир-икки тишлам нон еб, майдаланган гўштга қўл узатмади. Егиси келиб турган бўлса ҳам, кўнгли тортмади. Қамалгунига қадар овқатларнинг сарасини еб ўрганган одам дас-турхон устидагиларни сарқит деб билиб, ирганди. Мехмонга кечикироқ борса, дарҳол дастурхон янгиланаарди... Энди ўша кунларнинг садағаси кетса арзиди...

Ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатиб ўтирган Тенгиз нафсни енгишга нима сабаб бўлаётганини сезди:

— Ҳазар қиляпсанми? Нега емаяпсан?

— Ҳазар қилаётганим йўқ. Қорним тўқ.

— Ҳозирча янгисан. Яна уч-тўрт ой ўтсин, бирор чайнаб ташлаган чандирни ҳам кўзингга суртиб ейдиган бўлиб қоласан. Сен менга қўноқсан. Ол, е! Мени ранжитма!

Аввалги таклиф энди буйруққа айлангач, Турсун-али беихтиёр гўштга қўл узатди. Бу буйруқдан сўнг «қорни тўқ одам» дастурхонни ямлаб ютаёзди. У ов-қатланиб бўлгач, Тенгиз дастурхоннинг бир учини қа-йириб ёпди-да, Пачоқбурунга қаради. Буйруққа маҳтал турган мулозим бу қарашнинг маъносини уқиб, дастурхонни йиғиб олди-ю, нари кетди. Тенгиз ма-ёрга ҳам бир қараш қилган эди, у кийимларини қўлтиқлаб, чайла ортига ўтди.

— Тўхтаев, гап бундай, — деди Тенгиз холи қолишгач.

«Менинг фамилиямни қаердан била қолди?» — деб ажабланди Турсунали. Сўнг «қамоқ лагери бошлиғидан устунроқ мавқедаги одамга шуни билиш қийин эканми?» деб қўйди.

— Сен албатта тухмат билан қамалган бўлишинг керак, а?

Қора булут чоки сўқилиб, бирдан қуёш чараклагандай бўлди: Тенгиз Турсуналиниң кўнглидаги гапни топиб айтган эди.

— Ҳа, тухмат билан қамашди, — деди Турсунали ютиниб.

— Бу ердагиларнинг ҳаммаси ўзини пассажир<sup>2</sup> деб ҳисоблайди. Сени бу ерга тухмат бошлаб келмаган. Ҳасислик қилгансан. Пупкарларни вақтида мойлаш керак эди.

— Кимни?

— Милисани! Нима, бунаقا сўзларга тушунмайсанми?

— Уларни... роса мойлаганман. Бекорга еб кетишиди.

— Етарли мойламагансан. Молнинг чанқофини томизғичдаги томчи сувлар билан қондириб бўладими?

— Бизнинг иш Московнинг қўлида эди. Уларни челаклаб ҳам суфориб бўлмас экан.

— Бўлмайдиган иш йўқ бу дунёда, Тўхтаев! Нима учун Москва сенларга ёпишди, биласанми?

— Йўқ, билмайман.

— Отам раҳматли айтиб берардилар. Уруш маҳалида иккита ўзбекка битта милтиқ беришаркан. «Биттанг ўлсанг, иккинчинг олиб отаверасан», дейишаркан. Оталаринг шунга ҳам кўнишаверган. Сенлар ҳам оталарингга ўхшаган лақмасанлар. Аҳил эмассанлар. Бир-

<sup>2</sup> Passajir — tasodifan qamalgan odam.

бирларингни сотишни яхши кўрасанлар. Козёл<sup>3</sup> ҳам кўпроқ сенлардан чиқади. Сенга ўхшаган совхоз директори бошқа ерда йўқми? Муттаҳам, порахўр ҳамма ерда тўлиб ётибди. Бунақалар Арманистонда йўқми? Бе, сенлардан кўра кўпроқ у ерда. Лекин Гобелян у ёқقا бормайди. Ўзиникига тегмайди. Сенларнинг ярмингни қириб ташласа ҳам ғинг демайсан-да. Қани, Горбач арманиларга тегиб кўрсин-чи! Мос- квангнинг оёғини осмондан қилиб юборишади. Сенлар эса... — Тенгиз ҳафсаласи пир бўлиб қўл силтади. — Сенлар мишиқларингни оқизиб, «туҳматдан қамалдим», деб йиғлаб юраверасанлар. Энди гап шу, билмасанг билиб ол: мен — ўғриман! Очиқда юрганингда мендақалардан нафратланардинг, а?

— Йўқ... нега?

— Талмовсирама. Биз — ўғрилар, сенларнинг назарларингда энг пасткаш одамлармиз. Аслида эса, сенлар пасткашсанлар. Биз ўғримиз, бу билан фахрланамиз. Билиб қўй: энг ҳалол одамлар бизлармиз. Шунинг учун ҳам одамлар тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқига фақатгина бизлар эгамиз. «Честняга» деган сўзни эшитганмисан? Ана ўшалар бизлармиз. Бизда ҳалолликдан бир энлик ҳам нари-бери чекинилмайди. Дўстга хиёнат йўқ. Ким бунга журъат этса — боши кетади. Сенларда ҳалоллик борми? Садоқат борми? Йўқ! Ҳеч нарса йўқ! Олдингда икки йўл бор: агар тирик қолсанг, ўн тўрт йилдан кейин уйингга борасан. Умринг қисқа бўлса, шу ерда ўлиб кетасан. Билиб қўй, бу ерларда илонлар кўп. Бир чақишида ўлдиради. Агар хизматимизни бекаму кўст қилсанг, сени илонлардан ўзимиз қўриқлаймиз.

— Нима хизмат буюрсангиз... тайёрман!

— Нима бало, пионермисан, доим тайёрман, дейсан? Сен ўйлаб, шошилмай жавоб бер.

— Шошилсам-шошилмасам, менга суянидиган бир тоғ керак-ку?

— Тоғ, дедингми? Яхши айтдинг. Сен суянидиган тоғ бор. Аммо... — Тенгиз жилмайди. Бу жилмайиш аввалгидай беғубор эмас, балки айёрлик ели бор эди унда. — Аммо, суяниш учун тоғ ҳақини тўлашинг керак. Очиқлиқда ҳар ой маosh олардингми? Ҳа, олардинг. Худди шунга ўхшаб, суянидиган тоғ ҳақини ҳар ойда тўлаб турасан. Сен бугун бикса<sup>4</sup>нгга бир малява<sup>5</sup> ёзасан. Ҳар ойда пул юбориб туради.

— Пул? Қанчадан?

— Буни хат олиб борган одам айтади.

— Пулни бу ёқقا юборадими?

— Бу сенинг ишинг эмас. Пулни бизга тегишли одам бориб олади. Агар шартимизни бажармасанг, аввалига трамвайга қўямиз. Кейин беспределшик<sup>6</sup>нинг эрмагига топширамиз.

Ерталабки меҳмондорчилик ана шундай «шартномани имзолаш» билан якунланди. Шарт бажарилмаган тақдирда Турсунали ўзини қандай жазо кутишини кеч ётар маҳалида билди. Ётоқ қўшнисидан «трамвайга қўйиш» нима эканини сўраб, «сени ҳаммомга олиб кириб, йигирма-үттизтаси галма-гал «гаплашиб» чиқса — трамвай бўлади», деган жавобни олганида бадани музлаб кетди.

Хозир, чайла томонга қараб турган чоқда ҳам шу тадбир эсига тушиб, бир сесканди.

Кеча лагерга олиб келинган йигит Турсуналига хуш ёқиб, «менинг ҳалоскорим шу», деб ўйлаган эди. Ёши йигирма бешни қоралаган бу йигит ўзини Нуриддин деб таништириди. Беш йил муқаддам қамоққа солинган Нуриддин учун бу ер учинчи лагер эди. Бу ерга келгунинга қадар аввал Украина, сўнг Туркманистон қумликларида пишган бу йигит яна ўн йил умрини шундай сарсонлиқда ўтказмоққа маҳкум эди.

Нуриддиннинг дарҳол Тенгиз сұхбатига чорланиши қамоқхона олами қонунларидан узок бўлган Турсунали учун тушунарсиз эди.

<sup>3</sup> Kozyol — қатоқхона ma'muriyatiga faol yordamchi.

E s l a t m a: қатоқхонадагилар, xususan o'g'rilar tiliga xos ayrim iboralarni tarjima qilmay, aslicha yozishni ma'qul ko'rdik. (Muallif.)

<sup>4</sup> Biksa — хотин.

<sup>5</sup> Malyava — xat.

<sup>6</sup> Sadizmni xush ko'ruvchi, «qonundagi»larning odatini tan olmovchi, vahshiysifat odam.

Тенгиз Нуридиннің дастурхонга таклиф этмади — тоғликлар одатига содиқ қолмай, мәхмөнні иззат құлмади. Бир неча дақықа тик турған ҳолда гаплашишгач, чайладан бақувват йигит чиқди-ю, олишув бошланиб кетди. Тепадан кузатиб турған Турсунали йигиттә ачинди. Болтани құтариб юргиси, уни ҳимоя қылгиси келди. Аммо бу хоҳиш чақмоқ умри каби қисқа әди. Хоҳиш чақмоғи сўниб, жони кўзига кўрингач, ўзини тийди.

— Ҳай Чучмек! Сен учун мен ишлайманми?

Бу овоз Турсуналини ҳушига келтирди. Чайла томонга бошқа қарамай, дараҳт шохларини бутай кетди.

Пастда нима воқеа юз берганини ўнг қоши ёрилган, чап билаги тилинган, бадани мушт ва тепки зарбларидан мўматалоқ бўлган Нуридин ётар маҳалида айтиб берди.

### «ИМОМ ҲАМЗАТ»

Бундай сұхбатта чорланиш Нуридин учун янгилик эмасди.

Чакалакзордан ўтиб, соҳилга яқынлашганида чайладан Тенгиз чиқди. Пачоқбуруннинг амри билан Нуридин берироқда тұхтади. Тенгиз унинг рўпарасида туриб олиб, бошдан-оёқ тикилди. Сўнг у томон уч-тўрт қадам қўйди.

— Сенга «ееш-шак» деб лақаб қўйишибди. Нима учун айнан «ееш-шак»?

Нуридин Тенгиз тикилганида кўзларини олиб қочмади. «Сендан кўрқадиган одам эмасман», дегандай тик боққанича тураверди.

— Гапимга жавоб бер: нима учун сени «ееш-шак» дейишиди?

— Ўзларига ўхшатишмоқчи бўлишгандир.

— Шунақами? — Тенгиз истеҳзоли жилмайди. — Сен қайсар эмишсанми?

— Беайб Парвардигор.

— Шунақами? — Тенгиз унга янада яқынлашди. — Шеригингни нима учун отиб ташлаган эдинг?

— Аблаҳлиги учун.

— Кофирлиги учун эмасми?

— Кофирнинг ҳам инсофлиси, виждонлиси бор. Кофирнинг ҳам ўзига яраша эътиқоди бўлади. У кофир эмас, абраҳ әди.

— Бубликни танийсан, а?

Танимай-чи?! Нуридин Туркманистондаги лагерга келганидан то кетгунича у билан итмушук бўлиб яшади. Қошларигача қириб юрувчи бу одамни ҳамма «Бублик» дер, кўпчилик ундан ҳайиқиб юрарди. Нуридин эса, унга «маймун» деб лақаб бериб, бўйсунишни истамаган әди.

— Бубликни танийсан, — деди Тенгиз ундан жавоб кутмай. — Бублик сендан хафа. Хизматидан бўйин товлабсан. Нега хизматини қилмадинг?

— Мен унинг қули эмасман.

— Қизиқ... қизиқ... сен янглишма, эш... бола, кимdir кимгадир қул бўлиши керак. Бу дунё ўзи шунақа. Сенинг қулликдан ўзга чоранг йўқ. Ё қул бўлиб яшайсан, ёки ўласан!

— Одамнинг қуллиги тўғри. Лекин сиз ҳам янглишманг. Одам фақат Яратгангагина қулдир. Банда бандага қул бўлмайди. Айниқса, мусулмон кофирга қул бўлмайди.

— Мен Тенгизман! Менинг хизматимни қиласанми?

— Йўқ.

— Ўйлаб жавоб бер.

— Бубликка нима жавоб қилсам, сизга ҳам жавобим шу.

— Мендан кўрқмайсанми?

— Нега қўрқишим керак? — Нуридин унга тик қараганича жилмайди. — Сиз мени урарсиз, нари борса ўлдиарсиз. Одамлар ўлимдан кўрқадилар. Уларнинг нодонлиги ҳам шунда. Қўрқса-

кўрқмаса барибир ўлади-ку? Мен ўлимдан кўрқмайман. Демак, сиздан ҳам кўрқмайман. Мен фақат Оллоҳдан кўрқаман.

— Дурустсан, бола! Аммо ўлимнинг ҳар хили бўлади. Ёшлиқда ўлиб кетавериш алам қилади. Мен, масалан, ҳозир ўлишни истамайман. Ҳали кўп яашим керак. Кўп одамлар билан ҳисоб-китобим бор.

— Бу сиз билан менинг истагимга қараб бўладиган иш эмас. Бу ёғи тақдир ёзуғимизга боғлиқ. Лекин Худо сизга узоқ умр бериши мумкин.

— Нега? — Тенгиз Нуридиннинг гапидан чиндан ҳам ажабланди.

— Оллоҳнинг ваъдаси бор: баъзи одамлар янада кўпроқ гуноҳ қилиб олиши учун умрини узоқ қиласа экан.

Бу гап Тенгизга ёқмади:

— Ўчир овозингни! — деб жеркиб берди.

— Бу менинг гапларим эмас...

— Ўчир, деяпман! Менга қара, қайсарлигинг учун сенга «еш-шак» деб лақаб беришган. Хўш, эш-шаклигинчча қоласанми ё биз айтган йўлга юрасанми?

— Сиз айтган йўлга юрмайман, овора бўлманг.

— Унда ўласан.

— Буни Худо билади.

— Яхши, мардлигинг ҳам бор экан. Майли, сени итдай хорлатиб ўлдирмайман, эркақдай ўлишинг учун имконият яратиб бераман. Менинг одамим билан яккама-якка олишасан. Танла: мушт биланми ё тиф биланми?

— Танлаш ҳуқуқини сизларга бердим. Одамингизнинг чоғи нимага келса, шундай олишсин.

— Катта кетма бола! Демак, бундай: аввал мушт билан, кейин тиф билан!

Рақибини пичоқ билан нобуд қилгудай бўлса, бошига балолар орттириши мумкинлигини билган Нуридин тифни рад этди:

— Иккала имкониятни одамингизга бердим. Мен муштимга ишонаман.

— Катта кетяпсан, бола! Билиб қўй: бу олишувда фақат битта одам тирик қолади.

Тенгиз шундай деб уч қадам чекинди-да:

— Бифштекс! — деб чақирди.

Мушаклари ўйнаб турган баланд бўйли йигит ҳаялламади. Ҳарқандай рақибини қиймалаб ташлашга қодир бўлгани учун «Бифштекс» лақабини олган бу йигит Тенгизнинг биргина имосидан мақсадини англаб, жанг-га ҳозирланди. Тенгиз ҳали жанг майдонини бўшатмай туриб, кескин тарзда бир айланди-да, рақибининг жағини мўлжаллаб тепмоқчи бўлди. Нуридин гарчи бу қадар тез ҳамлани кутмаган бўлса-да, жангга шай эди. Шу боис жағини тепки зарбига рўпара қилиб қўймади. Кескин энгашиб, шу аснода муштини ишга солишга улгурди. Бифштекс кучли зарбага мўлжаллаб ҳаволатилган оёғини идора қилишга улгурмай нозик еридан мушт еб, букчайиб қолди. Нафаси қайтиб, инг-раб юборди. Нуридин унинг ўзига келиб олишини кутиб, чекинди.

— Пайти келганда уриб қол! — деди Тенгиз.

— Мен номард эмасман, — деди Нуридин рақибидан кўз узмай.

— Унда ўзингдан кўр. У сенга меҳрибонлик қилиб ўтирумайди.

— Меҳрибонлигига зор эмасман.

— Ростдан ҳам эш-шак экансан! — Тенгиз шундай деб сигарет тутатди. Сўнг ўзини ҳануз ўнглай олмаётган мулозимининг кетига тепди. — Бир муштлик ҳолинг борми, бундан кўра ўлганинг яхшимасми? Бўлдими, кетаверсинми?

— Йў-ўқ! Бу ердан битта одам кетади. Мен ҳозир уни қиймалаб ташлайман. — Бифштекс шундай деб чўнтағидан буқлама пичоқ чиқариб, тугмачасини босди; дудама тиф офтобда ялтиллаб кетди.

Нуридин учун бу биринчи олишув эмасди. Шу сабабли довдираб қолмади. Енгил ҳаракат қилганича Бифштексни чалғитиб, бирин-сирин зарбалар бера бошлади. Фақат бир марта тиф унинг чап билагини тилиб ўтди. Тилинган ердан сизиб чиқкан қонни кўриб, Бифштекс мамнун жилмайди. Буни жон олғувчи асосий зарбанинг дебочаси деб ўйлади. Ҳа, чиндан ҳам бу асосий зарбаларнинг бошланмаси эди. Аммо зарбаларни у эмас, Нуридин берди. Кетма-кет тепки зарбалари унинг ҳаёт-мамотини ҳал қилди: аввал жағи синиб, ияги узилиб, учиб кетай деди. Кейинги тепки бўғзини пачоқлади. Нафаси бўғилди. Кўзига қон тўлган Нуридин унинг бу ҳолини кўрмади. Чаққон сакради-да, иккала оёғи билан унинг кўкрагини мўлжаллаб тепди. Тепиши асносида ўзи ҳам чалқанча йиқилиб, бир неча нафас ҳушини йўқотди. Ҳушига келгач, тепасида пичноқ санчишга тайёр турган Бифштекс пайдо бўлишини кутди. Сакраб турмоқчи эди, бадани ўзига бўйсунмади. Яна икки-уч нафас беҳол ётиб, сўнг қаддини аста кўтарди. Тўрт-беш қадам нарида узала тушган Бифштексни, тиз чўканича унинг билагини ушлаб кўраётган Пачоқбурунни, унинг тепасида сигарет тутатиб турган Тенгизни кўриб, олишув якунланганини фаҳмлади.

— Ўлибдими? — деди Тенгиз, сигарет қолдиғини нари улоқтириб. — Ўлибдими?! Нега бақага ўхшаб анграясан?

Пачоқбурун тасдиқ ишорасини қилиб ўрнидан турди. Тенгиз орқасига ўгирилиб, Нуридин томон юрди.

— Кўрдингми? Ўлиби. Энг яхши одамимни ўлдирдинг. Хўш, энди нима қиламиз? Қолган ўн ийилингни йигирма бешга айлантирамизми? Ё менга қўшиласанми?

Нуридин ўрнидан туриб, лабидаги қонни артди.

— Сизга қўшилсам, уришиб ўтирмас эдим.

— Сен олифтагарчиллик қилма, барibir синасан.

— Синишдан олдин ўзимни ўлдираман.

Тенгиз бир сўқинди-да, ўгирилиб, Пачоқбурунга бақирди:

— Нимага лалляясан?! Кўтар, дарёга ташла. Кум<sup>7</sup>га бориб, Бифштекс қочди, деб айт. Кейин лепила<sup>8</sup>ни бошлаб кел.

Қамоқ лагерининг табиби муолижа қилиб кетгач, Тенгиз Нуридинни чайлага бошлади. Эски газеталардан иборат «дастурхон» усти бетартиб эди. Пачоқбурун кириб, чала ейилган нонгўштларни йиғишириб чиқиб кетгач, Тенгиз алюмин кружкага тўлатиб ароқ қўйди-да, меҳмонга узатди. Нуридин уни олиш учун қўл ҳам узатмади.

— Ҳа, — деди Тенгиз, қошларини чимириб. — Ҳазар қиляпсанми?

— Ичмайман, — деди Нуридин. Сўнг таранг вазиятни юмшатиш мақсадида қўшиб қўйди: — Шу пайтгача ичмаганман.

— Намоз ўқийсанми?

— Йўқ.

— Унда менга ўхшаган чала мусулмон экансан. Ичмайдиган одамларни ҳурмат қиламан. Ичишни анави тўнғизларга чиқарган. Бу нима, биласанми?

— Ароқни айтяпсизми?

— Ҳа, сен билан мен буни ароқ деймиз. Аслида бу бизнинг миллатимизни қириб ташловчи атом бомба. Бу энағарлар бизларни қандай қуритишни билишган. Сен билан биз бунинг фаҳмига бормай ичаверамиз, ичаверамиз. Ичиб олиб болаларни туғдираверамиз. Бориб-бориб миллат қирилиб кетганини билмай қоламиз. Сенлар кўпсанлар, унча билинмас балки. Аммо биз каммиз. Ҳадемай қирилиб битамиз.

— Сиз... грузинмисиз?

— Йўқ... — Тенгиз мийиғида кулди: — Мен — аварман! — Тенгиз бу гапни ифтихор билан айтди. — Авар деган ҳалқ бор бу дунёда, эшитганмисан?

<sup>7</sup> Lager boshlig'i.

<sup>8</sup> Do'xtir

Нуридин эшитмаган эди. Бир оз хижолат бўлгани ҳолда бу ҳақиқатни тан олди.

— Сен мени гуржига ўхшатма. Улар Қофқазни сотишган. Менинг боболарим эса қофқазимизни бу кофир тўнғизлардан ҳимоя қилган. Ином Ҳамзат, имом Шомил, Ҳожимуродларни эшитганмисан? Ҳа, эшитмагансан.

— Мен... ўқимаганман. Саккизинчини битириб, далага чиқиб кетганман. Кейин ҳарбийга чақиришиб, Аффонга ташлашди. Кейин бу ерлар... Қўлимга битта китоб олиб ўқимаганман сира.

— Унда сени «еш-шак» деганлари тўғри экан. Қайсарлигинг учун эмас, ўқимаганинг сабабли эш-шаксан. Ўқимаган одамнинг эш-шакдан нима фарқи бор? Сен менинг тарихимни билмайсан. Ўзингникини биласанми? Сенинг ҳамзатларинг, шомилларинг борми? Билмайсан! Эш-шак ҳам ўзининг ота-боболарини билмайди. Гапларимга ҳайрон бўляпсанми? «Ўғридан ҳам шунаقا гаплар чиқадими?» деяпсанми? Мен ўғри бўлиб туғилмаган эдим. Ота-бобом ҳам ўғри эмасди. Мен ўзимникларнинг ушоғига ҳам хиёнат қилмаганман. Мен еримга ўғри бўлиб босиб кирганларнинг мол-жонига қирон келтираман. Мен ўғри эмас, қасоскор, хунхўрман! Аммо ўғри деган унвонни олганман. Мен учун қасоснинг ўзгача йўли йўқ. Биласанми, мен салкам олий маълумотли файласуфман. Ҳа... мени тўртинчи курсдалигимда ҳайдашган. Ленинградда ўқирдим. Бир профессор бор эди, — Тенгиз шундай деб истеҳзоли жилмайди. — Николай Александрович Сагоев деган. Қизиқ, а? Исли ўрисча, насиби тоғликларники. Кейин билсам асли Назир Алиевич Сагоев экан. Тилимни тиёлмай ўшанга бир куни айтдим: «Мухтарам профессор, майли, ўзингизнинг исмингизни ўрисча қилибсиз, отангизнинг шундай чиройли исмини нега ўзгартирасиз? Сизда тоғликлар номусидан заррача борми?» дедим. У энағар мени комсомол мажлисига қўйди. Менинг қайсарлигим тутиб, мажлисда аварча гапирдим. Ўша профессорнинг ўзи таржима қилиб турди. Ўрис деганларнинг жазавалари тутганини кўрсанг эди. Қўлларидан келгани — мени комсомолларидан ҳайдашди. Шартта туриб: «Мен аварман! Аварлигимча ўламан! Тупурдим сенларга!» дедим. Шу баҳона бўлиб ўқишдан ҳайдашди. Кейин мен бу «ўқишига» кирдим. Биринчи қилган ишим — Сагоевнинг уйини босдим. Авар княzlари ҳам унчалик бой бўлишмагандир. Тоғлик йигитларни ўқишига киритиб қўяман, деб тозза шилар эди у энағар. Уйини шилиб, қолган-қутганини ёқиб юбордим. Ўн йил бадалида икки марта қўлга тушиб, пишдим. Ўн биринчи йили «қонундаги ўғри» мартабасини бериб, менга тож кийдиришди. Энди билдингми, кимлигимни? Бу тўнғизлар мени қул қилиш учун еримга бостириб киришган эди. Энди уларнинг ўzlари менинг қулим. Бифштексни ўлдирганинг учун заррача афсусланмадим. Бу энағарлар қанча кўп ўлса, шунча яхши. Сен эса... яшашинг керак! Мен сенга «Ҳамзат» деб ном бераман. Шомил билан Ҳожимурод ҳам бизнинг қаҳрамонларимиз. Лекин мен уларни унча яхши кўрмайман. Улар охири синишган. Ўрисга таслим бўлишган. Ҳамзат эса, синиш у ёқда турсин, ҳатто салгина эгилмади. Жойнамознинг устида боши узилди. Сенда ҳам шунга яқин фазилат кўрдим. Шунинг учун сенга меҳрим тушди. Шунинг учун бу гапларни сенга айтяпман. Аммо сен бола, қайсарлигинги арzon баҳога сотар экансан. Сен майда-чуйда гаплардан устун тур. Сен миллат учун собит бўлишни ўрган. Шунга ақлинг етадими? Йўқ, етмайди... Афсус, афсус, етмайди. Мен ўзбеклар орасида сенга ўхшаган мардини кам кўрганман. Сенларнинг синишларинг осон. Сен бу ерлардан синмайдиган одам бўлиб чиқ. Кўзларингни очиб, одам бўлиб чиқ! Ҳамзат, бир куни келиб гапларимни эслайсан. Ана шунда бу ўғри унчалик аҳмақ эмас экан, деб тан оласан.

Ҳаёт-мамот олишуви Нуридин, эндиликда Ҳамзат учун кутилмаган ҳодиса эди. Қаҳрли ўғрининг бу гаплари эса, мутлақ кутилмаган ҳол бўлди. Бу гапларнинг мағзини чақишига ҳаракат қилди. Кейинги учрашувларда яна шу ҳақда гап очилармикин, деб кутди. Бироқ, Тенгиз қаҳрли ўғрибоши либосини ечиб, очилиб гаплашмади. Фақат анча кейин, ноҳуш воқеалар сўнгиди, ажралар маҳалларида «Сен менинг ҳимоямдасан. Мен ўлсам, одамларим ҳимоя қиладилар. Сен ўша кунги гапларимни унутмасанг бўлди: асло сина кўрма!» деб таъкидлади.

## «МУРИК»

Қамоқ оламининг икки тартиб-интизоми бор. Биринчисига ҳуқуқ идоралари тартиб берганлар. Буниси қофозга тушган, муҳрланган. Унга кўп ҳолда амал қилинмайди. Иккинчиси қофозга ёзилмаган, муҳрланмаган. Аммо унга бехато тарзда бўйсунилади. Қонундаги ўғрилар томонидан жорий этилган тартиб-қоидаларнинг бузилиши улуғ бир фожия саналиб, бузғунчи кечирилмайди.

Қамоқхоналар, лагерлар гарчи симтўсиқлар билан ўралиб, қуролли соқчилар билан қўриқланса-да, ўғрилар турли ўлкаларга сочиб юборилган бўлса-да, уларни бир-бирларига боғлаб турувчи ботиний робита ғоят мустаҳкам эди. Белоруссиядаги лагерда бўлаётган гапларни Москвадаги генераллардан аввал Воркутадаги маҳбуслар эшитишарди. «Лагер телетайпи» деб номланувчи хабар хизмати бехато ишларди. Генераллар ботиний занжир мавжудлигини, унинг ҳар бир ҳал-қасини билишса-да, ўзларини билмаганга олишарди. Ҳалқаларни узиб ташлаш қўлларидан келса-да, ботина олишмас эди. Зоро, таъбир жоиз бўлса, ўzlари ҳам шу занжирнинг бир ҳалқаси эдилар.

Тартиб этилган қоидаларга кўра, «лагер телетайпи» Мурикнинг бу томонларга келишини ўн беш кун аввал маълум қилган эди.

Дараҳт кесиладиган жой ўзгариб, дарё соҳилидаги чайла ҳам кўчирилган эди. Қуёш ёз фаслига хиёнат қилиб, кузнинг заҳарли нафаси ҳукмини ўтказа бошлагани учун чайлага жойлашган «политбюро»нинг «штаб-квартира»си баракка кўчирилган эди. Бу ерларнинг бетайин ҳавоси ўзини намойиш этган — эзib ёқсан ёмғирдан сўнг оз фурсат юз очувчи офтоб баданга ҳарорат беришга улгура олмас ҳам эди. Маҳбусларни қийратиб ташлаган чивинлар келгуси ёзда учрашиш умидида иссиқ уяларига кириб кетганлар. Чивинлар азобидан қутулган маҳбуслар учун шу шилта аёзли мавсум аълороқ туюлар эди.

Егнига пахтали калта тўн, бошига телпакни қийшайтириб кийиб олган Тенгиз нам тортган ҳашак устида узала тушиб ётганича пинакка кетган эди. Пачоқбурун кириб, унинг оромини бузди.

— Нима дейсан? — Тенгиз эснаб, қаддини кўтарди.

— Находкадан қсива бор.

— Ўқи, кимдан экан?

— Гарбуздан.

— Гарбуз? — Тенгиз «ким экан у?» деб ўйлади. Ҳар қанча тиришса ҳам Гарбузниң ким эканини эслай олмади. Унинг хотираси яхши эди. Бир кўрган одамини, бир марта эшитган исмни ўн йилдан кейин ҳам қийналмай эсларди. Ленинградда ўқиб юрган кезлари у бошқа талабалар каби дафтар тутмас эди, муал-лимларнинг маърузаларини ёзмас эди, хотирасида сақлаб қоларди. «Менинг дарсимни менсимайсан», деб даъво қилган муаллимга Лениннинг «Фалсафа дафтари»дан бир неча саҳифани ёддан айтиб бергач, дўстлари уни «тирик компьютер» деб атай бошлаган эдилар. Ана шундай мукаммал хотира эгаси Гарбузни эслай олмади. Пачоқбурун хатни ўқий бошлагач, масала ойдинлашди. Пачоқбуруннинг фақат бурни эмас, билими ҳам пачоқина эди. Бешинчи синфда икки йил сабот билан ўқигач, олтинчи синфга бормай қўя қолганди. Рус алифбосидаги ўттиз уч ҳарфнинг teng ярмидан кўпроғини, яъни нақ ўн етти ҳарфни эркин ўқий олиш мартабасига етган бу «дониш»нинг ўзига ўхшаш бир ўғри қўли билан ёзилган мактубни ҳижжалаб ўқишини тасаввур қилинг-у, Тенгизнинг чидамига қойил қолаверинг. Аммо Тенгиз ҳам темирдан эмас. Уч-тўрт жумла ўқилгунча чидади, сўнг хатни Пачоқбуруннинг қўлидан юлқиб олди. Катак дафтар саҳифасининг бир бурчи йиртилиб, Пачоқбуруннинг бармоқлари орасида қолди. Хатга кўз югуртирган Тенгизнинг юраги баттар сиқилди. Бу одам қўли билан ёзилган хатми ёки сиёҳга ботириб қофоз устига қўйиб юборилган ўрмон чумолисининг изларими, буни эксперт аниқлаб бермаса, оддий одамнинг фарқлаши қийин эди. Тенгиз унда-бунда ҳарфни эслатувчи белгиларни қўшиб, бир амаллаб ўқий бошлади:

«Үғрилар омон бўлсин!

Салом, Тенгиз, салом қориндошим! Сенга етиб маълум бўлсинким, бу мен — Олег «Гарбуз»ман. Сенга ва Иркутск тсентралидаги барча үғриларга, «политбюро» аъзоларига, сизларнинг елқадошларингизга биродарлик саломларим бўлсин! Қимматбаҳо саломатликлар қалай? Худо барчаларингизга узоқ йиллар омонлик берсин.

Қориндошлар, жондош үғрилар, бизнинг Находкада мендан ташқари Валдемар «Олов», Борис «Шимол» ҳам бор. Биз уч үғримиз, аммо ҳалигача биронтамиз тож кийиш баҳтига мияссар бўлмаганмиз. Малявамнинг дастлабки сатрларидаёқ ўз муроду мақсадимни баён қила қолай: мен сиз меҳрибон үғриларнинг бирингизга ука, бирингизга дўст, улуғларга эса үғил ёки жиян бўлиб, мўътабар үғрилар оиласининг тенг аъзоси сифатида қаторларингизга кирмоқликни орзу қиляпман. Мен бундан буёнги ҳаётимни үғрилик меҳробига атадим. Бундан буён сиз меҳрибон зотлар билан елкама елка туриб, барча дарду аламларни бирга тотмоққа, тенг баҳам кўрмоққа қарор қилдим.

Қадрдоним Тенгиз! Мен қамоқда ҳали кўп ўтираман. Үғриларнинг муқаддас оиласига аъзо бўлсан, «қонундаги ўғри» тожига лозим қўрилсан, балки қолган умримни ҳам қамоқда ўтказарман. Бу масалада сизлар нима ирова қилсангиз, шу бўлади. Мен озодликда юрганимда сизлар ҳақингизда кўп эшитганман. Сизлар томонга интилганман. Бироқ, сизлар билан юзмаюз учрашиш баҳти менга насиб этмади. Хатимни ўқиб бўлгач, барча камчилигу гуноҳларимни ёзиб юборарсизлар. Сизларнинг кўрсатмаларингизга амал қилиб, бундан кейинги ҳаётим масалаларини үғрилар қоидасига хилоф қилмаган ҳолда ечиб борайин. Мен қандай оғир кунларда сизларни безовта қилаётганимни билиб турибман. Илтимосим қабул қилинган тақдирда рўпарамда қандай машақкатлар турганини ҳам ҳис этяпман. Бу сатрларни ёзиш ҳам менга осон бўлмади. Бу хат ўзимнинг ҳаётим хусусидаги бир ҳукмдир. Сўнгги нафасимга қадар үғриларнинг улуғ оиласига содик қул бўлиб хизмат қиласман. Агар у дунёда ҳам үғрилик ҳаётини давом эттириш лозим бўлса, у дунёда ҳам фақат үғрилар оиласига қулман.

Азиз ва қондош үғрилар! Энди ўзим ҳақимдаги маълумотни ёзай: мен тулаликман. Биринчи марта 1978 йил 2 март куни машина ўғирлаш пайтида қўлга тушиб, олти йилга қамалдим. Бир йилдан сўнг ўсмирлар қамоқ лагеридан катталарникига ўтдим. Икки йил Ярославлда ўтиредим. Сўнг «Етап» билан Лвовга юборилдим. Зеквагонда Серёжа «Оққуш» билан танишдим. У менга кўп нарсаларни ўргатди. Лвовда эканимда үғрилар қурултойи бўлди. Саксон тўртинчи йилда озодликка чиқдим. Ўн беш кундан сўнг 212-модданинг учинчи банди билан яна беш йил беришди. Ҳали Туладаги қамоқда эканимда үғриларнинг қурултойи бўлди. Витя «Калина», Султон Чечен билан шунда танишдим. (Султонни Худо раҳмат қилсин, ётган ери момик бўлсин!) Султон мени лагердаги тартибга бошлиқ қилиб кетди. Кўп ўтмай промзона коменданти ўлдирилиб, ҳамма ёқ ағдар-тўнтар бўлди. Комендант зонада қанжиқ-мусорларнинг қурултойини ўтказмоқчи эди. Менинг бўйнимга ҳеч нима илиша олмади. Аммо Тверга боргач, яна бир ярим йилни бўйнимга илишди. Бу ерда бошқа үғрилар бўлмагани сабабли сизларнинг биродарингиз Остап «Жанжал» бу ердаги тартиб-интизомни бошқаришни менга топширди. Бу ишонч мен учун катта баҳт эди!

Учинчи марта банкка ҳужум қилганимда қўлга тушиб, мана шу ерда ўтирибман.

Илтимосимга жавобни сабрсизлик билан кутаман.

Сиз — энг меҳрибон, энг ҳалол үғриларга мустаҳкам соғлиқ ва озодлик тилайман.

Сиз улуғ зотларни ғойибона бир-бир бағрига босувчи тулалик Олег «Гарбуз». 26.08.1988. Находка.»

Тенгиз хатни ўқиб бўлгунича кўзлари тиниб, гарданида оғриқ пайдо бўлди. Аввал мижжаларини енгил уқалаб, сўнг гарданини силади. «Битхат бўлса ҳам гапларни топиб ёзаркан. Агар ўзининг калласидан чиқариб ёзган бўлса, аҳмоққа ўхшамайди, — деб ўйлади Тенгиз. — Лекин... Нима учун шу пайтгача у ҳаёда эшитмаган эканман?» Тенгиз шу хаёл билан Пачоқбурунга қаради. У буйруққа маҳтал ҳолда сомелик ила турарди.

— «Политбюро»ни тўпла.

Еътиборли ўғриларни ярим соат ичидаги тўплаб келиш учун Пачоқбурунга шу қисқа буйруқнинг ўзи кифоя қилди.

«Политбюро» деганлари тождор ўғрилардан иборат кенгаш эди. Гарчи Тенгизнинг обрўйи қамоқ лагери бошлиғидан ҳам баландроқ бўлса-да, айрим масалаларда бу кенгаш ҳукмига хилоф иш кўришга ҳуқуқи йўқ эди.

Бифштекс ўлдирилганидан бери «политбюро» йиғилмаган эди. Ҳа, ўшанда Тенгиз бир адашди. У аслида Нуриддиннинг адабини бериб қўймоқчи эди, сўнг ўзи томон оғдирмоқчи эди. Ҳирсдай Бифштекснинг бир тепки билан ўлиб қолиши хаёлига ҳам келмаган эди.

Лагерда Бифштекснинг «қочгани» ҳақида хабар тар-қалиши билан Валера «Қўтос» деб лақаб олган «политбюро оқсоқоли» Тенгизни чақиртириди. Қўтос қолган умрини қамоқ лагерига бағишилаган ўғрилардан эди. У озодликка чиқишини истамасди. Қамоқ муддати ниҳоясига етадиганда бир қилиқ чиқаради-ю, ўзининг таъбири билан айтилганда, «курорт мавсуми чўзиларди». Унинг асосий вазифаси — келажакда улуғ ўғри бўлиб етишиши мумкин бўлган йигитларни аниқлаб, тарбиялаш эди. Шу жиҳатдан қаралганда Нуриддиннинг тарбияси билан аввал «Қўтос» шуғулланиши лозим эди.

Қўтоснинг йўқлови Тенгиз учун кутилмаган бўлмади. Бугунми-ертами барibir рўпара бўлишини билиб, жавобларни тайёрлаб қўйган эди. Аммо Қўтоснинг белгиланган баракда якка ўзи эмас, «политбюро» аъзолари билан биргаликда кутиб олгани Тенгиз учун кутилмаган ҳол бўлди. Хаёлига «нима бу, тўнтаришми?» деган фикр чақмоқ нуридай урилди-ю, ўша заҳоти сўнди. Чунки Тенгиз шундай бўлган тақдирда ҳам оғир аҳволда қолмаслигини биларди. Бунга ўхшаш исёнларнинг ҳисоб-китобини қилиб қўйгани учун хотиржамлигини йўқотмади.

Қофқазлик тождор ўғрилар билан ҳазиллашиб бўл-маслигини билган «политбюро» аъзоларида Тенгизга қарши бир иш юритиш фикри йўқ эди. Улар фақат Бифштекс тақдирини ойдинлаштириб олмоқчи эдилар.

Тенгиз остона ҳатлаши билан Қўтос ўрнидан турди-да, унга пешвоз чиқди.

— Княз, сен хафа бўлма, фавқулодда ҳол бизни тўпланишга мажбур этди, — деди у, Тенгизга кўл узатиб.

Қофқазлик тождор ўғрилар ўзларининг келиб чиқишлиарини машҳур князларга боғлаганликлари учун асосий лақаблари қолиб, ҳурмат юзасидан уларга «княз» деб мурожаат қилиш ўғрилар оламида одат тусига кирган эди. Бу одат барча «княз»лар қаторида Тенгизга ҳам ёқар эди. Етти пушти олиймақом хонадонга йўламаса ҳам у ўзини чинакам княз ҳис қиласди. Қўтоснинг «княз» деб мурожаат қилиши эса вазиятнинг айтарли кескин эмаслигига далолат эди.

Тенгиз йиғилганлар билан бирма-бир кўришгач, тўрга ўтди. Қўтос унинг ёнига ўтириди. Тенгиз сигарет тутатгач, Қўтосга юзланди:

— Нима бўлди?

— Бизни Бифштекс қизиқтиряпти. У ҳамиша сенинг ёнингда бўларди?

— Ҳа, бўларди, — деди Тенгиз хотиржам равишда. Сўнг худди оддий бир хабарни эслагандай қўшиб қўйди: — Ўлмасидан илгари...

— Ўлдими? — Қўтос ажабланиб, тўплангандарга қараб олди. Улар ҳам ҳайратларини яширмай Тенгизга тикилишиди. Лагер ҳаётида бирорни ўлдириш, ёки итдай ўлиб кетиш айтарли ажабланарли ҳол эмас. Тождор ўғриларни ҳайратга соглан нарса — яқин одамларининг ўлими тафсилотидан вақтида хабар топмагандарида эди. Агар шерикларига бу оламга бегона кимса қасд қилган бўлса, кечиктирмай жазолашлари шарт. Тенгиз уларнинг бу фикрини ҳам уқса-да, жавобга шошилмади. Сигаретни яна икки-уч, чуқур-чуқур тортиб, нафсини ором топтиргандан кейингина жавоб берди:

— Ҳа, ўлди. Бир мишиқини эплай олмади. Адабини бериб қўй, девдим, бир тепкини кўтара олмай ўлди. Бола бало экан.

— Ким? Сен уни ўлдирдингми? — Бу сафар Қўтоснинг овозида таҳдид сезилди.  
— Айб у болада эмас.  
— Кимлигини айт бизга!  
— Билишга қизиқаётган бўлсаларинг айтаман: «Ешшак», Бубликка эгилмаган бола.  
— Уни менга қўйиб беришинг керак эди?  
— Бўлар иш бўлди энди. Мен синаб қўрдим — мард бола экан. Яхшилаб тарбия қилсанг зўр ўғри чиқади ундан. Аммо у энди у «ешишак» эмас, номи «Ҳамзат» бўлади.  
— Нега?  
— Мен шуни хоҳладим.  
— Княз, сен ҳаддингдан ошма! — Украина томонларда «Кошак» номи билан машҳур бўлган ўғри Тенгизнинг сўзини дағаллик билан узди: — Сен мусулмонингни ҳимоя қилиб, зўр йигитни ўлдиртириб юбординг!

Тенгиз сигаретини тутатиб, унга тутун орасидан кўзини сал қисиброқ қаради:  
— Кошак, билмасанг билиб қўй: менинг диним ҳам, миллатим ҳам — ўғри! Қўтос, сен бунга тушунтириб қўй. — Тенгиз шундай деб ўрнидан турди. Остонага етганида тўхтаб, орқасига ўгирилди. — Кошак, билиб қўй, бу оламда фақат биттагина ўғри деган миллат бор. Бу миллат олдида бошқалари сариқ чақа. Агар шунга ақлинг етмаса, сен ўғри эмассан, мужиксан! — Тенгиз эшикни бир тепиб очди-да, ташқарига чиқди. Уч-тўрт қадам юриб, тўхтади. Унинг фикрича, ҳозир ортидан Қўтос чиқиб келиши лозим эди — янглишмади.

— Княз, сен хафа бўлма. Кошакка етадиган аҳмоқ бу дунёда кам топилади. Аҳмоқона гапларни кўп гапиради-ю, аммо юраги тоза бола. Кўнглида кири йўқ. Сенинг нима учун аччиқланганингни тушунмай ўтирибди, у аҳмоқ! Тушунганидан сўнг ўзи келиб сендан кечирим сўрайди.

— Хафа эмасман,— Тенгиз шундай деб жилмайди,— оиласизга бир-иккита шунаقا довдир ҳам керак. Бўлмаса, яшашнинг қизифи қолмайди.

— Тўғри айтасан. Унга шу ерларда чидаш мумкин. Озодликда бунга шерик бўлганнинг шўри курийди.

Қўтос тўғри айтган эди — Кошак икки кундан сўнг Тенгиздан узр сўради. Ўзининг ҳам дунёда ягона ЎФРИ миллатидан эканини баён қилди.

Ана ўша воқеадан бери «политбюро» энди расмий кенгашга чорланган эди. Олег «Гарбуз»нинг илтимосномасини ўқишидан аввалроқ Тенгиз, «политбюро»ни чақиришни режа қилиб қўйган эди. Кеча оқшомда қўлига етиб келган бир хабар уни «политбюро» билан маслаҳатлашишга унданған эди.

«Политбюро» тўплангач, Тенгиз ўтирган ерида уларга бир-бир қараб чиқди.

— Князларим, — гарчи қофқазликлардан бошқалар бу номга даъво қилмасалар-да, Тенгиз уларга бўлган ҳурматининг баланд эканини билдириб қўйиш учун гапини шундай бошлади, — князларим, бугун биз икки мухим масалада ягона қарорга келишимиз керак.

Тенгиз биринчи масала деб Олег «Гарбуз» илтимосини баён қилди. У гапини тугатмаёқ Кошак эътиroz билди:

— Онаси ўн марта қайта туғса ҳам ундан ўғри чиқмайди, — деди у столга кафти билан уриб-уриб қўйиб. — Козел у! Бошқа гап йўқ! Тулада нима учун сувдан қуруқ чиққан? Козел эди! Промзона коменданти бизнинг одам эди. Ҳеч қанақанги қанжиқ-мусорларга алоқаси йўқ эди.

— Аниқ биласанми? — деб сўради Қўтос.

— Ўшанда мен Курсқда эдим. Аниқ биламан.

— Мен «Гарбуз» деганини энди эшитяпман. Козел бўлса нима учун шу пайтгача жазосиз юрибди?

— Тутқич бермаётгандирда. Агар унга тож кийдирсак, ҳаммамиз расво бўламиш.

— Агар козел бўлса... агар айёр бўлса... — Тенгиз ўйланиб қолди. — Бошқа лагерларга ҳам шунаقا хат ёзгандир? Тезда аниқлаш керак. Қўтос, ўзинг шуғуллан бу иш билан. Агар шундай

қилган бўлса, бошига тож ўрнига сиртмоқ илиш керак. Илганда ҳам пинҳона эмас, шов-шув билан осиб ўлдириш керак. Бошқа козеллар ўзларини нима кутаётганини билиб қўйишсин. Биринчи масала — тамом! Энди иккинчиси — биз томонларга «Мурик» келаётган эмиш, — Тенгиз шундай деб ўтирганларга савол назари билан боқди.

— Мурик? Ким у? — деб сўради Қўтос.

— Билмайсизларми? — Тенгиз истеҳзоли жилма-йиб, ён чўнтағидан бир варақ қофоз олди.— «Чўмич»— Слава Галиулин. МУР<sup>9</sup>га хизмат қила бошлагани учун лақабини ўзгартириб, «Мурик» деб қўйишибди. Ма, ўқи, — у шундай деб, хатни Қўтосга узатди.

Қўтос мактубга кўз югуртириб, бош чайқади-да, сўнг овоз чиқариб ўқий бошлади:

— «Иркутск тсентралидаги ҳалол биродарларимизга саломлар бўлсин. Салом йўлловчилар — Псков лагеридағи ўғрилар — сизларга омонлик тилайдилар. Қадрдон ўғрилар, бу шошқич хатимиз билан сизларни огоҳ этамиз: биз билан «Чўмич» — Галиулин бирга бўлди. Билиб қўйингларки, у бизнинг пок ва муқаддас номимиз — ўғри номи билан яшириниб юрган бир қанжиқдир. Ҳа, билиб қўйинг, у ЎФРИ эмас, у қанжиқдир! Ўғри номига иснод келтиргани учун уни фақат қанжиқ ёки АБЛАҲ деб аташ мумкин. Ўзини ҳурмат қилувчи ҳар бир ўғри, ҳар бир маҳбус у билан шу номига яраша муомалада бўлиши керак. Шу билан бирга барча қанжиқликлари учун жазосини олиши шарт! Яна билиб қўйингларки, Москвада ўғрилар курултойи бўлиб ўтди ва Чўмичга нисбатан қарор қабул қилинди. Қарорга биноан, у ҚАНЖИҚ деб эълон қилинди. Москва пупкарларига хизмат қилгани учун унга «МУРИК» деб ном берилди. Уни қабул қилганларингда шу қарор ёддан кўтарилемасин.

Псковда биз олти ўғримиз: Като, Куёв, Йўлбарс, Сибир, Авлиё ва Олов барчаларингизга озодлик тилаб қоладилар».

Қўтос ўқишини якунламай, Кошак стол устига мушт уриб, тўнғиллади:

— Чўмич келиши билан менга берасанлар. У билан озгина ҳисоб-китобим бор.

Бу гапни эшитиб, Тенгиз унга тикилиб қолди. Сўнг кенгаш аъзоларига савол назари билан бир-бир қаради:

— Хўш, Мурикни Кошакка берамизми? — Тенгиз шу саволни ўртага ташлаб, сукут қилди. Ўтирганлардан садо чиқмагач, давом қилди: — Биз ўғриларнинг бир аҳмақлигимиз бор. Фақат ўзимизнинг ҳисоб-китобимиз билан қизиқамиз. Ўғриларнинг муқаддас олами билан эса, ишимиз йўқ. Оиласиз қанжиқлар билан тўлиб кетяптими, ириб кетяптими, сасиб кетяптими — ишимиз йўқ. Хўш, Кошак, Мурик сеники. Нима қиласан, ўлдирасанми?

— Қийнаб ўлдираман.

— Ана шу-да! Нима учун қанжиқлик қилган, нима учун қамалиб бу ёқларга юборилди? Билиш керакми? Гап шу: Мурик келаверсин. Юраверсин. Биз эса, гўё ҳеч нима билмаймиз. Биладиганимизни билиб олайлик, ана ундан кейин у Кошакники. Истаса ҳомича есин, истаса пишириб есин. Бошқа гап йўқ. Таклифларинг бўлса айтларинг.

— Таклиф бор, — деди Кошак тиржайиб. У мажлис қароридан мамнун эди, шу боис бир ҳазил қилгиси келди. Сўзлашга ижозат берилгач, ўрнидан туриб, ёқасини тузатган бўлди: — Ўртоқ коммунистлар, мажлисимиз номидан КПСС бош котиби Горбачга табрик телеграммаси юборсак.

Бу ҳазил тўмтоқ болта билан ўтин ёришни эслатсада, ўтирганлар Кошакка қараб жилмайиб қўйишиди. Тенгиз ҳам кулимсираб, унинг бу ҳазилига якун ясади:

— Яхши таклиф. Телеграмма ёз-да, юмалоқ муҳр ўрнига нозик ерингни боса қол.

«Политбюро» мажлиси шу тарзда кулгу билан якунланди. Орадан тўрт кун ўтиб, Мурик ташриф буюрди. Унга қадар «лагер телетайпи» орқали Тенгиз муҳим маълумотлар олди.

## ХИЁНАТ

<sup>9</sup> MUR — (Moskovskiy ugodovnyi rozlysk) — Moskva jiinoyatga oid qidiruv bo'limi.

Матлуба эридан хат олиб келган йигиттга бошдан-оёқ разм солди. Аввалига «қамоқда бирга ўтирганмикин?» деб ўйлади. Аммо хушрўй йигитнинг жилмайиб қарашида, ранги-рўйида қамоқнинг совуқ нафасидан асорат йўқ эди. Йигит «ичкарига киринг», деган тақлифдан сўнг таранг қилмай, жувонга эргашди. Турсунали қамалишидан илгари, амал отини суриб жавлон ураётган маҳалларда бу уйни кўрган одам орадан бир йил ўтиб-ўтмай яна остона ҳатлаб ичкари қадам қўйгудай бўлса, «ёпирай, кеча ўғри уриб шип-шийдам қилган шекилли», деб ёқа ушлаши тайин эди. Кўзни қамаштирувчи гиламлар, қандиллару жавонлар энди йўқ. Матлуба эри қамоққа олинниб, мол-мулки хатта тушгунига қадар яширишга улгурганини яширди. Қолгани эса, мусодара қилинди. Уй хўжалик ихтиёрида бўлгани, Матлубанинг ўзи шу хўжаликда ишлаётгани учун тортиб олинмади. Янги директор инсоф қилиб, уларга «уйни бўшат», деб тиқилинч қилмай, янгисига жойлаша қолди.

Матлуба дардини кимга айтишни билмай, тўрт девор орасида тўрт боласи билан кун кечириб юрган эди. Давлат бойликни тортиб олгани билан Худо болаларнинг ризқини қиймас экан. Гиламсиз, биллур қандилсиз уйда ҳам яшаш мумкин экан. Дунёда тирик бева фақат у эмас экан. Тирик етимлар ҳам кўп экан. Эри қамалган хотиннинг жони чиқиб кета қолмас экан. Отаси қамалган болалар тақдирга тан бериб яшайверар экан, улғаяверар экан...

Қамоқ — жиноятчи учун жазо. Бу дунёда жиноятга даҳли йўқ одамлар учун ҳам жазо бор экан. Балки ҳаром луқмага шерик бўлгани учун бундай жазо жоиздир? Матлуба буни билмайди. Бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган. Бунга кейинроқ ақли етади. Ҳозир билга-ни — қўлидаги хатда ёзилган гаплар... Яъни ҳар ойда «солиқ» тўлаб туриш.

Матлуба хатни тўрт марта ўқиб чиқса ҳам тушунмади. Йигитта савол назари билан тикилиб қолди.

— Чексам майлими? — деб сўради йигит ҳотиржам равишда. У жувоннинг ҳайрат исканжасида эканини билиб турса-да, парво қилмади. Уй бекаси бош ирғаб «чекаверинг» дегач, лабига сигарет қистирди. Аммо ўт олдирмай туриб сўради: — Тинчликми? Нима деб ёзибдилар?

— Нима деб ёзилганни... билмайсизми?

— Мен бирорнинг хатини ўқимайман, — йигит шундай деб сигаретини тутатди.

— Хатни ўз қўллари билан ёзиб сизга бердиларми?

— Йўқ. Менга биродарларим келтиришди. Мен эрингизни танимайман. Менинг вазифам — холис хизмат.

— Солиқни... сизга тўлайманми?

— Ҳа, солиқними? — Йигит жилмайди. — Ҳозирча менга. Мен келолмасам бошқа одамни юборишади.

— Юборишади? Ким юборади?

— Буни билишингиз шарт эмас.

— Мен... тушунолмаяпман?

— Тушунолмаяпман? Майли, яхши хотинга ўхшайсиз, сизга тушунтириб бера қолай: сизга эр керакми? Ҳа, албатта керак. Сизга эр керак бўлмаса ҳам болаларингизга ота керак. Демак, у қамоқдан соғ-саломат қайтиши шарт. Қамоқда эса, опагинам, кўп одамлар бекордан бекорга ўлиб кетади. Бирорлар битта кичкинагина тошга қоқилиб ҳам ўлиб кетар экан. Бахтсиз ҳодисалар кўп-да. Қамоқдаги биродарларимиз эрингизни ҳимоя қилишади. Унинг битта туки ҳам бекорга тўкилмайди. Сиз «солиқ» деяпсиз-у, аслида ундей эмас. Бу хизмат ҳақи. Ҳукумат қоровулларга ҳам маош тўлайдику, тўғрими? Ана, сиз ҳам шунаقا тўлайсиз-да.

— Қанчадан тўлайман?

Йигит дарров жавоб бермади. Тутатиб бўлгач, кулдон ўрнига қўйилган ликопчага сигарет қолдигини босиб эзди-да, тўланажак хизмат ҳақи миқдорини айтди. Буни эшитиб, Матлуба бир сесканди. «Хато эшитмадимми?» деб, сўради:

— Бир йилгами?

— Эрингизнинг жонини ҳурмат қилмас экансиз, опагинам. Ҳар ойда тўлайсиз. Балки уч ойлигини, балки ярим йиллигини қўшиб олдиндан тўларсиз. Олдиндан тўласангиз, бир оз камайтирамиз, буни ўзаро келишиб оламиз.

— Менда бунча пул йўқ... Топганим болаларим...

— Опагинам, сиз топган пулингизни болаларингизга ишлатаверинг. Сиз бизга эрингиздан қолганидан чўтал бериб турсангиз етади.

— Эримдан... ҳеч нарса қолмаган... Бори шу — кўриб турганингиз. Давлат ҳаммасини тортиб олди.

— Давлатга туҳмат қилманг. Бизнинг давлат, опагинам, одил давлат! Билмасангиз билиб олинг. Ҳеч қачон ҳаммасини тортиб олмайди. У-буни яшириб олишга имкон беради. Тўртта болангиз бор, а?

— Ҳа... — Матлубанинг кўнглига ёмон фикр келиб, қўрқиб кетди: — Нимага сўраяпсиз?

— Шунчаки қизиқдим. Улар ҳам оталари қайтгунича соғ-саломат юришлари шарт. Ота қамоқдан қайт-са-ю...

— Болаларимга тегманг! — Матлуба беихтиёр шундай деб бақириб юборди. Муштлари ўз-ўзидан тугилди.

— Опагинам, ўзингизни босинг. Бизлар одамхўр эмасмиз. Биз сиз берган хизмат ҳақи эвазига ўзингизни ҳам, болаларингизни ҳам ҳимоя қиласиз. Пул кетса кетсин, жон кетмасин. Менинг яна ярим соат вақтим бор. Биринчи хизмат ҳақини бугун олиб кетишим керак.

— Ҳозир йўқ менда бунақа пул.

— Сиздан ҳозироқ талаб қилаётганим йўқ. Ярим соат вақтим бор, деяпман-ку? Бўла қолинг, қимиранг.

Бу гапдан кейин ҳам Матлуба бир неча дақиқа ҳаракатсиз турди. Йигит эса, бошқа гапга ҳожат йўқ, дегандай индамасдан ўтираверди. Матлуба «Ярим соат вақти бўлса кўчага чиқиб, машинасида ўтира қолмайдими?» деган фикрда унга қараб-қараб қўйди.

У «ўйда пулим йўқ» деб ёлғон сўзлаган эди. Аслида эса, «бирор кунимга асқотар» деган умидда яшириб қўйгани бор эди. Аммо бу йигит шундай ялпайиб ўтираверса, у қандай қилиб олади? Ундан ташқари бу йигитнинг айтганлари шунчаки пўписами ё жиддий-ми — ҳали тўла фарқига боролгани йўқ. Дастроб бу йигит кўзига ҳушрўй кўриниб эди. Эндики ўтириши эса... «Ҳе, гўлаймай ўл!» деб ичида қарфади.

— Ярим соат... Бирордан сўраб топгунимча... Бир-икки кундан кейин келсангиз... топиб қўярдим.

— Келиб-кетиш осон эканми? Мен аммангизнинг қишлоғидан келганим йўқ. Хўп, майли, бир-икки кундан кейин мен келмайман. Ўзингиз борасиз.

— Ўзим бораман? Қаёқقا?

— Баҳонада адангизни кўриб келарсиз?

— Адамни... биласизми?

Йигит истеҳзо билан кулди.

— Лақма хотин экансиз. Уйингизни тўғри топиб келган одам адангизнинг икки йилдан бери палаж бўлиб ётганини билмайдими? Ҳуллас, икки кундан ке-йин адангизникида кўришамиз. Исмим Хурсанали, сиз ишлаётган совхознинг ҳисобчисиман. Тушундингизми? Бизнинг сиз билан бўладиган ҳисоб-китобимизни бирор билмаса фақат ўзингизга фойда. Милисадан умид қилманг. Милиса сизга эмас, бизга хизмат қиласи. Биз сизга ўшаганлардан хизмат ҳақи тўплаб, ҳатто ўша Масковдаги генералларгача боқамиз. Шуни унутмасангиз бўлгани. Сиз билан биз энди бегона эмасмиз. Ҳа, айтмоқчи, бизда «бир-икки кун сабр қилинг», деган гап бўлмайди. Бир сафар майли, кечираман. Бундан кейин ҳар бир кун учун юз қўшилади. Ақл билан иш юритсангиз ҳамёнингиз зарар кўрмайди. Эрингиз унда тинч, сиз бунда болачақаларингиз билан тинчсиз. Худо бераман, деса шу-да!

Йигит ўрнидан туриб, эшик сари юрди. Остонага етгач, орқасига ўгирилди:

— Мехмондўст эмас экансиз. Майли, хафа бўлмайман. Ош-чойга қарздорсиз, унумтманг, — ўзини Хурсанали деб атаган йигит бир жилмайиб қўйгач, ташқарига чиқди.

Матлуба унга хайр ҳам демади, кузатиш учун остона ҳам ҳатламади.

Йигитнинг худди бало чақинидай келиб-кетиши унинг хушини олди. «Турсунали акамдан хат олиб келдим», деб жилмайганида истаралигини бўлиб кўринган эди. «Ош-чойга қарздорсиз», деб чиқаётганида кўзига исқирт бир суллоҳ бўлиб кўринди. «Ким ўзи бу? — деб ўйлади Матлуба. — Ўғри десам, ўғрига ўхшамайди. Башараси бип-бинойи. Балки чўнтаккесардир ё каллакесармикин? Унақага ҳам ўхшамайди. Ё адаси мени синааб кўрмоқчи бўлиб бирор танишини ишга солдимикан? Э, йўқ. Шунақасига синайдими? Синагиси келса, «менга вафо қиласдими-йўқми?» деб синар. Ўзига ўхшаган биронта шилқимни юборар. Менга илмоқ ташлатиб кўрар... Э йўқ... Қоранг ўчгур Нафисаси билан шармандаси чиққанидан кейин мендан вафо талаб қилиб гўрга борсинми?..»

Нафисанинг номи эсига тушиб, баттар тутоқиб кетди. Стол устида турган пиёлани олиб деворга қарата отди. Пиёла деворга тегиб ҳам, тахта устига тушиб ҳам синмади.

— Ҳу кўзларинг гўрда чирисин!

Бу қарфишни овоз чиқариб айтди. Назарида Нафиса ишвали кўзларини сузуб қараб тургандай бўлди. Бир қарфиш билан юрагидаги дард кўтарилемай, иккинчисини айтди:

— Афт-башаранг гўрда илон-чиёнларга ем бўлмаса, рози эмасман!

О, аёл қалби! Дунёда мавжуд барча фожиалар сел бўлиб ёпирилса чидар-у, аммо эрининг хиёнатига сира-сира чидай олмас! Айниқса, бу хиёнат ўз уйида, ўз тўшагида содир этилса, юракда ёна бошлаган оловни ҳеч нима ўчира олмас.

Ерининг хиёнаткор бузук экани Матлубага кўпдан маълум эди. Ҳали бу «қоранг ўчгур Нафиса» пайдо бўлмаёқ, бир унга, бир бунга шўнғиб юришидан гумон қиларди. Гумони исбот топганида жанжал кўтараман, деди-ю, эплай олмади. «Чидасанг шу, — деди эри. — Мен сенга ялиниб уйланмаганман, ўзинг хуштор бўлиб теккансан. Мен битта хотинга қаноат қиласдиган эркаклардан эмасман. Кўнглинг совуган бўлса, ана, орани очиқ қилгину отангникига жўнайвер. райкомга додвой деб борасанми, ундан наригами, менга барибир. Мендан олса амалини олади. Сен эса, эрдан айриласан. Иккита бола билан сени бирор олармикан? Менга тегишда отангнинг розилигини олмагансан. Кетсанг, отангникига ҳам сифмайсан. Ундан кўра нафасингни чиқармай яшайвер... Сен хотинимсан. Улар бир ўйнаш. Сен билан улар орасида катта фарқ бор. Шуни тушунсанг бўлди».

Ери ҳақ гапни айтган эди.

Матлубанинг Турсуналига ошиқ бўлгани рост. Хатлар ёзгани, шеърлар тўқигани ҳам рост. Келишган, чиройли йигитни ундан бошқалар ҳам яхши кўришар эди. Йигит чиройли бўлса, устига устак амалдор отаси чўнтағидаги пулни аритмай турса, хушторлар саноғига етиш мушкул. Аммо Матлубанинг юрагидаги олов ҳамманикidan кучлироқ эди. Кейин-кейин Матлуба ўша дамларни эслаганидан «юрагим ёнмай, чирибгина кетса бўлмасмиди, уни яхши кўрмай ўлиб қўя қолсам минг марта яхши эди-я!» дейдиган бўлди.

Тақдир қалами ёзуғини ёзиб бўлганидан кейин бундай надоматлардан не фойда? Ўша кезлари Одам ато билан Момо Ҳавонинг нима сабабдан жаннатдан ҳайдалганларини билсами эди, эс-хушини сал йиғишириб олармиди...

Олдингилари, эри айтганидай, нафс балосини қондирувчи вақтинчалик ўйнашлар экан. Эри уларга қаттиқ боғланмаган эди. «Фарқўзинг гўрда чиригур Нафиса» ёмон чиқди. Эрини ўзига тамомила қарам қилиб олди. Эри авваллари ўйнашга боргани билан уни унумтасди, кўнглини овлаб турарди. Эрининг хиёнаткорлиги ошкор бўлганидан кейин ҳам Матлуба икки фарзанд кўрди. Аммо «жувонмарг бўлгур Нафиса»га илакишгач, эр экани тамоман эсидан чиқди. Матлубанинг ўриндаги ноз-карашмаларига ҳам эътибор бермай қўйди. Бир куни «ёшингга қараб қилиқ қил», деб ўрнидан туриб кетгач, Матлуба тирик бева бўлиб қолганини англади.

«Ёшингга қараб қилиқ қил...» Ўшандада Матлуба ҳали ўттиз учга кирмаган эди... Ҳозир қирқнинг остонасида. Ўшандан бери эр нималигини унутаёзган.

Дарди зўр... Аммо дардкаши йўқ... Дарди ичида.

Фақат бир марта «портлади». Портламаса бўлмас эди...

Шаҳарга бориши лозим эди. Бироқ оёғи тортмай кўнгли хижил бўлиб раён марказиданоқ изига қайтди. Қараса-ки, қуппа-кундузи эри «қон қусгур Нафиса» билан би-ир аҳволда... болалар мактабдан келиб қолади, деб хавотир ҳам олишмабди...

Матлуба ҳали-ҳали тушунмайди: совхознинг номи «меҳмонхона», аслида эса фоҳишахона вазифасини бажарувчи жойи бор. Эри нима номаъқул нарса еса, ўша ерда ерди. Уйга олиб келгани нимаси у ювиқсизни?! Эри жанжаллашиб ўтирмади. Нафисани юлдиришга ҳам кўймади. «Унингни ўчир», деди ўйнашини олиб чиқиб кетди.

Матлуба эса... ўйлай-ўйлай, ахийри улар ётган ўрин-тўшакни ҳовли ўртасига уйиб, ёқди. Бу билан ҳам ҳовури босилмагач, каравотни ҳам ёқди.

Болалар кўркувда жовдирашади.

Қўшнилар ҳайрон...

Фақат Турсунали ҳайрон бўлмади. Эртасига югурдаклари юқ машинасида яп-янги каравот ташлаб кетишиди.

Ҳаромдан қайтмайдиган ана шу эр қамалиб, пешонаси деворга теккач, кўзи очилганмикин? Оиласдан кўра ўйнашнинг карашмасини афзал билган эр «хотиним менга вафо қиляптими?» деб ўйлаяптимикин? Шундай деб ўйлашга ҳаққи борми?

Вафо қилмайдиган хотин эрининг қамалиб кетишини кутиб ўтирас эканми? Эрининг бузуқлик дарёсига шўнғиганини билгани ҳамон бу дарёга ўзини отмасмиди?

Хатида «вафодорим» дебди...

Вафодорим?

Матлубанинг хаёлига бир фикр урилиб, чангалида ғижимланиб турган қоғозни шошиб текислади:

«Ҳа, «вафодорим» дебди. Қизиқ, исмимни ёзмабди. Менга ҳеч бундай демаган. Яхши кунларда ҳам демаган. Анави ер еткурни айтган бўлиши мумкин. Тўхта, тўхта... Балки бу хат ўшанга ёзилгандир. У ҳароми эса, менга жўнатган бўлса-чи? Бояги турқи совуқ унинг хушторидир балки?..»

Шунга ўхшаш фикрлар қуишлиб келавериб, Матлубанинг боши оғриқдан зириллай бошлади. Сўнг шу оғриқ баҳона бўлиб, хўнграб йиғлаб юборди. У эрини ҳибсга олишганда ҳам, суд хукми ўқилганда ҳам йиғламаган эди. Тўғри, юраги ёмон увишиб эди. Аммо дўст-душман унинг кўзларида нам кўрмаган эди. Бирор «душманлар олдида паст кетмади, йиғламагани яхши бўлди», деса, бошқалар «бунча без экан бу хотин? Ҳеч бўлмаса кипригини тупуги билан хўлласа-чи, энди эрини яна кўрадими йўқми?» дейишган эди.

Юраги фарёд чекмаса, кўзларига ёш келмаса, нима қилсан? Йиғининг фурсати шу кунга белгиланган экан, астойдил йиғлаш учун эрнинг қамалиши баҳона бўлолмас экан, хотин киши ўзининг хорланганини ҳис қилса, бас экан. Айни дамда Матлуба хорланиш куйининг авж пардага кўтарилганини фаҳмлади. Дақиқалар ўтгани сайин у «мактуб» кўзгинанг тешилгур Нафиса»га йўлланган-у, у жувонмарг макр ишлатиб, хушторини бу ёқса жўнаттган», деган фикрига астойдил ишона бошлади. Бу фикр тез орада мутлақ ҳокимлик шоҳ-супасини эгаллаб, қолган барча хаёлларни қува кетди.

Ягона фикрга маҳкум бўлгач, бу зуғумдан қутилиш, қутилишгина эмас, қарши ҳужумга ўтиб, ғанимини яксон қилиш чораларини излай бошлади. Донишманд аҳлининг «жоҳилга ҳилм ила муносабатда бўл», деган насиҳатларига эркаклар амал қиларлар-у, бироқ ўч олиш қасдида ёнаётган аёл икки дунёда қулоқ солмас. Бу соҳада аёлларнинг ягона шиори — «макрга макр қиличи билан ҳамла қилмоқ керак!»

Алам ўтида ёнаётган Матлуба макр бобида кундошидан орқада эканини тан олди. Бирорвнинг эрини ўзига ром қилган маккорага пул ундириб олиш қийин иш эканми? Матлуба «үйинг куйгур Нафиса» ишлатган ёки режа қилаётган хийлалар ҳақида ўйлай бошлади.

Қамоқда эрининг Тенгиз исмли ўғрибошига йўлиққанини у бечора қайдан билсин? Яхшики у кундошининг кўз очиб кўрганини соғиниб Сибирга отланаётганини, эрини лақиллатиб кетиш учун баҳона ахтараётганини билмайди. Билсами, ҳозирги аҳволини туташ десак, гуриллаб ёна бошлишнинг қандай бўлишини тасаввур қиласверинг. Яхшики, Тангри бандаларини кўп нарсалардан бехабар қилиб яратган. Акси бўлгандамиди эди, дунё хотинларнинг ғалвасидан бўшамай қолармиди, валлоҳи аълам!

Матлуба оғриқ зўриданми ё қоронғу халтакўчада милт этган нур тополмай гангиб эзилганиданми, бошини чанглаб ўтири. Мактабдан қайтган катта қизи бу аҳволдаги онасини чўчитиб юбормаслик учун паст овозда салом берди. Онаси алик олмагач, елкасидан қучоқлади. Матлуба уни қучиб, энди унсиз фарёд чекди. Эрининг хурмача қиликларидан безган дамларида баъзан «бу дунёда яшаб нима қилдим?» деган хәёлга ҳам борарди. Ана шу бадбинлик кўчасида ивирсиб қолганида Худонинг ўзи ёмон йўлдан қайтарарди — кўзига болалари кўринарди. Уч йил муқаддам ўнгига қилолмаган иши тушида содир бўлди — ўзини ёқди! Ана шунда бўзлаётган болаларини кўриб, ўзи ҳам бақириб юборди. Бор овози билан бақиргани учун ўзининг овозидан қўрқиб уйғониб кетди. Ўшанда тўнғич қизи ҳам уйғониб, онасини қучоқлаб олган эди. Бу дунёда уни ушлаб турган занжир шу фарзандлари. Шу топгача оталик меҳрини бермаган «зорманда эр» касрига энди булар ҳам азоб чекишилари керакми?

Қизини қучоқлаб ўтирган Матлуба шуни ўйлаб, юраги эзилиб «бундан кўра отиб ташлашганлари минг марта яхши эди», деб ўйлади. Қизи эса, онаси маъюсланиб қолганида «адамларни ўйлаб сиқиляптилар» деб ўйлаб, хафалик сабабини сира сўрамасди. Үн олтига етиб қолган қизи Матлубанинг бахтига ғоят ақлли эди. У ҳатто қўчада отаси ҳақида мишишларни эшитганида ҳам дардини ичига ютарди-ю, онасига билдирмасди. Кўрпа-тўшаклар нима сабабдан ёқилганига фаҳми етгани учун ҳам бу хонадонда яшаш онаси учун ғоят азобли эканини биларди. Билгани учун ҳам онасига суюнчиқ бўлишга интиларди. Лекин онасига қандай суюнчиқ бўла олишига болаларча ақли етмасди. Ҳозир ҳам онасини қучган ҳолда нимадир деб уни юпатгиси келди. Аммо ўша «нимадир»ни тополмасди, айттолмасди.

Қизининг шу тарзда қучоқлаши ҳам Матлуба учун зўр далда эди. У чуқур нафас олиб, хўрсиниқни нари ҳайдади. Қизининг пешонасидан ўпди-да:

— Насиба, жон қизим, Зилолани боқчадан вақтлироқ олиб кела қол. Майдонга қараб ўт: Шоҳруҳ тўп тепгани чиқиб кетувди. Ҳаммаёфини расво қилмасин, Фарруҳ қани, нима учун биргалашиб келмадиларинг?— деди.

— Фарруҳ ўртоғидан китоб олиши керак экан, ҳозир келади.

Насиба шундай деб онаси буюрган вазифани бажариш учун чиқди. Қизи чиқиши билан Матлуба аввалги ҳолатига қайтди. Орадан беш-олти дақиқа ўтмай, ўғли эшиқдан аста мўралади. Китоб-дафтарини қўйиб, кўчани мўлжаллаганида Матлуба уни чақириб, «Вали акангни чақириб кел», деб буюрди.

Валижон — беш уй нарида турувчи йигит. Билганлар уни «Турсуналининг мулозими», дейди, билмаганлар эса «директорнинг шопури» дейишади. Ким нима деса десин, аммо Валижон хожасига бағоят содик эди. Турсуналига қўшиб уч кун қамаб қўйишганда ҳам хожасининг сирларини очмади. Суддан кейин эса хотини билан биргаликда чиқиб, Матлуба янгасига далда берган, «нима хизмат бўлса, тортинмай айтаверинг. Акам қайтгунларича сизга укаман», деган эди.

Матлубанинг унга буюрадиган хизмати йўқ эди. Шу боис кўчада рўпара келганида саломлашарди-ю, ортиқча гап айтмас эди. Шу сабабли янгасининг йўқлови Валижонни шошириб қўйди. Томорқадаги ишини йиғишириб, қўл-бетини чала-ярим ювгач, хожасининг

үйига шошилди. Ичкари кириб ҳол-аҳвол сўрашга улгурмай, янгасидан кутилмаган савонни эшитиб довдираб қолди.

— Аканг бойликларини қаерга яширган?

Бундай савонни терговчи қайта-қайта сўраган, ҳар сафар «бilmайман» деган жавобни эшитавергач, ахийри тутақиб, роса дўппослаган эди. Энди эса, янгаси худди ўша терговчига ўхшаб сўрайпти. Ёлғон пўписа қиляптимикин деса, оҳангি анча жиддий.

— Сиз билмасангиз... мен билмайман, опа.

— Сен гўрни ҳам биласан, айт.

— Ахир опа, мен оддий бир шопур бўлсам...

— Сен шопур эмас, қўшмачисан! Акангга қўшиб сени ҳам қўшмазор қилиш керак эди.

— Унақа деманг, опа, болаларим бор.

— Сенда бор бола, бошқаларда йўқми? Ма, ўқи! Аммо бировга ғинг дея кўрма.

Матлуба шундай деб хатни узатди. Валижон ўқиб чиққач, «мен нима қилай?!» деган савон назари билан қаради.

— Мен ҳар ойда пулни қаердан оламан? Сен қўшмачи ҳамма балони биласан. Аканг топганининг юздан бирини уйга олиб келарди. Қолгани қаерда? Ё топасан, ё болаларингни гаровга қўйдирман. Қамоқдан битта каллакесар келган. Унга сени рўпара қиласману ҳолингни кўриб туравераман.

— Худо хайнингизни берсин, жон опа! Ундей қилманг, опажон! Менда нима гуноҳ? Тўғри, мишишларини билардим. Аммо пулга кўзим тушмаган сира. Алдаётган бўлсам — Худо урсин! — Валижон шундай деб йиғламсирай бошлади.

— Пиқиллама, эркак ҳам йиғлайдими? Менга анави бузуқнинг қаердалигини айт ҳозир.

— Қайси... бузук?

— Ўзингни гўлиқка солма! Жувонмарг Нафисани айтяпман!

— У шаҳарда яшайди-да.

— Шаҳардалигини биламан. Қайси кўчада, қайси уйда? Тирик бўлса уйини айт, ўлган бўлса гўрини айт.

— Кўчасининг номини билмайман, опа. Метронинг охирига етгандан кейин озгина юрилса меҳмонхона келади. Кейин ўнгга. Тўрт қаватли иморат.

— Мени бошлаб борасан ўша ишратхонага.

— Хўп, опажон, эртага, ишдан сўраб келаман.

— Ҳозир жўнаймиз.

— Ие, ахир...

— Сенга «ҳозир жўнаймиз», дедим. Бор, чорак соатда тайёр бўлиб чиқ.

Валижонни чақиртиришидан асл мақсади ҳам шу эди. «Акангнинг бойлиги қаерда?» деб сўроққа тутиши йигитни эгиб олиш учунгина эди. Шундай қилмаса, у ё Нафисанинг турар жойини яширади, ё олиб бориб кўрсатишни пайсалга соларди. Ёки «акасининг севимли ёш хотинини» огоҳлантириб қўйиши ҳам мумкин эди. Шуларни назарда тутиб, Матлуба у билан ўзига хос бўлмаган дағал оҳангда гаплашди. Янгасидан бундай муомалани кутмаган Валижон чиндан ҳам қўрқди. Айниқса, «болаларингни гаровга қўйдирман», деган гапига ишониб, эси тескари бўлиб кетай деди. Йиғиси ҳам ёлғон эмас, рост эди. Бир томонда қама-қама авжига чиққан, яна бир томонда машина ўғирлаш тиш кавагини кавлашдай осон бўлиб қолган, одамлар эса, тўппа-тўсатдан йўқолаётган замонда оддий пўписа ҳам ҳақиқат қўринишини олади. У хожасининг баъзи сирларини билади. Бироқ пул бор-йўқлиги, яширилган-яширилмаганидан бехабар эди. Билганида ҳозирги пўписадан сўнг шарт айтворарди. Тўғри, у калтафаҳм эмас, хожасининг айрим ҳаракатларидан бир нарсани сезгандай бўларди. Айниқса, қама-қамалар довули бошланган, бироқ, уларнинг вилоятларига етмай турибок, хожаси ғимирлаб қолган эди. Уч-тўрт марта заргарлик дўконларига кириб чиққанида «ўй-нашларга совға-салом оляптилар, акагинам», деб ўйлаган эди. Идорада ўтирган «акагинаси»нинг

қўллариға кишан солиб олиб чиқишигандан сўнг совға-салом олинмагани, қоғоз пуллар тиллага айлантирилганини англаб етди.

## КУНДОШЛАР

Дунё ҳам ажойиботларга бой. «Яхши бузоқ икки онани эмади», деганлариdek, айрим мамлакатларнинг бир эмас, иккита раҳбари бўлади. Бирини «қонуний президент», дейдилар. Ҳалолми, фирром йўл билан- ми — ҳарҳолда сайланади. Бу раҳбарни ёқтиргмаганлар ўзларини «мухолифот», деб эълон қиласидилару биронта хориж юрга бориб, ўзларига ёқсан одамни «муваққат таҳтга» ўтқазадилар. Бу энди «норасмий президент» бўлади. Бу ҳолат кичикроқ доирага келтирилса, яъни оила деб аталмиш ўзига хос «мамлакат»га қиёсланса, кундошларни эслатади. Шунга кўра, Матлуба «қонуний президент» дейилса, Нафисани «норасмий бошлиқ» деб аташ мумкин бўлар? Баъзан холис бир куч уларни муросага келтиришга уринади. Ўртада таҳт масаласи турганда уларнинг муросага келмоқлари ит или мушукнинг иттифоқини эслатади, халос.

Матлуба билан Нафиса орасида таҳт муаммоси йўқ. Бироқ, орада таҳтдан ҳам муҳимроқ масала, талашса арзигулик нарса бор. Одамга нисбатан «нарса» сўзини ишлатиш ноўрин, лекин икки аёл — бири «қонуний», иккинчиси «норасмий» хотин бир эркакни худди «нарса» каби талашадилар. Агар холис бир куч — жаллод ўртага чиқиб, «унга ҳам бўлмасин, сенга ҳам бўлмасин, калласини узиб ташлай қолай», деса иккала хотиннинг бу таклифга кўниши тайин. Эр ўлса-ўлиб кетаверсин, бирори эгалик қилиб олмаса, бас. Эр бирорвнинг тўшагидан кўра лаҳадда ётса минг карра аъло! «Майли, шу эрим кундошимга бўла қолсин», дейдиган хотин топилгудек бўлса, дунёдаги қаҳрамон аёллардан бири бўлади. Шоирлар унга бағишлаб қасидалар ёзадилар. Бунақа хотин шоирга ҳам ёқади-да...

Матлуба «холис куч» — Валижон ҳамроҳлигига кундоши билан иттифоқ тузиш учун эмас, юзма-юз «жанг»га кириш учун борар эди. Вилоят марказига етганларида бошкентга борувчи сўнгги автобус ҳам жўнаб кетган экан. Ортга қайтишни маъқул кўрмай, чиқим сал кўпроқ бўлса ҳам, йўловчи машинага ўтирилар. Йўл-йўлакай чурқ этмасдан кетдилар. Иккови ҳам гаплашадиган аҳволда эмас эди. Матлубанинг хаёли бўлажак «олишув» режалари билан банд эди. Валижон эса кутилмаган бу офатдан қутулиш чораларини изларди.

Нафисанинг уйига етиб боришиганда шаҳар қоронгулик чодирида ором олишга ҳозир эди. Тўрт қаватли бино яқинида тўхтаган Валижон:

- Ухлаб қолишмаганмикин? — деб Матлубага юзланди.
- Ухласа ухлар, ўлиб қолишмагандир? — деди Матлуба зарда билан.

Валижон «гапим ёқмади шекилли», деб ўйлади. Аслида эса, Матлуба бўлажак учрашувни ўйлаб, асабийлашиб турган эди. Валижон бу саволи билан қизиб, чўқقا айланган темир устига сув сачратгандек бўлди.

Ешикни Нафисанинг эри Самандар очди. Матлубани кўриб, аввалига ажабланди. Бир неча сониялик тараффуддан сўнг эса, орзиқиб кутган меҳмонига етишган баҳтиёр мезбон қиёфасига кириб, жилмайди.

— О, Матлубахоним! Саломлар, саломларим бўлсин! Қаранг, ниятнинг холислигини, бугун ўйлаб турувдим. Аслида бизлар одам эмас, бемехр динозаврлармиз. Сизни би-ир йўқлаб кўйишга арзимадик. Лекин сиз ҳамиша биз билан биргасиз.

Матлуба қошу-киприклигача малла бўлган Самандарнинг гапларига эътибор бермай, белига боғлаб олган гулдор пешбандга ажабланиб қараб олди. Самандар бу қарашнинг маъносини англаб, хижолатлик билан изоҳ берди:

- Ошхонада... озгина хизмат бор экан.
- Хотинингиз... йўқми уйда? — деди Матлуба, ичкарига ўғринча назар ташлаб.
- Бор. Уйда... Ие, нега остоңада турибсизлар? Қани, Матлубахоним, ичкарига марҳамат, — Самандар шундай дегач орқасига чекиниб, йўл бўшатди-да, бошини буриб, хотинини чақирди:

— Нафис, жоним, бу ёққа қаранг. Азиз меҳмонлар келишди.

Матлуба даҳлизга ўтиб, пояфзалини ечишга шошилмади. Довдираган Валижон эса, киришни ҳам, орқасига қайтиб кетишни ҳам билмай остона ортида тураверди. У вазифасини адо этиб бўлган эди. Аммо «болаларини гаровга қўйишга» қодир бу хотиндан ижозатсиз кета олмасди.

Ерининг ҳаяжонли овозини эшитган Нафиса ҳаялламади. Ичкари хонага олиб кирувчи эшикни очди-ю, даҳлизда турган кундошини кўриб тошдек қотди. Улар уйдаги ўша шармандали тўқнашувдан сўнг юзма-юз учрашишмаган эди. Нафиса ўйнаши қамалганидан сўнг кундоши билан бу ҳолда, ўз уйида учрашиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаган эди. «Нимага келди экан, бу хотин», деган саволга жавоб излаб, остоноада шумшайиб турган Валижонга қараб олди. Валижон бу қарашнинг маъносини уқиб «Худо урсин, билмайман», дегандай елка қисди.

Матлуба уларнинг бу ишораларини сезиб, кундошидан кўз узмаган ҳолда:

— Вали, сен кетавер, — деди.

Бу ижозат Валижоннинг юзига урилган тарсакидай бўлди. Ох, шу пайтда хожасининг қадри ўтди-я! Хожаси бунақа пайтда хотамтой бўлиб, ичкарига олиб киради, қорнини тўйғизарди-да, «фалон пайтгача бўшсан», дерди. Ана шунда Валижон ҳам айшини суриб оларди. Хўжайнинг ўйнашидай бўлмаса-да, унда ҳам ўзига ярашуқли эркалагувчилари бор эди... Э, у доруламон замонлар беқарор шамолдайин ўтди-ю кетди. Энди хўжайнин қамоқда, у эса, остоноада эгасиз қолган итдай шумшайиб турибди.

«Кетавер», деди. «Бу бегона шаҳарда қоронғуда қайга ҳам боради», деймайди» Валижон шу аламли фикр билан бурилганда «норасмий янгаси» жонига аро кирди:

— Валижон ака, киринг, овқат тайёр-а...

— Вали, боравер, болаларинг кутиб қолди.

Аввалгиси таклиф эди, буниси эса буйруқ. Буйруқдан эса қўрқулик. Валижон турган ерида «норасмий янгаси»га енгил таъзим қилди-да, орқасига ўгирилди.

— Валижон ака, киринг...

Кириш у ёқда турсин, энди тўхтаса, орқасига ўгирилса, балога қолиши тайин, шу сабабли таклифни эшитмагандай зинапоя томон шошилди.

Самандар буларнинг кундош эканини билса-да, дардини ичига ютиб, ўзини гўё ҳеч нимадан хабари йўқ одамдай кўрсатишга интиларди. Ошнасининг марҳамат қилиб, ўз ўйнашига уйлантириб қўйганини тўйдан кейин фаҳмлаган, ўшанда Нафисани ташлаб кетай ҳам деган, аммо «Енди менга ким ҳам тегарди», деб тақдирга тан берган эди. Айниқса, бу уйнинг инъом этилиши унинг кўп муаммоларини ҳал этган эди. У илмий сафарларда кўп бўларди. Баъзан икки-уч ҳафталааб қолиб кетарди. Уйда йўқлигига ошнасининг сер-қатнов бўлишини сезиб бир қайнарди-ю, сўнг совурди.

Ҳозир Матлубанинг ташрифи замарида нохушлик ётганини сезди. Кундошларнинг бир-бирларига тикилиб қолишганини вулқон арафасидаги сукунат деб билиб, портлаш юз бермасидан ўзини четга олишни маъқул кўрди. Қайси эркак икки хотиннинг (айниқса кундошларнинг) орасига тушиб, барака топиби-ки, Самандар топсин? Бир куни юраги сиқилиб кетган Нафиса «Сиз илмдан бошқа нарсани ҳам биласизми?» деб зорланганида Самандар «Мен ҳаётни ҳам биламан», деб жавоб қайтарган эди. Мана айни дамда ўзи билган ҳаёт қоидасига амал қилиб, сузишмоққа шайланаётган икки кундошдан нари бўлишини истади:

— Ҳа, Нафис, сиз меҳмонга қаранг, мен ишларимни тугата қолай, — деб ошхонага кирди.

Шу онда Нафисанинг ортида отаси кўринди. Мана шуниси Матлуба учун кутилмаган, айни чоқда нохуш ҳол бўлди. Асли исми Тошболта бўлган бу одам сов-хоз директорига ошпазлик қилгани учун кўпчилик уни «Ошболта» дер эди. Матлуба эса «фоҳишаҳона ити» деб ундан нафратланарди. Айниқса, қизининг номусини ҳам хожасига инъом этгач, Матлуба у билан саломлашмай ҳам қўйган эди.

— Ҳа, ким келибди? — деди Тошболта менсимаган бир оҳанг билан. Сўнг эса пичинг қилди:  
— Ие, азиз меҳмонми? Ҳа, келинг, келин пошша?

Унинг «ҳа, келинг...» дегани замирида «Нега келдинг, кет!» деган маънони ўқиб, Матлуба ичида «Турқинг курсин сенинг!» деб қарғади.

— Ҳа, гапир, иш-пиш билан келдингми ё эрингни қидириб келдингми? Эринг йўқ бу ерда. У ҳов... Сибирда айшини суриб юргандир.

— Дада! — Нафиса шундай деб отасига ўгирилди.

— Нима «дада!» — деб ўшқирди Тошболта. — Нима бор унга бу уйда? Гаплашиб ўзингни пастга урма. Уйга ҳам қўйма. Бу уй эридан қолган матоҳ эмас.

Матлуба бу уй остонасини босиб ўтиши билан «хужум»га ташланишни режа қилиб, айтадиган гапларини йўл-йўлакай пишишиб олган эди. Матлубанинг хом хаёли бўйича эшикни «итдан тарқаган Нафиса» очардию уни қўриб қўрқиб кетарди, орқасига тисарилиб, титрай бошларди... Ана шунда Матлуба ҳужумга ўтарди. Юлмас эди-ю, аммо ундан баттар қиласди... ўйлаганлари амалга ошмади. Устига устак «фоҳишахона ити» вовуллаб турибди.

— Эримнинг... — Матлуба «еримнинг» деган сўзга урғу бермоқчи эди, аммо овози титраб чиқиб сўзини ямлаб юборди. Овози титрагани учун ўзидан ўзи наф-ратланди. «Бу маҳлуклар олдида паст кетишим мутлақо мумкинмас», деб ўзига далда берди. бир неча нафас сукут қилиб, сўнг гапини қайтадан бошлади: — Эримнинг Сибирда эканликларини яхши биламан. Лекин бу ерга итларини боғлаб кетганларини билмапман.

— Нима дединг,вой энағар!

— Дада! — Нафиса отасининг кўкрагидан енгил итарди, — Дада, ичкари киринг, аралашманг.

— Сен!.. — Тошболта унга ҳам икки оғиз «ширин» гапларидан айтмоқчи эди, қизининг кўзларига кўзи тушиб, шаштидан қайтди.

— Бу сафар сиз «хўп» денг...

— Яхши, омма, гапни калта қил. Сен унинг эрини билмайсан, танимайсан... Ҳеч қанақа қофозига қўл қўйма, — шундай деб изига қайтгач, Нафиса эшикни ёпди.

Матлуба ўша шармандали кунда, ғазаб оловида ёнаётган дамда унга тузукроқ қарамаган ҳам эди. Ҳозир ўғринча эмас, дабдурустдан тикилиб қаради. Хушбичим, хушрўй эканини тан олгиси келмади. «Ерим бекорга илакишимаган экан, менга «ёшингга ярашадиган қилиқ қил», деб бежиз айтмаган экан. Бу ишва қилиб турганда мен ёқармидим», деган фикрни хаёлидан қувди.

Нафиса «майли, тўйганича қараб олсин», деб индамади. Охири сабри чидамади:

— Келинг, опа...

— Опа? — Матлуба заҳарли илжайди. — Мен қачондан бери сенга опа бўлиб қолдим? Мен сендақа сингилни биласанми, нима қиласман?

Нафиса қайдан билсин буни. Тўғриси айтилса, Матлубанинг ўзи ҳам билмайди. Ҳозир Нафиса «хўш, нима қиласдингиз?» деб сўраса довдираши тайин эди.

— Синглингиз эмасман. Ёшингизни ҳурмат қилиб айтувдим. Бошқа демайман. Менга бир нима демоқчимисиз?

— «Бир нима демоқчимисиз?..» — Матлуба кундошига ўтли нигоҳини қадади. — Сен менга қайси хушторингни юбординг?

— Нима деяпсиз? — Нафиса ажабланиб, кафтини юзига босди.

— Эримни канадек сўрганларинг етмагандай энди менга ёпишмоқчимисанлар?

— Тушунмаяпман, нимага унақа деяпсиз?

— Сен ўзингни меровликка солма. Билиб қўй, ўша хушторингни ҳам, ўзингни ҳам ўлдиртириб юбораман!

Бу гапдан кейин ошхона эшиги қия очилиб, Самандарнинг боши кўринди:

— Қизлар, нима гап, тинчликми?

— Эшикни ёпинг! — деди Нафиса зарда билан. Амри шу заҳоти бажарилгач, Матлубага қаради. Энди унинг кўзларида ҳам ғазаб учқунлари кўринди. — Қўлингиздан келса ўлдиринг, лекин менга тұхмат қилманг.

— Тұхматми? Мана бу ҳам тұхматми? — Матлуба шундай деб сумкаласидан хатни чиқарип узатди. Нафиса хатни ўқиётганида ундан кўзини узмади.

— Бу... Турсунали акамнинг хатлари-ку? — деди Нафиса ажабланиб. — Сизга ким берди?

— Хушторинг.

— Тұхмат қилманг, дедим сизга! Худо урсин, бу хатни энди кўриб турибман.

Матлуба «рост айтяптими ё тоняптими?» деган фикрда унга тикилиб қолди. Мўлжалидаги «хужум» кучи заиф бўлди. Натижаси эса, унданда заиф бўладиганга ўхшаб турибди.

Нафиса ўйлаб бир тўхтамга келиши учун кундошига шароит яратиб берди. Ичкаридан эса Тошболта ёлғон йўтали билан қизини шоширди. «Дадам ҳам баъзида ошириб юборадилар-да», деб ғижинди Нафиса, Матлуба ҳам йўталнинг маънисини тушунди. «Хе, ўпкагинангга қурт түшсин, илойим, шу йўтал олиб кет-син-а...» деб қарфади.

— Агар ишонмасангиз, — деди Нафиса кундошига тик қараб, — турмага бориб келамиз. Ўзларидан сўраймиз.

— Нима? — Матлуба бунақанги таклифни сира кутмаган эди.

— Сибирга бирга бориб келамиз! — Нафиса шундай деб таклифига аниқлик киритгач ошхона эшигини очди. — Самандар ака, Иркутскка иккита билет олиб келасиз.

— Ҳозирми? — деди Самандар ажабланиб.

— Эртага... эрталаб. Бориш-келишга оласиз. У ёқда сарсон бўлиб юрмайлик.

— Тўхта, — деди Матлуба. — Сенга «Сибирга бораман» дедимми? Менга қара, сен эримнинг Иркутскда эканини қаердан биласан? — Матлуба саволни Нафисага бериб, «кўриб қўй, хотинингни» дегандай Самандарга қаради.

Нафисани бу савол довдиратмади:

— Одамлардан эшитдим, — деди хотиржам равишда.

— Одамлар қаердан эшитишибди? Радиодан айтибдими? Ё газетда чиқибдими?

— Энди майдалашмай қўяқолинг. Аввал манавини ҳал этайлик, — Нафиса шундай деб хатни эрига узатди. — Ўқинг, ўртоғингиздан.

Самандар хатни ўқиб, бошини қашиди. Малла киприклари пирпиради.

— Матлубахоним... Мен билмадим-у, аммо Нафисдан бекор гумонсираяпсиз. Хоҳласангиз Турсуналиниң олдига ўзим бориб келаман. Агар янглишмасам, бу хатни ўз хоҳиши билан ёзмаган. Аниқлаш керак. Турмаларда ҳар хил воқеалар бўлиб туради.

— Аниқладингиз нимаю аниқламадингиз нима?

— Қанчадан тўлаш керак экан?

Матлуба айтди.

— Ҳар ойдами? — деди Самандар ажабланиб. — Бу бутун бир капитал-ку? Биласизми, Матлубахоним, бундай қиламиз: биринчи взносни биз берамиз.

— Йўқ!

— Рад этишга шошилманг. Ахир Турсунали менга бегона эмас. Биз ака-уқадаймиз, ахир.

«Ака-уқадаймисан, ё кундошмисан?» деб ўйлади Матлуба. Бу ерда ортиқ тўхтагиси келмади. Буларга учрашгани учун ўзидан ўзи нафратланди. Худди тиланиб келгандай ҳис қилиб, ўзини ўзи юлиб ташлашни истади. Шарт бурилиб, эшик тутқичига қўл юборганида Самандар уни елкасидан ушлаб тўхтатди.

— Бундай қилишга ҳаққингиз йўқ. Менда пул бор. Бу йил барибир курортга бормаймиз. Ишдан менга ижозат йўқ. Ундан ташқари биз пулдан сира қийналмаймиз. Дўстим учун мен ҳам нимадир қилишим керак.

— Сиз дўстингиз учун жуда кўп иш қилиб қўйгансиз, хайр, — деди Матлуба эшикни очиб. Сўнг остона ҳатлаб, орқасига ўгирилди: — Билиб қўйинг: мен тиланчи эмасман. Эримни ҳам, номусимни ҳам ўзим ҳимоя қила оламан.

Матлуба шундай деб эшикни ёпди-да, тез-тез юриб зинапоядан туша бошлади. Самандар ҳам, Нафиса ҳам унинг ортидан юрмадилар. Самандар «Ерини ҳимоя қилиши тушунарли, аммо номусни нима учун аралаштиради?» деган хаёл билан хотинига қаради. Номус масаласи бекорга эсланмаганини тушунган Нафиса эридан кўзини олиб қочиб, «йўтали босилиб қолган» отаси ҳузурига юрди.

## ЎЛИМНИНГ БАҲОСИ

Матлуба зинапоялардан тушиб, ташқарига чиққунича худди нажасхонадан ўтаётгандек нафаси қайтди. То сўнгги зинапояни босгунича ҳар ташлаган қадамида ўзини лаънатлади. Дастробки сонияларда бу ерга келиб хато қилганини англаб, пушаймон эди. Унинг ўзига бўлган нафрати бу пушаймондан туғилмади. Кўнгилга таскин бера олгувчи «олишув» бўлмагани, улардан баланд келиш у ёқда турсин, ҳатто теппа-тенг гаплашишга журъяти етмагани, энг муҳими — бу хонадондан бесамар кетаётгани унинг ғазабини қўзғотган эди. Баъзан одам аччиқланса ғазаб тошларини бирорвга отиб ҳуморидан чиқади. Ҳозирги ҳолатда эса, Матлуба ғазаб тошларини фақат ўзигагина ота оларди.

Алҳол, Матлубани дардга соглан яна бир сабаб бор: Матлуба кундошининг яйраб-яшаётганини англаб, аввал ичи қуиди, сўнг рашк қилди. Йўқ, эрига нисбатан эмас, ўша қошу киприкларигачаmall Самандарга рашк қилди. Эри дўстини «зўр олим, фақат Масков билан гаплашади», — деган эди. Ана шундай зўр одамни бир бузукнинг қулига айланишига Матлуба тоқат қила олмади. «Бу итдан тарқаган ғаркўзга эр ҳайф. Нима қилиб бўлса ҳам ажратиб юбораман. Юрсин менга ўхшаб бева бўлиб...» Матлуба хаёлидан ярқ этиб ўтган бу фикрни чуқурлаштиrmади. Ҳатто қандай қилиб ажратиб юборишини ўйламади ҳам. Буни кейинроқ мулоҳаза қилади. «Самандарга бориб ҳаммасини айтаман. Қиз олмаганини билиб қўйсин...» деб қарор қилади-ю, аммо аҳдини амалга оширишни галга солаверади. Бу галга солиши ҳам бесабаб эмас. Аввалига ажратиб юборишни ўйлаган бўлса, кейинчалик «Жувонмарг Нафиса бу дунёда яшамаслиги керак», деган фикрга кўпроқ ёпишиб олади.

Бу ўй-қарорлар кейинроқ туғилади. Ҳозир эса...

Матлуба беш-ўн қадам юргач, болалар ўйнайдиган майдонча қаршисида тўхтади. «Тепадан кузатишаётгандир», деган фикрда ўгирилиб, уларнинг деразаларига қаради. Ўнлаб деразалардан қайси бири уларники эканини аниқ билмасди. Унинг мўлжалидаги биронта дераза ортида ҳам шарпа сезилмади. «Ер жонивор идиш-товоқ юваётгандир. Анави бузук эса, отасига ҳисоб бераётгандир. Ҳамма гапларни эшитиб турди у ит! Яна йўталади-я! Ҳе, ўпкаларинг ириб кетсин сенинг!» Матлуба ноаниқ деразага шу қарфиш тошини отгач, сал ҳовури босилгандай бўлди.

Нимқоронғи муюлишда тўхтаб турган одамнинг ўзи томон юра бошлаганини кўриб, чўчиdi. Юрагига қўрқув оралаб, тисланган маҳалида таниш овозни эшитди:

- Опа, бу менман.
- Вали? нима қилиб турувдинг?
- Кечқурун ёлғиз юрманг, дедим. Ҳархолда бу ерда ётиб қолмасангиз керак, деб ўйладим.

Матлубага Валижоннинг бу иши маъқул бўлди. Аммо сир бой бермаслик учун:

- Мени бўри ермиди? — деб тўнғиллаб қўйди.

Катта кўчага чиқишиганда Валижон:

- Опа, мен бир мошин тўхтатайин. Адангизникига борасизми? — деб сўради.
- Йўқ, — деди Матлуба, — укамникига бораман. Сен ҳам юра қол, жойи bemalol.
- Раҳмат, опа, менинг борадифон ерим бор.

Матлуба «борадиган ери бўлмагани учун мени пойлаб тургандир», деб ўйлаган эди. Валижоннинг бу гапидан сўнг ўша фикри учун ўзи уялди.

— Юравер, сени танишади, — деди мулойимлик билан.

— Йўқ, опа, баҳонаи сабаб билан қариндошларни кўриб кетайин. Яна қачон тушаман бу шаҳарга...

Валижон Матлубани машинада кузатгач, ўзи темир йўл бекатига кетди. У Матлубага ёлғон сўзлади: шаҳарда унинг қариндошлари йўқ эди. Хожасининг даврида орттирган ўйнашлариникига боришнинг маъноси йўқ. У хотинлар «Валижон ақагинам қачон бағримга келаркинлар?» деб кўз тикиб ўтирамайди. Аллақачон бошқа хушторлар топиб, майшатларини давом эттираётганлари аниқ.

Валижон ёмон бир ўйинга беихтиёр аралашиб қолаётганидан кўнгли хижил бўлиб, турли ўйлар чангалида тонг оттирди. Яхши кунлари тугаб, ташвишли даври яқинлашганидан дарак берувчи бу шаҳардан тезроқ қочгиси келди. Тонгда биринчи автобусга ўтириб уйига жўнади. Ҳалқа йўлдан узилгач, худди ташвишлари ортда қолгандай сал енгил тортиди.

Матлуба эса, машинадан тушгач, укаси яшайдиган ҳовли дарвозасига яқинлашди-ю, аммо қўнғироқ тугмасини босишга шошилмади. Ҳозир у ҳеч ким билан кўришишни, гаплашишни истамаётган эди. Тўғри, укаси уни кўриб, «нега бемаҳалда келдинг?» демайди. Билъакс, қувонади. ораларидаги фарқ бир ёш бўлгани сабабли улар Фотима-Ҳусан каби яқин, айтиш мумкинки, маълум маънода ҳатто сирдош ҳам эдилар. Ёшдаги фарқ оз бўлгани сабабли укаси уни «опа» ҳам демасди, сизламасди ҳам. Матлуба эрга текканидан сўнг «опа» деб сизлай бошлади. Бу Матлубага ҳам эриш туюлди. Укаси билан узоқлашиб кетгандай бўлди. Укасига ҳам шундай туюлиб, яна эски одатига қайтди.

Ерга текканидан сўнг ота-она ҳузурига келиб-кетиш унинг учун ўлим чиғириғидан ўтиш каби азоб эди. Отаси Матлубани эътиборли бир одамнинг ўғлига беришни мўлжал қилиб қўйган экан. Мўлжалнинг ўзигина бўлса кошки эди. Дўсти вакиллигида гўзал, оқила қизи борлигини маълум қилибди. У одам эса, қадрдонларидан бирида ўғлига мос қиз борлигидан «хабар топиб», совчи ҳам юборган эди. Бало булути ёпирилиб, бало ёмғирлари ана ўшандан сўнг ёға бошлади. Отасига қўшилиб онаси аввал ялинди, сўнг пўписа қилди. Пўписа қилишда акаси ҳаммадан ошиб тушди, гапира туриб, бир-икки марта дўпослашдан ҳам қайт-мади. Онаси сўнгги чора — кўз ёшларини ишга соганида Матлуба чидай олмади. Онасига қўшилиб йиғлаб туриб, бир йигитни «жуда яхши кўришини» айтди. «Бўлмаган гап, — деди онаси, — яхши кўрганингни эрга текканингдан кейин унутиб юборасан». «Унутолмайман, ойижон», деди йиғидан тўхтамай Матлуба. «Агар ўша яхши кўрганингга тегаман, десанг менинг ўлигимни ҳатлаб ўтиб чиқасан бу уйдан», деди онаси қатъий тарзда. «Ойижон, сизнинг бир томчи кўз ёшингиз учун ундан кечсам кечворар эдим, лекин... тўйнинг эртасига куёв томон мени изимга қайтариб юборса иснодга чидай олмайсизлар...» Онаси беихтиёр «нега?» деб сўради-ю, нима воқеа содир бўлганини англаб, лабини тишлади, юзини юлди.

Матлуба тўғри айтганди — иснодга чидай олишмас эди. Бўлиб ўтган шармандали воқеадан хабар топишгач, дардларини ичларига ютмоқдан ўзга чора бўлмади. Агар бу уятдан одамлар хабар топишсами?! Худо кўрсатмасин!

Матлуба хоҳлагани — Турсуналига тегди. Унга дабдабали тўй насиб этмади. У аламли, азобли ҳаётни ўзига раво кўрди. Отаси эса, «озиқ-овқат савдоси бош-қарма»сига раҳбарлик қилиш ниятига етолмади. Сир уч кишининг орасида қолди. Матлубанинг акаси, укаси унинг Турсуналига тегишини ўжарлигидан, деб баҳоладилар. Отаси Матлубани расман оқ қилмаган бўлса-да, гаплашмай қўйди. Саломларига ҳам алик олмади. Фақат тилсиз, ҳаракатсиз қолганидан кейин қизига қараб бир нималар демоқчи бўлиб ғўдранарди, кўзлари ёшланарди.

Отасини иснод эмас, пул ғами йиқитди. Улардан икки уй нарида қиморбоз қўшнилари бўларди. Бир куни чиқиб «Қиморни ташламоқчиман. Аммо бу шаҳарда яшаб туриб ташлай олмайман. Самарқанддан жой топдим. Ота юртимга жўнайман, жой бегона бўлмасин. Сиз бизга

күп яхшилик қылгансиз. Уйимни сотиб олинг, сизга арzonроқ қилиб бераман», дебди. Отаси ҳам қизик, уйга мұхтожлиги йүқ әди. Катта ўғли ўзи билан қолиб, кичиги жой қилиб чиқиб кетған әди. Лекин нафс қурғур «арzonроқ олу у ер бу ерини тузатиб, икки баравар ортиқа пулла», деб қутқу қылаверғанми, ҳархолда маҳалладан уч-түрт одам чақирилди, савдо пишди. Пул түланди. Құшни икки ойдан сұнг күчишга ижозат сұради. Орадан икки ой әмас, ярим йил ўтса ҳам у жойидан жилмади. Саккыз ойдан сұнг күчиши лозимлиги әслатилғанда у «нега күчаман?» деб «ажабланди». Уйни сотганини айтишганда эса, «Қачон сотибман? Шундай уйни нимага сотаман?» деб яна «ажабланди». Гувоҳлар чақирилди. Бири «еслай олмади», бошқаси «бунақа гап бўлмагани»ни айтди. Гувоҳлар чиқиб кетишгач, отаси йиқилди, тилсиз, ҳаракатсиз бўлиб қолди. Орадан уч ой ўтар-ўтмас, онаси үйқусидан үйғонмади. Мўъмина аёл әди, омонатини ҳам осонгина топшириди.

Оналар ҳеч маҳал фарзандларидан норози бўлиб кетмайдилар. Шундай бўлса ҳам Матлуба «онамдан розилик ололмадим», деб армонда қолди.

Онаси ўтганидан бери ота үйига боргиси келмайди. Акаси билан янгасини кўришга тобу тоқати йүқ. Акасини ўша урганлари учун сира-сира кечиролмайди. Ҳатто онасини беҳурмат қилганида ҳам хотинини чертмайдиган инсоннинг синглисими дўпослаши чиндан ҳам кечириш мумкин бўлган ҳол әмасди.

Жанозадан кейин қайси бир куни укаси ёлғон йигисини авжга чиқараётган янгасига қараб туриб, «онам бояқиши ўлдилару бу дунёдаги дўзах азобидан қутулдилар», деган әди. Ёмон келиндан Яратғаннинг ўзи асраласа қийин экан. Қайин сингиллар турмушга чиқиб кетишар, қайин инилар кўчиб кетишар, ота билан она эса, бу дунё азобига дош бериб, яшашдан ўзга чоралари йүқ. Уларни бу азобдан фақат ўлимгина қутқаради.

Матлуба шаҳарга тушганида «отамникуга борайми ё укамникугами?» деб иккиланиб ўтираси әди. Тўғри, отасини бориб кўрарди, аммо у ерда узоқ ўтираси әди. Янгасининг «қиз деган отага қараб ўтириши керак», деган фасод гапларига жавоб бермай изига қайтарди. Эрининг иши судда кўрилаётганда болаларини олиб укасиникуга кўчиб келди, дейилса ҳам бўлади.

Матлуба укасининг дарвозаси қаршисида туриб, юраги увишиб кетди. Бир қарасанг атрофингда меҳрибон одамлар кўп. Улар сенга яхшилик қылгиси келади-ю, аммо нима учундир қилмайди. Дардингга мал-ҳам қўйгиси келади-ю, аммо нимагадир қўймайди. Сенга қўшилиб йиғлагиси келади-ю, аммо нимагадир йиғламайди. Бошинг узра баҳт қуёши чараклаб қолса, унинг нуридан сен билан бирга баҳра олишишади. Бу баҳт қуёши юзини абри бало қоплагудай бўлса, пана-панага қочадилар. Ўша панада туриб, сенга бўлган садоқатларини изҳор этадилар. Матлуба эри қамалгунича буни билмас әди. Бало булути ҳамма ёқни зулматга ўрагани билан ҳаётни яхши-ёмонга ажратиб, одамнинг ғафлат үйқусидаги кўзини очар экан.

Шаҳарда қариндошлари кўп, танишлари ундан-да кўп. Аммо уларга баҳти кулган Матлуба керак. Бир олам дард исканжасидаги баҳти қаро Матлубани улар бошларига урадиларми? Уларни ҳам айблаш қийин, чунки дард масаласида уларнинг бошқалардан кам ери йўқ. Матлуба қайси бирлариникуга ҳасратдош излаб борсин? Укаси... меҳрибон, аммо Матлуба айрим масалаларда унга ёрила олмайди.

Тўғри, шаҳарда биттаси бор... Лекин у ҳам ҳасратдош әмас. Аммо агар гапи рост бўлса, Матлуба учун жонини беришга тайёр одам. Дорулғунунга қабул имтиҳонлари пайтида ишқи тушиб, то Матлуба эрга теккунича тинч қўймади. Исми Рамзиддин бўлган бу йигитни ошиқлиги сабабли ҳамкурслар Ромео деб кулишарди. Бу исм унинг ўзига ҳам ёқиб, Матлубани бир-икки «Жүлетта» деганида эшитадиган «ширин» гапларини эшитиб олган әди. Бу Ромео тушмагур мулоҳаза, одоб, муомала кўчаларидан ўтмаган соддагина йигит әди. Матлубага бўлган муҳаббатини ҳеч кимдан яширмас, муҳаббат яширин туйғулар меваси эканига фаҳми етмас әди. Май байрамида намойишга кетишаётганда, Қизил майдонга етмай, анча вақт тўхтаб қолишиди. Шунда бу Ромео тушмагур дабдурустдан «шу йил имтиҳонлардан сұнг үйингга совчи юбораман, йўқ десанг уволимга қоласан», деди. Матлубанинг қитмирлиги тутиб, «чиндан яхши

кўрасизми?» деб кулди. Унга дугонаси қўшилиб «яхши кўрсангиз ҳозир ҳамманинг олдида исбот қилинг», деди. «Қандай исбот қилишим керак?» деди Ромео ажабланиб. «Матлубанинг қаршисида ҳозироқ тиз чўқинг!» деди дугонаси шаддодлик билан. «Тиз чўқайми?» деб сўради Ромео Матлубадан «йўқ» деган жавобни кутиб. «Нега Матлубадан сўрайсиз. Яхши кўрсангиз тиз чўкинг дарров! Америкаликлар шундай қилишаркан. Замонавий йигитлар Америкага эргашишлари керак», деди дугонаси бўш келмай. Ромео яна Матлубага қаради. Нажот бўлмагач, чўнтағидан танга пулларини олиб қизнинг оёқлари остига сочди-да, уларни териб олиш баҳонасида тиз чўқди. Унинг бу топқирилигидан қойил қолган қизлар кўчани бошларига кўтариб, шарақлаб кулиб юбориши. «Матлу, шундан бошқага тегсанг хор бўласан», деб ҳазиллашиши. Ўшанда фаришталар «омин» деган эканми, бошқага тегдию хор бўлди...

Ўша кезлари эса, Матлубанинг кўз олдидан Турсунали кетмас эди. Бошқа барча йигитлар унинг учун арзимас бир одамчалар эди.

Ромео билан турли тасодиф туфайли кейин ҳам учрашдилар. Ҳар гал учрашишганда у уйланмаганини, Матлубанинг эрдан чиқишини кутаётганини айтарди. «Совуқ нафас қилма, нега эрдан чиқарканман?» дерди Матлуба. «Сен у билан баҳтли бўлолмайсан. Ё ажралишасан, ё сиқилиб ўлиб кетасан. Бошқа йўл йўқ сенга. Менинг ҳам битта йўлим бор — сени кутаман. Қариганингда бўлса ҳам сенга уйланаман. Уйланмагунимча ўлмайман», дерди у.

Турсунали қамалгач, яна учрашиши. Бу сафарги учрашув тасодифий бўлмади. Ромеонинг ўзи қишлоққа қидириб борди. Яна ўша гапни айтди. «Уни ўн беш йил кутмоқчимисан? Кутма», деди. «Аҳмоқ экансан,— деди Матлуба. — Бошқа келма, мен эрсираб қолмаганман». «Бошқа келмайман, ўзинг борасан», деди у ишонч билан. Сўнг ён дафтарчасининг бир вараfiga турар жойини ёзиб берди. Матлуба бу қофозни фижимлади-ю, аммо ташлаб юборолмади.

Ҳозир укасининг дарвозаси қаршисида шуни эслаб, бир энтиқди. Бу ёмон хаёл домига тушмаслик учун қўнфироқ тугмасини босди. Эри қамалганидан бери дам ярим тунда, дам эрта сахарда келиб юргани учун эшикни очган келини бу ташрифдан ажабланмади. «Келинг, опа», деб сўраши.

— Сарвар уйдами? — деди Матлуба, остона ҳатлаб ичкари киргач.

— Уйдалар, футбол кўряптилар. Одатларини биласиз-ку, футбол деса ўзларини томдан ташлайдилар.

Сарвар чиқиб, опаси билан саломлашди-да, «чой-пой ичиб тур, ҳозир тамом бўлади», деб яна кириб кетмоқчи эди, хотини тўхтатди:

— Одамни иснодларга ўлдириб юборасиз-а, футбол ўлгурингизни бир марта кўрмасангиз нима қилиби?

Бу гапларни эшитиб, Сарвар қошларини чимириди:

— Яна бир марта «футбол ўлгур» дегсанг, жийдахалтангни қўлтиқлагину онангниги жўнаб қол.

— Ахир опам...

— Опам бўлса, ўзимнинг минг йиллик опам. Менсиз ярим соат чидаб ўтиришга қурби етади. Сен каллангни ишлат: бунаقا ўйин тўрт йилда бир марта бўлади. Тўрт йил кутаман мен бунаقا ўйинни.

— Менинг келин деган номим бор. Ҳар қанақасига ким ёмон — келин ёмон.

Матлуба эр-хотиннинг «олишуви»ни эшитиб, маъюс жилмайди.

— Сарвар, бор, киравер, футболингдан қолма.

Шу пайт ичкаридаги телевизордан муҳлисларнинг ҳайқириғи эшитилди. Нимадир демоқчи бўлган Сарварнинг гапи оғзида қолиб, сапчиганича ичкари кирди.

— Назмихон, қўйинг, одатини биласиз-ку. Ўзининг тўйида футболдан кечмаган одам шу пайтда кечадими?

— Ҳе қурибгина кетсин, шу футболлари, — Наз-ми шундай деб қайин эгачисини меҳмонхонага бошлади.

Бу хонадондаги эр-хотин ечиши мушкул бўлаётган асосий муаммо футбол масаласи эди. Сарвар бу ўйиннинг ашаддий мухлиси бўлса, Назми ашаддий душмани эди. «Футбол — санъат! Сочи узун, ақли калта одам бу ўйиннинг гаштини билмайди». «Футбол — йигирма иккита аҳмоқнинг битта тўп кетидан Али аканинг итидай ҳаллослаб югуриши». Эр-хотиннинг бу борадаги «фалсафаси» шундан иборат. Ўн йилнинг нари-берисида давом этаётган «илмий» баҳсда ҳали томонларнинг келишувидан дарак йўқ. Ҳозирги бу бир «чўқишиб» олиш ҳам Матлуба учун янгилик эмас. Ҳар сафар «қозилик» қилишга тўғри келса, келинга тўйларини эслатади. Бу эслатув Назмига ёқади. Аслида Наз-ми бу воқеани сира унутмайди. Чунки бу унутадиган воқеа эмас. Бирон ҳажвчининг қулоғига чалинса ёзиб юбориши турган гап. Тасаввур қилинг: никоҳ базми авжида. Табрикларнинг бири-иккинчисига уланади. Ширақайф меҳмонлар келиннинг ярим соатдан бери ёлғиз ўтирганини сезишмайди. Аммо бунақа ҳолат аёлларнинг назаридан қочмайди. Табиийки, энг аввало келин пошша безовталанадилар. «Ҳозир келаман», деган куёв тўра қаёққа ғойиб бўлишлари мумкин? Янгаси биқинига аста тутиб, «Қани куёв?» деб сўрайди. Назми қаердан билсин?

Хотинларнинг шивир-шивири тавонхонагача етиб боради. «Опоқи, қудалар хавотирланишяпти, ўғлингиз бир соатдан бери йўқ эмишлар». «Ярим соат» тавонхонага «бир соат» бўлиб етиб борди. Бу гап хотинлар тили воситасида кўчага чиққудай бўлса, «икки соат»га етиши тайин. Ўғлининг қаердалигини она билмай, ким билсин? Тўғри, бу гапни эшитиб, аввалига юраги «шув» этиб кетди. Ҳарҳолда дўстдан душман кўп. Онанинг зийрак фаҳми бу хавотирни дарров қувди. «Вой, шўргинам, бугун футболи бориди-я! Тўйни эртага кўчиринг, деганида қудалар кўнишмовди». Хуллас, Сарвар яна ўнбеш дақиқадан сўнг «топилди». Ўша куни у умрида ягона зўр «жасорат» кўрсатди: футбол ўйинининг фақат иккинчи бўлимини кўрди. Биринчи бўлимини эса «умрида бир марта бўладиган тантана» — тўй учун қурбон қилди. Табиийки, Назми бундан ўша пайтда бехабар эди.

Куёв тўра хушнуд ҳолда жойларини эгаллаганларида келин пошша аразлагандай бир чимирилиб қўйдилар-у, тергамадилар, турмушнинг дастлабки дақиқаларидаёқ тергашни ўзларига эп қўрмадилар. Бу ҳам ўзига хос бир жасорат бўлдики, зикр этилмоғи албатта, ўринлидир. Ўйин кўнгилдагидай тугагани учун куёв тўранинг кайфиятлари яхши эди. Бармоқларининг учи билан келин пошшанинг юмшоқ жойларини ўғринча силаб, қулоқларига шивирладилар:

— Сизга битта шеър айтиб, берайми?

Келин пошша ажабланиб, «шеър ёзгани кетган эдингизми?» деган савол назари билан қараб қўйдилару бош ирғаб, шеърни ўқимоққа ижозат бердилар.

Куёв тўра яна қулоққа шивирладилар:

— Экин экадиғон еринг бўламан, бугундан бошлаб эринг бўламан.

Келин пошша «пиқ» этиб кулиб қўйдилар. Бу кулги куёв тўранинг гуноҳлари кечирилганига бир ишорат эди. Қадаҳ кўтариб табрик сўзи айтаётган меҳмон гўё куёв тўранинг ҳозиргинада шеър айтганларини сезгандай «мушоира»ни давом эттириди:

«Сарварбек! — деб хитоб қилди у. — Тўй тўйлашиб келдик элингизга, Худо қувват берсин белингизга!» Тўйхонани қийқириқ босиб, хотинларнинг фаразларга бой «шивир-шивири»га якун ясалди. Мана шу қисқа вақт давомида Сарвар хотинлар тили билан ясалган «учар гилам»да яхши кўрган қизи билан учрашиб қайтишга» улгурди.

Назми ҳар сафар шу воқеани эслаганида бир энтикиб қўяди. Ҳозирги энтикиш эрига бўлган аразни нари сурди. Қайин эгачисига меҳрибонлик кўрсатиб, Матлубанинг қаршилигига қарамай дастурхон тузади. Чой дамлаб келгач, қўни-қўшнилар, қавму қариндошлар ҳаётидан қисқа-қисқа ахборот берди. Матлуба келинининг бу одатини ҳам яхши кўради, ҳам ранжийди. Яхши кўрганининг боиси — Назми билан беш дақиқа бирга бўлса бас, барча янгиликлардан хабардор бўлади. Ранжиганининг боиси — унинг ташрифи ҳақидаги маълумот ҳам эртасигаёқ «хотинлар телографи» орқали тарқайди. Турсунали қамалганидан бери бу «телеграф» тўла қувват билан

ишлайди. Матлуба баъзан «гап шу ерда қолсин», деб келинига қаттиқ тайинлади. Келиннинг «оғзи маҳкам». Матлуба кетгунига қадар бу гап остона ҳатламайди. Матлуба тушган автобус шаҳарни тарк этмай, сир сақланмоғи лозим бўлган янгилик озгина қўшилган, безалган ҳолда «хотинлар телеграфи»га уланади.

Назми маҳалла янгилигини тугатиб, қариндошларга ўтганида Матлуба унинг гапини бўлди:

— Вазирликка ҳисобот олиб тушган эдим. Қофоз ўлгур бирам кўп. Битта-битта текшириб олгунича кеч бўлиб кетди.

Матлуба бу гапни «хотинлар телеграфи» учун атай айтди. «Ҳисобот оладиган қўнғиз мўйлов опамга бир-икки илмоқ ташлаш учун атай кечгача олиб ўтирибди», деган қўшимчадан, шубҳасиз, Матлуба бехабар қолади.

Футбол тугаб, Сарвар чиқиб келди.

— Вой опа, қаранг, бир қаранг, — деди Назми, — шохлари чиқибди!

— Боя нима дединг? — деди Сарвар унинг пичингини тушунмагандай, — «Одамни иснодларга қолдирасиз» дедингми? Мен футболни кўрмай шу гапингни ўйлаб ўтирдим.

— Гапимга нима бўпти?

— Қизик-да. Одам иснодга қолса, сенга нима?

— Вой, савил, опа, укангизнинг гапларини эшитяпсизми? Мен одам эмас эмишман...

— Мен унақа демадим, — Сарвар шундай деб чой хўплади, — чойни янгила, совуди.

Назми опа-указага бир-бир қараб чимирилди-да, жаҳл билан ўрнидан туриб, ташқарига чиқди.

— Баъзан жуда ошириб юборасан-да. Чой иссиқ эди-ку? — деди Матлуба укасига норози қиёфада боқиб.

— Шунақа демасам, вайсаб ўтираверади. Ҳа, нима бўлди, тинчликми?

— Вазирликка ҳисобот олиб тушувдим...

— Бўладиган гапни гапирсанг-чи.

Матлуба укасидан сир сақламас эди. Аммо бўлиб ўтган гапларни ҳозир айтгиси келмади. Эрининг ўйнаши олдида, ўзи «шалтоқ, исқирт», деб ҳисоблаган бир аёл қаршисида паст кетгани, аниқроқ айтилса, мағлуб бўлганини тан олгиси келмади. Шу сабабли «бўладиган гапинг нимаси», деб укасидан нигоҳини олиб қочди. Зийрак Сарварга шунинг ўзи кифоя қилди.

— Бўлди, тўқ дардингни, яна ёрилиб кетмагин, — деди у опасига тикилиб.

Матлуба бу қарашга бардош бера олмади. Бир соат аввалги воқеа, мағлубиятдан тошган дарду алам дарёси кўзларидан ёш бўлиб қуиила бошлади.

— Ёриласан, дедим-ку! Айт, нима бўлди?

Матлуба рўмолчаси билан бурнини чимдига қўйиб, «ҳеч нарса» деди-да, сумкачасидан эрининг хатини олиб, узатди.

Сарвар хатни ўқиб, бир оз ўйланди. Сўнг «хато ўқимадимми» дегандай сатрларга яна кўз юргутирди.

— Ҳа... тушибдилар, акагинам... — деди ўзига ўзи гапиргандай.

— Нимага тушади?

— Ўғриларнинг қўлига тушибди эринг.

— Қанақа ўғрилар? — Матлуба бу янгиликдан ажабланиб, йиғини ҳам унутди.

— Қанақа бўларди, оддий совет ўғрилари, — деб пичинг қилди Сарвар. Сўнг жиддийлашди:

— Уларга солиқ тўланмаса эрсиз қоласан.

— Сен буни қаердан биласан?

— Биламан-да.

— Йўқ, айт, қаердан биласан?

— Мен билан бирга ўқиган Ҳабиб эсингдами? «Золотой» дердик. Ўнинчida ўқиётганида қамалиб кетувди. Эсингда йўқми? Хўп, унда эсинг Турсунали аканг билан банд эди. Хуллас шу бола икки марта ўтириб чиқсан. Салкам «вор в законе».

— Бу нима дегани?

- Ўғриларнинг зўри, дегани. Ўша гапириб беради менга бунаقا гапларни.
- Учрашиб турасанми? Ўғри билан-а?
- Ўғри бўлса, кўчада ўғри. Уйда менинг ошнам.
- Бу хатни унга кўрсатайлик.
- Фойдаси йўқ.
- Нега?
- Таниш-билишлик, илтимос деган нарса бизларда бўлади. Ўғриларда бунақаси йўқ. Эрингни шунга ҳукм қилишибдими — тамом. Давлатнинг хазинасига ўхшаб, уларнинг ҳам хазинаси бўлади. Томиб турмаса, қурийди бу хазина. Улар эса хазиналарининг қуришига сира йўл қўйишмайди.
- Хазинасига ўт кетсин!
- Қарғама. Уларнинг иши тўғри. Улар дуч келган одамни туширишмайди. Поччагинамга ўхшаган ғирромларни ўмаришади. Ўзинг ўйлаб кўр, ишчидан ё дехқондан нимани ўмаришади?
- Поччангдан ҳеч нима қолмади. У уйга ташимас эди.
- Бу билан уларнинг ишлари йўқ.
- Мен қаёқдан топаман шунча пулни?! — Матлубанинг титроқ овози бир неча парда кўтарилиди. Ошхонада ивирсиб юрган, қўли ишда, қулоғи эса меҳмонхонада бўлган Назми ҳам бу овозни эшитди.
- Эр керак бўлса, топасан, — деди Сарвар хотиржам тарзда.
- Бермасам ўлдиришадими?
- Билмайман. Агар шунаقا шарт қўйилган бўл-са — ўлдиришади.
- Болаларимга-чи? Тегишмайдими?
- Билмайман... Агар болаларни гаровга қўйган бўлса...
- Нега гаровга қўяркан? Болаларда нима ҳаққи бор унинг?! Вой Худойим, қаёқданам шу ҳайвонга тегдим!
- Бўлди, ғингшима. Энди ҳайит ўтган, хинани хоҳлаган жойингга қўясан.
- «Хотинлар телеграфи» учун қизиқ маълумот бера оловчи гапга шошган Назми кириб келиб, икковлари ҳам жим қолишиди.
- Болаларнинг ўқишига қаттиқ турганинг яхши,— деди Сарвар гапни буриб. Матлуба аввалига укасининг муддаосини тушунмай ажабланди. Сўнг келинига бир қараб олиб:
- Ҳозир ўйинқароқ пайти. Отаси бўлганидаям ҳа-йиқиб турармиди... — деб қўйди.
- Онаси, эрталаб вақтли кетаман. Кийимларимга дазмол уриб қўй, — деди Сарвар, хотини узатган чойни олиб.
- Назми «кийимларингиз тап-тайёр» дейишга оғиз жуфтлади-ю, ўзининг бу сухбатга ортиқчалигини англаб, ўрнидан тура қолди.
- Менам вақтли кетаман, — деди Матлуба, — Эртага келаман. Пул оладиган йигит адамларнини тайин қилган.
- Мен ҳам адамларнида бўламан. Ўша йигитни бир кўриб қўяй.
- Кўрмаганинг яхшимикин. «Бирор билмасин» деган.
- Айтаверади. Бу бирор билмайдиган иш эканми? Сен кўп сиқилаверма. Ёлғиз бўлганингда бошқа гап эди. Аҳмоқ бўлса ҳам, ҳайвон бўлса ҳам ўша пешонангга битган эринг. Ўн беш йил берган бўлса, ўн беш йил ўтирмайди. Ўн беш йилгача ё подшо ўлади, ё эшак.
- Сарвар шундай деб ўрнидан турди.
- Ростдан ҳам ватли кетишим керак. Сен ҳам дамингни ол.
- Матлуба бу хонадонга ҳар келганида келини хурмат юзасидан меҳмонхонада ётмоқчи бўлади. Ҳар сафар ҳам Матлуба уни ётоқхонасига чиқариб юборади. Одат бу гал ҳам канда бўлмади. Меҳмонхонада ёлғиз қолгач, Матлуба ўринга ёнбошлади. Бир неча нафасдан сўнг юраги безовталаниб, қаддини кўтарди. Хаёллари чўл шамолидай бевош бўлиб кетди. Турсунали акасини ilk бор кўрган кунини ҳам эслади. Эслай туриб, ўша кунни лаънатлади.

Асалдай тотли туюлган дамлар заҳарга тўла турмушнинг алдамчи дебочаси эканини кечанглади. Юмуқ кўзлар очилган дамда заҳарга тўла ҳаёт қўйнига кириб бўлган, энди ортга йўлйўқ эди. Ҳозир ҳам турмушнинг заҳарли ниши юрагига санчилиб, безовта қила бошлади. Юраги қаттикроқ санчганда беихтиёр «ойижон!» деб юборди.

Она — фарзандига ёпирилажак дарду аламлар сели йўлидаги бир тўғондир. Она яратган Оллоҳ ҳузырига қайтгач, бу тўғон ўз-ўзидан емирилади. Матлуба буни ҳам кечанглади. Фақат Матлуба эмас, кўпгина фарзандлар шундайдирлар. Охир-оқибат «Вой, онажоним!» дейдилар, нолаю фарёд денгизига ғарқ бўладилар. Сўнг эса, тўғон бўлишни Онанинг руҳидан умид қиласидилар. Жоҳил бандалар... офатлардан Онанинг руҳи эмас, Яратганинг ўзигина сақлашига ақллари етмайди... Яна Худо билади, оналарнинг руҳига бирон-бир қудрат касб этилса, борини ҳаётда қолган фарзандлари ҳи-моясига баҳш этарми эдилар... Бу шунчаки ожиз бир фараз. Аслида эса, Оналарнинг руҳлари фарзандлар дуосига муҳтождирлар...

Матлуба ўрнидан туриб дераза олдига келди. Уйда димиқиб кетгандай бўлиб ҳовлига чиқдида, тахта сўрига ўтириб, тирсаги билан панжарага сұянди.

«Ойижон, «баҳтли бўл», деб дуо қиласидингиз нима учун қабул бўлмади? Ўзим айборманми? Энди нима бўлади? Дунёдан баҳт нима эканини билмай ўтаманми? Менинг бўларим бўлди. Болаларим баҳтли бўлишсин, дуо қилинг, ойижон. Ойижон, дуо қилинг, менга кўп умр керак эмас. Зилолани куёвга узатганимдан сўнг бир йилгина яшасам етади. Зилоланинг боласини кўрсам, бешик қиласам бўлди, кейин ёнингизга чақиринг. Куёвингиз бугун-ерта қамоқдан чиқиб келса ҳам мен болаларимни унга ишониб ташлаб кета олмайман. У чиқиб келгани билан барибир яна ўша шилтаси билан топишади...»

Шу фикр хаёлига келиши билан ўша «қон қусгур Нафиса» кўз олдида гавдаландио баданига титроқ югурди. Бошқа нарсаларни ўйлашга ҳаракат қиласа ҳам ўша «кафансиз кўмилгур Нафиса» қаршисида тиржайиб тураверди. Шунда бир неча соат илгари хаёлини ёритиб ўтган фикр яна қайталади: «Бу балогинага йўлиққур ўлмас экан, мен тинчимни топа олмайман. У ўлмаса — менга ҳаёт йўқ...» Бу фикр қатъийлаша бошлаганда айвонда шарпа сезилди.

— Нима қилиб ўтирибсан?

Матлуба укасининг овозини эшишиб, ўгирилди.

— Ўйқунг, келмаяптими? Негадир мен ҳам ухлай олмаяпман. Кўзларимни юмсам, адам чақираётганга ўхшайдилар.

— Соғингандирлар. Қачон бориб кўрувдинг?

— Тўрт кун бўлдимикан?

— Йўлинг-ку, кунда бир кўриб ўтсанг бўлмайдими?

— Бўлади-ку, Офатни кунда бир кўриш менга ҳам оғир-да. Киришимдан сасишини бошлайди, ярим соатга зўрға чидайман. Шуни қўйдириб, акамга бошқа хотин олиб беришимиз керак.

— Қўйсанг-чи.

— Сен нимага ухламаяпсан? Сиқилма, дедим-ку.

— Анави ўғри ўртоғингни қачон кўрасан?

— Хоҳласам ҳозир, хоҳласам эртага. Нима эди?

— Сўраб кўргин. Битта одам ўлдириш қанча тураркин?

— Нима? — Сарвар ҳайратланиб опасининг кўзига қарамоқчи бўлди. Ўн кунлик ой ёруғида кўзлардаги маънони уқиб бўлмади. — Нима дединг? Кимни ўлдиртиromoқчисан? Пул сўраб келган боланими? Каллангдан чиқариб ташла бу хаёлни! У ўлса, бошқаси келади.

— Уни эмас... биттаси бор.. сўраб бера қолгин.

— Нарх бир хил бўлмайди. Одамига қараб сўрашади. Лекин Ҳабиб бунақа ишга бормайди. У ўғри, киллер эмас.

— Киллеринг нима?

— Пулга одам ўлдириб берадиганларни «киллери» дейишади.

— Энг арзони қанча, билиб бер.

— Сен... эсингни йиғ. Агар киллер қўлга тушса, буюртмачи ҳам кетади. Ақлингни йиғу бунақа ишлардан нари юр. Агар яхшилаб қарғасанг, ўладиган одам шу қарғишинг билан ҳам жўнаворади. Бўлди, кириб ёт. Аҳмоқ бўлиб қолибсан.

Сарвар кейинги гапни зарда билан айтиб, опасини тирсагидан ушлаб уйга бошлади.

Матлуба ётгани билан ухлай олмади. Тонгга яқин кўзи илинган экан, дарвоза қўнғироғи кетма-кет жиринглаб уйғотиб юборди. Сарвар майкачан ҳолда шошилиб ҳовлига чиқди. Дарвозани очишга улгурмай, кўча томондан жиянининг овози эшитилди.

— Амаки, тез борар экансиз, адам айтдилар. Мен телеграфга бориб, аммамга телефон қиласман.

— Амманг шу ерда, — деди Сарвар дарвоза эшигини очиб. Тўн кийиб, қийик боғлаб олган жиянини кўрдию отасидан айрилганини англади.

Уласига эргашиб чиқсан Матлуба остона ҳатлай туриб, «Адамми?» деди-ю, жавоб кутмай йиғлаб юборди.

— Кечқурун чақиришлари бекорга эмас экан, ғафлатда қолибман-ку, — Сарвар ич-ичидан келган бир ўқириқ билан бошига муштлаб ингранди.

Опа-ука ота уйига келганларида акалари кўчага қўйилган стуллардан бирида ёлғиз ўзи шумшайиб ўтирган эди. Матлуба акасини бу аҳволда кўриб, янада хўрлиги кучайдиу «Вой отам»лаб айтиб йиғлашни бошлади.

Марҳум уй ўртасига солинган янги кўрпа-тўшакда ётарди. Жағи танғиб боғланган бўлса-да, оғзи хиёл очиқ эди. Кўзлари ҳам буткул юмулмаганди. Худди беркинмачоқ ўйнаётган боланинг кўзларидай ярим очиқ эди. Гўё у жон бермагану, ҳазиллашиб ўзини ўлгандай қилиб ётиб олган эди. Ярим очиқ лаблари ҳозир бир жилмайиб сўнг сўзлай бошлайдигандай эди.

— Ада! Адажон!!

Табиийки, жавоб бўлмади. лаблар жилмаймади. Сўзлар айтилмади. Гўё мурда гапириб юбормасин, деган эҳтиётни қилиб жағ танғиб боғлангандай...

Матлуба кириб келган янгасини қучоқлаб олиб йиғлади. Билмаган одам қучоқлашиб бўзлаётган бу аёлларни бир-бирига меҳрибон опа-сингил деб ўйлаши ҳам мумкин эди. Улар бир-бирини тингламаган ҳолда айтиб йиғлашарди: «Меҳрибоним отам...» Ярим очиқ кўзлар эса, гўё уларни кузатарди, лаблар эса, гўё пичирлар эди: «айтаётганларинг ростми? Чин дилдан ачиняпсанларми?..»

Афсус шуки, мурдалар гапирмайдилар. Уларга бир неча дақиқалик сўзлаш имкони берилсами эди... Бу оламда нималар юз бермас эди-я... Яна ким билади, балки бировлар бу имкониятдан фойдаланиб калимаи тавҳидни тўхтатмай айтарлар, бировлар «шунча йил талашиб-тортишиб эришганимиз оқибат шу бўлди, кўриб қўйинг, ибрат олинг», дерлар, бировлар эса, «фалончи мендан беш сўм қарз олиб эди, ғафлатда қолманлар, бориб олинглар», деб огоҳлантирас?

Кимдир Яратганнинг хузурига бораётганига шукр қилиб кўз юмар, кимдир лаҳадда ёлғиз ётишини ўйлаб қўрқув билан жон берар, кимдир тўплаган бойлиги қолиб кетаётганидан ачиниб ўлар...

Бу дунёни қандай тарқ этишидан қатъи назар, барчаларига аза очилади. Бу дунёда бир-бирлари билан тенглик қилмаган одамлар лаҳаддаги гувалага бош қўйишлари ҳамоноқ тенглашадилар. Аммо бу тенглик ҳам узоққа бормас. Савол-жавобдан сўнг, амалга қараб ажралиш юз берар — биров то қиёматга қадар қабр азобига гирифтор бўлар, биров эса бу азоблардан озод этилар. Қиёматда эса, узил-кесил ажралиш юз берар...

Лаблари ҳам, кўзлари ҳам ярим очиқ марҳум эришажак ажр не бўлар, ёлғиз Тангри билади. Матлуба эса, астойдил айтиб йиғлайди: «жойингиз жаннатдан бўлсин, адажон!..»

Марҳум дағн этиб келингач, йиғини уйфотаётган эҳтирослар ҳам сўнди. Ташқарида одатдаги «Бандалик экан» — «Оллоҳнинг иродаси» — «Сабр берсин», деган таъзия билдиришлар,

ичкарида эса бирдан бошланиб, бирдан сўнувчи йиғи товушлари эшитилиб турди. Матлубанинг янгаси кўнгил айнитар гапларини ана шундан кейин бошлади.

Одатда қизлар ота уйида қирқ кунгача ўтиришарди. Матлубанинг қирқ дақиқа ўтиришга ҳам тоқати қолмади. «Таъзияга келувчи хотинларнинг кети узилмасаю янгамнинг вайсаси учун фурсат бўлмаса», деб орзу қилди.

Ертасига янгасининг навбатдаги дий-диёси бошланганда Сарвар ичкарига мўралаб, Матлубани имлаб чақирди.

— Хурсанали деган йигит сўраяпти. Совхозингдан келибди.

— Бу ўша, — деди Матлуба. — Энди нима қиласиз? Шундай кунда ҳам келиб, без бўлиб турибдими?

— Нима қиласдинг, тўлайсан. Буларда тўй-аза деган гап йўқ.— Сарвар шундай деб чўнтағидан қофозга ўралган пул олиб, опасига узатди.— Ма, олиб чиқиб бер.

— Пулми? Тайёрлаб қўювдингми?

— Золотойга айтувдим. Ёрдам бера олмаслигидан афсусланиб, бу йилги солиқни кўтарадиган бўлди.

— Ўзи бериб қўя қолмайдими?

— Бунаقا ҳотамтойлигини билиб қолишса тинч қўйишмайди. Лекин одамлари билан гаплашибди. Болаларингга тегишмайди. Хотиржам бўл. Сени ҳам ҳимоя қилишади.

Сарвар кейинги гапларни опасини дардини енгиллатиш учун ўзидан қўшди.

Матлуба пулни олиб, кўча эшик томон юрди. Йигит уни қўриб, ўзини четга олди. Биринчи солиқ тўлаш маросими гап-сўзсиз бўлди. Матлуба пулни узатди, йигит олиб чўнтағига солди-ю «хайр, раҳмат» дегандай тиржайиб қўйгач, бурилиб жўнади.

Матлуба изига қайтаётганида акаси «Ҳа, тинчликми?» деб сўради.

— Тинчлик, — деди Матлуба, — совхознинг кассири. Қофозлари менда эди.

Акаси хавотирланиб эмас, шунчаки сўраган эди, бу жавоб билан қониқди.

## ДАРБАДАР

Биринчи қор ёмғирга аралашиб ёққани учун тез эриб кетди. Қор баҳонаси билан ёпирилиб келган совуқ тунда кучга кириб, фаолиятини ер сатҳини музлатишдан бошлади. Бунаقا совуқни энди кўраётган Турсунали дийдираб, «шу совуқларда музлаб, ўлиб кетсан керак», деб хўрлиги келди. Бир қўлида чўкич, иккинчисида белкурак ушлаб, саф билан йўлга ҳозир бўлиб турганида рўпарасида Тенгиз пайдо бўлди.

— Ҳа, земляк, ишлар қалай? Мунча шумшаясан? Нима, совқотдингми? Агар шуни совуқ десанг, бир-икки ҳафтадан сўнг онангни кўрар экансан-да. Ҳа, хотинингга хат ёзиб, раҳмат деб қўй. Ақлли экан. Буйруғингни бажарибди.

Тенгиз шундай деди-ю, бурилиб нари кетди. Турсунали «мени бу азоблардан қутқаринг», деб илтимос қилмоқчи эди, улгурмади, гапи оғзида қолди. Сафга қаратса «Юрилсин!» деган буйруқ берилди.

Уч кундан бери улар дараҳт кесишмайди. Кесилган ёғочлар йиғилиб қолганмиш. Ўн чақиримча пиёда юриб, сўнг ўрмон ичидаги ҳандақ қазишади. Бу овлоқда ҳандақнинг нима кераги борлигини ҳеч ким билмайди. Аслида бу ҳандақларнинг бирорга зарурати йўқ. Дараҳт кесиш вақтинча тўхтатилгани сабабли маҳбуслар бекор ётишмасин, деган мақсадда ҳандақ қаздиришади. Бир гуруҳ келиб қазииди. Иккинчиси келиб кўмади.

Аввалги кун Нуриддин ҳам Турсунали билан бирга эди. Кеча уни Тенгиз ёнига чақириб олибди. Нуриддиниз унинг бўлари бўлди. Белгиланган вазифасини бажара олмай калтак ҳам еди. Кечқурун Нуриддинга арзи ҳол қилиб «Тенгизга айт, менга енгилроқ иш олиб берсин», деган эди. Бугун Тенгиз яқинлашаётганини қўриб, бир ичи ёришди-ю, кейин яна зулмат қўйнида қолди.

Нуриддин унинг илтимосини Тенгизга айтган эди.

— Ҳамзат, — деди Тенгиз унга жавобан, — сен ҳеч қачон одамларга, айниқса, бунақаларга ачинма. Бу одам ким бўлган, биласан-а? Совхоз директори! Бу ерда сен билан менга ялиниб юрибди. Амал отида керилиб, давр сураётган дамларида бизни одам ўрнида кўрармиди? Бу хунаса бошқаларни эшшақдай ишлатиб, ўзи майшатини суриб юрган. Ана энди меҳнат нима, азоб нима билиб кўйсин.

— У чидолмайди, ўлиб қолади, — деди Нуриддин.

— Кўяввер, ўлса ҳам меҳнат билан ўлсин. Сен дараҳт кесиш бошлангунига қадар менинг ёнимда юра турасан. Аммо бир нарсани унутма: мен билан бўлганингда кўзинг кўр, қулоғинг кар бўлади. Кўрганингни кўрдим демайсан, эшитганингни эшитдим демайсан.

Нуриддин бу буйруқقا итоат этди. Бу итоати билан ўғрилар оламига дастлабки қадам кўйганини ўзи ҳам сезмай қолди. Шу пайтгача ўғрилар сиртмоғига бўйин бермай келаётган эди. Тенгиз кўзга кўринмас сиртмоғини усталик билан ташлади. Ўша куни «политбюро» тўпланди. Ҳал қилинадиган аниқ масала йўқ эди. Шу боис «чефир» чой ичиб, қарта ўйнаб гаплашиб ўтиришди. Қўтос ҳам, Кошак ҳам, бошқалар ҳам хизматдаги Нуриддинга қараб-қараб кўйишарди. Кошак неч-та уйни босганию қанча одамни асфаласофилинга жўнатганини айтаётганида Тенгиз унинг гапини бўлди:

— Кошак, биз бу гапларни биламиз. Агар Ҳамзатни қойил қолдирмоқчи бўлсанг, янгишасан. Ҳамзат Аффонда ўлдирган одамларни сен саноғига ета олмайсан.

Кошак «шунақами?» дегандай Нуриддинга зимдан қараб қўйди. Тенгиз айтмаса ҳам Нуриддиннинг кимлиги, очиқликда нима қилгани бу ердагиларнинг ҳаммасига аён эди. Бу чойхўрлик, бу хизмат бўлажак ўғри билан «яқинроқ танишиш» мақсадида уюштирилганди.

«Политбюро» аъзоларига Нуриддин маъқул келди. Унга қарши эътиroz билдирилмади. Тарқалиш пайтида Кошак:

— Унинг тарбиясини Қўтосга бер, — деб талаб қилди.

— Ҳозир эмас, — деди Тенгиз, — Бу бола эгар урилмаган асов от. Ҳуркиб кетади. Уни ўзим эгарлаб, жиловлаб бераман. Ана ундан кейин Қўтоснинг қўлига тутқизаман.

Нуриддин Бифштексни ўлдиргач, қамоқ лагерида ўзига нисбатан муносабат ўзгарганини сезди. «Полит-бюро» мажлисидан сўнг эса, лагер бошлиқлари ҳам унга юмшоқроқ муомала қила бошладилар. Ана шунда Нуриддин «буларга боғланиб тўғри қилдимми?» деб ўйланди. Булардан узоқлашишнинг турли йўлларини излади. У фаҳми етган, билган барча йўлларнинг боши берк эди. «Фақат ўлимгина булардан қутқариши мумкин», деган тўхтамга келди.

Гарчи қамоқ лагерида эркинроқ юришга шароит яратилган бўлса-да, у руҳини қафасдан бўшата олмас эди. У Бифштексдан зўрроқлари билан ҳам олишмоғи мумкин, аммо ўзини ўзи енга олмас эди. «Исмингиз нима, отахон?» деб сўраганида кулимсираб туриб «Дарбадар» деган ўша қарияни қутқариб юборолмагани учун ўзини ўзи то ўлгунича лаънатласа керак.

Тайёргарлик машқлари даврида аскарлар орасида «Афfonга ташлашар экан», деган мишиш юради. Бирорлар қўрқиб, нажот истаб уйларига хатлар ёзсалар, бошқалар «байналминал бурч»ни бажариш, қаҳрамонлик кўрсатиш илинжида жанггоҳга ошикарди. Баъзи йигитлар эса, «Афfonдан қайтганлар иститутларга имтиҳонсиз қабул қилинар экан», деб умид қилишарди. Институтларга кириш учун Афfonдан тирик ҳолда қайтиш лозимлигини эса ўйлашмас эди. Ҳар куни ўнлаб қора темир тобутлар селининг оқиб келаётганини улар билмасдилар.

Нуриддин эса, «Нима бўлса, пешонамдан кўрдим», деб ўзини тақдир ёзуғи ихтиёрига берган эди. У жанг-гоҳда етти ухлаб тушида кўрмаган фожиаларга дуч келди. Дастьлаб «бу ваҳшийликларни кўравериб жинни бўлиб қолсам керак», деб ўйлади. Йўқ, ақлдан озмади, аксинча, дийдаси қотиб борди. У афfonларнинг нима учун урушётганини тушунмас эди. Унинг учун бир нарса аниқ — қаршисидаги душман! Сен отмасанг, у сени ўлдиради. Чунки у учун сен душмансан! Бу дунё-да яшаб қолмоқ учун ҳам қаршингдагини ўлдиришинг шарт. «Байналминал бурч», «Афfonистон озодлиги», деган тушунчалар мингинчи даражадаги масала эди. Ажал

ўқлари ёғилиб, фақат ўз жонинг кўзга кўриниб турган онда фақат ақлдан озган одамгина бундай бурч ҳақида ўйлаши мумкин. «Қаршимдаги душман эмас, мусулмон биродарларим. Ўз уйини, молу жонини ҳимоя қилган одам нима учун душман бўлар экан?» деган тушунча ҳам Нуриддинга ёт эди. Қадимда Хурросон деб аталмиш бу юртни боболар бир томондан инглиз, шимолдан эса ўрус ҳамласидан ҳимоя қилиб жон берганларини ҳам билмас эди. Ўрусга қарши жиҳодда жон берганларнинг авлодлари энди ўрусга шерик бўлиб жон олса... Боболар ўрусга Хурросонни бермаган эдилар. Ўрус Термиз билан Кўшқдан нари ўта олмаганди. Нуриддин буларни ҳам билмас эди. Билганда-чи? Билганда нима қила олар эди? «Боболарим юртига қараб ўқ отмайман» деса, «Майли ука, сиз уйингизга қайта қолинг, бу ёғини ўзимиз эплаштирамиз», дейишармиди? Бе, инсоф қилишса «хизматдан бўйин товлаш» деб қамашарди. Раҳм қилишмаса шартта отиб ташлашарди — вассалом!

Нуриддин ўзини Дарбадар деб атаган қария билан учрагунича ақлсиз гўдак каби эди. Дарбадар отилганидан бери орадан тўрт йилдан ошиқроқ вақт ўтди. Қарияни отиш учун беш киши чиқишиди. «Отилсин!» деб буйруқ берилди. У ҳам беихтиёр тепкини босди. Мўлжалга олмади. Балки ўқи хато кетгандир, қарияга тегмагандир?

Ўқ отилмай туриб қария унга қараб жилмайиб қўйди. Нега жилмайди экан? «Мен Ватаннинг бир бўлагиман, сен Ватанга қараб ўқ узмайсан, а?» демоқчи бўлдими? Ё «Ана, айтмоғимидим, қул бўлганинг учун ҳам буларга қўшилиб чиқдинг», демоқчимиidi? Нуриддин бу жилмайишнинг маъносини уқишига кўп ҳаракат қилди. Бироқ, тайин бир хulosага кела олмади. Бадани ўқлардан илма-тешик бўлган Дарбадар кўкрагини чанглаб, яна Нуриддинга тикилди. Бу сафар жилмаймади. Йўқ, йўқ, кўзлари бир нуқтада қотди: ўтқир нигоҳига савол аломати муҳрланди. Нуриддин бу қарашнинг маъносини ҳам уқмади.

Уша фожеадан кейинги тунлар Нуриддин учун беҳаловат, азобли тунларга айланди. Дарбадар ўша савол аломати муҳрланган нигоҳи билан ҳар тун уни таъқиб этадиган бўлди.

Асиrlар сақланадиган ҳибсхонада Дарбадардан бўлак ҳеч ким йўқ эди. Нуриддин ҳибсхонани қўриқлаш учун навбатни қабул қилганида бундан кейинги ҳаёти алғов-далғов бўлиб кетишини ўйламаган ҳам эди. Аввалига «гапириш мумкин эмас», деб огоҳлантириди. Дарбадар «Сен гапирма, эшит», деб сўзлайверди. Худди тарих ўқитувчиси дарс ўтаётгандек эди. «Ўша сухбатдан сўнг йигитнинг онги ўзгарди, ватанпарварга айланди», десак лофга ўрин берган бўламиз.

Ватанин бир мартагина бўлса ҳам кўришга зор кўзлар жон таслим қилинганидан сўнг ҳам юмулма-ган эди. Ана шу кўзлар тунлари Нуриддинни уйғотарди...

«Қўлингни узат, бўтам, қўрқма, кафтингни бир ҳидлай, ундан Ватан ҳиди келса ажаб эмас. Имконим бўлса эди, сени бир қучар эдим. Ахир сен Ватанимнинг бир заррасисан. Мен ҳам бир бўлагиман. Тақдир ўйинини қарагина — Ватан иккига айрилмиш — бири қафасда, бири эса, қулликда».

«Мен қул эмасман».

«Қўлсан, бўтам, қўлсан. Кўзлари юмуқ қўлсан. Ақли муҳрланган қўлсан. Кўзларинг очиқ бўлса эди, озодлик сари юрган бўлар эдинг. Ақлинг қулфлари бузилса эди, кишанларни уриб синдирап эдинг».

«Кишан? Йўқ, бизда кишан...

«О, кўнгил, сен бунчалар нега

Кишанлар билан дўстлашдинг,

На фарёдинг на додинг бор...»

Бўтам, сен бу сатрларни билармисан? Чўлпонни эшитганинг борми?»

«Чўлпон? Ким ў?»

«О, миллат, бахти қаро миллат! Сени зулматдан ёруғликка олиб чиқувчи авлод шуларми эди?»

«Гапларингизни тушунмаяпман?»

«Ватан надир? Миллат надир? Эрк надир? Англармисан ўзинг? «Кулган бошқалардир, ииғлаган менман... Ҳайвон қаторида санаған менман...» О, миллат ҳолинг на бўлар энди»

«Ота, бирон ерингиз оғримаяптими? Касал эмасмисиз?»

«Мен соғман, бўтам, миллатим хастадир. Мен бугунми, эртами ўлимимни топарман. Оқибат бу ёруғ дунёга сиғмай қоларман. Ватан соғинчи билан тепаётган юрагимга биттагина ўқ кифоя. Ватанни бир мартагина кўрмоқ умидимни ўзим билан туфроққа олиб кетурман».

«Ватан, Ватан, дейсиз? Ватанда турибсиз-ку?»

«Бир жиҳатдан гапинг тўғри, бўтам. Бу Хурросон — боболаримиз Ватани. Бизнингда Ватандир бу. Аммо менинг киндик қоним тўкилган Ватан — Андижондир».

«Ие, мен ҳам ўша ерликман».

«Қора қошларингга қараб кўнглим сезиб эди. Сен киришинг билан Ватан иси димогимга уфурди. Шу боис сўзлайвердим».

«Исмингиз нима, отахон?»

«Исмим — Дарбадар».

«Ие, шунақа исм ҳам бўладими?»

«Тўғри, бунақа исм йўқ. Лекин шунақа одамлар бор. Мингтепа деган жойни биласанми? Жаннатмакон отамнинг киндик қонлари ўша қишлоққа томган. Отам бир ёшга тўлмай туриб бобомнинг юрак қони шу қишлоқда оқсан. Ўруслар Мингтепа ариқларида инсон қонларини оқизиб, сўнг атроф қишлоқдагиларни адирга ҳайдаганларини наҳот эшитмаган бўлсанг? Ўзбекларни дарбадар қилиб, уларнинг ўрнига ўрусларни кўчириб олиб келиб «марҳамат, яшанглар!» деганларини ҳам эшитмаганмисан? Ахир ўша фожиадан «Марҳамат» деган ном хотира бўлиб қолган-ку? Ё Раб, бу не кўргулик? Дукчи эшонни биларсан балки?»

«Мактабда ўқиганмиз. Одамларни алдаб бойиган киши экан».

«Астағфируллоҳ! Эшон ҳазратларининг ниятлари кўкрак сути каби покиза эди. Ватанни озод этмоқни ният қилиб эдилар. Жаннатмакон бобом ҳазрат эшоннинг муридлари бўлган эканлар. Уларнинг исёнини эшитганмисан?»

«Ўқиганмиз. Уч-тўрт соатда бостирилган экан».

«Нима учун шу қадар тез бостирилган? Ўйлаб кўрганмисан?»

«Биз ўқитувчи ўтган дарсга ишонамиз. Ўйламаймиз».

«Ё миллат, ҳолингга вой! Сен бир ўйла, бўтам, Эшон ҳазратни фитна, иғво тузоfiga туширганлар. Ўруслар эшон ҳазратдан кўрқанлар. Ҳазратнинг атрофига одамлар тобора кўп тўпланаверганлар. Яна бир йил қўйиб берилса, Эшон ҳазрат ғоят катта кучга эга бўлур эдилар. Агар жиҳод бир йил кейин бошланганида бу юртларда ўрсунинг уруғи қурур эди. Билиб қўй: миллатни хор қилган ўруслар эмас, ўзимиздан чиққан хоинлар, иғвогарлар. Ҳазратимни ҳам шулар бадном қилдилар. Буларсиз ўрус ҳеч нимага эриша олмас эди. Иғвогарлар турк сultonидан деб ёлғон мактуб тўқидилар. Ҳазрат эшон бунга инониб бемаврид жиҳодга қўзғолдилар. Ўзинг ўйла-чи, қурол-яроғсиз ҳам жиҳодга чиқадими киши? Бобомнинг йўлларини отам давом эттиридилар. Мадаминбекка қўшилиб икки йил жанг қилдилар. Бунда ҳам ўрусларга иғво иш берди. Амирал-муслиминнинг муборак бошларини ўз биродарлари узишди... Шундан сўнг юртдан қувилдик. Қашқарда макон топдик. Ўрсунинг большевиги Қашқарга етиб келди. Биз эса, бу ерларга паноҳ излаб келдик. Энди ўрус бу ерларда уруш қўзғади. Кўпчилигимиз тинчлик истагида Туркияга ёхуд Саудийга жўнашди. Мен қолдим. Жиҳод истаб қолдим. Ўрусдан қачонгача қочамиз? Ё ҳаёт, ё мамот! Сени дуо қиласман бўтам, юртга омон-есон қайтиб бор. Қайтиб боргину жаҳолатда юмуқ бўлмиш кўзларингни оч! Дўстларингни ҳам уй-фот! Ватанда беватан яшама. Ватан боғини қуритма. Инсон ўз қони ила суғориб бўлса-да, Ватан деб аталмиш муаззам боғнинг қуримоfiga йўл қўймаслиги лозим, унутма! Миллат хаста, ўғлонлар эса табибурлар!»

Шу сўзларни айта туриб худди нафаси сиқилгандай чуқур тин олган эди. Сўнг овозини пастлатгани ҳолда бир байт ўқиб эди:

«Маризинг бир тарафдин, бир тарафдин хорсан — миллат,  
Бадандан доимо қон олдурап беморсан — миллат...»<sup>10</sup>

Болаликда шеър ёдлашга уқуви дуруст бўлган Нуриддин бир эшитишдаёқ бу байтни эслаб қолган, сўнг мағзини чақмоқ учун тез-тез такрорлашни одат қилган эди.

Дарбадарнинг тунлари уйғотиб беҳалавот қилғувчи, савол аломати мухрланган кўзлари билан шуларни гаплашади. Ҳибсхонадаги қисқа суҳбат такрорланаверади.

Дарбадар дуо қилди. Лекин юрга қайтиш баҳти Нуриддинга насиб этмади. Бир қишлоққа ҳужум қилишганида чидай олмади. Хонадондаги ҳимоясиз аёллар, болаларни отаётган шеригининг бошига қўндоқ билан урди. Сўнг автоматнинг барча ўқларини унинг кўксига бўшатди.

Дарбадарнинг умиди жасади билан биргаликда кўмилди — жаҳолат, ғафлат уйқусидан уйғониш, қуллик тамғасидан қутулиши зарур бўлган йигит Сибирияning овлоқ ерларида қандайдир одамларга чой дамлаб, хизмат қилиб юрибди. Ўша тун уйғониб, Дарбадарнинг кўзларига рўпара бўлганида шуларни айтиб:

«Сиз ғафлатдан уйғон, дедингиз. Қандай уйғонишни эса айтмадингиз».

«Худо сенга ақл, зеҳн берган. Ўйла, йўлни топ».

«Мен бунаقا жойларда нима қиласай энди?»

«Сен бу жойларда озодликнинг қадрига етасан».

«Мен булар билан бирга бўлишни истамайман».

«Буларнинг миллати йўқ. Сен миллатсиз одамлар билан бирга бўлиб, миллатни қадрлашни ўрганасан...»

Нуриддин одати бўйича Дарбадарнинг кўзларига қараб кўп саволлар берди. Лекин жавоб ололмади. Чунки у Дарбадарнинг кўзи билан эмас, балки ўзи билан ўзи гаплашарди. Унинг онги кўп саволларга жавоб топмоқча ожиз эди.

## «АЗИЗ МЕҲМОН»

Дарахт кесишига ижозат берилиб, кераксиз зовур қазиш барҳам топди. Ер юзаси қалин қор билан қопланган кезларда кутилган «азиз меҳмон» — ўғрилар оламида «Мурик» деган янги лақаб олган Слава Галиулин пайдо бўлди. Тенгиз қиши кунлари ҳам баракда биқиб ётмай, ташқарида ёқилган гулхан яқинида ўтиришни хушлар эди. Айниқса, қор бўралаб ёғаётган дамда узоқ ўтиради. Бундай пайтда баланд тоғ бағрига жойлашган овули ёдига тушиб, юраги эзиларди. Елкаларига бўркларини ташлаб олган овул оқсоқоллари гулхан атрофида суҳбат куришарди. Эргашиб чиққан набираларни боболари бўркка ўраб олишарди. Булар орасида Тенгиз ҳам бўларди. Улар худди халтадан бошларини чиқариб жавдираётган кенгуру болаларига ўхшаб кетишарди. Боболари уларни совуқдан асрароқчи бўлишарди. Аммо болачалар «кенгуру халтасида» узоқ ўтира олишмасди. Типирчилайвериб, боболарининг жонларига тегаверишгач, «озодлик»ка чиқишарди. Қорда югуриб-югуриб, думалаб-думалаб ўйнашарди...

Қани ўша озод онлар... Қани ўша меҳрли боболар... Қани уларнинг ёмон шамоллардан асрарувчи бўрклари... Қани она овлу...

Ана шу ҳислар билан ўтирганида кимдир гулханга яқинлаша бошлади. Озод осмонлардан яйраб-ўйноклашиб тушиб, то баҳорнинг иссиқ нафасига қадар ястаниб ётмоқни ният қилган қор оғир қадам юкига дош беролмай зорланиб ғижирлади. Тенгиз «ким экан бу?» деб ўгирилмади. У «азиз меҳмон»нинг шу кезлари келишини кутаётган эди, зийрак зеҳни бу сафар ҳам панд бермади.

«Азиз меҳмон» икки қадам нарида тўхтаб овоз берди:

— Салом, Княз!

<sup>10</sup> Abdulla Avloniydan.

Тенгиз саломга дарров алиқ олмади. Қўлидаги косов билан гулхандаги ўтинларни титиб қўйгач, орқасига ўгирилди-да:

— Ҳа, Чўмич, келдингми, ўтири, — деди.

Тенгизнинг ўрнидан турмагани, қўришмагани, атрофида хира пашша каби ҳар он ғинғиллаб ғашига тегувчи одамни кўргандай энсасининг қотиши сабабсиз эмас эди. «Мурик»нинг хоинлиги хусусидаги маълумот, гарчи текшириб, аниқланмаган бўлса-да, унга илтифот кўргазмоққа мутлақо йўл бермасди. Тенгиз ҳеч нарса билмагандай уни илиқ қаршилаши, гапни айлантириши мумкин эди. Лекин буни истамади. Чунки у айёрикка нисбатан тоғликларга хос мағрурликни афзал биларди.

Мурик Тенгизнинг совук муомаласидан ажабланмади. Аввало «княз» мартабасидаги бу йигитнинг довруғини эшитгани билан ўзини энди кўриши. Гарчи «қонундаги ўғри» деган мақомга Тенгиздан аввалроқ етишган бўлса-да, бу оламда етарли даражада ном чиқара олмаган эди. Шундай экан, довруқли ўғрининг бу қадар беписандлиги, табиий бир ҳол бўлмоғи аниқ. Бироқ Мурик бу илтифотсизлик боисини яхши англади. Қамоқ лагерларида маҳсус топшириқ билан юргани ўғрилар оламига маълумлигини, ўзига «Мурик» деган лақаб тақалганини у билар эди. Бу ишга розилик берганидаёқ оқибатни — ўғрилар оламида лаънатга учрамоғи аниқлигини ҳисобга олган эди. Аммо тарозининг бошқа палласидаги ўлжа қаршисида бу лаънат арзирли гап эмасди. Таъбир жоиз бўлса, «қимор»га жуда катта бойлик тикилган эди. Мурик нафс олдида ожиз қолди — ўзини тўхтата олмай «ё ўламан, ё бо-йиб кетаман», деб таваккал қилди. «Илоҳий туйғулар руҳга ҳаёт берур, ҳайвоний орзулар ҳайвоний ҳисларга қувват берур», деганлариdek, яхшилик кўчасидан юрмаган бу одамнинг ўзгача қарорга келмоғи мумкин ҳам эмасди.

Мурик Тенгизнинг елкасига кафтини қўйиб, гёё саломлашган бўлди-да, қаршисига ўтиб, ғўлача устига ўтириди.

Тентиз қўлидаги косов билан гулханни яна титиб қўйди. Тақдирга тан берганича оҳиста ёниб адо бў-лаётган ўтинлар бу титкилашга дош беролмай фарёд чеккандай ҳисобсиз учқунлар сачратдилар: гёё ўлаётган ўтинларнинг безовта руҳлари осмонга сапчигандай бўлди. Бу ҳол узоқ давом этмай, алангя яна ўтинларни ямлаб ютаверди. Унинг мағрур тиллари учқунларни қувалаб юқорига интилди. Аммо ўчган учқунларнинг изларини тополмай тўлғонди.

Бир оламнинг икки фуқароси орасида гулхан ана шундай ҳунар кўрсатмоқда эди. Тенгиз кутилган меҳмонга қаттиқ тикилди. Мурик эса бу нигоҳни сезмагандай хотиржам ўтириди. Тенгиз ундан кўзларини узмаган ҳолда умрини яшаб бўлган ўтин чўғлари остидан картошкани косовда тортиб олди-да, Мурик томон сурди. Биттасини ўзи томон тортди. Чўғда пишиб етилган картошкалар пўстлари арчилиб, еб адо қилингунча гап сўз бўлмади. Ташқаридан кузатган киши буларнинг бирдан-бир мақсади гулханда исиниб, картошка ейишдан иборат деб ўйлаши мумкин эди.

— Чўмич, — деди ниҳоят Тенгиз, — сен катта ишлар қилиб юрган одам эдинг. Уйни уришга уриб, роялда ўйнаганинг<sup>11</sup> ҳайронман.

— Атай қилдим бу ишни, — деди Мурик хотиржам тарзда. — Олдинроқ зўр бир ишни дўндириб қўйган эдим. «Иш» босди-босди бўлгунича озгина саёҳат қилиб кела қолай, дедим. Бир ҳунаса билмай туриб гап тарқатиб юборибди. Княз, сен ақлли одамсан, ҳар қанақа гапларга ишонаверма. Мен номига иснод келтирадиган қанжиқлардан эмасман.

— Сен иснодга қолиб бўлгансан, Чўмич.

— Бир ҳунасанинг сассиқ иғвоси билан иснодга қолавераманми?

— Ҳунасанинг иғвоси... дегин. Яхши. Унда Гобелян билан нима учун учрашдинг? Сенинг ишинг раён прокуроридан нарига ўтмайдиган эди. СССР прокуратурасида нима қилиб юрибсан?

<sup>11</sup> Aslan: «Sylqat na royale» — ya’ni «barmoq izlarini qoldirmoq» ma’nosida.

Мурик бу саволдан гангимади. Бироқ, жавоб қайтаришга ҳам шошилмади. Бошини эгиб, совуқда эти жунжиккандай бўлиб, кафтларини гулханга тутди.

— Айтсан, ишонмайсан, — деди у шу ҳолатда. — Бир шилта ишга аралаштироқчи бўлишди.

— Қанақа шилта иш экан?

— Икки йил олдин бир «товуққа» бориб юрадим. Ўшани ўлдириб кетишибди.

— Қанақасига қутилдинг?

— Алиби! Ўша куни мен Чоржўйда эдим. Қариндошларникига тўйга борувдим. Нафсим бузуклик қилиб кўп еворибман. Ичбуруқ бўлиб тўрт кун касалхонада ётдим.

— Гобелян ишондими шу баҳонангга?

— Нега ишонмасин?

— Ё Гобелян аҳмоқ, ё сен. Ёки... мен.

— Нега... ахир...

— Муриқжан... — Тенгиз бу сўзни армани лаҗжасида, эркалаш оҳангида айтди, — Муриқжан... Сен айтган шилта иш билан МУР шуғулланяпти. Гобеляннинг иши бошқа. Ўзбекистоннинг тит-питини чиқариб юрган одам бир шилта ишни деб бир шилта ўғри билан коняк ичарканми?

— Коняк ичганим йўқ.

— Сен қулоққа лағмон осма, Мурик. Сенинг тақдиринг ҳал этилган. Гобеляннинг хонасидан чиқишинг-да ўзингга ўзинг ҳукм ўқигансан. Агар юрагингда бир томчигина ҳалол ўғрининг қонидан қолган бўлса ҳам ҳукмни ўзинг ижро этишинг керак. Ўзингни ўлдирсанг, яхши ном билан кетасан. Биз ўлдирсак, «қанжиқ» деган ном кафанинг бўлади. Бошқа йўлинг йўқ, Муриқжан.

— Княз, иккита йўл бор жойда учинчиси ҳам топилади. Менга имкон бер.

— Гобелян нима деди сенга?

— Бу гап иккимизнинг орамизда қолиши керак, княз. Бу жуда нозик масала.

— Сен менга шарт қўйма. Гап шу ерда қоладими ё телетайпга қўяманми, ўзим ҳал қиласман.

— Яхши, Княз. Мен сенинг ақлиннга ишонаман. Гобелян аввалига мени ўша шилта иш билан қўрқитмоқи бўлди, ишон. Кейин бир таклиф айтди. «Яқинда катта «ов» бўлади. Атрофингга ишончли ўғриларни тўпла. Агар шартимизга кўнишса, ҳам озод бўлишади, ҳам бойиб кетишади. Вазифа қойилмақом қилиб бажарилса, то ўлгунларича уларга тегмаймиз», деди.

— Қанақа вазифа? Қанақа «ов»?

— Унисини аниқ айтмади. Гапининг мазмунига қараганда «Ов» Ўрта Осиёда бўлиши керак. Вазифамиз — ғалва чиқариб бериш бўлади. Қолганини ўzlари эплашади.

— Яхши вазифа олибсан... Демак, сен ўғриларни эмас, қанжиқларни тўплашинг керак экан. Сен мени қанжиқ деб юрармидинг?

— Княз, ундей дема. Сен мен ҳурмат қилувчи энг буюк ўғрилардан бирисан. Улар бизга яхши иш таклиф қилишди. Эвазига умрбод эркинлик...

— Ҳукуматнинг ҳар қандай ишига ёрдам бериш қанжиқлик эканини унугибсан, Мурик!

— Бу алоҳида бир имконият, Княз. Ўғрилар оламига катта фойда келтиради.

— Фақат иснод келтиради.

— Яхши, княз. Мен бу таклифни фақат сенга айтдим. Агар сен буни қанжиқлик деб ҳисобласанг, майли, мен ҳам бу ишга қўл урмайман. Икки йилни эплаштириб, тинчгина юравераман.

— Шундай қил: тинч юравер, — Тенгиз бу гапни айтиб заҳарли илжайди.

Мурик сухбат якунига етганини англаб, ўрнидан туриб нари кетгач, Тенгиз у ўтирган томонга қараб тупурди. Унинг тупуги гулханнинг оловли бағрини ёриб ўтолмади — манзилга етолмади.

Гулхандан узоқлашаётган Мурик «Князни ишонтирдим», деб енгил тортиб янглишган эди. Тенгиз у ўйлаган даражада бефаҳм эмасди. Гобеляннинг асл мақсади унга ҳозирча аниқ

бўлмаса-да, Мурикка «катта ов»ни ваъда қилганига ишонмади. Ишонмаслигига бир қанча сабаблар мавжуд эди. Агар чиндан ҳам «катта ов» бўлса, буни аллақандай «Чўмич»га қўйиб бермайди. Бу ёқда Арутюнан, Нерсесян, яна аллақанча наҳанг балиқлар турганида бу итбалиққа бало борми? Гобелян ўзининг «ян»ларини ишга солмадими, демак, «ов» катта эмас. Ёмон ном чиқаришга арзимайди. Бу бирламчи сабаб. Иккиласмчиси — прокуратура жанжал чиқариш билан шуғулланмайди. Тенгиз Мурик билдирган ишдан исқирт бир сиёsat ҳиди анқиётганини сезди. Демак, Мурик Гобеляндан ташқарида яна бир киши билан учрашган. «Аммо ким билан, қаерда? Агар уч ҳарфлиларга аралашган бўлса, иш жиддий, — деб ўйлади Тенгиз. — «Ов» балки уларнин режасидир? Унда Гобелян нима деган бу қанжиқقا?» Муаммо ботқофига ботаётган Тенгиз косовни жаҳл билан бир-икки гулхан бағрига санчди. Ўтинларни оҳистагина ямлаб ютаётган гулхан алангаси норизо ҳолда бир тўлғонди-ю, яна юмушини давом эттираверди.

Меҳмон узоқлашгач, баракнинг дарчасидан хожасини кузатиб ўтирган Пачоқбурун ўрнидан турди-да, елкасига пахталигини илиб, ташқарига чиқди. Гулхан томон борсамми, ё йўқми, деган ўйда бир неча нафас турди-да, сўнг «бирон амри бордир», деган ўйда хожаси томон юрди.

Тенгиз рўпарасидаги ғўлачага ўтирган Пачоқбурунга бир қараб олди-ю, индамади. Гапириш ўрнига амрни ижро этмоқни афзал билувчи Пачоқбурун бекорга қараб ўтирганини билдириб қўйиш учун сўз айтди:

— Жмура<sup>12</sup>, — деди у сўнг овозини баландлатиб қайтарди: — жмура! — сўзига хожаси томондан эътибор бўлмагач, қўшимча қилди: — елканларини поралаб ташлаш<sup>13</sup> керак.

Тенгиз унинг бу ҳукмини эшитиб, унга ўқрайиб қаради.

— Оғзингни юм!<sup>14</sup> — Тенгиз шундай деб чирт этиб тупурди-да, «Биковатий»<sup>15</sup> деб минғирлаб қўйди. Тенгиз бу «унвонни» тез-тез ишлатарди. Овоз чиқариб айтган маҳаллари ҳам кўп бўларди. Бу қамоқ лагерига келиб, «тхат»га ўтирган онида Пачоқбурунни «хос нав-карлик»ка тавсия этаётган Қўтос «ўзи биковатий бўлгани билан ишимизга садоқати зўр», деб таърифлаган эди. Тенгиз таърифнинг иккинчи қисмини қўйиб, биринчи бўлагига эътиборини қаратган эди. Баъзан шундай тўнкага рўпара бўлгани учун тақдиридан нолиб қоларди. Аммо тур деса туриб, ўлдир, деса ўлдириб келувчи одамнинг онг даражаси бундан ортиқ бўлмаслигини билгани учун ҳам чидар эди.

Пачоқбуруннинг ҳозир рўпарага келиб ўтириши ёқмади, ғашига тегди.

— Сен жучок<sup>16</sup>ларга тайнла, бундан узоқроқ юришсин. Аммо ҳар бир қадамини кузатишсин. Айтиб қўй, ким бунга яқинлашса, трамвайга қўйилади.

— Хўп, — деди Пачоқбурун мутелик билан.

— Гапимни эшитдингми?! — деди Тенгиз зардали оҳангда.

— Эшитдим. Ҳаммасига айтаман.

— Эшитган бўлсанг, тухум босиб ўтирмай, тур ўрнингдан!

Пачоқбурун келиб ўтиргани хожасига ёқмаганини англаб, ўрнидан турди-да, барак томон юрди. Остона ҳаттай деганда орқадан овоз келди:

— Менга Ҳамзатни топиб кел!

Амрга итоат этмоққа одатланган Пачоқбурун остона ҳатламай, елкасидаги пахталигини кийди-да, дарахт кесаётганлар томон юрди. Дарахт арралаётган Нуриддинга яқинлашиб, одатига хилоф қилмаган тарзда «Бу ёққа юр», деб тўнғиллади-ю, изига қайтди. У амрга сўзсиз итоат этилмоғига ишонгани учун ҳам «келяптимикин?» деган хаёлда орқасига қараб ҳам

<sup>12</sup> «Qanjiq» demoqchi.

<sup>13</sup> Besoqolbozlik nazarda tutilyapti.

<sup>14</sup> Aslan: «Zakroy podduvalo» yoki «Privyaji metlu».

<sup>15</sup> «Aqlsiz, to'ンка» degani.

<sup>16</sup> Yosh o'g'rilar.

қўймади. Пачоқбуруннинг ким эканини яхши билган назоратчи аррани қўйиб, унга эргашган Нуриддиндан «қаёққа кетяпсан?» деб сўрамади ҳам.

Нуриддин гулханга яқинлашиб, салом берди. Тенгиз саломга алик олгач, рўпарадаги ғўлача томон имлаб «ўтири», деди. Нуриддин ўтиргач, косовнинг уни билан чўғни титиб, орасидаги картошкани у томон сурди. Биттасини ўзи олиб, совутиш учун у кафтидан бу кафтига отиб ўйнади.

— Мусулмонларнинг афзал томони нимада, биласанми? — деб сўради у картошка пўстлоғини арчаётib.

Нуриддин «бilmайман, ўзингиз айта қолинг», дегандай унга қараб, елка қисиб қўйди.

— Афзаллиги шундаки, мусулмон ҳамиша бошқаларга яхшилик тилайди. Мана, сен менга соғлик тилаб яқинлашдинг. Мен эсам сенга сиҳатлик билан бирга Оллоҳнинг раҳматини сўрадим. «Бу ўғри бунақа гапларни қаердан билади?» деб ҳайрон бўляпсанми? Мен бобомдан эшитганман бу гапларни. Менинг фожиам нимада, биласанми? Чин мусулмон бўла олмаганимда. Бобомнинг чизигидан чиқмаганимда бу ерда картошка еб ўтирас эдим.

— Энди афсусланяпсизми?

— Афсусланишимдан фойда йўқ. Бу ҳам дунёning бир синови-да. Ўлмасам яна Худони таниш ўйлига ўтарман. Лекин... унда кеч бўлиб қолиши мумкин. Фиръавнни эшитганмисан?

Нуриддин «йўқ» деб бош чайқади.

— Ҳа, эшитмагансан. Қадимда Миср подшоси бўлган. Ўзини Худо деб билган экан. Ўша аҳмоқ Мусо пайғамбарни қувиб бораётганида сувга чўккан экан. Ўлаётib «бўлди, Худони танидим», деганида Худо ҳам «Енди кеч!» деган экан. Бу жуда кучли фалсафа, Ҳамзат! Ҳаётда кечикмаслик муҳим, жуда муҳим!

— Кечикмаслик учун ҳозирдан бошласангиз-чи?

— Ҳозирдан? — Тенгиз унга қараб жилмайди: — Ҳозир йўл йўқ... Ҳамзат, бир янги одам келди. Сен у билан гаплашибсан. Кимлигини биласанми?

— Йўқ, ўзи келиб гап бошлади.

— Нима дейди?

— «Бизлар мусулмон фарзандларимиз, бир-биrimizni қўллаб-қувватлайлик», деди.

— Ўша тўққиз қайтган энди мусулмон бўлиб қолибдими? Билиб қўй: у бир мараз! Ундан нарироқ юр. Аммо ҳаракатини кўздан қочирма.

— Ким ўзи у?

— Вақти келса билиб оласан. — Тенгиз шундай деб ўрнидан турди-да, барак томон юрди. Нуриддин эса изига қайтди.

## ОСМОН УЗОҚ

Бу одамнинг гаплари Турсуналига мойдек ёқди.

«Мен қамалавериб пишиб кетганман. Сенда мусулманин, менда мусулманин. Бир-биrimizни сяб юрмасак, бу ҳаромилар бизни ебда юборишади. Земляк, яхши одамлигинги қора кўзларинг айтиб турибди. Унча-мунча одамга сўзимни ўтказа оламан, қамоқларнинг тупроғини бекорга яламаганман. Сен менга суяновер...» Бунақа ёқимли гапларни ўзига яқин олиб юрган Нуриддиндан ҳам эшитмаган эди. «Кўзлари совуқ бўлса ҳам Худо кўнглига яхшилик солибди. Худо менинг раҳмимни еганга ўҳшайди», деб ўйлади у. Қамоқхоналар тупроғини ялайвериб тўйиб кетган бу «мехрибон»нинг кўнгли нима учун ийиб кетганини у яна уч-тўрт кундан кейин билади. Ҳозир эса... Худога шукур қиласди. «Худо тавбамни қабул этди», деб кўнгли таскин топади. У қўлларига кишан солингандан бошлаб Худони тилдан қўймайди. Дам тавба, дам муножот қиласди. «Гуноҳим бўлса кечир», дейди. Ҳа, айнан шу сўзлар учади тилидан. «Ё яратган Эгам, мен гуноҳкор бандангман, билиб-билмай қилган гуноҳларимни кечир», демайди. «Гуноҳим бўлса кечир», дейди. Ҳаром-хариш юриб, еб-ичганларини гуноҳ эмас, одатий яшаш тарзи деб билади. Зино қилаётган пайтда Худони эсламаган эди. Қўлларига кишан тушиши

билин ёдга олди. «Шайтон васвасаларидан қутқар» деб сўрамаган эди, «қамоқдан қутқариб ол» деб нолалар қилди. Бирорларнинг ҳаққини еганида бу дунёниг ҳисоб-китобли эканини унуган эди, қамоқ зинданнада хотирлади. «Нафс балоларидан қутқар» деб сўрамаган эди, «зиндан азбларидан қутқар», деб фарёдлар қилди. Емоқнинг қусмоғи борлигини билмагандай юрди, тепки зарбидан қайт қилганида бу ҳақиқатни англағандай бўлди. «Нафсимни ўлдир», деб сўрамаган эди, «ўзимни ўлдирма», деб таваллолар қилди.

Банданинг ҳоли шу: гўё у ёки бу ишнинг гуноҳ эканини билмагандай юраверади. Боши деворга урилиб, зарба туфайли кўзларидан учқунлар сачраганида Тангрини эслайди. Сўнг «гуноҳларим бўлса кечир», дейди. Шундай дегани ҳам катта гап. Баъзан «Е Худойим, қайси гуноҳларим учун мени бунчалик қийнайсан?» деб зорланиб ҳам қўяди. «Ҳаромдан сақлансан эдим, нафсимни тия олсан эдим, бунчалар хорликка йўлиқмас эдим», деб ўзини айбламайди. Бильякс, «Фалончи мендан кўпроқ еган эди, бегона тўшакларни мендан кўра кўпроқ гуллатган эди. У ялло қилиб юрибди, мен эсам бунда ҳорман», деб Худони адолатсизликда айблаб ҳам қўяди. Ҳар бир одам ўз амалининг асири эканига эса фаҳми етмайди.

Дунё бамисли бирданига қўкариб тезда қуриган далага ўхшашини, эҳтиётсизлик қилинса бу манзара кишини алдаб қўяжагини, алдангач эса, бир куни ҳаёти сарғайиб сўла бошлагач, маъюс ва ғамгин бўлажагини англамайди. Дунёни фоҳишанинг қучоғидай тотли деб ўйлади. Дунёниг ботқоқ юзасини қоплаган ўтлоққа ўхшашини, ўйламай ташланган ҳар бир қадам ботқоққа ботиражаги мумкинлигини фаҳм этмайди.

Турсунали шундай бандалардан бири. У марҳамат сўраб Худога кўп ёлборади. Аммо иймон калимаси билан юмшамаган тилдан учган бу ёлборишлар қабул бўлармикин, валлоҳи аълам?! Инсонларни саломатга, саодатга эриштирувчи ягона нарса иймондир. Бани Одам ҳар қандай ёмонликни фақат иймон билангина енгажагини ва ҳар бир зафарга фақат иймон билан эришажагини англаб етмоқ шу қадар мушкулми? Дунё тўплашга етган ақл бу ҳақиқатни тушунишга келганда қосирлик қиласми? Ёки буни фаҳм эта олмасликка қалбларнинг муҳрангани сабабми экан?

Турсунали бир муттаҳамнинг алдов сўзларига маҳлиё бўлиб «Худо менга марҳамат қилди», деб ўтирибди. Нодон банда билмайдики, бу одамнинг рўпара бўлгани — гуноҳларига яраша вайда қилинган ажрларнинг давомидир. «Гуноҳим нима эди?» деб янада баттар йиғлатадиган дақиқаларнинг дебочасидир.

Тангрининг марҳаматига эришмоқ осон эди. Нафсни тиймоққа куч топса, сабр эта олса, кунни шукр билан ўтказса бас эди. Бу унга оғир туюлиб, янада машаққатлироқ, азоб оролига етакловчи йўлни танлади. Ҳамонки шу орол насиб этган экан, ўзи пиширган ошни ичмоқдан ўзга чораси йўқдир!

Турсунали Мурикнинг ширин сўзларига маст бўлиб ўтирганида пастдаги каравотда ётувчи «қўшни»си бехосдан «Аблаҳ, мараз!» деб қичқириб юборди. Сўнг қўлидаги мактубни пора-пора қилиб йиртди. Кейин эса дуч келган нарсани тортқилаб, иргитаверди. Бунга ҳам қаноат қилмай каравотни маҳкам чангллаганича силкита бошлади. Атрофдагилар «ҳай-ҳай»лаб ушлаб қолишмаганида Турсуналининг тепадан ерга қулаши аниқ эди.

Чорасиз одам жойига ўтириб йиғлай бошлади. Дунёдаги энг аянчли нарса балки эркакнинг йиғлашидир. Қамоқ лагерларида эса тез-тез учраб тургани учунми аянчли туюлмайди. Кундузлари буталар панасида, тунлари эса ёстиққа ҳасратларини тўккан тарзда йиғлаш одатий ҳол. Лекин бу чорасиз одам каби ҳўнграб, елкалари силкиниш даражаси йиғламоқ камёб ҳодиса. Шу сабабли ҳам «Нима бўлди, нега додляяпсан?» деб сўрагувчилар топилди. Чорасиз одам аввалига қўл силтаб қўйиб жавоб бермади. Дам ўтмай кўз ёши дарёси қуриб, ҳасрат денгизи эса тоша бошлагач, дардини айтди:

— Хотиним мендан ажралишибди. Аблаҳ, ифлос! Ахир мен уни севардим. Мен уни деб ўтирибман бу ерда. Одамни мен босмаганман. Рулда унинг падарлаънати укаси эди.

Машинамни яширинча олиб чиққан экан, ҳайвон! Хотиним «ёлғиз укамни қутқариб қолинг», деб ялинса, мен лақма бўйнимга олиб ўтирибман.

— Укаси ёлғизмиди?

Чорасиз одамнинг талвасасини энсаси қотган тарзда кузатаётган Қўтос шундай деб унга яқинлашди.

— Ҳа, биттагина укаси бор эди.

— Эри-чи? Эри нечта эди?

— Тушунмадим, ўртоқ, бу нима деганингиз?

— Укаси битта, аммо эри битта эмас экан, демоқчиман.

— Ундан деманг, биз бир-биirimизни севар эдик.

— Бурнингни арт! Ҳе, мишиқи! — Қўтос шундай деб ҳеч бир кутилмагандан тарсаки тортиб юборди. Зарбнинг зўридан чорасиз одам ёнбошлаб қолди. Тарсакидан қаноатланмаган Қўтос унга қараб тупурди.

— Сен ҳам эркакман, деб юрибсанми? Бир-бирини севар эмиш! Билиб қўй, «севгилим!» деб қучоқлаганида хаёлида сен эмас, кетворган ўйнаши турди. Ҳезалак! Хотинларни сенга ўхшаган ҳезалаклар бузади. Эплаш қўлларингдан келмаса нима қиласанлар уйланиб?! Шу ҳолларингга яна кўнгилларинг бегоналарни ҳам тусайди. Сен ҳам борармидинг бегона? — Юзини силаб ўтирган чорасиз одам индамади. — Борардинг. Бегона билан ўпишаётганингда хотинчанг ҳам бегона билан айшини сурарди. Сенларнинг ҳаётинг мана шунаقا ахлат. Хотининг сени қўйган бўлса нима бўпти? Бу ерда ўлиб кетмасанг, чиқиб, бошқасини топасан. Юзта эр кўриб тўймаган шилта бир ишваси билан кўзингга қиздек кўринадио, тамом, унга уйланасан. Бир-биrlарингни севиб юраверасаллар. — Қўтос шундай деб чорасиз одамнинг оёғига тепди-да, сўкинганича нари кетди. Солиқни вақтида тўламаган маҳбуснинг масаласини ҳал қилишга кирган Қўтос ишни пишишиб, чиқиб кетгунича бирор лом-мим демади.

Бу ердаги бемаъниликларга, бекордан бекорга сўкишлару уришларга кўнишиб қолган Турсунали чорасиз одамнинг калтаклангани боисини тушунмади. Ҳар қандай шароитда ҳам ўзини четга олиш тинч ҳаётини таъминлаяжагини англаб етган Турсунали яна жойига чиқиб ёнбошлади. Чорасиз одам эса йиғламасираф, ўзича бир нималар деб ўтираверди. Унга дардкаш топилмади. Оlam-олам дардни елкаларида ортмоқлаб юрган одамларга бегона дардининг ҳожати бор эканми? Шулар каби Турсунали ҳам ўз дардининг асири эди. Ҳозирги воқеа сабаб бўлиб, кўз олдига хотини келди. Шу пайтга қадар «хотиним мен билан ажralиши мумкин», деган фикр хаёлига келмаган эди. Одатда эр хотинни қўйгувчи эди. Хотин «жавобимни беринг», деб сўрагувчи, эр жаноблари эса ҳушларига келса талоқ хатини бергувчи эдилар. Ажиб замоннинг ажиб қонунларини қарангки, энди хотин эрни қўядиган бўлибди. Яна «қамоқдаги эримни қўйдим», деса қонун ҳам «хўп» деяверар экан. Турсунали шунисига беш кетмади. Ҳозир кафтларини болиш қилиб шифтга тикилиб ётар экан, «Битта аҳмоқнинг гапига кириб Матлуба ҳам ажralишса-я?!» деган фикр хаёлига урилиб даҳшатдан сапчиб кетаёзди. Даврини суриб юрган кезларида хотини «жавобимни беринг» деб қолса, кўп ҳам таранг қилмаган бўларди. Матлуба баъзан нолиб қолса «Чидасанг шу, чидамасанг тўрт томонинг Тошкент» деб ажralишга шаъма қиларди. Ҳозир эса «ажralиш» деган сўз уни даҳшатга солди. «Йўқ, ажрашадиган бўлса ўйнаш билан тутганида ташлаб кетарди. У мени яхши кўради», деб ўзига ўзи тасалли берди. «Яхши кўради...» — «Биз бир-биirimizни севардик...» — «Билиб қўй, «севгилим!» деб қучоқлаганингда хаёлида сен эмас, кетворган ўйнаши турди!...» — «Бегона билан ўпишаётганингда хотинчанг ҳам бегона билан айшини суради...»

Бу гапларни эслаб Турсуналининг юраги увишди. Шу пайтга қадар хотини бегона эркак билан дон олишмоғи мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаган эди. «У ҳам тирик жон, унда ҳам нафс бор. Шайтон уни ҳам васвасага солади», деган фикрдан узоқ эди. «Ўйнаш билан нафсни қондириш эркакка ярашади. Хотин ўз эрига садоқатли бўлмоғи шарт!» — Турсуналининг бу соҳадаги фалсафаси шундан иборат. У ўзининг бузуқлигини хиёнат деб ҳисбламаган, агар

биров унга «бу қилифинг оила деб аталмиш оппоқ, покиза дастурхон устида балчиққа ботган оёқлар билан юришдир», деса заҳарли жилмайиб «Бу йигит учун айб эмас, йигит кишига қирқта хотин оз», деб қўйган бўларди. Агар ўша одам «Бир жувонга қирқ эркак оз», десами, «Жинни экансан!» деб сўкиб бериши аниқ эди.

«Бегона билан ўйнашаётганингда хотинчанг ҳам...»

«Йўқ, — деди Турсунали ўзига ўзи, — Матлуба бунақа ҳаромдан ҳазар қилади...»

«Ҳаромми бу иш? Сен ўзинг нима учун ҳазар қилмадинг?»

Кимдир шундай деб қулоғи остида пичирлагандай бўлди.

Фойибдан берилган бу саволга жавоб қайтара олмади. Чунки ҳаромдан нима учун ҳазар қилмаганини ўзи ҳам билмас эди. Шаҳарга тушган кезлари майшат қилган дамларида кўз сузуб турувчи оғатижонлар устидан пул сочган онларида буларнинг фоҳиша эканини, кечагина ёки бир соатгина муқаддам бошқа бир эркак кўнглини овлаганини, эртага ёки бир неча соатдан сўнг бу аҳвол такрорланаяжагини, унга «жонгинам» деб чўччаяётган лаблар ўнлаб ёки юзлаб эркакка ишва қилгани ва қилажагини ўйламас эди. Нафсни қондиришдан ўзга нарсани билмасди. То заҳмга чалингунига қадар пала-партиш юрди. Сўнг танлайдиган бўлди. Танлагани қурсин! Пул эвазига ўзини сотувчи аёлнинг яхши-ёмони, тозасию ифлоси бўларканми?! Оқ ит билан қора итнинг фарқи бўлмаганидек, буларда фарқ йўқлиги, барчasi «фоҳиша», «бузуқ», «шилта»... каби «унвон»лар билан хорланишини унинг оқсоқ фаҳми идрок қила олмас эди.

Иштони йўқнинг ҳадиги чўпдан, деганларидек, ўзи ботқоққа ботгани ҳолда, покиза одамнинг этаги лой эмасмикин, деб гумонсираши қизиқ. «Йўқ, бегонага яқинлашмоққа ҳаққи йўқ!» деб ҳукм чиқармоғи унданда қизиқ. Уйидаги покиза тўшакка ўйнашини бошлашдан ҳазар қилмаган одам «ҳаромдан ҳазар қилиш» хусусида ўйлагани янада қизикроқ.

Хотинининг кўрпа-тўшакларни куйдириб ташлаганини билиб, «бунақа аҳмоқ хотин дунёда ягона бўлса керак», деб ўйлаган эди. Ҳозир ўша воқеани эслаб, юраги увишди. «Бу маллавойнинг хотини бошқа. Матлуба ҳаромдан ҳазар қилади», деган фикри қатъийлашди. Соғинган қалбига бир илиқлик юргургилади. Аммо... бу қалбнинг тўри Нафисага бўшатиб берилган эди. Манфий ва мусбат булат парчалари яқинлашганида яшин чақнагани мисол юраги бир санчди. Ҳаромга ўрганган кўнгил покиза ҳисларга ўрин бермоқни ихтиёр қилмади. Нафс тарозисининг Нафиса турган палласи босиб кетаверди.

Кўтоснинг ҳозирги гапига қадар хотинини гумон қилмаган, бирордан қизғанмаган эди. Бироқ... Нафисани қизғанарди. Уни дўстига «ошириб» юборганидан кейин, ҳатто ошнасидан ҳам қизғанадиган бўлди. Самандар оғушида ишва қилаётган Нафиса кўз олдига келса баданига муз югуради.

Райком тахтини эгаллаш учун йўл очилганида «ўйнаш ҳақидаги маълумот тўғаноқ бўлиши мумкин», деган огоҳлантиришдан сўнг Нафисани дўстига «узатган» эди. «Гилам сотсанг қўшнингга сот, бир чеккасида ўзинг ўтирасан», деганлари шу-да! Хотиндан куйган Самандар хотинидан ажрашиб дўстига арзи ҳол қилганида Турсунали қулай фурсат келганини фаҳмлаб, кайфи ошиб чулдираб қолган ошнасига Нафисани рўпара қилди. Нафиса йиғлади, таранг қилди, сўнг тайнинли бир эрга, яна тўғри Москва билан гаплашадиган олим эрга эга бўлишини англагач, кўнди. Самандар эрталаб бир қизнинг «қиззик номусига» тегиб қўйганини билиб, қўрқиб кетди. Қўрқитишмаса ҳам бу гўзал жувонга уйланишга жон-жон деб қўнаверарди. Хуллас, «гилам қўшнига сотилди», «бир чеккасида роҳат ила ўтиromoқ» эса давом этди. Бироқ, «гилам эгаси нима учун гиламда ўтиради?» деган ҳасад қалбини ёндираверди. Аслида «гиламни» сотмаса ҳам бўларкан. Райкомга олиб боради, деб фараз қилинган йўл алдамчи экан, чиройли жилва қилаётган бу йўл бирдан қоронғулашди-ю, тахтга эмас, зиндонга рўпара қилди...

Битта қозонда икки қўчкорнинг калласи қайнамайди, деганлари балки муболағадир. Қозон катта бўлса ўнта калла ҳам қайнар. Аммо битта юрак икки аёлга бир хилда меҳр-муҳаббат бера

олмаслиги аниқ. У қалбини хотини Матлубага түлиқ бўшатиб беришни истаса ҳам, ҳаромлик булоғидан сув ичишга кўнинкан нафс талвасага тушиб, Нафисани унутишга йўл қўймайди. «Матлубадан нима кўрдинг? Тўғри, аввалига totli эди, кейин чайнаб ташланган туршакнинг ўзи бўлди-қолди. Эгов эмасмида у? Ҳар куни умрни эговламас эдими? — дер эди нафс балоси. — Нафиса-чи? Бу дунёнинг лаззатини ким берди? Нафиса! Нафиса бор жойда жаннатни орзу қилишнинг ўзи кулгили эмасми? Мингта Матлубани тўплассанг биттагина Нафисанинг тўшақдаги тўлғонишига етмайди...» Шундан сўнг кўзларини юмиб, ўзини Нафисанинг қучоғида кўрарди. Ҳаммасини унутарди: ахли аёли, фарзандларини ҳам, Худонинг балоларига учраганини ҳам, бундаги азобларни ҳам...

Шундай бўлиб келган эди. Ҳозир, хотинидан тириклайнин ажралиб пиқиллаб ўтирган нотавоннинг аламли ноласи уни сергак тортириди.

«Бу азоблардан қутулиб боргач, сени кутиб оладиган ким? Матлуба! Болаларинг!.. Сен улардан бошқа яна кимга кераксан? Ҳеч кимга! Қариганингда шулар асқотади. Сенга бир бурда нонни шу фарзандлар беради. Ўлганингда шулар олиб бориб кўмади. Сендан бошқа эр бўлганида сабр-тоқати учун Матлубага ҳайкал қўярди...» Нафс пинакка кетган пайтларда ожиз виждоннинг пичирлаб айтган бу сўзларни энди сал қувватга киргандек бўлди. Аммо фалакнинг гардиши бир айланиб, «Мулла Турсунали, биз хато қилибмиз. Сиз айбсиз экансиз, озодсиз», дейилсами, қанот чиқариб уйга учарди. Учардию... икки-уч ҳафтада яна нафс қурғур Нафисаси сари етаклаб борармиди...

«Ей Одам фарзанди! Мен Аллоҳдурман. Бандаларни ўз қудратим билан яратдим, бас, кимларгадир яхшиликни ирова қилиб яхши хулқни бериб қўяман. Кимларгадир ёмонлик бўлишни ирова қилсан, унга ёмон хулқни бераман»,<sup>17</sup> дейилуви бесабаб эмас. Аммо Одам боласига туғилганидаёт ёмон хулқ берилмас, валлоҳи аълам. Бу ҳол шайтонга майлини берганларгагина насиб этгувчи. Дерларким, агар Одам боласи учун иш улуғ мартаба, иш ҳақи эса арзимас даражада бўлса, унинг олий жаноби меҳнатдир, аниқроқ баён этилса бу меҳнатни яратгувчиси Тангридир. Агарчи У учун иш иккинчи ёки қўйироқ даражада, иш ҳақи эса муҳимроқ ёки олийроқ мартабада экан, демак У иш ҳақининг қулидир. Иш ҳақининг хожаси эса шайтон экан, шайтонларнинг ҳам энг тубани экан. Ёшлик чоқларидаёт ана шу энг тубан шайтонга муҳаббат қўйган Турсуналига яна қандайин хулқ насиб этмоғи мумкин эди? Зулмнинг ҳар туридан тотиб кўраётган бандага бу ҳақиқатни англамоғи учун яна қанча муҳлат керак, яна қанча синовлар даркор?

«Хотиним менга вафо қиласми ёки йўқми?» деган хавотир билан уйқуга кетган Турсуналини яна бир зулм ўз қучоғига олмоққа ҳозирланар эди.

«Сен-да мусулманин, мен-да мусилманин...» деган гаплари билан Турсуналининг меҳрини қозонган «меҳрибон» тушлик чоғида унга яқинлашди. Кулимсираб келаётган Мурикни Турсунали ўрнидан туриб қарши олди. Замоннинг хукмини қарангки, илгарилари фақатгина ўзидан устунлар билангина ўрнидан туриб саломлашадиган, юқори лавозимдагилар телефон қилишадиган бўлишса, овозларини эшитибоқ ўрнидан турга қуллуқ қилганича гаплашадиган одам энди бир тубан ўғридан эҳтиромини дариф тутмаса...

Турсуналини елкасидан қучган Мурик «Земляк, аҳволлар ничук? Орқамдан юр, муҳим гап бор», деб пичирлаб, атрофга аланглаб олгач, бутазор томон бошлади. Турсунали ҳам беихтиёр равишда аланглаб қўйиб, унга эргашди. Қор босган бутазорда юриш оғир эди. Шундай бўлса ҳам Турсунали таканинг изидан борувчи нодон қўй сингари эргашаверди. «Гапингни шу ерда айтавер», демади. «Тенгиз эплай олмаётган ишни балки шу қойиллатар, мени ошхонага жойлаб қўяр», деган умидли ўй бўйнига сиртмоқ бўлиб тушган, сиртмоқ учини эса Мурикнинг қўлига тутган эди.

Мурик кутилмаганда тўхтаб, орқасига ўгирилди.

<sup>17</sup> Qudsiy hadisdan.

— Қалай, земляк, қизишиб олдингми? — деди у тиржайиб.

— Ҳа... энди... — деди Турсунали нима дейишни билмай.

— Сен золотой одамга ўхшайсан, земляк, сени бик яхши кўриб қолдим. — Мурик шундай деб отини эркалаган чавандоз каби Турсуналининг юзига енгил шапатилади.

Бу қилиқ Турсуналига эриш туюлиб тисарилди.

— Земляк, сен золотой одам экансан, — деб такрорлади Мурик унга қаттиқ тикилиб. — Сенинг ёрдаминг керак. Агар ёрдам қилмасанг бир одам хор бўлиб ўлиб кетиши мумкин.

— Мен... кимга.. қандай ёрдам қилишим мумкин? — деб ажабланди Турсунали.

— Арзимас ёрдам... тўртта ёки бештагина сўз айтсанг кифоя.

— Қанақа сўз?

— Қандай сўз дейсанми? — Мурик шундай деб унинг юзига яна енгил шапати урди. Бу сафар Турсунали орқасига тисарилишга улгурмади. Шапатилаган панжа уни кекирдагидан олди. — Земляк, менинг бир ошнамга пул керак. Бўлмаса ўлади.

— Менда пул йўқ, — деди Турсунали унинг қўлига ёпишиб. Шу онда Мурик тиззаси билан унинг нозик ерига тепиб, букчайтириб қўйди. Сўнг ихранаётган ўлжасининг ўзига келишини кутиб, сигарет тутат-ди. — Земляк, бу ерда пулинг йўқлигини биламан. Аммо уйингда анча пулинг қолган. Беркитган ерингни шу пайтгача ўзингдан бошқа ҳеч ким билмас эди. Энди бу сирга иккаламиз эгалик қиласиз. Мен ўғил болача иш тутаман: ҳаммасини олмайман, ярмиси ўзингга қолади. Ўзингни қийнамай қаерга яширганингни айт. Ҳозир билмасдан тиззам тегиб кетди. Билиб тепсам, ёмонроқ бўлади. Қани, айта қол.

— Нимани?

Бу савол Мурикка ёқмай, бир сўкинди-да яна кекирдақдан олди. Тизза зарбидан ҳали ўзига келолма-ётган Турсунали хириллади, ранги оқара бошлади. Мурик унинг аҳволини сезиб, кекирдагини қўйиб юборди-да, юзини силади:

— Сен золотой одамсан, земляк. Билиб қўй, шу пайтгача ҳеч ким менинг бир гапимни икки қилмаган. Мен сенинг изингдан шу ергача келдим. Аҳмоқ бўлиб қайтиб кетмайман. Сен эса... ё пулларингни қайга беркитганингни айтасан ёки баҳоргача шу ерда ётасан. Омадли одам бўлсанг, баҳорда суякларингни йиғишириб олиб қўмишар. Худонинг қарфишига учраган бўлсанг сен хунасага шу ҳам насиб этмайди. Қани, ечин.

— Нега?

— Негалигини кейин биласан.

Турсунали яланғоч ҳолда музлаб ўлишни тасаввур қилиб, даҳшатдан титраб кетди.

— Айтаман, — деди у жон талvasасидаги одамнинг овози билан.

— Золотой одамсан демадимми?! Сени ўлдириш ҳайф. Қани, айт.

— Қишлоқда...

— Фақат «молхона тагига кўмилган», дема. У ер кавлаб ташланган.

Бу гапни эшитиб Турсунали ҳайратдан қотиб қолди. «Қаёқдан билади?» деб ўйлади. Қўлига кишан урилган дастлабки кунларда, дастлабки сўроқларда шундай деб алдаган, сўнг бунинг эвазига роса тепки еган эди. Ўлим хавотирида турган Турсунали ҳозир шуни эслади. Аммо «бу ўшаларнинг шеригими?» деган гумонга бормади. Молхонани айтишга оғиз жуфтлаган Турсунали учун бу огохлантириш дуруст бўлди.

— Ҳожатхонада ҳам дема, у ерни титадиган аҳмоқ йўқ. Бўл, айт. Билиб қўй: алдасанг, ит кўрмаган азобларда ўласан. Бу — бир. Уруғинг билан қурийсан, бу — икки. Тушундингми? Болаларинг ҳам ўзингга ўхшаб ўлади. Ўзинг биттагина бола бўлган экансан. Сендан ўша биттаси ҳам қолмайди.

Ўлим талvasаси, айни чоқда нажот умидидаги Турсуналининг кўз олдига Тенгиз келди. «Нима қилиб бўлса ҳам ўшанга етиб олсан бўлди», деган хаёлда яна бир марта алдашга қарор қилди. Бу ҳолда ҳам нафс ғолиб чиқди. Ўзининг жони эмас, ҳатто болаларнинг жони эмас, беркитилган бойлигини сақлаб қолиш илинжи устун келди.

— Ҳозир айтаман, — деди Турсунали унга нажот назари билан боқиб.

— Айтасан, айтмай қаёққа ҳам борардинг. Сен билан биз мусулманинмиз, земляк. Бирбири мизни сяб-қўлламасак, хор бўлиб ўлиб кетамиз. Бойлик йўқ бўлиб кетадиган нарса. Сен бу ерлардан чиқиб боргунингча беркитган пулларинг чириб адо бўлади. Эрта-индин Горбач пулни алмаштиrsa бундан баттар бўлади. Сен золотой экансан, земляк. Тўғри йўлни танладинг: пулинг ҳам чиримайди, ўзинг ҳам бу ерларда чириб қолиб кетмайсан. Уйингга соппа-соғ кириб борасан. Пул дегани нима, биласанми? — Мурик шундай деб Турсун-алининг билагидан ушлади-да, кафтига сигарет қулини қоқди. Сўнг пулфлаб, бу кулни тўзитди. — Тушундингми, земляк? Энди ўзингга келиб олгандирсан, а? Бўла қол, таранг қилмай, айт.

«Бунинг орқасидан эргашиб келганимни Тенгизнинг одамлари кўрмадимикин? Ёрдамга келиб қолиши масмикин?» деган илинждаги Турсуналининг атрофга жавдирашини кўрган Мурик заҳарли тарзда тиржайди. У мамнун эди. Мурик турли жойларда, турли ҳолатларда, турли бойлардан пул ундирган, лекин бунақанги вазият, бунақанги одамга биринчи дуч келиши эди. Шу пайтгача ҳеч ким биргина тепки зарбидан бундай ҳиқиллаб қолмаган эди. Киевга «гастрол»га борганида Абрамович деган зикнани тўрт кечаю тўрт кундуз темир қувурга кишанлаб, оч қолдириб, тепкилаганда ҳам айтмаган, тўрт кеча-кундуз нажот кутиб яшаган. Бешинчи куни ўлиб кетишига кўзи етгач, айтган эди. Бу одамга эса биргина тепки кифоя қилди. «Булардан қайси бири ақллироқ? — деб ўйлади Мурик, сўнг ўз қаричи билан ҳукм қилди: — Шуниси ақлли. Қийналиб жон бергандан кўра, бойликни осонгина бериб қўя қолгани дуруст...»

Мурик «Пул қўлнинг кири, пул чирийди, пулни Горбач алмаштиради...» деб ўлжасининг кўнглига ғашлик солгандай эди. Агар беркитилган бойлик қофоз пулдан иборат бўлганида Турсунали бу қадар талвасага тушмасми эди. «Ўғилболача иш қиласман, ярмини оламан», дейди. Тиллаю жавоҳир, дуру гавҳарни кўрганда ким ярмига қаноат қилар экан? Турсуналини айблаш балки ноўриндир: бойликни пешона тери билан топмаган бўлса-да, тиллаю жавоҳирнинг жилоси юрак томирларига қўз илғамас нурлар билан уланган эди.

— Энди ҳаддингдан ошма, — деди Мурик унга тарсаки тушириб. — Золотой одам яхши гапнинг чегарасини билиши керак.

— Ертўлада... тўсинларнинг белига қўйилган еттита устун бор. Ўртадаги устуннинг тагида... — Турсунали шундай деб ютиниб қўйди-да, қассоб қарисидаги қўзичоқ ҳолатида Мурикка мўлтиллаб қаради. «Қассоб» эса «ҳозир сўяйинми ёки яна пича семиришини кутайинми?» деган каби унга тикилди. Сўнг бир қарорга келиб, чўнтағидан буклама пичноқ чиқарди-да, тугмасини босди. «Айтдиму қутулдим, жоним фойдага қолди», деб кўнглига хотиржамлик оралаётган Турсун-али пичноқни кўриб, кўрқиб кетди.

— Ечин, — деб буюрди Мурик, совуқ оҳангда.

— Айтдим-ку! — деди Турсунали жон ҳолатда.

— Шу гапингга ишонадиган аҳмоққа ўхшайманми мен?

— Рост айтдим, гапим рост, ахир! — Турсунали йиғламсиради. — Нега ишонмайсиз? Устуннинг тагида чуқурча бор. Чуқурчада икки қават ёғоч қопқоқ бор.

— Сен тирик одамнинг терисини қандай шилишганини кўрганмисан? — Турсунали бу саволга жавобан жавдирағанича бош чайқади. — Кўрмагансан, — деди Мурик пичноқни букиб, чўнтағига солгач. — Агар алдасанг — кўрасан. Уч-тўрт кун ичидан кўрасан. Те-рингни шилиб, би-ир роҳатланаман. Унгача бирорвга чурқ этмайсан. Оғиз очишинг билан курагингнинг тагида шу пичноқни кўрасан. Бўлди энди, бор.

Турсунали қутулгани ростлигига бир ишониб, бир ишонмай изига қайта бошлади. Уч-тўрт қадам босгач, орқадан Мурикнинг овози келди:

— Земляк, иштонинг ҳўл бўлганга ўхшайди, алмаштириб ол, яна шамоллаб қолмагин. Сен менга тириклайн кераксан, — у шундай деб хиринглаб кулди. Турсунали орқасига қарамади.

У Мурикни алдамаган эди. Чиндан ҳам ертүладаги устун остида сандиқча бор эди. Аммо бу сандиқча бўш эди. Аникроқ айтилса, бу сандиқча бир неча ҳафтагина асқотди — бойликларни бағрида яширди. Лекин Турсуналининг кўнгли тўлмай, тўплаганларини бош-қа жойга кўчирди. Ҳозир ертўлани айтишга айтди-ю, «бунинг одамлари уйга борар, сандиқчани топиб очар, сўнг алданганларини билиб хотинимни сиқувга олишар, болаларимни қийнашар», деб ўйламади. Унинг учун ҳозир энг муҳими — ўз жонини қутқариш эди. Нияти амалга ошиб, Худога шукр қилган тарзда жо-йига қайтди. Маҳбуслар овқатланиб бўлишиб, ишга тарқалишаётган эди. Турсунали жавдираган нигоҳи билан Нуриддинни қидирди. Тушлиқдан аввал уни Пачоқбурун чақириб кетган эди, ҳали ҳам қайтмабди.

Турсуналининг қўллари ишда, кўзлари эса Нуриддиннинг йўлида бўлди. Мурик икки марта унга яқинлашиб «Хорма, земляк, чарчамаяпсанми?» деб кетди. Нуриддин иш охирлай деганида пайдо бўлди. Баракка қайтар маҳалларида Турсунали унинг енгидан аста тортиб, паст овозда:

— Тенгизни тез кўришим керак, — деди.

— Олиб борайми? — деди Нуриддин.

— Йўқ, бехит жойда кўришим керак. Анов янги келган одам ишқал чиқаряпти.

Нуриддин «янги» деганингиз ким?» деб сўрамади, чунки у гап ким ҳақида бораётганини дарров англаб етди. Нуриддин «қандай ишқал чиқаряпти?» деб ҳам сўрамади, чунки Тенгиз огоҳлантиргандаёқ шу одамнинг бир балони бошлишини фаҳмлаган эди. Лекин айнан Турсунали атрофида ўралашаётгани унга янгилик бўлса-да, ортиқча саволга ҳожат сезмади. Кечки овқат пайтида Тенгиз кўринмади. Шу сабабли Қўтоснинг ёнидан ўтаётib «Князга зарур гапим бор», деб қўйди. Қўтос унга қарамаган ҳолда «тушундим» дегандай бosh ирғади. Ўша кеч «политбюро»нинг йиғини белгиланган эди. Шу боис Тенгиз Нуриддинни йўқлатмади. Пачоқбурун уни эртасига, нонуштадан сўнг чақирди.

Қор бўралаб ёғаётганига қарамай Тенгиз одатини канда қилмаган — гулхан яқинидаги ўрнини эгаллаган эди. Бошига, елкаларига қўнган қорга қараганда у жо-йида кўпдан бери ўтирас эди.

Тенгиз Нуриддиннинг саломига алик олиб, унга қўл узатди. «Кел, Ҳамзат, ўтири», деб рўпарасидаги тўнкани кўрсатди.

— Нима бўлди?

— Янги одам Турсунали акага илакишиб қолибди. Бир ишқал чиқармоқчига ўхшайдиганниш.

— Ҳа... илинибди-да.. — Тенгиз шундай деб жилмайди. — Узумни йиғиширадиган пайт келибди... Шу қорда ҳам узум йиғишириладими, деб ҳайрон бўляпсанми? Бизда ҳикмат бор: бир ўргимчак қарасаки, узумзорда капалаклар кўп эмиш. Дарров тўрини тўқиб, овга киришибди. Узум пишган пайт экан. Боғбон узум узишни бошлабди-ю, ўргимчакни тўрларига қўшиб пачоқлаб ташлабди. Ўргимчакда нафс бор эди-ю, ақл йўқ эди, тадбир йўқ эди. Чўмичвой ўша ўргимчакка ўхшаган аҳмақ. Турсунали аканг эса капалакка ўхшаган аҳмақ.

— Чўмичвой?.. — Нуриддин кулимсиради. — Лақаби қизиқ экан. Ким ўзи у?

— Ким бўларди, бизга ўхшаган бир қул-да... Гапим ёқмади, а? Хўп, сенга ўхшамаган, менга, ҳамтовоқларимга ўхшаган бир қул. Сен эса озод одамсан. Пичинг қилаётганим йўқ. Чиндан ҳам хурсан. Шунинг учун сени яхши кўраман, сенга ҳавасим келади. Сен Эпиктет деган одамни эшитганмисан? Уни кўпчилик билмайди. Дунёда шунаقا файласуф ўтган. Ленин- градда ўқиб юрганимда унинг китоби қўлимга тушиб, эсимни тескари қилиб юборган эди. Битта фикрини айтиб берайми? — Тенгиз шундай деб иягини сила-ди — гўё калаваниг учини топиб олмоқчидаи ўйланди-да, синик овозда давом қилди: — «Дерларки, Инсон учун энг улуғ дунёвий неъмат — унинг озод ва хурлигидир. Агар озодлик неъмат экан, озод инсоннинг баҳтсиз бўлмоғи мумкин эмасдир. Агар сен баҳтсиз инсонга дуч келсанг, қайғу-ҳасратда ёнаётганига гувоҳ бўлсанг билки, у ОЗОД ЭМАСдир. У шубҳасиз, ким ёки нима томонидан эзилгандир. Агар озодлик неъмат экан, озод инсон аглаҳ бўла олмайди. Агар сен бир одамнинг бошқалар олдида паст кетаётганини, лаганбардорлик қилаётганини кўрсанг билки, у озод

эмасдир. У бир қулдир. У бўйини қуллик сиртмоғига тутиб, бунинг эвазига бир товоқ овқат ёки бирон мансаб, ёки шунга ўхшаш бирон нима ундиримоқ истайди. Ким озроқ манфаатга эришибди, демак, озроқ хушомад қилибди. Зўрроқ хушомад билан эса каттароқ бойликка эришади.

Озод одам ҳеч бир тўсиқсиз эгалик қилиш мумкин бўлган нарсага эгадир. Ҳеч бир тўсиқсиз нимага эгалик қилиши мумкин? Фақат ЎЗ-ЎЗИГА! Агар сен одамнинг ўз-ўзига эгалик қилмай бошқаларга ҳам ҳукм ўтказмоқча жазм этганини кўрсанг билки, у озод эмасдир. У бошқаларга ҳокимлик қилишни истадими, демак, у ўз истаги, нафси қулидир...»

Тенгиз шундай деб бошини эгди. Қулидаги косов билан гулханни титди. Олов бағридан алам билан отилиб чиқкан ҳисобсиз учқунларни қор зарралари ютди. Тенгиз ҳозир бир неча дақиқага ўғрилик ботқофини рӯҳан тарқ этиб, талабалик дунёсига, файласуф бўлиб етишмоқ орзусидаги йигитнинг покиза оламига қайтган эди. Нуриддин уни бу ҳолатда аввал кўрмагани сабабли ажабланганича ўтираверди. Унга бирон сўз айтиш ёки айтмаслигини ҳам билмади.

— Бу оддий гапларга ўхшайди, — деди Тенгиз бошини кўтариб. — Лекин уни тушуниш осон эмас. Амал қилиш эса, мушкул... жуда ҳам мушкул. Биз... ўғрилар, ўзимизни озод инсонлар деб ҳисоблаймиз. Бу нисбий тушунча. Аслида эса Эпиктет ҳақ — биз қуллармиз!.. Ана энди ўйлаб кўр: бу дунёда озод инсон кўпми ёки қулми? Мен Чўмични аҳмақ ўргимчакка ўхшатдим. Аслида биз ҳам ўша аҳмақ ўргимчакларнинг биримиз. Фақат қайси боғон қандай янчиб ўлдиришини билмаймиз. Бизнинг қисматимиз шу — бошқача бўлиши мумкин эмас... Шунаقا гаплар ҳам бор бу дунёда, ошнам. Акангга айтиб қўй, талvasага тушмасин. Чўмични тинчита оладиган ақлимиз бордир.

Нуриддин сухбат якунланганини англаб, ўрнидан турди. Ярим соатдан сўнг Пачоқбурун Турсуналини бошлаб келди. У келгунига қадар Тенгиз ўрнидан туриб, эгнига қўнган қорни қоқиб, гулхан яқинида у ёқдан бу ёққа юрди. Унга Мурикнинг мақсади оз бўлса-да аён эди. Собиқ совхоз директоридан нимани исташ мумкин? Пул. Балки Гобелян унга шу ишни топширгандир? «Уч ҳарф»дан олган вазифаси-чи? «Бу қанжиқ ҳамма ёқни чигаллаштириб ташлади-ку?» деб ғижинди Тенгиз. Калаванинг учини топа олмай юраги сиқилаётганда Турсунали яқинлашиб, салом берди.

— Нима гапинг бор? — деди Тенгиз саломга алик олай.

Бундай қўрсликларга кўнишиб қолган Турсунали жойида қотиб, атрофига қўрқув аралаш бир аланглаб олди.

— У мени ўлдирмоқчи бўлди, — деди мискинлик билан.

— Нега ўлдирмади?

«Нима учун ўлдирмоқчи эди», деган саволни кутган Турсунали жавобга тараддуудланди.

— У «бойликни қаерга яширдинг?» деб зуғум қилди.

— Хўш, айтдингми?

— У ёқда бойлик қолмаган ўзи...

— Сени Гобелян сўроқ қилганми?

— Ҳа.

— Бойлигинг қаердалигини унга айтганмисан?

— Бўлса айтаман-да.

— Қанжиқ сени нега ўлдирмади?

— Унга айтдим.

— Демак, бор экан-да? — Тенгиз шундай деб унга ғазабли нигоҳини қадади.

— Ўзи йўқ, бўлса сизга айтмасмидим. Унга айтган еримда сариқ чақа ҳам қолмаган. Мени күтқариш учун хотиним ҳаммасини совуриб, адо қилган.

— Бойлигинг қолмаган бўлса, нега қақшаяпсан? Нимадан қўрқяпсан?

— У мени ўлдирмоқчи.

— Ўлдирса савобга қолади.

— Нега, ахир?.. — нажот умиди билан келган Турсунали совук тарзда айтилган бу гапни эшитиб бир сесканди. «Шартга биноан сиз мени ҳимоя қилишингиз керак-ку!» демоқчи бўлди-ю, даъво қилишга тили бормади — қўрқди. «Нега, ахир...» дан нарига ўта олмади. Даъвосини айтолмаган бўлса ҳам, Тенгиз унинг мақсадини англади.

— Сени унинг чангалидан кутқаришим керакми? Калланг жойидами?! У сен билан учрашиш учун атай бўйинни сиртмоққа тутиб берган. Бекордан бекорга қамаладиган боламас у. Бир нарсанинг исини сезмаса изингдан тушмас эди. Шу бугундан бошлаб шартни бекор қиласман. Тўлайдиган солиғинг ҳам ўзингга сийлов. Эрта-индин уйингга одам бориб, айтган ерингни титади. Ҳеч нарса тополмаса хотин, бола-чақангни ўлдиради. Кейин ўзинг бу ерда ит азобида ўласан. Шунаقا бўлгани дуруст. Сен аҳмақни ҳимоя қилганим учун мен ўғрилар орасида иснодга қоламан. Йўқол, кўзимга кўринма.

— Нега ишонмайсиз? — Турсунали шундай деб йиғлаб юборди.

Тенгиз «ўл бу кунингдан!» дегандай афтини буриштириди-да, бурилиб нари кетди. Тўрт-беш қадам юриб, гулхан яқинидаги тўнкага ўтириди.

Турсунали нима қиларини билмай гангиган ҳолда туриб қолди. Ёрдамга ишонган эди, нажотни Яратгандан эмас, шу йигитдан кутган эди. Ҳозир ҳам умидининг сўнгги ипларини шу одамга боғлади. Агар ҳозир бир мўъжиза юз бериб, Тангри-таоло айтсанки, «Ей Одам боласи, мен бутун оламларнинг яратувчисиман, сен ҳам бандасан, у ҳам бандамdir. Нажотни кимдан кутасан?» Нодонлик, жаҳолат чодирига тамоман буркалиб олган, кўз нурларини, ақл-фаросатини шайтон алайҳилаъна ихтиёрига буткул топширган бу банда ҳеч иккиланмай иккинчи бандани кўрсатар эди. (Астағфируллоҳ!)

У аста юриб, хўнграб йиғлаган ҳолида Тенгизга яқин келдида, ёнида тиз чўқди. Шу ёшга кириб бирон марта бўлсин Яратганига сажда қилмаган банда хорлик либосига ўралиб иккинчи бир банда ёнида тиз чўқди. Тенгиз тўғри айтган эди: эркакнинг бу қадар хорланишидан кўра ўлиб кетавергани минг карра афзалроқ.

— Мени кутқаринг. Ўлгунингизча қулингиз бўла-йин.

Тенгиз салгина бурилди-ю, унинг ёноғига мушт тушириди. Марҳамат кутиб тиз чўккан Турсунали бу зарб-дан чалқанчасига йиқилди.

— Мишиғингни арт, ҳе хунаса! — Тенгиз шундай деб кафтига қор олиб ишқади. — Қул бўлармиш... Сендақа эркакни моягидан осиб қўйиш керак. Эркакман, деб юрибсанми ҳали... — Тенгиз хумордан чиққунича сўкиб, унга қараб тупурди. — Оилангнинг эҳтиётини қиласман. Улар емаган сомсаларига пул тўлаб юришмасин. Сен билан ишим йўқ. Йўқол!

«Ҳамманг бир гўрсанлар! Ҳамманг аблахсанлар! Ҳаммангни қириб ташлаш керак! Уруғларингни ўйнатиб ташлаш керак!» — Турсуналининг хәёlinи шундай ҳайқириқ тўзитди, аммо бўғзи бу нидони тилга кўчишига йўл бермади. Тенгизнинг салгина ён босгани унга далда бўлиб, ўрнидан турди. Раҳмат айтиб, изига қайта бошлади. Ўн қадамча босиб тўхтади-да, нажот кўзлари билан орқасига ўгирилиб, Тенгизга қаради. «Кел, бўпти, ўзингни ҳам ҳимоя қиласман», деган гапни кутди.

Иш жойига қайтиб, қўлига болта олди. Амал курсисини эгаллаб, райком тахтига йўл кўрсатган ақли энди жонини сақлаб қолиш йўлини аниқлашга ожизлик қилаётган эди. Юзлаб одамларнинг нонини яримта қила олган тадбирлари бу ерда ўлумтук аҳволга тушди. Ақл ҳам, тадбир ҳам унга хиёнат қилди. Ақл, тадбир деганлари шайтон измида бўлгач, ўзгача оқибат кутиш мумкинми?

Беихтиёр равишда дараҳт шоҳларига болта урар экан, кутулиш чораларини излайди. Аммо сонсиз капалак сингари тўзиган фикрлари ўзига бўйсунмайди. Шайтоннинг бурчи уни жар ёқасига етаклаб келмоқ эди — вазифасини адо қилди. Қадамини бир қаричгина нари ташласа кифоя. Шу пайтгача шайтоннинг меҳри булоғидан сув ичиб, қувват олган ақли уни асраб қола олармикин?

Бу ақл унга ягона нажот йўлини кўрсата бошлади.

Нажот — ЎЛИМ! Қандай гўзал манзил! Бу азоблар, бу хорликлар биратўла барҳам топгуси. Биргина ҳаракат кифоя, бир неча нафас кифоя. Яна икки-уч кунми, икки-уч ҳафтами азобланиб яшамоқдан кўра, ҳозироқ ўлим топгани яхши эмасми!

О, ғофил банда! У дунёда бу ердагидан юз, балки минг чандон ортиқроқ азоб ҳозирлаб қўйилганини фаҳм этсами, ўлимга бу қадар интилмасми эди...

Ҳозир эса... сўнгги нажот йўли унга афзал кўринаверди. Энди фаҳми етганича ўлимнинг тез ва осон турини излай бошлади. Нима қилсан: шу қўлидаги болта билан пешонасига қарсиллатиб бир урсинми? Миясининг қатигини ўйнатиб юборсинми? Шу фикрда болтанинг тифига қаради. Беихтиёр равишда тиф устига бармоғини қўйди. Тиф назарида ўтмас бўлиб туюлди: болта уриш фикридан қайтди. Ўзини осиш, томирини кесиш... барчаси оғир туюлди. Шу аснода пешинга қадар ғимирлаб юрди. «Бу кўргуликлардан кўра ўлганим минг марта яхши», деган тўхтамга келди-ю, аммо ўзини ўлдирмоққа куч топа олмади.

Пешиндан кейин эса... Пачоқбурун пайдо бўлиб, уни овлоққа бошлади. Турсунали қор юзасидаги бир томонга қараб кетган изларни кўриб, кўпчилик ўтганини фаҳмлади. Бироқ «кўпчилик тақдиrimни қандай ҳал этар экан?» деган жумбоққа жавоб топа олмади. Бутазор оралаб анча ичкарилашгач, сайҳонликка чиқиши. Турсунали бу ернинг қатл майдончаси эканини кейинроқ билди.

Устидаги паҳталиги ечиб ташланган Мурик кўйлакчан ҳолда майдонча ўртасида турарди. Икки оёғининг тўпиғидан боғланган арқон учларини икки йигит маҳкам тутганича таранг тортган эди. Мурикнинг орқа томонидан Кошак, рўпарасидан Тенгиз, сал наридан эса Қўтос жой олишган эди. Учовлари майдончада пайдо бўлган Турсуналига олдинма кейин қараб қўйиши.

— Сен ўзингни бургут деб ўйловмидинг? — деди Тенгиз Мурикка юзланиб. — Ана, чангаль солмоқчи бўлган ўлжанг келди. Муриккан, сени ким ўғрилар оиласига тавсия этган, ким қабул қилган, билмай-ман-у, аммо униси ҳам, буниси ҳам ўзингдан баттар аҳмақ эканига юз фоиз ишонаман. Ўғри деган сал ақллироқ бўлиши керак. Бу ерларнинг хўжайнилари бизлар эканимизни яхши билардинг, а? Билиб туриб бизнинг ерларда ов қилмоқчи бўлдингми? «Булар бир лақма, оғзига пашша қўндириб ётишади», деб ўйладингми? Умуман фикрингда жон бор. Мен лақма бўлсам керак. Кошак, сен-чи? Сен ҳам лақмамисан?

Кошак хоҳоллар тушуниши мумкин бўлган тарзда бир сўқинди-да, Мурикнинг гарданига мушт туширди. Оёқлари боғланган Мурик учун ана шу зарбанинг ўзи кифоя қилди — юзтубан йиқилиб бир неча дақиқа ҳаракатсиз ётди.

— Сузишни билмасанг нима қилардинг ўрдак овлаб. Қани, тур, туққан хотиндек ялпайиб ётма.

Мурикнинг бу ётиши айёрик чегарасидан нарида эди. Бундан олдинги муштларнинг зарбалари қўшиб ҳисобланса, унинг аҳволига ачиниш ҳам мумкин. Не афсуским, мазкур олам онгидан одам жонига ачиниш, аяш каби тушунчалар ўчириб ташланган. Алҳол, Мурикнинг ҳолига ачинмоқ ҳам ноўриндир. Чунки «қайтар дунё» деганлар-ку!

Мурик қорга юзини босиб, пича ором олди. Тенгизнинг гаплари қулоғига киргунига қадар давом этган бир неча лаҳза танга озгина роҳат берса-да, руҳи азобдан чирқирайверди. У Гогикнинг таклифига учган онларини эслаб, уни ҳам, ўзини ҳам лаънатлади. Гобелян нима учун Гогикни бу ишга жўнатмаганини Кошакнинг биринчи муштидан кейиноқ тушуниб етди. Ҳаммасини ўйлаган эди, режа қилган эди. Ўғрилар нафратига учраши аниқлигини ҳам билган эди. Фақатгина жазонинг бу қадар тез келиши ва оғир бўлишини ҳисобга олмаган эди.

Яна пича ором олиш мақсадида ўрнидан қимирламагач, товонидан тепки еди. Шундан сўнггина қаддини кўтара бошлади.

— Валерий Иванович, сен бургутнинг ўрдак овлаганини эшитганмисан? — деди Тенгиз Қўтосга қараб.— Эшит, бу қизиқ ҳангома. Бир нодон бургут... Қара-я, бургутларнинг ҳам нодони бўлар экан, ўша нодон бургут ўрдак овламоқчи бўлиби. Энди ўрдакка чанг соламан,

деса ўрдак шартта сувга шўнғиб кетармиш. Шунда бургут астойдил қасд қилиб ўрдак томон ўқдек учибди. Ўрдак бу сафар ҳам сувга шўнғиган экан, «енди қтулиб бўпсан!» деб у ҳам шўнғибди. Ўрдак эса сув юзасига чиқиб, қанотларини ёйибди-ю, учиб кетибди. Бургут эса сувга бўкиб ўлибди. Қалай, Валерий Иванович?

— Нима демоқчисан? Шу итпашшани бургутга ўхшатяпсанми? — деди Қўтос энсаси қотиб.

— Йўқ-ўқ, Валерий Иванович, келиб-келиб шуни бургутга ўхшатаманми? Бу жонивор ўз номи билан Мурик! Сен эса буни итпашшага ўхшатяпсан. Итпашшаларни ранжитма. Валерий Иванович, ҳарҳолда улар орасида қанжиқлари йўқдир.

Мурик қаддини ростлагач, Тенгиз бармоқлари учи билан унинг иягини ушлади-да, бошини Турсунали томон бурди:

— Хўш, бу лақмада нима ишинг бор эди?

— Ёлғиз ўзингга айтаман, — деди Мурик.

— Ҳилватда ачомлашиб турадиганларга ўхшаб гапингни қулоғимга айтасанми? Кошакка ишонмайсанми? Ё Валерий Ивановичдан ҳадиксираяпсанми? Уларни қанжиқ деб ўйляпсанми?

Бу гаплардан сўнг Кошак яна мушт ҳозирлаган эди, Тенгиз бир имо билан уни тўхтатди.

— Ноз-ишваларингни ҳали трамвайга қўйганимизда қиласан, — деб давом этди Тенгиз, — қани, айт!

— Булар бой бўлишади, — деди Мурик, — озгинасини баҳам кўрсин, девдим, ҳаммасини олмайман, дедим.

— Қаерга беркитган экан?

— Молхонада...

Мурик шундай дейиши билан Тенгиз унинг қорнига муштлади. Сўнг йиқилиб тушмасин, деб соchlарини чангллаб, бошини кўтарди.

— Бунчалар аҳмақ бўлмасанг, сен хунаса! Бу лақма сенга айтганини бизга айтмайдими?

— Гапимни охиригача эшитмадинг, Княз! — деди Мурик ихраниб. — «Молхонага яширганман» демагин, дедим унга. Кейин... айтди... Ертўлада экан...

— Гобелян билан қанақасига келишгансан?

— Учдан бирига. Бири Гогикка, бири унга. Бу ишга мени Гогик тортди. Қанжиқ дейиладиган бўлса, ўша ғирт қанжиқ. Мени эмас, уни ўлдириш керак.

— Сени ким ўлдирмоқчи бўляпти, Мурикжан?.. Гогикнинг эса ўз ҳисоб-китоби бор. Сен унинг тақдиди учун қайғурмай қўявер. Сен бизга иккинчи топшириғингни айт.

— Аввалги куни ўзингга айтганман. Менинг билганим шу.

— Улар нима учун сени танлашди?

— Билмайман. Менинг билганим: яна уч-тўртта одамга буюрилган. Ҳар хил лагерларда одам танлаяпти. Уларнинг кимлигини билмайман. Княз, қўрқитяпти, деб ўйлама. Аммо менга бир нарса бўлса, улар сени тинч қўйишмайди.

Тенгиз тисланиб, Турсуналини чақирди-да:

— Сени урдими? — деб сўради.

Турсунали Мурикка хавотир билан қараб секингина «Ҳа», деб қўйди.

— Қандай урган бўлса, сен ҳам шундай ур. Ҳаққинг қолмасин. Борадиган ерига қарзиз борсин. Қани, лалайма, ур!

Турсунали бу гап чинми ё ҳазилми эканини билмай, гангиб қолди.

— Ҳой, ит! Сенга айтяпти, ур! — деб буюрди Кошак.

Турсунали шунда ҳам журъат этмагач, Тенгиз сўкиниб, болдирига тепиб қолди. Турсунали бу зарбдан бир мункиб тушди-ю, ўзини тезда ўнглаб олди. Сўнг буйруқни бажармаса ўзига ёмон бўлишини англаб Мурикнинг юзига тескари шапалоқ тушириди.

— Мурикжан сен шундай урганимидинг? — деди Тенгиз. — Анча ишдан чиқиб қолибсан-да. Ҳезалакчасига урадиган ўғри ўғрими, а Кошак? — Саволга жавобан Кошак заҳарли тиржайди.

Тенгиз эса Тур-сұналиға қаради: — Шу битта шапалоққа ичинг ўтиб кетдими? Кошак, бүш вақт топиб сен бунга уруш қанақа бўлишини ўргатиб қўйишишнг керак экан.

Кошакнинг бўш вақти ҳозирга тўғри келиб, буйруқ ижросини ҳаяллатмади. Тиржайған ҳолда Турсуналиға яқинлашди. Ўнг қўли билан юзини силаб турди-да, чап қўли билан бехосдан қорнига муштлади. Турсун-али буқчайишга улгурмай мушт еб уч қадам нарига учиб тушди. Тенгиз тепишга чоғланиб бораётган Кошакнинг йўлини тўсди:

— Биринчи дарсга шу ҳам етади. Энди Мурикнинг пичофини олиб бер. Чўмич, сен ўғрилар оламига заррача фойда келтирмагансан. Шундай бўлса ҳам ҳақиқий ўғри сифатида ўлишингга имкон берамиз.

— Княз, ундаи қилма, ўзингга ёмон бўлади! — деб хитоб қилди Мурик жон аччиғида.

Тенгиз унга ўқдек нигоҳини қадаб жим қолди. Мурик айтмаса ҳам ўзига қийин бўлишини яхши билади. Мурикни ёллаб, вазифа юклаганлар унинг ўлимига ачингандари учун эмас, балки топшириқ чала бажарилгани учун ҳам ғазаб отига минадилар. Илоннинг думи босиб олинса чақади, дейдилар. Аммо илон баъзан чақолмаслиги ҳам мумкин экан. Лекин Мурикни ёллаганлар чақмасдан қўйишимайди. Кечаги «политбюро» йиғинида кутилажак бу ҳолат ҳам назардан четда қолмаган эди. «Шундай қилиш керакки, илон кимни чақиши аниқ билмай чалғисин», деган тўхтамга келган «политбюро» чалғитиш йўлини излаб топишни Тенгизга юклаган эди.

Кеча Мурик Турсуналини овлоққа бошлаганидаёқ Тенгизга хабар етган эди. Тенгиз биринчи «сұхбат» «дўстона» бўлишини билгани учун уларнинг изидан одам жўнатмади. У учун энг муҳими — Мурикнинг Турсуналиға қопқон қўйиши. Нуриддин Тенгизни йўқлаганида «политбюро» айнан Мурикнинг тақдирини ҳал қилаётган эди.

Тенгиз аввалига ўлимнинг яхши усулини топгандай эди. Мурикка «ҳеч кимдан гумон қилманлар, жонимдан тўйиб ўзимни осяпман», қабилида хат ёздириб олмоқчи эди. Ҳозир бошқа дурустроқ усул хаёлига келиб, дастлабки фикридан қайтди.

— Мурикжан, ақлли бола пичофини ўзи олади. Сен ақллисан, а? Кошак, тўхта, унга тегма. Сен ҳам пичоғингни ол.

— Шу итпашиша билан олишаманми? — деди Кошак норози оҳангда.

— Мен сенга пичоғингни ол, дедим. Олишасан, демадим, — Тенгиз Кошак узатган дудамани олиб, чўнтағидан рўмолча чиқарди-да, яхшилаб артди. Кейин чўк тушиб ўтирган Турсуналини чақирди: — Ҳой, лақма, бу ёққа кел. Тирик қолишини истасанг, ўзингни ҳимоя қил. Ма, ушла!

Турсунали пичноқ эмас, заҳарга тўла, чақишига шайланиб турган чаён узатилаётгандай сесканиб кетди. Бош чайқаб, ярим қадам тисланди.

— Мен умримда... одам ўлдирмаганман, — деди ғудраниб.

— Сенга одам ўлдир, демадим. Ўзингни ҳимоя қилгин, деяпман. Ё ўласан, ё ўлдирасан, бошқа чоранг йўқ.

Кошак орқасига ўтиб, юмшоқ ерига бир тепгач, Турсунали беихтиёр равишида пичноққа қўл узатди.

— Ҳа, ўғил бола, шунақа бўлсин. Мурикжан, ана, ҳаётинг ўз қўлингда.

— Княз, айт, оёқларимни ечишсин.

— Э, йўқ, сен профессионалсан, Мурик, бу эса бир лақма. Эркак бўлиб бугун қўлига пичноқ оляпти. Бизни қизиқ томошадан маҳрум қилма, Мурикжан, — Тенгиз шундай деб бир арқоннинг учини ўзи қўлга олди. — Қани, Чўмич, бургутмисан ё итпашишамисан, бошла!

Мурик Тенгизга қараб олди-да, сўнг гангиб турган Турсунали томон қадам ташлади. Аввалига арқонни бўш қўйиб бердилар. Мурик уч қадам юргач, кутилмаганда сапчиб, Турсуналиға ташланди. Яхшики у мўлжални сал ноаниқ олди — ўлжасига озгина етмади. Аммо пичноқнинг уни Турсуналиниг иягини тилишга улгурди.

— Ҳой, ит! Нимага қараб турибсан, ур! — деб бақирди Кошак Турсуналини туртиб.

Үлжасига етолмай юзтубан йиқилган Мурик Турсунали томондан ҳамла кутиб, тезгина ўрнидан турди. Турсунали эса пичоқ уриш ўрнига тисарилмоқчи бўлди. Аммо орқасида турган Кошак унга йўл бермади.

Шу пайтгача томошабин каби четда турган Қўтос Турсуналига яқинлашди:

— Ўлгинг келмаётган бўлса ташлан. Бу ерда икковингдан биринг ўлишинг шарт. Қўрқма. Одам ўлдириш сен ўйлагандай оғир иш эмас. Даҳшат ҳам эмас. Сен энг яхши кўрган одамингни кўз олдингга келтир, сен ўша яхши кўрганинг учун яшашинг керак.

Енг яхши кўрган одами... Ким бўлиши мумкин? Хотиними? Болаларими, ё... Нафисасими?.. Ҳозир уларни ўйладиган аҳволда эмас эди у. Ҳозир ўз жонини сақлаб қолишнигина ўйларди. Бу бежиз эмас, чунки энг яхши кўрган одами — ЎЗИ эди.

Мурик эса Тенгизнинг гапига инониб, жонини сақлаб қолиш учун астойдил ҳамла қилар эди. Оёғи боғланмаган бўлганида дастлабки дақиқадаёқ Турсунали нақ энасини қўриши аниқ эди.

Гангиб, довдираши чекингани билан қўркув ҳали Турсуналинин тарк этмаган эди. Бир неча соатдан бери ўзини ўлдириш фикрида юрган одам энди ўлимдан қўрқаётган эди. У қоронғу лаҳаддаги гувалага бош қўйиб ётишдан (ажаб! Бу ерда ўлса лаҳад ҳам, гувала ҳам насиб этмайди унга), сўнг бўлажак ҳисоб-ки- тобдан, кейин эса нақд қилиб қўйилган қабр азобларидан, сўнг қиёмат кунидаги аянчли тақдиридан эмас, бу алдамчи дунё ҳаётини ташлаб кетишдангина қўрқарди.

Мурик навбатдаги ҳамласида йиқила туриб Тур-суналининг паҳталигини тилиб юборишга улгурди. Шундан сўнг Тенгиз арқонини ташлаб, Турсуналига яқинлашди.

— Ўлгинг келмаяптими? — деди паст овоз билан. — Яшашни хоҳлайсанми? Тўғри қиласан. Кел, савдони пишириб қўя қолайлик: тарозининг бир палласига жонинг, иккинчисида яшириб келган бойлигинг туриби. Қайси бирини танлайсан? Фақат бойлигим йўқ, деб минфирлама. Бу эски ашуланг жонимга тегди. Мен балки аҳмақдурман. Аммо Гобелян аҳмақ эмас. Бир нарсанинг исини олмаса, шунчалик овора бўлмайди. Мен сени қийнагим келмаяпти. Агар хоҳласанг оёғинг-дан осиб қўйишим мумкин. Муриқжан эса товонингдан бўғзинггача тилиб бир роҳатланади. Агар хоҳласа терингни шилиб, туз сепиб қўйиши ҳам мумкин.

Бу гап Мурикнинг кечаги пўписасини эслатиб, ростдан ҳам териси шилиниб туз сепилгандай бадани қақшаб кетди.

— Хўш, қайси бири маъқул сенга? Бойликни сен меҳнат қилиб топмагансан. Сенга барибир буюрмайди. Ҳатто бизга ҳам буюрмаслиги мумкин. Бойлик ўзи шунаقا бўлади. Бирорга вафо қилмайди. Бойлик нима, биласанми? Нозанинга айланган бир аждаҳо. Қип-яланғоч нозанин кўринишида қўйинингга киради. Вужудинг роҳатланади. Кейин эса аслига — аждаҳо ҳолига кириб ўт пуркайди, ҳаммаёғингни куйдиради. Сен, аҳмақ эса яширганингни ҳали ҳам нозанин деб ўйлајасан. Сенда калла йўқ, у аллақачон аждаҳога айланиб бўлган. Бу ердан тирик қайтганингда ҳам сени нозанин қучоғига олмайди. Аждаҳо барибир куйдириб ўлдиради. Мен сен аҳмақни аждаҳодан қутқармоқчиман. Қани, айт!

Турсунали ўғридан бунақа маънили гап кутмагани учун ажабланди. Тенгиз эса унинг пичоқ ушлаган қўлини маҳкам чанглаб, тифни биқининга тиради. «Бир силтаса, тамом, — деб ўйлади Турсунали. — Жон ҳам кетади мол ҳам бирорларга қолади. Гапи тўғри бу ўғрининг. Ҳид олишгандан кейин топмасдан қўйишимайди. Буниси бўлмаса бошқаси изимдан исқаб юраверади. Падарига лаънат! Отлар топиб, эшаклар ейдиган замон экан. Ўша бойликни тўплайман, деб бошим балоларга қолди. Энди ҳам тинчтишмаса айтай, балодан қутула қолай... Сўзида турмаса-чи? Эртага шарт-ни бузаман, деб турса-чи? Нима бўлса ҳам пешонамдан кўрдим. Айтаман...»

Шу қарорга келиб, айтди. Тенгиз диққат билан эшитди. «Алдамаяпсанми, алдасанг — ўласан!» деб пўписа қилмади. Кошакка қараб бир им қоқди-да, четга чиқди. Мақсадни англаган Кошак жун қўлқопни кийди-да, тиз чўкиб ўтирган Муриқдан пичоқни тортиб олиб, Турсунали томон юрди. Турсунали нима гап бўлаётганини фаҳмлашга улгурмади. Кошак

тиржайганича унга яқинлашди-да, чаққон тарзда энгашиб, болдирига пичоқ урди. Турсунали «ох! деганича қўлидаги пичноқни ташлаб юбориб, болдирини чангллади.

— Дод дема, тўйгача тузалиб кетади, — деди Қўтос унга қараб кулиб.

Кошак эса Турсунали ташлаган пичноқни ўнг қўлига олди-да, бу манзарадан ажабланиб ўтирган Мурикка яқинлашиб оёқларини керганича тиржайиб турди. Сўнг чап қўлидаги тугмали пичноқни унга узатди. Мурик пичноғини қўлига олиб ўрнидан тураман, деганида Кошак унинг бўғзини тилиб юборди. Фаввора бўлиб отилган қон кор юзини бирпасда қизилга бўяди. Кошак эса, Тенгизга қараб тиржайиб қўйгач, Мурикнинг бўғзини кесган пичноқни Турсуналиниң ёнига ташлади.

Йигитлар Мурикнинг оёғидаги арқонни ечиб олишгач, барчалари бир зумда ғойиб бўлишиди. Турсунали бу ерда қолиши хавфли эканини англаб, судралганича изига қайта бошлади. Лекин кўп юролмади. Югуриб келаётган соқчилар қўлига тушди.

## **Иккинчи баён: ФАРЖОМ**

### **ДУНЁ МАНЗИЛИНИНГ ОХИРИ**

Нафисани қарғадилар:

— Ўйнаши билан ётган экан, шарманда! Ўлдирган одам савобга қолибди...

Санжарни лаънатладилар:

— Суюқоёққа илакишиб юрган экан, йигит ўлгур. Тўрт боласи кўзига кўринмабди-да...

Бу гапларга, хулосаларга ҳали фурсат бор.

Ҳозир эса... милитсия телефони жириングлайди. Нав-батчи лейтенант қулоғига тутади. Сўнг хирилдоқ овозли одам «Алло, қизимни ўлдириб кетишибди», дей- ди-ю, ҳўнграб йиғлайди. Ўзини йифидан тўхтатолмаган тарзда манзилни аранг маълум қиласди.

Жиноятга оид қидирув бўлиминиг инспектори капитан Омонулло Йигиталиев тиш оғриғидан эзилиб ўтирганида унга икки одамнинг ўлдирилгани ҳақидаги хабарни етказдилар. «Дўхтирга кириб келаверсан бўларкан», деб ўйлади у маълумотларни ёзиб олгач. Омонуллонинг айрим ҳаракатларига қараб ҳайрон қолиш мумкин. Қуролли жиноятчига юзма-юз бўлишдан, отиб ташлар ёки пичоқ урар, деган хавотирдан йирок бу одам эм игнасидан қўрқарди. Тиш табибику унинг кўзига Азоил каби кўринар, назарида у тишни эмас жонни суғуриб оладигандай бўларди. Икки кундан бери жағ тиши зирқирайди. Икки кундан бери мўъжиза кутади: оғриқ ўз-ўзидан тўхтар, деб умид қиласди. Бу тун оғриқ забтига олганда «тонг отиши билан бориб шартта суғиртириб ташлайман», деб қасд қилди. Тонг отди. Аҳдига вафо қилиб тиш табибиға борди. Аммо унинг шижоати, дадиллиги табиб хонасининг остонасига қадар етди. «Бирпас нафасимни ростлай», деб ўзини ўзи алдаб, оромкурсига ўтиреди. У каби «ботир»лар ҳали табибиға етиб келмаган, қабулхонада унинг ўзи тиззаси қалтираган ҳолда ўтиради. Табиб қия очик эшиқдан қараб-қараб қўйиб, охири остонаяга келди-да, «менга кирмоқчимисиз?» деб сўради. Омонулло беихтиёр равишда бosh чайқаб, «йўқ» деди. Сўнг ажабланган табибиға қараб «ўртоғимни кутяпман», деб изоҳ берди. Назарида табиби кўриши билан тиш оғриғи тўхтагандай бўлди. Табиб жойига қайтиши билан у ўрнидан турди. Худди табиб яна қайтиб, «қани бу ёққа юр-чи», деб зўрлайдигандай тез-тез юриб ташқарига йўл олди. Ишхонасига етиб келиши билан оғриқ яна ўз зулмини ўтказа бошлади. Ана шу пайтда телефон жириングлаб уни қотиллик содир бўлган манзилга даъват қилди.

Омонулло прокуратура вакили билан уй йўлагида учрашди. Дум-думалоқ кўзлари кибр билан боқувчи, соchlари силлик таралган, сарғиши қалдирғоч мўйлови ўзига ярашмаган бу йигитни шаҳар прокуратурасида дастлаб кўрганида «иш билан келган ашулачи бўлса керак», деб ўйлаган эди. Иккинчи марта кўрганида ким экан, деб суриштириб, кимнинг ўғли эканини билгач, «ишқилиб шунга рўпара бўлмай», деб ният қилган эди. Ўшанда фаришталар тескари дуо қилишганми, мана, бугун унга рўпара бўлиб турибди. Омонулло ўзидан анча ёш бўлган бу йигитдан салом кутиб янгилашиб, ўзини танитди.

— Мен шаҳар прокуратурасиданман. Мелс Абдуллаевич Хўжаев, — деди йигит қўл узатиб.

— Танийман сизни, — деди Омонулло илтифотсиз оҳангда.

— Ишни менинг назоратимда юритасиз, — деди Мелс унга буйруқ оҳангидা.

Агар тиши зирқираб турмаганида энсаси қотганини яширмай, одатига хилоф қилмаган тарзда «қулингиз бўлайин», деган мазмунда пичинг тоши отиши тайин эди. Ҳозир бу олифтага шу пичингни ҳам раво кўрмай қошини чимириб қўя қолди.

Зинадан кўтарилишган сайн димоқларига ёмон ҳид урилиб, кўнгилларини бехузур қила бошлади. Омонуллога бундай ҳид таниш. Сасиб ётган мурдаларни биринчи кўриши эмас. Мелс Хўжаевнинг эса кўнгли бехузур бўлиб чўнтағидан рўмолча чиқариб бурнини беркитди. «Бунақа ишга энди рўпара бўлишидир, — деб ўйлади Омонулло. — Лекин бу олифталигига қараганда юзинчи марта рўпара бўлса ҳам бурнини жийираверади. Бунақа йигитларга дўконда қизларнинг сийнабандини сотиб ўтириш ярашади.»

Омонулло ўз ақли, билими билан ўқиб, ишда ҳам ўз фаросати, тажрибасига суюниб юргани учун «фалончининг ўғлиманинг ёки жияниман», деб тирговичлар ёрдамида ўқиган, суюнчиклар кўмагида ишлаб, «нодир мутахассис» сифатида амал поғоналарига кўтариладиган нусхаларни ёқтирилас эди. Мелс Хўжаевни шу тоифадан деб билиб, ҳали унинг ақли фаросатидан хабар топмаёқ, энсаси қотди. Беписанд тарзда «ишни менинг назоратимда юритасиз», дейиши фаросат даражасини ўлчаш учун кифоя қилди. Ирий бошлаган мурдалар ётган хонага кираётib Омонулло «Ей Худо, шу думбулбойваччага рўпара қилгунча қолган ўттизта тишимни ҳам оғрита қолсанг минг марта яхши эди», деб қўйди.

Еркакнинг мурдаси ҳаммом эшиги остонасида, аёлники эса ошхонада ётарди. Мелс Хўжаев эркакнинг мурдаси устидан ҳатлаб ошхонага ўтди-да, суратга олаётган кишига қараб:

— Мурдаларни жойидан жилдирмадингизми? — деб сўради.

Бу саволдан ажабланган суратчи елка қисиб қўйиб, Омонуллога қаради. Унинг ажаблангани бежиз эмас: шу соҳада қирқ йилдан бери ишлаётган бўлса ҳали бирон марта мурдани ётган жойидан жилдирмаган, бошқалардан бу каби танбеҳнамо саволни эшитмаган ҳам эди. Омонулло «хўп деяверасиз-да, энди» дегандай кўз қисиб қўйди.

— Ҳар бир буюмдаги бармоқ изларини олинглар. Қўшниларни сўроқ қилинг. Синчиклаб ишланглар. Мен ўзимда бўламан, кириб ўтарсиз.

Мелс Хўжаев шундай деб кўрсатмалар бергач, тез-тез юриб чиқди. Турли жиноий ишлар бўйича Омонулло билан бирга иш юритадиган гуруҳ аъзолари унинг бу қилиғидан норозиликларини яширмай бир-бирларига савол назари билан қараб қўйдилар. Омонулло «еътибор берманглар», дегандай қўл силтаб, аёл мурдаси устига чойшаб ёпаётган тиббий экспертга юzlаниб сўради:

— Ўлдирилганига уч кун бўлгандир?

— Ҳа, икки-уч кун орасида. Иккови ҳам бир хилда пичоқланибди.

— Бир хилда?

— Ҳа, аниқроқ хulosани ёриб кўрганимиздан сўнг айтаман. Ҳозир олиб кетаверайликми?

Омонуллонинг рухсати билан мурдалар чойшабга ўралиб олиб чиқиб кетилди. Шундан сўнг Омонулло «депара милитсиясиданман», деб ўзини таништирган йигитдан «ким хабар қилибди, билдингизми?» деб сўради.

— Марҳуманинг отаси. Ичкари уйда ўтирибди. Аламдан куйиб кетяпти.

— Боласи бўлгандан кейин куяди-да. Отамлатсанг отамлатгин, бўтамлатмагин, — Омонулло шундай деб беихтиёр жағини ушлади.

— Нима дедингиз, тушунмадим? — деди йигит.

— Шунақа мақол бор, — деди Омонулло оғриқдан афтини буришириб.

— Тишиңгиз оғрияптими? Бугун ўзи ғалати кун бўлди. Менинг бошим оғрияпти.

— Тишим оғригандан олдириб ташловдим, — деди Омонулло, йигитнинг изидан катта хонага кириб.

Дераза токчасига тирсагини тираганича бошини чанглаб ўтирган Тошболта Омонуллонинг овозини эшишиб, орқасига қаради.

— Бандалик экан, отахон, Худо сизга сабр берсин,— деди Омонулло у билан кўриша туриб.

Тошболта яқин одамидан ҳамдардлик сўзларини эшитгандай аввал лаблари титради, сўнг хўнграб юборди. Омонулло уни елкасидан қучиб, «бардам бўлинг», деб қўйди.

Тошболта овунгунига қадар хонага назар ташлади: телевизор устидаги сурат унинг диққатини тортиб. Гўзал жувон ёнидаги малла одамдан нари қочмоқни ихтиёр этиб, ўнг томонига сурилмоқчига ўхшаб ўтириби. Кўзларига баҳтиёрлик эмас, лоқайдлик муҳрланган. Малла одам эса гўзал жувонга яқинлашиш истагида бошини у томон сал эгиб олган. «Булар ким бўлди? — деб ўйлади Омонулло. — Ўлдирилган жувонми? Ёнидагиси-чи? Ўлган эркак малла эмасди, ёшроқ ҳам эди...»

— Қизингизми бу? — деб сўради Омонулло, Тошболта йифидан тўхтагач.

— Ҳа, — деди Тошболта хўрсиниб.

— Ёнидаги-чи?

— У... куёв, эри...

— Эри? Қайси? — Омонулло шундай дейишга деб, ножӯя савол берганини дарров фаҳмлади. Яхшики Тошболта гарангсиб турган эди. Йўқса, бу саволни эшишиб «нима демоқчисан? Қизимнинг ўнта эри борми?!» деб бобиллаб бериши тайин эди. Омонулло чалғимаслик учун гапни маромига тўғрилади:

— Демак, бу киши куёвингиз. Ўлдирилган-чи? У ким?

— Танимайман у буқачани! — деди Тошболта зарда билан.

«Буқача? Нега унақа деяпти? Қизининг ўйнашими у? Балки бу одам фақат қизининг ўлимидангина эмас, номус азобидан ҳам эзилаётгандир? Бечора...»

Шу фикрда Тошболтага астойдил ачинди. Ўлим — ҳақ. Ризқ қирқилган экан, илож йўқ. Ота бир кунми, бир йилми куяр, оқибат дард совиб, тақдирига тан берар. Ўз умри шомининг ҳам яқинлашиб қолганини фаҳм этиб, фарзанди билан у дунёда кўришмоқ орзусида яшар. Лекин «ўйнаши билан бирга ўлдирилибди», деган иснод ўти совумас, то жони чиққунига қадар юрак-бағрини куйдириб хароб қилар.

Шундай фикрдаги Омонуллонинг унга раҳми келарди.

О, ғофил банда! Ўз қизига ўлим эшикларини очиб берган зот айнан ана шу одам эканини билсами эди, унга ачинмас, бильякс, нафрат ўқларининг барини унга сочган бўларди.

Дунёдаги одам зотининг қаричи бир-бирига мос келмайди. Бармоқ изларининг ҳам ўхшави йўқ. Шу каби баҳт ҳақидаги тушунчалар ҳам бир-бирига ўхшамайди. Агар баҳт ўлчовли нарса бўлса эди, уни ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди, демоқ мумкин эди. Агар баҳт кўзга кўрингувчи нарса бўлса эди, уни ҳар ким ўз кўзи билан кўради, десак янглишмас эдик. Айрим одамлар рангни фарқлай олмаганлари каби баҳт билан баҳтсизликнинг чегарасини билмайдилар. Машо-ийхлар «сенга асал бўлиб туюлган асли заҳардир, заҳар бўлиб туюлгани эса асалдир», деб бежиз огоҳ этмаганлар.

Бани Одам фақатгина баҳт ёки баҳтсизлик нима эканини фарқлай олмаса, унчалик ажабланмаса ҳам бўлар, «фаросатсиз, адашган банда», деб қўйилар. Аммо олтмиш йилга яқин умр кўргани ҳолда нима учун одам бўлиб туғилганини, нима учун яшаётганини, калтакесақдан ёки суварақдан нимаси билан фарқланишини фаҳм этмаса, қандай хulosса қилмоқ мумкин?

Балки бундай кимсалар ёруғ жаҳонда оздир? Оз бўлса-да, шуларнинг бири — ҳозиргина хўнграб йиғлаб, бўзла-ётган ота — Тошболтадир. Балки олам аро ягонадир. Агар шундай бўлса, ўша биттагинаси ҳам шунинг ўзидир.

Омонулло унинг ичини қандайдир дард, қандайдир пушаймон кемираётгандир, деб хаёл қилди. Кишида дард, пушаймон бўлмоғи учун ҳам иймон лозимлигини эса фаҳм этмади.

*Илоҳи бандаман, бечорадурман,  
Ҳавоий нафс ила оворадурман.  
Ерурман барча нуқсонимға иқрор,  
Мусулмон ўғли қилмас ишларим бор...<sup>18</sup>*

Бундай демоқлик учун, бу иқрор ва тавба учун Одам боласига нечоғлик иймон зарур?

Омонулло буни билмайди. Аникроқ айтилса, бундай тушунчадан у ҳам йироқ.

Тошболтадаги иймон даражасини аниқлашга банда ожиз. Бу балки қабрга кирганда, балки қиёматда аниқ бўлар, валлоҳи аълам...

Айни чоқда у куйиб йиғлади. Шу оқибатга олиб келувчи муқаррар бўлган йўлни ўзи танлаганини эса ўйламасди. «Хозир дард ичидан шундайдир» дерсиз? Балки... Аммо ҳақиқат шуки, дард совуганидан сўнг ҳам ўйламайди буни. «Қизимга ўзим ўлим ҳукмини ёзганман», демайди.

Турсуналининг ош-овқатини пишириб юрса ҳам кам бўлмас эди. Қўшмачилик қилишига бало бормиди? Ўз қизининг номусини нафси учун қурбон қилувчи оталарни нима учун ер ютмайди экан? Бундайларни ер бағрига олмоқдан ҳазар қилар, оқибатда бундайлардан ҳатто дўзах олови ҳам нафратланар...

Тошболта хожасининг нафси бузуқлигидан фойдаланиб, уни қизининг номуси эвазига жиловлаб олишни хаёл қилган эди. Бунга эришгандай бўлди ҳам. «Бир исқиртга хотин бўлиб кўйлак-иштонларини юваб юргандан кўра, директорнинг ўйнаши бўлиб, зебу-зарга бурканиб ялло қилиб яшаган афзал» — Тошболтанинг ҳаётдаги фалсафаси шу бўлди. Ажабки бу «фалсафа» қизига ҳам маъқул келди. Турсуналининг хумор қарашларига маст бўлган қиз отаси кўрсатган йўлга осонгина кирди.

Жилва билан чорлаган бу йўлнинг охирида юрагига пичоқ санчилажагини, қаровсиз ирий бошлиған мурдасини чойшабга ўраб олиб чиқиб кетажакларини ўшанда ўйлаб кўрибдими?

Енди дийдиёдан не фойда? Ҳукм ижро бўлди — қилмишга яраша ажр берилди.

Омонуллога бу хонадон аҳлининг ҳаёти қоронғу. Хонадаги ҳориж жиҳозларининг кўркамлигига қараб туриб «ёмон яшашмас экан», деган дастлабки хуносага келди, холос.

Мурдаларга кўзи тушганида «ер-хотин экан-да», деб ўйлаган эди. Дарвоқе, унга хабар бериб, бу ерга йўллаганларида «еркак-хотин ўлдирилган», дейишган, Омонулло эса буни «ер-хотин» деб тушунган эди. Бу одам эса «Буқача» деб туриби. «Демак, ўйнашми? Унда қотил ким? Эрими?.. Хотинини бирор билан айш қилиб ётганини кўриб... Балки мана шу отанинг ўзидир? Қизининг қилиғидан иснодга қолиб... Улар ўйнашганми?.. Иккови ҳам кийимда... Ҳатто аёл уй кийимида эмас... Балки энди бошлишмоқчи бўлишгандага...»

Омонулло ўнг томондаги эшик балки ётоқхонадир, деган фикрда ўша томон юрди. Унинг мақсадини англаған Тошболта «Бу ер менинг хонам», деб изоҳ берди. Бу изоҳнинг замирида «бу хонага кирмаганингиз маъқул» деган мақсад ҳам мавжуд эди. Омонулло бу мақсадни фаҳмлаган бўлса ҳам, эътиборсиз тарзда эшикни очиб, ичкарига бир қадам қўйди: дераза ёнида жавон. Гулдор гилам хонани энлаб туриби. Ўртада учта катта жомадон, иккита бўғча...

— Булар сизникими? — деб сўради Омонулло остонаяга яқинлашган Тошболтага ўгирилиб.

— Ҳа... бугун йўлдан келдим.

— Йўлдан? — Омонулло ажабланди.— Қайси йўлдан?

— Ошна-офайнилар билан қўшилиб, Иркутскка борувдим.

<sup>18</sup> Hazrat So'fīy Ollohyordan.

— Ўйнаганими?

Омонулло бу ёшдаги одамларнинг Сибир томонларга ўйнагани бормаслигини билса ҳам атай шу саволни берди. Лекин ўзи кутган «Ҳа», деган жавобни олмади. Тошболта жомадонларга хавотир кўзи билан боқдида:

— Озгина памадори олиб бордик. Томорқадан...— деди.

— Томорқадан? Томорқа... шу уйдами?

— Бу уйда томорқа нима қиласди? Мен бу ерда муқим турмайман. Асли чўлда яшайман. Бу буюмлар менини эмас. Шерикларимни. Ичида нималар борлигини ҳам билмайман.

— Шерикларингиз ким эди?

Тошболтанинг ростдан ҳам шериклари бор эди, уларни номма-ном айтди. Омонулло ён дафтар чиқариб ёзиб олди. Ёза туриб «ишига пишиқ бу одам. Қизи ўлиб ётган бўлса ҳам, жомадонларини олиб кириб жойлашга ўзида куч топиби. Қойилман... Балки бошқа нарсаларни ҳам жойлаб ташлагандир?..» — деб ўйлади.

— Шерикларингиз уйгача бирга киришдими?

— Йўқ, улар шаҳар айлангани кетишувди.

— Демак, бирор соатлардан кейин келиб қолишадими?

— Ким билади? Балки келишмас, қишлоққа жўнаворишар.

— Буюмлари-чи?

— Буюмлари турса тураверади, сасиб кетармиди?

— Поездда келдингларми ёки самолётдами?

— Самолётда бош айланади, ҳам қиммат. Бизларга поезд дуруст.

— Билетни ташлаб юбормагандирсиз?

— Биз қишлоқи одам, билет-милетни билмаймиз. Параводник билан келишиб келавергандиз. Кетишда ҳам шунаقا бўлган.

— Праводникнинг отини биласизми? Нечанчи вагон?

— Нима, мендан гумон қиляпсизми? Ўз қизимни-я?!

— Кимдан гумон қилишимни ўзимга қўйиб беринг. Эшикни биринчи бўлиб сиз очиб киргансиз, хабарни ҳам сиз бергансиз. Менинг одатим шунаقا, ишни шу биринчидан бошлайман. Қайси вагонда келгансиз?

— Еттинчи.

— Куёвингиз қаерда?

— Куёвим... ишда бўлса керак?

— Ишда? Булар ўлдирилганига уч кун бўлган. Куёвингиз уч кундан бери ишдами? Касби нима куёвингизнинг?

— Куёвим олим. Ёз пайтлари бир кун уйда бўлса ўн кун тоғда юради.

— Геологми?

— Унисини билмадим. Лекигин тўғри Московнинг ўзи билан гаплашадиган бола. Тагида вертолети бор.

— Фарзандлари... йўқми?

— Йўқ...

— Турмуш қуришганига қанча бўлди?

— Икки-уч йил бўлди... Қизим унинг иккинчи хотини. Аввалгисидан ажралиб, анча вақт хотинсиз юрган экан.

Омонулло катта хонага, ундан дахлизга қайтди. Ошхонага қаради. Ҳамма ёқ саришта. Яқин орада бирор бунда чой ҳам ичмаган. Омонулло чап томондаги эшикни очди. Ётоқхона ҳам саришта. Ўрин усти ҳатто фижимланмаган. Омонулло ошхонадаги экспертни ёнига чақирди:

— Ўрин устини, пиёлаларни текшириш эсдан чиқмасин. Эшик қулфини ҳам кўриш керак. Бегона калит тушган-тушмаганини менга аниқлаб берасиз.

Експерт «хўп» деб изига қайтгач, Омонулло яна Тошболтага юзланди:

— Уйга кириб ҳеч нарсага тегмадингизми?

— Нимага тегаман? Ўзим бу ахволда... — деди Тошболта йифламсираб. — Ука, шу ёшга кириб бир рўшнолик кўрмаган одамман. Менинг бошимга тушганлар итнинг бошига тушмасин. Шу ёшга етганимда менга илманг бу қотилликни.

Омонулло бу гапдан аччиқланди.

— Ким сизга иляпти? — деди овозини баландлатиб.

— Ҳозир-ку илмассиз... кейин жиноятчини тополмасангиз мен сиз учун таппа-тайёр гўштман. Биламан, ҳали менинг ҳаётимни ҳам кавлаштирасиз. Қамалиб чиққанимни билганингиздан кейин осонгина менга илиб қўя қолсиз. Худодан қўрқинг, ука, бундай қилманг.

«Нима қилай: сўкиб берайми ё тушунтирайми?» деб ўйлади Омонулло. Кейин сўкиш ҳам, тушунтириш ҳам фойдасиз, деган тўхтамга келиб, худди ҳеч қандай тұхматни эшитмагандай сўроқни келган жойидан бир маромда давом эттириди:

— Уйга кирганингизда ёзуғлиқ дастурхонни кўргандирсиз. Ёки пиёлалар ювуқсиз бўлгандир. Шуларни йиғиштирумадингизми?

— Ҳеч нарсага тегмадим, фақат тилпон қилдим, — деди Тошболта зардали овозда.

— Лейтенант! — Омонулло шундай деб даҳлизда турган йигитни чақирди. Депара вакили чақириққа маҳтал тургандай шу заҳотиёқ остоңада пайдо бўлди: — Мурдаларнинг шахси аниқландими?

— Биттаси аниқ: Нафиса Болтаева. 1959 йилда туғилган. «Умид» кооперативида ҳисобчи бўлиб ишлайди. Йигитнинг чўнтағидан фақат шу гувоҳнома чиқди, бирга ишлашар экан.

Лейтенант шундай деб кўк муқовали гувоҳномани узатди. Омонулло гувоҳномадаги суратда боқиб турган чехрага қараб «кўркам йигит экан, ўйнаш бўлишга арзийди», деб қўйди. Сўнг ёзувларни овоз чиқариб ўқиди: — «Фаолияти чекланган «Умид» кооперативи. Санжар Иброҳимов, Баш директор ўринбосари...» Танирмидингиз бу одамни?

— Йўқ, — деб жавоб қилди Тошболта тўнглик билан.

— Лейтенант, кооперативга бориб хабар қилинг. Марҳумларнинг шахсини аниқлаб, натижасини оқшомда менга етказасиз.

Лейтенант итоат билан чиққач, Омонулло Тошболтадан куёви ишлайдиган жойнинг телефонини сўради. Тошболта аввалига елка қисди, сўнг қизил муқовали дафтарни вараклаб «О» ҳарфли саҳифани очди-да, юқорига катта-катта қилиб ёзилган рақамларга бармоғини бигиз қилиб кўрсатди:

— Шу бўлиши керак. Лекин ўзи тилпонда ўтирамайди, чақириб беришади. Қизим шунаقا дегандай бўлувди.

Омонулло чўнтағидан олган рўмолчаси билан гўшакни ушлаб кўтарди-да, дафтарчадаги рақамни терди. Дам ўтмай «Ешитаман, гапиринг», деган аёл овози келди.

— Менга Самандар Очилов керак, — деди Омонулло.

— Ким сўраяпти, нима ишингиз бор?

«Олим одам ишлайдиган жойда ҳам шунаقا қўпол гаплашишадими?»

Шундай деб ўйлаган Омонулло саволга кескинроқ жавоб қилди:

— Мен милитсияданман. Нима ишим борлигини ўзига айтаман.

— Очилов сафарда.

— Қаерда, қачон кетган?

Аёл дарров жавоб қайтармади. Омонуллонинг назарида у ким биландир гаплашиб олгандай бўлди.

— Илтимос, ўзингизни танитсангиз, — деди аёл бир дақиқалик сукутдан сўнг.

Омонулло кимлигини айтгач, яна бир неча нафас жимлик ҳукм сурди. Сўнг гўшақдан эркак овози эшитилди:

— Ўртоқ капитан, зарур гапингиз бўлса, келиб гаплашинг. Телефонда айтиб бўлмайдиган маълумотлар ҳам бўлади, ўзингиз биласиз.

Еркак шундай деб манзилни қисқа тарзда тушунтиргач, хайр-маъзурни насия қилиб алоқани узди.

Омонулло уларнинг гап оҳангидан «тўғри масков билан гаплашадиган бола»нинг иши Давлат сири мажмуасига алоқадор эканини фаҳмлади. «Тагида верто-лёти» бор одамни топиб гаплашиш осон бўлмаслигини ҳам англади.

— Қизингизнинг, турмуши яхшимиди? Эридан ҳеч нолимасмиди? — деб сўради Омонулло гўшакни жо-йига қўйгач.

— Нимага нолийди? Уйи бор, усти бут, қорни тўқ...

— Фарзанд-чи?

— Фарзандми?.. Күёвнинг ишларига ҳалақит берар экан. Бу ишлари ҳам тўғри: итваччаларни кўпайтиришнинг нима кераги бор?

Омонулло бу гапни эшитгач, этлари жимирилашиб кетди. «Бу асли одамми ё молми? — деб ўйлади унга тикилиб қараб. — Мол ҳам насл қолиришга ўзида табиий эҳтиёж сезади. Ўзига набира бўлиши мумкин гўдакни «итвачча» дейиши... Ё «шу куёвдан туғилган бола «итвачча» бўлади», демоқчими? Күёвни ёқтирмайдими?»

— Қизингиз ёш, чиройли экан, — деди Омонулло ундан кўз узмаган ҳолда. — Күёвингиз рашк қилмасмиди?

— Билмадим... Қизим сиз ўйлагандек чакки юрмаган.

— Мен ўйлаган? — Омонуллонинг тиши зирқи-раб, жағини ушлади. — Мен ҳали бунаقا ўйга келмадим.

— Саволларингиз ғалати-ку? Суриштиришингиз ҳам... Қизимнинг чиройли бўлгани билан нима ишингиз бор?

— Билиб қўйинг, — деди Омонулло унга қўлини бигиз қилиб, — қизингизга алоқадор гап — каттами, майдами фарқи йўқ — ишимиз бўлади. Сизнинг ишингиз эса, менинг саволларимга тўғри жавоб қайтариш, менга танбеҳ бериш эмас. Тушундингизми? Аввал камалган бўлсангиз бунаقا гапларни яхши билишингиз керак. Ана энди айтинг: куёвингиз билан қизингиз қаерда, қай тарзда танишишган?

— Билмайман. Қизимни қаердадир кўриб ёқтириб қолган экан. Совчи қўйди. Ўртада нозик одам турган эди, хўп, дедик.

— Совчи ким эди?

— Совчими?... У ҳозир йўқ.

— Ўлганми?

— Нега ўларкан? Қамоқда у. Совхозимизнинг директори эди, туҳмат билан кетди.

Омонулло Турсуналининг исми-насабини ёзиб олиш чоғида кўз қири билан Тошболтага қараб унда енгил саросима сезди. «Ҳарҳолда буларнинг никоҳида бир сир бор, — деб ўйлади у.

— Ёш, гўзал қизнинг бунаقا тавияга иккинчи хотин бўлиб тегиши қизиқ...»

Омонулло Турсуналини суриштира бошлиганида Тошболтанинг овозида ҳадик сезилди, бармоқлари эса енгил титради. «Ҳали бу «бечора ота» билан кўп отамлашамиз, бугунга шу ҳам етар», деган фикрда дафтарчасини ёпиб чўнтағига солди-да, «Енди бардам бўлаверасиз, Худо сизга сабр берсин», деб яна бир марта таъзия билдириди. Сўнг доктилоскопистнинг<sup>19</sup> ишини бирпас кузатган бўлиб, ташқарига чиқди. Зина панжарасига суюниб пичирлашиб турган уч аёл билан қайтадан саломлашди.

Омонулло «хотинлар бор жойда бизга ҳам, судга ҳам ҳожат йўқ», деб ҳазиллашарди. Бу ҳазил бежиз эмас. Жиноят юз берган ерда ким биринчи пайдо бўлади? Милитсиями ёки хотинларми? Милитсия жиноятчини ҳафталаб ёки ойлаб қидириб топади. Суд ишни ҳафталаб ўрганади. Хотинлар эса бу юмушларни бир неча дақиқада, нари борса бир соатда оғизлари билан боплаб бажариб қўйишади. Ҳамиша қош-қовоқча қараб яшовчи маъсума аёл ҳам бунаقا

<sup>19</sup> Barmoq izlarini aniqlovchi mutaxassis.

пайтда «сиз аралашманг!» деб эрини уйига киритиб юборади. Ўзи эса норасмий суд ҳайъати аъзоси сифатида фаолиятини бошлайди. Бу сафар ҳам ёзилмаган қоида амал қилган, гувоҳ сифатида фақат хотинлар тўпланишган эди.

Омонулло остоңада пайдо бўлиши билан кўриниши Кинг Конгнинг узоқ қариндошларини эслатувчи хотин овозини сал баландлатиб «Отиш керак, — деди. Сўнг қандай отиш лозимлигини ҳам аниқлаб берди: — Стадионга юз минг одамни тўплаб, пешонасидан отиш керак. Телевизорга ҳам олиб бериш керак».

Омонулло сұхбатни ана шу оғзи ботир хотин билан бошлади:

- Қайси хонадонда яшайсиз, опа? — деб сўради у чўнтағидан дафтарча чиқариб.
- Менинг уйим бу ерда эмас, магазиннинг тепасидаги дўмда тураман, — деди аёл.
- Ўлганларни танирмидингиз?
- Йўқ-а, мен нонга чиқувдим. Хотинлар гапи-раётган экан, келавердим-да.
- Ўлдирган одамни кўрдингизми?
- Вой, нега мен кўрар эканман?
- Кимни пешонасидан отмоқчисиз?
- Ўша ўлдирган одамни-да.
- Ким у?
- Билмайман.
- Нон олдингизми?
- Нон? Нимагайди?
- Эрингиз нонсиз оч ўтириби. Борақолинг.

— Вой, савил, мени тергайдиган ҳам, оч ўтирадиган ҳам эрим йўқ, Худога шукр. Ҳайдамасангиз ҳам кетаман. Сассифини ҳидлаб туришга кўзим учайтгани йўқ! — Шундай деб минфиrlаганича зинадан пастга туша бошлади.

- Биз билганларимизни ёрдамчингизга айтдик, — деди аёллардан бири.
- Биз гувоҳ эканмиз, исмларимизни ҳам ёзиб олдилар, — деди иккинчиси.
- Нималарни биласиз? Нималарни айтдингиз?

Уларнинг билганлари: Нафиса қўни-қўшниларга унча аралашмайдиган «ёввойироқми» ёки «кибрли- ми» аёл. Ишга бориш-келишида йўлакда ёки кўчада кўришса кўришарди, бўлмаса йўқ. Бозор-ўчар қилганини, қўллари толиб сабзи-пиёз кўтариб келганини ёки дўкондан нон олганини бирор кўрмаган. Эр-хотиннинг уришганлари у ёқда турсин, гап талашишганини ҳам эшишишмаган. Фақат икки ойми, уч ойми аввал битта хотин келиб жанжал қилгандай бўлибди. Мана шу сўнгги хабарда, Омонуллонинг назарида, жон бордай сезилди.

- Қанақа хотин эди? — деб аниқламоқчи бўлди.
- Биз тенги, ўрта ёш,— деди Омонуллога яқин тур-ган аёл. Сўнг «чиройликкина» деб алоҳида изоҳ берди.
- Кимлигини билмайсизми?
- Йў-ўқ, танимаймиз у хотинни. Ўша куни мен қизимни кузатгани чиқувдим. Шу ерда рўпара бўлиб қолдим. Ёнида бир эркак ҳам бор эди. Эркагини сал танидим. Олдинги эри билан келиб турарди.

Кейинги гап Омонулло учун кутилмаган бўлди:

— Олдинги эри? — деб ҳар икки аёлга бир-бир қараб олди. — Самандар Очилов иккинчи эрими?

- Олдингисини эримас, девдингиз? — деди гапга қўшилмай турган аёл.
- Бир пас жим туринг, энди, — деб жеркиди Омонулло билан гаплашаётгани. — Ўлган одамлар ҳақида ёмон сўз айтилса гуноҳ бўларкан. Эрими ё бошқасими, кимлигини укамнинг ўзлари ажратиб оладилар. Бу уйни олишганига анча бўлган. Аввал муқим яшашмас эди. Биринчи эри билан келиб-кетиб юришарди. Бир марта сув тошириб юбориб, пастдагиларнинг расвосини чиқаришган. Биринчи эри мард экан, чиройли қилиб тузатиб берди.

- Биринчи эрининг отини билмайсизми?
- Ким сўрабди, дейсиз. Иккинчиси билан муқим яшаётгани учун сал-пал таниймиз. Лекин бу иккинчи эрининг ҳам йўқ бўлиб кетадиган одати бор.
- Жанжал қилган хотинни кундоши девдингиз, а? — деб гапга қўшилди нарироқда турган аёл.
- Унақа демаганман.
- Вой, девдингиз-ку...
- Демадим, ўхшатувдим. Нафисанинг анави бақироқ отаси гапириб қолди-да, «Бу ерда эринг йўқ, эринг Сибирда», деди. Қизимни кузатиб келаётсам яна шу хотинга рўпара бўлдим. «Мен тиланчи эмасман!» деб эшикни қарсллатиб ёпди. Юрагим чиқиб кетай деди.
- Шериги-чи? — деб сўради Омонулло.
- Қайси шериги? Ҳа, анави эркакми? Уни кўчада кўрдим. У уйга кирмаган шекилли.
- Кейинги бир ҳафтами, ўн кундами нотаниш одамлар келиб-кетишмадими?
- Буни биз билмаймиз, опоси. Бизнинг гап пойлайдиган одатимиз ҳам, вақтимиз ҳам йўқ. Бу дўмга, рўпарадаги дўмга ким келиб-кетаётганини билса, Абдуқаом билади.
- Ким у?
- Тепадаги қаватда битта бола бор. Белидан пасти ишламайди. Уззу-кун аравачасида ўтириб олиб, кўчага қарагани қараган. Бир хил пайтда суратга ҳам олади.
- Самандар Очиловни охирги марта қачон кўрдингиз? Ўн кун бўлдими ё йигирма кунми?
- Вой, нега ўн кун бўларкан? Уч кун ёки... икки кун бўлди. Йўлакдан чиқаверишда рўпара келиб қолдим. Салом берсам алик олмади. Мен ранжимадим. Шунақа телба-тескари одати бор одам-да у. Бир ҳил пайтда ўзи салом беради, бир хил пайтда хўмрайиб ўтиб кетади.
- Ўша куни Нафисаними ё ўлдирилган йигитними кўрмадингизми?
- Йў-йўқ кўрмадим...
- Нарида турган аёлнинг ерга қараганини сезган Омонулло ундан алоҳида сўради:
- Сиз ҳам кўрмадингизми?
- Аёл унга қарамаган ҳолда паст овозда «йўқ», деб қўйди. Ундаги ўзгариш Омонуллонинг диққатидан четда қолмади. «Вақти келганда ойдинлаштираман», деган мақсадда сир бой бермади.
- Унинг сезгиси алдамаган эди: аёл уч кун олдин Нафисани бу йигит билан кўрган, «жувон ўлгур эри йўғида ўйнашини бошлаб келди», деб сирдош кўшнисига айтганди. Ҳамма гапни айтавериб кейин балоларга қолмаслик учун иккови ҳам жим қолишни маъқул кўришди.
- Ўлдирган одамни топсангиз отиладими? — деб сўради Омонуллонинг саволларига жавоб берадиган гапдон аёл.
- Сиз отилсин, десангиз, отилдаи.
- Вой, менга нима, баттар бўлмайдими! Энди кетаверайликми?
- Яна озгина туринг, илтимос. Экспертларнинг иши чиқиб қолиши мумкин.
- Омонулло шундай деб аёллар айтган бола билан учрашиш ниятида юқорига кўтарилиди. Эшик қўнғироғи тугмасини босишга улгурмай ичкаридан:
- Кираверинг, эшик очик, — деган ингичка, аммо жарангли овоз эшитилди.
- Омонулло бу таклифга биноан эшикни очиб, остона ҳатлаши билан ўша овоз «поябзални ечиш лозимлигини» эслатди. Бир неча нафаслик сукутдан сўнг эса, «Енди тўғридаги хонага кираверинг», деб таклиф этди.
- Тўғридаги хона эшиги ланг очик эди. Омонулло остона ҳатлай туриб беихиёр ўнг томонга қаради: энли дераза ёнидаги кичкина каравотда боши катта одамларники каби, бўйнидан бошлаб то оёғининг бармоқларигача тўрт яшар гўдакни эслатувчи, бола деса боламас, йигит деса йигит дейиш мушкул бўлган, қўлларию елкалари чандиб боғланган бир одам ёстиғига суюниб, чордона қуриб ўтиради. У салом бергач, кўз ишораси билан стулни кўрсатиб «Марҳамат, ўтиринг», деб илтифот қилди. Сўнг:

— Абдуқаюм Маҳкам, — деб ўзини танитди. — Узр, сиз билан қўл бериб кўришолмадим. Фалокатни қаранг, суюкларим сал эзилибди. Чиқиб келаётганингизни оёқ товушларидан билдим. Худо менга гавда бермагани билан қулоқ берган. — У шундай деб кулди. Унинг кулгиси беғубор, кўз боқишиларида эса масъудлик бор эди. Қораҷадан келган бу йигитчанинг юзларида Омонуллони ажаблантирган бир нур зоҳир эди. «Ажаблантирган» дейилишининг боиси — бу нур «иймон нури» дейиларки, бу марҳаматга, бу ажрга қандай амаллар эвазига етишмоқ мумкинлигини Омонулло ҳали билмас эди. Шу боис ҳам «бунақа аҳволдаги одам ҳам баҳтиёр бўлуви мумкинми?» деган фикр хаёлини бир ёритиб ўтди.

— Ўтган куни фотоаппаратни созлайман, деб йиқилиб тушдим. Фалокатни қаранг-а!

Омонулло дераза токчасидаги телеобъективли фото-аппаратга назар ташлаб қўйди. Буни сезган Абдуқаюм:

— Бу менинг овунчогим, — деб изоҳ берди. Сўнг меҳмондан нигоҳини узмаган тарзда: — келишингизни билардим, — деди.

— Қизиқ... қандай била қолдингиз? Фолбинлик ҳам қўлдан келадими?

— Йў-ўқ, — Абдуқаюм яна кулди. — Бунақа гуноҳ ишлардан Худо асрасин. Диққат қилинг-а, атрофимизда содир бўлаётган ёки энди бўлувчи ҳар бир воқеа бир-бири билан мантиқан боғланган. Биз фақат бунга эътиборсиз юрамиз. Мантиқан боғланувчи воқеани биз кўпинча тасодиф деб биламиз. Сизнинг бу уйга киришингиз тасодифми ёки мантиқан боғланган воқеалар занжирининг бир ҳалқасими? Ёки: сиз текшираётган қотиллик тасодифми ёки бир умрнинг мантиқий якуними? Сиз билан мен учун бу фожия кутилмаган туюлади. Аслида-чи? Оллоҳ ҳамма нарсани мантиқ иплари билан боғлаб ташлаган.

Омонулло бу гапларни эшитиб лол қолди. «Гавданинг ўрнига қулоқ берган, дейди. Қулоқ эмас, ақл берган экан-ку», деб ўйлаб, унинг гапларини жимгина тинглайверди. Абдуқаюм эса жиддийлашиб бораётганини англаб, ширин жилмайди:

— Мана, қаранг, ажал тифи икки кишини ўт ўргандай олди-кетди. Касаллик билан жон беришса бироннинг, айниқса, сизнинг ишингиз бўлмас эди. Улар ўлдирилибди. Аслида уларнинг ризқи тугаган. Оллоҳ уларнинг жонини алоҳида, алоҳида, бирон хасталик билан олинишини ихтиёр этиши мумкин эди. Йўқ, Яратганинг хоҳиши айнан шу бўлди. Балки улар шунга яраша гуноҳ қилгандирлар. Балки Роббимиз уларнинг бу ҳолатини бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатмоқчи бўлгандир. Буни билмаймиз. Билганимиз — зулм содир бўлди. Зулм бўлгач, милитсия келади. Милитсия келгач, албатта, қўшнилар билан гаплашади. Қўшнилар ким? Албатта, ҳамма нарсадан хабардор бўлишни истайдиган менинг меҳрибон опоқиларим. Улар эса, билган-билмаганларни қалаштириб айтиб ташлашгач, охирида менинг исмимни тилга олишади. «Билса шу бола билади», дейишади. Опоқиларим тушмагурлар мени кўчани кузатишдан бошқа ташвиши йўқ, деб ўйлашади. Бозор-позорга тушиб чиқишгандан сўнг «Бизнигига ҳеч ким келмадими?» деб сўрайдиган одатлари бор. Милитсияга ҳам менга ўхшаган одам керак. Тўғрими? Ана энди сиз «уч кун олдин бегона одам кўринмадими?» деб сўрайсиз.

Омонулло «Ҳозирги ёшлар урди-сурди киноларни кўравериб, китобларни ўқийвериб, ҳаммалари изқувар бўлиб кетишган», деб ўйлаб, жилмайиб қўйди.

— Ҳа, сўрамайсизми? — деди Абдуқаюм унинг жим турганидан ажабланиб.

— Сўрамасам-чи? — деди Омонулло кулимсираган ҳолда.

— Унда мантиқ занжири узилади: сўрамасангиз бу уйга кирмас эдингиз. Сиз менинг қошу кўзимни кўргани кирмагансиз, тўғрими?

— Тўғри. Лекин мен сиздан бошқа нарсани сўрайман: уч кун олдин пастдан шовқин эштилмадими?

— Қанақа шовқин?

— Масалан, эркак-аёлнинг жанжалими...

— Йўқ.

— Аввалроқ-чи?

— Аввал?.. Йўқ. Қотиллик эр-хотиннинг жанжали оқибати десангиз янглишасиз. У ер сокин хонадон эди.

— Лекин бегона одамлар келиб туришган экан?

— Сизнига келишмайдими? Мантиқнинг илдизи қаерда? Гап бегоналарнинг келишида эмас, қандай мақсадда келишида!

— Айтайлик... мақсад фаҳш бўлсин.

— Фаҳш? Ошириб юбордингиз. Нафиса опа фоҳиша бўлганида опоқилар адабини бериб кўйишарди.

— Лекин улар гапларида шунга шамаъ қилишди.

— Биринчи эри бор, дейишгандир ёки ўйнаши де-йишгандир? Биламан бу гапларни. Ўша одамни танийман. Лекин у анчадан бери кўринмай қолди. Уч кун олдин келган йигит ўйнаш бўлмаса керак.

— Демак, уларни кўргансиз? Бу одамни танирмидингиз?

Бу саволни эшитиб Абдуқаюмнинг чехраси ёришди:

— Барибир сўрайсиз, дедим-а! — Шундай деб кулди. Сўнг жиддийлашиб бош чайқади: — Йўқ, уни танимадим.

— Унда нимага асосланиб ўйнаш эмас, деяпсиз?

— Юришлари хотиржам эди. Ҳеч қаёққа алангламай тўғри юриб келишди. Ўйнаш бўлса, «биров кузатмаяптими, танишларим кўриб қолмасин ишқилиб», деб хавотирланади. У ёқ-бу ёққа қарайверади. Ҳеч бўлмаса, йўлакка киришдан олдин орқасига ўгирилади. Ё бўлмаса, аёл кириб кетади, сал ўтмай ўйнаш киради.

— Сиз бу гапларни қаердан биласиз? Худди бутун умр ўйнашларни кузатиб юрган изқуварга ўхшаб гапиряпсиз?

— Буларни билиш учун унчалик кўп ақл зарур эмас.

— Бошқачароқ ҳолат ҳам бўлиши мумкинми?

— Албатта-да! Сиз билан биз бегона кўзларни чалғитишнинг мингта усулини санаб ўтирганимизда қайси бир уйда ўйнашлар бизнинг хаёлимизга ҳам келмаган минг биринчи усулда ишларини бошлаётгандирлар.

— Ҳа, фикрингиз мантиқан тўғри. У ҳолда, аёл эри йўқ пайтда бегона эркак билан нима мақсадда келиши мумкин?

— Бунисини билмадим. Бу факат ўзларига маълум эди. Афсус шуки, ўликлар гапиришмайди.

— Ҳа, айниқса, биз учун афсус айнан шунда, — деб Абдуқаюмнинг фикрини тасдиқлади. Омонулло. — Улар ўзлари билан жуда кўп сирларин олиб кетадилар.

— «Қабр — дунё манзилининг охири. Охират эса, манзилнинг бошидир. Модомики, барчамиз қабрга кирап эканмиз, қандай қилиб кайфу сафога берилиб, роҳат-фароғатда юрибмиз?»

Омонулло «Бунчалар ақлли экан, бу йигитча», деб ўйлади. Абдуқаюм униг фикрни ўқигандай кулимсиради:

— Ака, бу менинг гапларим эмас. Бир валиуллоҳ айтиб ўтган эканлар. Шошилмаётган бўлсангиз, яна бир фикримни айтаман. Факат бекорчи гап деб ўйламанг. Шу ишингизга алоқадор бўлгани учун айтмоқчиман. Демак, гап бундай: дунё нимадир? Дунё — ўткинчи бир меҳмонхонадир. Дунёдаги энг улуғ бойлик нимадир? Дунёга берилмасликдир. Дунё бойлигини афзал билган киши зиллатга, хорликка, мол-дунё тўплаган киши эса қашшоқликка гирифторм бўлади. Дунё нимага ўхшайди? Дунё — ясатилган келинчакка ўхшайди. Кўзлар унга термулган, қалблар эса муштоқдир. Ясатилмиш келинчакка кимлар ошиқ? Шуб-ҳасиз НАФС ошиқдир. Бу келинчак ошиқларнинг барчасини ҳалок этади. Ҳаётдаги тириклар ўликлардан, кейингилари олдингиларидан ибрат олмаяптилар. Уч хусусни унутмаслик керак: дунёнинг ўткинчи эканини, неъматларнинг ҳам ўткинчи эканини, муқаррар ўлимнинг ҳақ эканини.

Абдуқаюм «бу гаплар таъсир қилдими, мақбул бўлдими?» деган савол назари билан Омонуллога тикилиб қаради. Унинг гапларига мос равишда назари ҳам ўткир эди. Омонулло унга тик қарай олмади.

— Яхши гапларни айтган экан.

— Лекин... — Абдуқаюм кулимсиради. — Ҳозир бу гапларни эшитишга фурсатингиз йўқ. Кўнглимни оғритмаслик учун индамай тингляйпсиз. Балки менга раҳмингиз келаётгандир? Сиздан илтимос, раҳмингиз келмасин. Мен ўзимнинг шу тақдиримдан ҳам розиман. Ҳархолда кўряпман, эшитяпман, гаплашяпман. Ахир кўрмайдиган, эшитмайдиган, тили айланмайдиганлар ҳам кўп-ку, тўғрими? Тан оламан, бир оз эзмароқман. Лекин лақма эмасман. Сўранг, сўрайверинг.

— Ўша куними, олдинми ё кейинми Самандар Очилов келмадими?

— Келдилар. Ўша куннинг ўзида бир кўриндилар. Новвотранг «Волга»да келдилар. Шошиб тушиб, шошилиб йўлакка кирдилар. Машинада битта ҳарбий одам ҳам бор эди. Погони кўк, полковник. Улар ҳам шошиб туришган экан.

— Буни қаердан билдингиз?

— Ҳайдовчи уч марта сигнал берди. Учинчисида полковник эшикни очиб пастга тушди.

— Очилов тахминан қанча вақт қолиб кетди?

— Тахминан ярим соатча.

— Болтаева билан Иброҳимов бу пайтда уйда бўлганлар, шундайми?

— Шундайга ўхшаб қолди.

— Очилов шошиб кирган экан, қайтишда-чи? Қанақа аҳволда қайтди, кийим-бошларида ўзгариш бормиди?

— Кийимларида ўзгариш сезмадим. Лекин секин-секин юриб чиқдилар. Қўлларида дипломат бор эди. Полковник бир нима девди, унга жавоб қайтармасдан индамай машинага ўтирдилар. Машина юришидан олдин деразаларига бир қараб олдилар. Лекин сиз бундан дарров бир хулоса чиқарманг.

Абдуқаюмнинг кейинги гапи Омонуллога малол келди.

«Қимматли маслаҳатингиз учун раҳмат, ука», деб пичинг қилмоқчи эди, тиши зирқираб, гапиртирмай қўйди. Мехмоннинг афти буришганини кўрган Абдуқаюм чегарадан чиққанини фаҳмлаб, узр сўради:

— Гапларимдан хафа бўлманг, ака, мантиқан олиб қаралса, «ер қотил» деган хулоса келиб чиқади. Лекин бунақа олим одамларда рашқ кучли бўлмайди. Улар одам ўлдира олишмайди. Нари борса бир шапалоқ уриб, тўнни елкага ташлаб чиқиб кетишади.

Абдуқаюмнинг гапларида жон бўлса ҳам Омонуллога малол келди. Бир йигитчанинг ёши улуғ одам каби фикр юритиши, унга ақл ўргатиши ғашини келтирди. Абдуқаюмнинг туғилиб, тилга кирганидан бери ўз тенгдошлари билан ўйнаб-кулолмай, ётган ерида фақат катталар билан сұхбатлашиши оқибатида шундай сергап, шундай маслаҳатгўй бўлиб қолганининг фаҳмига етмади. Бу хонадонга кириб Абдуқаюм билан сұхбатлашган ҳар бир одам истаса-истамаса унинг кўнглига қарашга мажбур бўлар эди. Омонулло гарчи ғаши келган бўлса-да, бу ёзилмаган қоидага беихтиёр бўйсунди. Ўзини қулимсирашга мажбур этиб:

— Сиздан хафа бўлган — ўғри, — деб ҳазил қилди. Сўнг жағини ушлаб, изоҳ берди: — Тишим оғрияпти.

— Тишиңгиз оғриса дўхтурга борманг. Мен сизга даволашнинг осонгина йўлини ўргатаман. Тиш нимага оғрийди? Совуқ теккани учун. Совуқни қандай ҳайдайсиз? Битта пиёлани олиб, ичига ёғ сурасиз-да сўнг қиздирасиз...

Ҳозиргина йигитчанинг ўта доно эканлигидан ғашлана бошлаган одам энди бу гапларни жон қулоғи билан эшитди. Маслаҳат сўнгига етгунига қадар нима мақсадда бу ерга кирганини унутди. Йигитчанинг маслаҳати бу сафар мойдеккина ёқди. Афсуски, ҳозирги ташвиш билан яқин соатларда уйига боролмайди. Кечаси ҳам бориш насиб этадими ё йўқми — Худо билади.

Ишдан ҳоли бўлганида ҳозироқ бориб шу йигитча айтгандай пиёлани қиздириб, чап қулоғини қўйиб ётармиди, оғриқ қайтиб кўзлари мошдек очилармиди...

Омонулло маслаҳатлар учун раҳмат айтиб, ўрнидан турди.

— Телефонингизни айтинг, қўлим тузалса қўн-ғироқ қиласман. Балки янги гаплар эсимга тушиб қо-лар?

Омонулло ён дафтарчага телефон рақамларини ёза-ётганида Абдуқаом яна донолигини бошлади:

— Америкада шунаقا жиноят юз берса «қотилни топган одамга ёки хабар берган одамга шунча минг доллар мукофот» деб телевизорларида эълон қилинади. Шунинг учун уларда жиноятчи тез топилади.

«Худди Америкада яшайдиган одамдай гапиради-я!» деб ўйлади Омонулло. Абдуқаом эса давом этди:

— Сизлар эса ҳаммасини теп-текинга бажармоқчи бўласизлар. Шунинг учун одамлар сизлардан қочади. Иш ёлғиз ўзларингизга қолиб кетади. Бунақа ишда сизга нисбатан гувоҳларга қийин. Гувоҳ жонини гаровга қўйиб айтади айтадиган гапларини. Ё нотўғрими?

— Тўғри, — деди Омонулло дафтарчасидан саҳифани йиртиб олиб унга узатар экан. — Мана шу ишни юмалоқ-ёстиқ қилайлик, кейин иккаламиз Америка политсиясига бориб ишлаймиз. Топганимиз — ўртада, келишдикми?

Бу гапни эшишиб Абдуқаом кулиб юборди. Унинг кулгиси ёш боланинг кулгисидай жарангдор ва самимий эди.

Омонулло бу хонадондан дастлабки гумонига қувват олган ҳолда чиқди. Қотил қизнинг отаси бўлиши ҳам мумкин, деган яна бир гумони олинажак маълумотлардан сўнг ҳақиқатга яқинлашгандай бўлади. Бугун эса қора рўйхатга биринчи бўлиб Нафисанинг эри Самандар Очилов ёзилди.

Одатда бирон аёл қоқилиб тушиб жон берса ҳам «ери уриб ўлдиргандир» деб гумон қилинади. Шундай экан, Самандарнинг гумон ўқига нишон бўлмоғи табиий ҳол. Агар тиббий эксперт қотиллик икки ёки тўрт эмас, айнан уч кун олдин юз берган деб тасдиқласа, унда Самандарнинг бошига бало тошлари ёғилиши тайин.

## ҚОНЛИ ГИРДОБ

Абдуқаом янгишмади: Самандар ўша куни уйига келганди. Аслида унинг уйга келиш нияти йўқ эди. Режаси бўйича, Нафиса таътилга чиқмоғи, у эса вертолётни шаҳарга жўнатмоғи лозим эди. Одам етиб келиши мушкул бўлган, аммо табиатнинг мавжуд гўзалликларини ўзида мужассам этган бу дарада Нафиса узоги билан бир ҳафта чидаб яшай оларди. Чўлда ўсган бу жувонни гўзал манзаралар ҳам, тонгда булбулларнинг сайраши ҳам, покиза булоқ сувлари ҳам мафтун қила олмасди. Бир неча олиму хизматкорлардан иборат бу «шаҳарча»га дастлаб келганидаёқ «зинданнинг ўзи-ку, бу ер» деб баҳо берган, уч кунга аранг чидаган эди. Самандарнинг биринчи хотини ҳам тоққа тоқат қила олмасди. У чодир атрофида ўрмалаб юрган илонни кўрганидаёқ чинқириб оламни бузган, шу-шу бу ёққа қадам босмай қўйган эди. Самандар Нафисада ҳам биринчи хотинининг қилиқларидан бор эканлигини сезиб ғашланди-ю, кейин ўз ишлари билан андармон бўлиб эътибор бермай қўйди.

Турсунали қамалгач, Нафиса бир неча ҳафта гарангсиб юрди. Ҳатто эрига қарамай ҳам қўйди. Самандар «жуда яхши кўрар экан-да», деб ўйлади-ю, аммо хаёлига келган гапларни тилига чиқармади. Аксар одамлар тиш фақат овқат чайнаш учун мавжуддир, деб ҳисоблайдилар. Самандарнинг тишлари эса, иккинчи вазифасини — тилга қўриқчилик юмушини ҳам бажаради. Унинг тили бекордан бекорга тиш ҳатламайди. Самандарнинг феълини яхши билган киши «бу малла одамни ташқарига сочилмай, ичига ютилган дардлари сарфайтириб юборган», деган хуносага келуви тайин эди.

Самандар индамай қўя қолгани билан қайнотаси жим турмади: қизи Нафисани обдон сиқувга олди. Отасининг гаплари таъсир қилдими ёки соғинч дарди қариб, кучдан қолдими, ҳархолда Нафисанинг эрига бўлган муносабати яхши томонга ўзгарди. Икковлари чинакам эрхотин мартабасига етишгандай эдилар. Самандар учун кутилмаганда Нафиса бу ерга келиш ихтиёрини билдириб, соғинганини маълум қилди.

Ерталаб нонуштада Самандар вертолет учувчисига «тайёрлан, шаҳарга тушиб, янгангни олиб келасан», деб тайинлади. Вертолет унишга улгурмай унинг ўзини марказ чақиртириди. Буйруқ қисқа, айни чоқда тушунарсиз эди: «Сўнгти маълумотлар масаласида тезда Москвага етиб келинг».

Вертолет ҳарбий аеродромдаги ўз майдончасига қўнгач, новвотранг «Волга» ёнида турган полковник уни қаршилаб, ўзини таништирди-да, «Сизни кузатиб бориш менга топширилган», деб вазифасини баён қилди. Сўнг марказни нима қизиқтираётганини айтди.

— Мен уйга кириб-чиқишим керак, баъзи ҳисоб-китобларим уйда, — деди Самандар.

Полковник аввалига норози бўлди. Самандар бу қоғозларсиз Москвага бориш фойдасиз эканини айтгач, ноилож кўнди.

Самандар уйга кирди-ю, нима учун келганини унуди.

Абдуқаюм янгишмаган эди:

... яrim соатча қолиб кетди...

Тўғри, бунинг орасида ташқарига бир чиқди. Ўша онда қўшни аёлга йўлиқди. Зинадан пастга тушаётиб, нима учун келганини эслади-да, изига қайтди. Унинг бу ҳаракатини кузатган қўшни аёл «жинни-пинни бўлиб қолганми ё мастми?» деб ўйлади. Зийрак нигоҳи «бу телбанинг» панжалари қон эканини ҳам ил-ғади. «Бир бало бўлди» деди-ю, ўзини тезда ичкарига олди.

Самандар уйига қайтиб, гарангсиган бир аҳволда хонасига кирди-да, пўлат жавондан керакли қоғозларини олди. Қўлидаги қон юқини ювиб ташлаш хаёлига ҳам келмади. Фақат машинага ўтирганида полковник «қўлингизга нима қилди?» деб сўрагач, панжаларига қараб ажабланди. Беихтиёр равишда «шиша тилиб кетди», деди. Яхшики полковник «қанақа шиша? Қандай тарзда?» деб эзмаланмади. Бунинг ўрнига ҳайдовчидан «аптечканг борми?» деб сўради. Рад жавобини олгач, чўнтағидан рўмолча чиқариб, Самандарга узатди-да, «Боғлаб олинг, самолётда аптечка бўлиши керак», деди.

Самандар рўмолчани қон теккан панжалари устига ташлаб, ҳолсизланаётганини ҳис қилди. Кўнгли айниди. Ўриндиқقا суюниб, кўзларини юмди. Кўз олдини қоплаган қора парда бирдан қизил ранг олди. Самандар гўё қон гирдобида қолгандай бўлди. Бу қон гирдоби орасидан беҳисоб қонли панжалар кўтарилиб уни бўға бошлади. Нафаси қайтиб, бақириб юборай деди. Шошилиб кўзларини очди.

Учоқча чиққунларича кўнгли беҳузур бўлиб анча тоқатсизланди. Учоқ ўрнидан қўзғолмай туриб полковник энсиз дока, дори кўтариб келиб, «ярангизни боғлаб қўяй», деди. Гаранг бўлиб ўтирган Самандар «қанақа яра?» деб юборишига сал қолди. Яхшики қўлини «шиша тилиб юборгани» эсига тушди. «Ўзим ювиб, боғлайман», деб дока, дорини олиб ҳожатхонага ўтди, Қўлини ювди. Учоқ чайқала бошлагач, ўзини тутолмай қайт қилди. Сўнг юзларини ювиб, кўзгуга қаради. Кўзгуда унинг акси эмас, Нафисанинг «гуноҳим нима?» деб бақрайган кўзларини кўриб, кўрқиб кетди. Беихтиёр орқасига тисарилди. Кўзгудаги бақрайган нигоҳ йўқолиб, ўзининг акси кўринди. Малла ранги оқариб ўлик тусини олгандай туюлди ўзига. Юзларига аста шапатилади. Сўнг панжасини дока билан бетартиб равишда боғлаб жойига қайтди. Полковник унинг боғланган қўлига ажабланиб қаради-ю, «адашдим шекилли», деб ўйлаб индамади. Йўқ, полковник янгишмаганди: Самандар уйидан чиқиб келганда унинг ўнг пан-жаси қон эди. Ҳозир эса чап қўлини боғлаб олганди.

Самандар полковник гапга тутмасин, деган мақсадда ўзини иш билан банд қилиб кўрсатиш учун қоғозларни варақлади. Бир оз вақт ўтгач, «иш билан банд» эканини ҳам унудиб, кўзлари

бир нүктада қотди. Аскар йигит яқинлашиб, қаҳва узатганини ҳам сезмади. Полковник унинг билагига қўлини асталик билан қўйиб:

— Ўртоқ Бош конструктор, — деди.

Самандар енгил сесканиб, унга қаради.

— Қаҳва ичинг, енгил тортасиз, — деди полковник кулимсираб.

«Енгил тортасиз» — деб ажабланди Самандар. — Бир нимани сездими бу одам? Ўзимни тутиб олишим керак. Уйда ҳеч нима бўлгани йўқ, ҳеч нима... Бу туш эди, ваҳимали туш...»

Қаҳва ҳўплаётib шу тарзда ўзини ўзи овутиб, «туш кўраётгани»га ишонтирмоқчи бўлди.

— Қондан қўрқар экансиз, — деди полковник кулимсираб.

— Йўғ-е, — деди Самандар айби ошкор бўлган боладай.

— Ҳа, рангингиз айтиб турибди. Сиз хижолат бўлманг, айрим одамлар шунаقا бўлишади. Қонга қўзи тушиши билан ҳушидан кетиб қоладиганлар ҳам бор. Кўнглингиз айниганини машинадаёқ сезган эдим. Тағин ҳам чидадингиз.

Самандар бу лутфни қабул қилгандай ўзини зўрлаб кулимсиради.

— Бир оз дам олинг, ўтиб кетади, — деди полковник, меҳрибонлик билан.

«Ўтиб кетади? Қани эди ўтиб кетса!.. Ўтиб кетадиган манзара эмас бу...» деб ўйлади Самандар. Полковникнинг таклифи унга маъқул келди: бекорчи суҳбатдан қочишнинг яхши йўли — дам олиш. У қаҳвани ичиб бўлгач, суюнчиқни туширди-да, ётиб, кўзларини юмди.

Самандар шу бўйи то учоқ Москва яқинидаги ҳарбий аеродромга қадар қаддини кўтартмади. Полковник таомга таклиф қилганида кўзларини ярим очиб, «йўқ» ишорасини қилиб, бош чайқаб қўя қолди.

Кўзларини юмиб ётгани билан ухламади. Аслида бу ҳолда ётиш ҳам унинг учун азоб эди. Бироқ, полковник билан суҳбатлашгандан кўра шу алфозда азоб чекиши маъқулроқ туюлди.

У икки тўлқин исканжасида эди. Бири — қон тусида, уйидаги даҳшат манзараси, иккинчиси — бир неча соатдан сўнг бўлажак суҳбатлар. Самандар биринчи тўлқинни енгишга, Нафисанинг бақрайган кўзларини ҳайдашга, гирдобдан кўтарилаётган қонли панжаларни нари суришга интилди. Бир неча муддат бунга эришгандай ҳам бўлди. Бироқ, нари кетган манзаралар яна шиддат билан ўз ўрнига қайтаверди.

Самандар турли ташвишлар наҳрида беармон сузган, аммо бу каби кучли тўлқинларга банди бўлмаган эди. Яратганига банда бўйолмаганларнинг ажри балки шудир — ташвишу аламларга банди бўлишдир...

У кейинги маълумотларга катталарнинг ишонишлари қийин, балки сиёсий тус ҳам берилар, деган таҳминни дилига туғиб юрган эди. Унинг кашфиётига асосланган қурилмалар дунёдаги ядро полигонларининг ҳар биридаги энг кучсиз синовни ҳам аниқлаб, билиб бериши мумкин эди. Аммо ўн икки кун аввал кутилмаган ҳолат юз берди: қурилма заминнинг кучсиз тебранганини хабар қилди. Заминнинг тебраниши янгилик эмас, аммо тебраниш маркази сира кутилмаган ерда эди. Улардаги ҳарита бўйича бу жойда ядро полигони йўқ эди. Самандар ҳисоб-китобларни қайта-қайта текшириди, солиштириди. Рақамлар бари- бир ўжарлик билан айнан ўша жойни кўрсатиб тураверди.

Самандар маълумотларни бир кун кечикиб юборди.

Марказ танбех берар, деб ўйлаётган эди. Шошқич чақирилуви у учун кутилмаган бўлди. Айниқса, уйдаги воқеа...

Учоқ ерга қўниб, белгиланган майдончада тўхтагач, Самандар қаддини кўтарди. У гўё учоқда учмади, балки танклар занжири остида эзғиланди. Учоқ уни уйидаги воқеадан узиб олиб, неча минг чақирим нарига олиб келгани билан хаёлига боғланган ташвиш илларини уза олмаган эди.

Учоқ зинапоясида уларни икки қора «Волга» кутиб туарди. Полковник ҳамкасби билан саломлашиб «вазифа адо этилгани»ни маълум қилгач, Самандар машинага ўтирди.

«Вазифасини бажарған» полковникка «алоҳида буйруқ бўлгунича кутинглар», — дейилгач, машиналар ўрнидан қўзғолди.

Самандар Москва кўчаларини яхши биларди. Шу боис Мудофаа вазирлиги жойлашган кўчага бурилишмаганидан ажабланди-да:

— Қаерга кетяпмиз? — деб сўради. Уни полковниқдан «қабул қилиб олган» одам бамайлихотирлик билан:

- Кремлга, — деди.
- Кимнинг олдига? — деб сўради Самандар.
- Сизни ўртоқ Байгилдин кутяпти.
- Базаровчи?
- Виктор Базарович ҳам ўша ерда.

Базаров деганлари вазирлик ҳузуридаги Марказ бошлиғи эди. Одатда Самандар асосан шу одамга йўлиқарди. Байгилдиннинг ҳузурига камдан кам ҳоллардагина боришарди. Самандар бу сафар тўғри ўша ерга борилаётганидан масаланинг жиддий эканини англади. Бир жиҳатдан Байгилдинга рўпара бўлиши яхши. Фаросатли одам. Базаровга ўхшаб ҳуда-бехуда сўкиниб бақиравермайди. Ҳархолда унда ҳарбийликка нисбатан олимлиги устун туради.

Кремлда тўғри Байгилдинга рўпара бўлмади. Бари-бир аввал Базаровга йўлиқди:

- Сен нима қилиб қўйдинг, биласанми? — деди у совуққина саломлашиб.
- Нима қилибман? — деди Самандар ҳам совуқроқ оҳангда.
- Бутун разведка оёққа турган. Агар маълумотинг исботланмаса, биласанми нима бўлади?
- Биламан. Ишларимнинг оёғи осмондан бўлади.
- Фақат ишларинг эмас, ўзинг ҳам. Фақат ўзинг эмас, мен ҳам...
- Шунаقا хатар бор экан, маълумотни буларга кўрсатманг эди.

— Сен шунаقا вақиллайверасан. Рост бўлса-чи? Унда яна бир бало! «Қаёққа қарайсанлар?!» деб учириб юборишади. Нима бўлса бўлди — таваккал! Юр.

Байгилдин у қадар ваҳима қилмади. Маълумотнома, ҳисоб-китоблар хulosаси билан танишган бўлса-да, Самандарнинг тушунтиришларини диққат билан тинглади.

— Илмий экспертиза хulosаларингизнинг тўғри эканини тасдиқлади. Лекин ҳозирча узилкесил тўхтамга кела олмаймиз. Ҳозир орбитал стантсиядагиларга ҳам топшириқ берилган. Самандар Очилович, сиз уч-тўрт кун Москвада дам олинг. Сиз билан Василий Игнатевич ҳам кўришмоқчилар. Қурилмаларингизни Ҳиндиқушга ҳам ўрнатсак-чи? Нима дейсиз?

- Афғонистонгами?
- Ҳа.
- Шартми? Ҳозирги жойи ҳам етарли. Қурилма сезгирилгини яна ҳам ошириш мумкин.
- Қандай қилиб?

Самандар уйдан олиб чиққан қофозлар тахламини унга узатди.

— Ҳаммаси ҳисоб-китоб қилинган. Ҳиндиқушда янгисини қургандан кўра сезгирилк оширилса, юз баравар арzon тушса керак.

— Сен буларни менга айтмовдинг? — деди Базаров норози оҳангда.

— Тўппа-тўғри бу ерга бошлаб келишларини билмабман. Аслида сизга кўрсатаман, деб ўйловдим. Сиз барибир ўртоқ Байгилдинга берардингиз.

— Бу ҳисобингиз ҳам тўғри, — деди Байгилдин жилмайиб. Сўнг қофоз юзидағи қизил доғга кўзи тушиб, Самандарнинг боғлоғлик қўлига қаради: — Қўлга нима қилди?

— Ҳа, шунчаки... шиша тилиб кетди, — деди Самандар ўзини хотиржам тутишга интилиб.

Байгилдин уларни узоқ ушлаб ўтиrmади. Самандарни шаҳар четидаги хос меҳмонхонага кузатиб қўйишиди. Хонага кириб, биринчи кўргани — Ҳиндиқуш харитаси бўлди. «Мақсадлари жиддийга ўхшай-ди, — деб ўйлади. — Агар Афғонистонга ҳам ўрнатилса, янги ўта сезгири курилмага ҳожат қолмайди. Йўлни тўсишади». Шу фикр хаёлига келиб, баттар бўғилди. Музжавонни очди: баҳтига ароқ бор экан. Катта қадаҳга қуийб, сахрода йўл юриб чанқаган

одам каби ютоқиб ичди. Биттага қаноат қилмасдан иккинчисини ҳам тўлдириб ичгач, дастурхон устидаги олмалардан бирини олиб, карсиллатиб тишлади. Назарида ароқнинг қуввати ожиздай туюлиб яна икки марта ичди-да, ши-ша белига ёпиштирилган ёрликқа қаради. Ароқнинг қирқ даража эканини ўқиб, ажабланганича бош чай-қади.

Ешик тақиллаб, аскар йигит кўринди-да, «Емакхонага чиқасизми ё овқатни шу ерга олиб келайми?» деб сўради. Самандар оч бўлса-да, овқат егиси йўқ эди. Аввалига «керакмас», деб рад этди. Сўнг йигитни чақириб, «шу ерга олиб кел», деб буюорди.

Ароқ таъсир қилиб, бадани қизиди. Боши айланди. Боғланган панжасига қараб ғижинди-да, докани ечиб ташлади. Ўзича бир нималар деб ғўдираниб, ҳаммомга кирди. Ювиниб чиққанида хонани овқатнинг ёқимли иси тутган эди. Шишани бўшатгунича тўрт-беш чўқим овқат ея олди, ҳалос. Томоғидан бошқа ҳеч нарса ўтмади. Яна бир шиша пиво ичгач, тўшакка ҳам етиб бора олмай, гилам устига чўзилди.

...Нафиса кўзларини ярим юмганича тўшакда айшини сурарди. Самандарнинг кириб келганига на у, на-да хуштори эътибор берди. Самандар «Ҳайвон! Бузук!» деб бақирмоқчи бўлди, аммо овози чиқмади. Сўнг... ошхонадан болта олиб чиқиб, уларни чопаверди, чопаверди. Сўнг... даҳшатга тушди. Болта уларни қийма-қийма қилиб ташлаган бўлса-да, танада бир томчи ҳам қон кўринмади. Сўнг... қиймаланган тана бус-бутун ҳолга келиб, қадлари кўтарилди. «Ей нодон!» деб унга қараб кулдилар, кулавердилар. Сўнг... Самандар уларга пичноқ билан ташланди. Улар қочдилар, қочавердилар. Самандар ғазабга келиб, пичноқни отди. Пичноқ кинодаги мерган қўлидан отилгандай тўғри бориб Нафисанинг чап кўкрагига санчилди. Нафиса йиқилди. Ўлди. Чинакамига ўлди! Ана, кўкрагидан қон сизиб чиқяпти. Қон... иссиқ, қон. Кўзлари эса бақра-йиб қолди: «Гуноҳим нима эди?» деб сўраётганга ўхшади. Самандар қўрқиб кетди: «Нафис, сени ўлдирмоқчи эмасдим. Турсунали билан биргалигингни билганимда ҳам кечирган эдим. Бу сафар ҳам кечирардим. Ўлма, Нафис...» Шундай деб турганида хуштор келиб бошига тўқмоқ билан урди, ураверди. Тўқмоқ ҳар урилганида жаранглаб, акс-садо таратди, таратаверди... Нафаси эса бўғилди, бўғилаверди...

То уйқудан уйғонунига қадар шу туш асоратида азоб чекди. Қўрқувдан уйғондими ё эшикнинг тақиллаганидан уйғондими — фарқлай олмади. Ҳархолда эшикнинг тақиллаши бошига урилган тўқмоқ жарангига монанд эди. Бошига урилган тўқмоқ тушида кечган бўлса-да, гардани лўқиллаб оғририди.

Аввалига қимирлаш у ёқдан турсин, «Ҳа, ким?!» дейишига ҳам мажоли етмади. Аниқроғи қаерда, нима учун ётганини идрок қилолмади. Бир оз гарангсиб ётгач, нонуштадан кейин бўлиб ўтган воқеаларни хира тарзда бўлса-да, эслади. Шундан сўнг кўзларини аранг очди. Эшик яна тақиллагач, «ҳозир!» деб овоз берди-да, инқиллаб ўрнидан турди. Уй худди осма кўприқдай у ён-бу ён тебрангандай бўлиб, чайқалди. Гандирақлаб бориб эшикни очди.

Енгиз ич кўйлақда турган гавдали одам уни кўриб жилмайди:

— Хайрият! Бу кимсасиз оролда биттагина инсофли тирик одам бор экан! — деди у. — Ҳамма хоналарни бирма-бир тақиллатиб чиқдим. Тирик одам йўқми, билмайман. Бўлса ҳам очишмайди. Қўрқишадими, билмайман. Мен ёлғизликни ёмон кўраман. Ичгим келяпти, қўшни, нима мен алкашманники ҳадеб ёлғиз ичаверсам. Кўнглим ширин сухбатни истаяпти. Сиз менга шерик бўла олмайсизми? — У шундай деб қўлидаги ароқни юқори кўтарди.

Боши айланниб, оғзи қуриб, кўнгли бехузур бўлаётган Самандарга бу таклиф маъқул келди. Гарчи у чақирилмаган меҳмонга зид ўлароқ ёлғизликни ёқтираса ҳам ҳозир улфат билан ичгиси келди.

— Киринг, — деди у тисарилиб.

Меҳмон остона ҳатлаб қўл узатди-да, ўзини танитди:

— Медведев, Сергей Лаврентевич.

Самандар «Марҳамат қилинг», деб жой кўрсатди. Медведевнинг шими ёнидаги қизил ҳошияни кўриб «генераллардан экан-да», деб қўйди. Медведев эса ёзув столи устидаги Ҳиндиқуш харитасига кўзи тушиб «ўзимиздан экан», деб ўйлади.

— Исмингиз нима, қўшни? — деди Медведев икки қадаҳга ароқ қуйиб.

Киев университетида, сўнг Москвадаги аспирантурада ўқиб юрганида Самандарни ҳамма «Саша» деб чақиравди. Шуни эслаб у:

— Саша деяверинг, — деб қўйди.

— Сашоқ, саломатлик учун! Мен сендан хурсандман. Бу ердаги ягона тирик одам сен экансан... — Медведев шундай деб тик турган ҳолида қадаҳни бир кўтаришдаёқ бўшатди.

Самандар қадаҳни лабига яқинлаштирганида ароқнинг ҳиди димоғига урилиб, сесканди. Кўнгли баттар айниди. Меҳмон қараб тургани учун ҳижолат чекди. Кейин чукур нафас олди-да, бир зарб билан ичиб юбора қолди. Дам ўтмай ўзини енгил ҳис эта бошлади. Учинчи қадаҳдан кейин эса пича ўзига келди. Бу ерга киришдан аввал ҳам бўкиб ичган меҳмоннинг «гап халтаси тешилиб», тинмай гапираверди.

— Сашоқ, мен ҳарбий одамман. Менинг касбим жанг қилиш. Қоғоз титиб идорада ўтирадиганларга тоқат қила олмайман. Россияни ким хароб қилди, биласанми? Ана ўша бурнига кўзойнак қўндириб, қоғоз титиб ўтирадиганлар. Биз эса буюк Россия шухратига шухрат қўшамиз. Бу — бизнинг бурчимиз.

Медведев яна қадаҳларни тўлдириди:

— Буюк Россиямиз учун, унинг шухрати учун! — У шундай деб хитоб қилгач, қадаҳни одати бўйича бир кўтаришда бўшатиб, кафтига «куф» деб қўйди.

Самандар энди ичишга қийналмади. Оғриқлар уни тарқ этган, аммо қулоғи шанғиллаб, меҳмоннинг гапларини дуруст идрок қила олмаётган эди. Медведев эса «сукут ризолик аломати» саналгандай «гапларим Сашоқка маъқул келяпти», деган фикрда жўшиб сўзлайверди.

— Бу ғаламислар Россиянинг Ўрта Шарқдаги сиёсатини ўзгартиришмоқчи. Очифини айтайми? Михаил Мечениййининг ишлари менга ёқмаяпти.

Самандар Михаил Мечениййининг ким эканини дарров англамади. Кейинроқ фаҳмлаб, нимани тасдиқ эта-ётганини ўзи ҳам тушунмай, бош ирғаб қўйди.

— У бизнинг Германияни икки қўллаб топширди. Германия учун руслар қанча қон тўкишган, биласанми? Энди эса Афғонистонни бермоқчи! Горчаков жаноблари 1877 йилда нима қилган биласанми? Билмайсан! Гранвиллни биласанми? У ўша пайтда Англия ташқи ишлар министри эди. Горчаков у билан сулҳ тузди. Ҳозирги Афғонистоннинг шимолий чегарасини ўша аҳмоқ белгилаган. Нега аҳмоқ, деяпсанми? Шунинг учунки, яна бир зарб берилса, Афғонистон тўлалигича бизники эди. Ҳеч бўлмаса ярми бизники бўларди. Бугун бекорга қон тўкиб юрмасдик. Энди Михаил Мечений нима қилмоқчи? Биласанми? Билмайман, дема, биласан. Бу ерда бекорга ўтирганинг йўқдир. Мени ҳам шунинг учун чақиришишибди. Булар Афғонистонни топширишмоқчи! Қўшинни қайтаришмоқчи! Бунга чидаш мумкинми?! Йўқ! Сен чидасанг чидайвер, аммо мен чидай олмайман! Ахир у ерлар рус қони эвазига олинди. Халқи тамоман қириб ташланса ҳам Афғонистонни кўлдан бермаслик керак. Афғонистон — Покистон калити, Ҳиндистон калити, Ҳинд океани йўли! Ҳиндиқушчи? Бундай стратегик қулай жой яна қаерда бор? Энди сен айт: қайси аҳмоқ калитни ўз ихтиёри билан беради?

У яна бир оз асабийлашган ҳолда ароқ қўйди:

— Россия шухратининг сўнишига сира йўл қўймаймиз!

Самандарнинг кўзларига қадаҳ аввал иккита, сўнг учта бўлиб кўринди, кейин чирпирак бўлиб айлана бошлади. Россиянинг шухрати учун ичишга қурби етмай ёнига шилқ этиб йиқилди.

— О, Сашоқ, ичишни эплай олмас экансан-ку!

Медведев шундай деб уни икки қўлтифидан олди-да, судраб бориб каравотига ётқизди.

— Бўпти, Сашок, омон бўл! Бир оз кўнглим ёзилди. Аммо сен менинг гапларимни унут!

Шундай деб яримдан озайган шишани кўтариб, бир оз гандираклаган ҳолда хонадан чиқди. Дам ўтмай қўшни хона эшиги тақиллай бошлади. У энди эрталабгача бирга ичиши мумкин бўлган «тирик одам» изларди.

Ҳаммаёқни булғаб ташлаган Самандарни эса эрталаб ҳарбийлар шифохонасига олиб кетишиди.

## АРМОН

Тиш оғригининг давоси омбур, деганларидек, Омонулло ўзидағи қўрқувни енгишга куч топиб, тиш табибиға кирди-ю, бир неча дақиқада қўзлари мошдек очилди, қоронғу дунёси ёришди. Аввалги куни эътибор бермаган нарсалар энди муҳим бўлиб кўринаверди.

Ўша куни Абдуқаюмнинг уйидан чиққач, доктилоскопист уни ичкари хонага чақирди-да, пўлат сандиқдаги қонли доғни кўрсатди:

— Эшик тутқичларида ҳам айни шу из.

Омонулло пўлат сандиқни синчиклаб кўздан кечирди: очишига уринилмаган. Балки ўз калити билан очиб-ёпилгандир? «Ким очиб ёпган? Очиловми? Пулларини олиб қочганми?» Омонуллонинг хаёлига келган биринчи фикр шу бўлди. Самандардан бармоқ изларини олиб, қонли излар билан солиштириб кўрилмагунича аниқ бир қарорга кела олмас эди. Шу сабабли унинг қаердалигини аниқлаш мақсадида ишхонасига йўл олди.

Телефондаги савол-жавобдан сўнг унинг келишини кутишаётган экан. Ташқаридан қараганда кўримсизгина бўлган уч қаватли уй темир панжара билан ўралган эди. Омонулло дарвоза ёнидаги қоровулхонадан нарига ўта олмади. Қоровулхона одатдагидан кўра кенг-роқ, учдан икки қисми бел баробар тахта тўсиқ билан ажратилган эди. Одамлар ўтиши учун мўлжалланган йўлак ўртасига худди метродаги каби очилиб-ёпиладиган тўсиқ қўйилган эди. Худди шу жойда тўхтаган Омонуллонинг гувоҳномасини кўришди. Аввалига тўсиқ ёнида турган йигит ҳарфма-ҳарф ўқиётгандай тикилди. Сўнг бир суратга, бир Омонуллога тикилди-да, гувоҳномани хона тўрида ўтирган ўрта ёш, тепакал кишига олиб бориб берди. Тепакал кўзойнагини тақди, бу ҳам камлик қилиб, тортмасидан тошойна чиқариб гувоҳномани синчиклаб текшириди. Кейин ўнг томондаги компьютер тугмаларини босиб, беш-олти дақиқа давомида нигоҳини экрандан олмай ўтирди. Экранда жавоб ёзувлар пайдо бўлганидан кейингина буйруқ оҳангода «ўтинг» деб қўйди.

Омонулло аввал ҳовлига, кейин уч қаватли бинога ўтсам керак, деган фикрда «қаёққа борамиз?» деб сўради. Йигит унга жавобан жилмайиб қўйди-да, тўсиқни очиб, «Бу ёққа», деб тепакал томонга ишора қилди. Омонулло ичкарига ўтиб, тепакалнинг рўпарасидаги стулга ўтирди.

— Очиловда нима ишингиз бор? — деб сўради тепакал унга қаттиқ тикилиб.

— Ундан сўраб-билиб оладиган гапларим бор.

— Қанақа гап?

— Сиз билишингиз шартми?

— Шарт.

— Айтайлик, бир жиноятга оид гаплар бўлиши мумкин.

— Қанақа жиноят?

— Буни ҳам билишингиз шартми?

— Очиловга тегишли бўлса — шарт.

— Унинг хотини ўлдирилган.

— Қачон?

— Тахминан уч кун аввал.

— Очилов бир ойдан бери сафарда.

— Қаерда?

- Керакли жойда.
  - Уни кўришим шарт.
  - Келганида кўраверасиз.
  - Қачон келади?
  - Керак бўлганида келади.
  - Аниқроғини ҳеч ким билмайдими?
  - Очилов билан ишингиз бўлмасин. Жиноят юз бердими, жиноятчини топинг. Сизга маслаҳатим: бу томонларга бошқа келмаганингиз маъқул.
  - Хотинининг ўлганини хабар қилиш керақдир? Мурдани кўмиш керақдир? — деди Омонулло бир оз аччиқланиб.
  - Хотинининг ҳеч кими йўқ эканми? — деб сўради тепакал пинагини бузмай.
  - Отаси бор.
  - Хотиржам бўлинг, отаси кўмаверади. Эри кўмиши шарт эмас.
- Тепакал «гап тамом, сизга рухсат», дегандай гувоҳномани узатди. Омонулло бу ердагиларнинг оддий қоровул эмасликларини тушуниб етган бўлса-да, тепакалнинг подполковник унвонида эканидан бехабар эди. Шунга қарамай унинг қўрслигига жавоб бермади. Ўрнидан туриб хайрлашмоқчи бўлганида тепакал ўтирган еридан қўзғолмаган ҳолда қўл узатди:
- Шаштингизга қараганда Очиловга бошқа кўз билан қармоқчига ўхшайсиз, — деди у. — Сизга маслаҳатим: Очиловни тинч қўйинг. Унга тишингиз ўтмайди.
  - Қонун олдида ҳамма teng, — деди Омонулло бу сафар қатъиyroқ оҳангда.
  - Сиз ўқиган китобда шунаقا ёзилганми? Ҳаётда эса, азизим, бутунлай бошқа. Шуни ҳали ҳам тушуниб етмадингизми?

...Тиш оғриғидан қутулиб, фикри тиниқлашгач, ўша учрашувни, ўша тепакалнинг кейинги гапларини эслаб ўйга толди: «Нима демоқчи? Қотил Очилов бўлган тақдирда ҳам қўлингдан ҳеч нима келмайди», демоқчими? Шунчалар зирхи қалинми бу идоранинг? Хўп кунларга қолдим-да! Жиноят илдизини топиб, «бандитизм» десам, «Бунақа гап йўқ, партия съездиде СССРда бандитизмга барҳам берилган» дейилган», деб гаранг қилишади. Мана, жиноятчини ушладим, десам, «тўхта, қамамай тур, коммунист экан, аввал партиядан ўчириб олишсин», дейди. Бошқасини «депутат экан», дейди. Энди бунисига нима дейишаркин?..»

Яхши ҳамки Абдуқаюм новвотранг «Волга»нинг рақамларини эслаб қолган экан. Ҳарбий прокуратура орқали машина ҳайдовчиси ҳам, полковник ҳам топилиб, сўралгач, Омонуллодаги гумон ҳақиқат сари янада яқинлашди. Айниқса, Очиловнинг ўнг қўлини «шиша кесиб кетгани», учокда эса чап қўлини боғлаб олгани унинг аҳволини аён этгандай эди. Унинг назарида Очиловни ҳибсга олиш учун шу далилнинг ўзиёқ кифоя эди. Айни дамда уни бошқа нарсалар ўйлантиради. Санжар Иброҳимовнинг қисмати оиласига маълум этилгач, улар учун гўё қиёмат бошлангандай бўлди. Яқинлари «жасадни беринглар», деб ўлихонани қамал қилиб олиш даражасига етдилар. Нафисанинг мурдаси эса яна икки кун ўлихонада қолиб кетибди.

Кооператив бошлиғи Омонулло юборган вакилга «Иккови ҳам суюқоёқ эди, энди ҳайдамоқчийдим» дебди. Санжар Иброҳимовнинг укаси эса, Омонулло билан сұхбатда «Бизнинг уруғда ҳаромга юрадиган одам йўқ. Акам ҳаромдан ҳазар қилар эдилар», деб гапни калта қилди. Иброҳимовнинг хотини эса ўтинч билан «адасидан бундай гумон қилманг», деб кўз ёши тўқди. Уларнинг бу зорли гаплари марҳум хотирасини химоя қилиш учунгина айтилмаётганини Омонулло сезди. Бу гапларга ишонди. Аммо «Ери сафарда бўлган чиройли ёш жувон билан унинг уйига нима учун келди?» деган саволга жавоб топа олмагани учун, марҳумнинг руҳи чирқираса ҳам, шу гумондан узоқлашмасликка мажбур эди. Эркакнинг ҳаромдан ҳазар қилиб юриши аъло ҳол, бироқ... ўртада шайтони лаъин ҳам бор-да...

Марҳумлар хизмат қилган кооперативнинг бошлиғи ғоятда тез гапирганидан ўзининг ҳам нафаси қайтиб кетувчи, чақчайган кўзларидан маккорлик нури сачраб турувчи одам экан.

Омонулло «Одамнинг тили алдагани билан кўз қарави алдай олмайди, мен ҳар қандай одамнинг кўзига бир қарашиба ёқ кимлигини айтиб бера оламан», деб мақтанишни яхши кўрарди. Қайнатма шўрванинг кўпиги бўлгани каби, бу мақтанишнинг чегарадан чиққан ери ҳам бор эди. Аммо Омонулло юздан етмиш ҳолда адашмас эди, дейилса ҳақиқатдан четга чиқилмас. Ўша юздан етмиш ҳолатнинг бири кооператив бошлиғини кўрганида амал қилди. Шу боис ҳам «Сиз марҳумларни яхши билармидингиз?» — деб сўрамай, гапни айлантириди.

— Кооперативда ишлар қалай, гуллаб-яшнаятими? — деб сўраб, бошлиқقا тикилди.

— Ҳа, энди, қимирлаб турибмиз. Ҳукуматга раҳмат, ҳамма шароитлар бор.

— Гапингиз тўғри. Шароит зўр. Хоҳлаган қинғирликларга шарт-шароит михдай яратилган, буни биз биламиз, — Омонулло «биз» деган сўзни алоҳида урғу билан талаффуз этди. Бу алоҳида оҳанг бошлиқнинг миясига тўқмоқдек урилиб, бир сесканди. Лекин ўзини гўлликка солиб, хи-хилаб кулди:

— Ие, ҳали шунақалар ҳам борми? Қинғирлиқдан Худо асрасин. Ҳукумат шунча шароит яратиб берганига шукр қилиб тўғри ишлаганга нима етсин!

— Гапларингиз зўр... аммо сизда ҳам озгина бор экан, деб эшитдик.

Бошлиқ «бунинг гапи чинми?» — деган фикрда киприкларни пирприратиб, Омонуллога бир зум тикилди. Сўнг яна қувлик кўчасига ўтиб, жилмайди. Жилмайганда лабларининг сал титраганини Омонуллонинг зийрак нигоҳи илғади.

— Ҳазилингиз бор бўлсин. Биз «Худо ҳалолидан берсин», деб юрган бандамиз, акахон.

— Шунақами? Иброҳимов билан Болтаева бу қин-ғирликларни очамиз, деб юришган эканку?

Омонуллонинг бу тагдор гапи соясида «Улар сирни очмоқчи бўлганлари учун ўлдирилганлар», деган маъно бор эди. Ана шу маъно ўқ каби миясига санчилиб, бутун танасини зирқиратган ҳолда товонидан тешиб чиққандай бўлди. Энди юзидағи қувлик жилмайиши ҳам йўқолди. Бир оз ўйланди-да:

— Ким шундай деган бўлса, ўлган одамнинг гўштини ебди, — деди.

— Ўлган одамнинг гўшти? Гапингизга тушунмадим? — деди Омонулло ажабланиб.

— Фийбат билан туҳмат — ўлган одам гўштини ейиш билан баробар экан.

— Шундайми? Унда сиз нима учун бу гўштни едингиз?

— Мен-а? Астағириуллоҳ! Нега бундай деяпсиз?

— «Булар суюқоёқ эди, ҳайдаб юбормоқчийдим» деган ким, сиз эмасми?

— Мен шундай дебманми?

— Хотирангиз яхши эмасми? Сиз чет элнинг киноларини кўрмаганмисиз? — Омонулло саволни беришга берди-ю, жавоб кутмади: — Тугмачага жойлаштирилган магнитофонлари бор... Бизда шунақаси йўқ деб ўйлайсизми?

— Деган бўлсам дегандирман. Ачомлашиб ётишганда ўлдириб кетганидан кейин яна нима дейишим мумкин?

— Ким сизга «ачомлашиб ётишган» деди?

— Ҳамманинг оғзида шу гап. Ўзим кўрмадим. Эшитганимни айтаяман.

— Сиз шу одамларнинг раҳбари эдингиз. Нега аниғини сўраб-суриштирмадингиз?

— Менга бунинг нима қизифи бор?

— Сиз уларнинг суюқоёқ эканликларини исботлай оласизми?

— Ўртоқ терговчи, мен сизнинг бундай саволларингизга жавоб бермайман. Мени гўл деб ўйламанг. Мен ҳам юрфакни битирганман. Унча-бунча нарсага ақлим етади.

— Шундайми? — Омонулло киноя аралаш жилмайди. — Унда ўртоқ ҳамкасб, сиз баъзи дарсларга кирмай қочиб юрган экансиз. Сиз кирмаган дарсларнинг бирида «терговчи ишга алоқадор ҳар қандай саволни сўрашга ҳақли», — деб таълим берилган.

— Ҳозирги саволингиз ишга алоқадорми?

— Бўлмасам-чи? Мен уларнинг муносабатларини билишим керакми? Уйга нима учун боришган? Балки кооперативдаги қінғир ишларни ёзиш учун боришгандир? Жаҳлингиз чиқмасин, бу шунчаки гумон холос. Биз сиз билан яна учрашамиз. Истасангиз адвокат ёлланг. Адвокат иштироқида гаплашинг, бу сизнинг хуқуқингиз.

Омонулло шундай деб изига қайтди. Аслида «Кооперативдаги қінғир ишларни фош құлмоқчи бўлишганда ўлдирилган», деган гумони заиф эди. Лекин кооператив бошлигининг саросимаси бу заиф гумонга қувват бериб қўйди. Ён дафтарчасидаги «қотил ким?» саволи остига ёзилган «Ери», «Отаси» деган жавоб ёнига «Бошлиғи?» ёзуви ҳам пайдо бўлди. Айниқса, эртаси куни бошлиқ номидан адвокатнинг келиши уни ажаблантириди. «Олий маълумотли юрист»дан бунақанги ҳаракатни кутмаган эди. «Бир балоси бор. Бўлмаса ҳе йўқ, бе йўқ ҳимоячи ёллайдими?» деб ўйлаб, «бошлиқ?» деган ёзув тагига икки марта чизиб қўйдида, Бошқарма бошлиғига учраб, кооперативнинг молиявий аҳволи зудлик билан текшируви лозимлиги ҳақидаги фикрини баён этди. Фикр маъқуллангач, эртасигаёқ кооператив мухрланиб, текширув ишлари бошланди.

Қотилликка оид текширув қамрови кенгайгани са-йин Омонулло саволлар, жумбоқлар гирдобига банди бўлиб бораверди. Гирдодан чиқа олиш ёки тамоман муваффақиятсизлик баҳрига ғарқ бўлиши ўзининг фаросатига боғлиқ эканини у яхши фаҳмларди. Бу каби гирдоб унинг учун янгилик эмас. Ҳар бир жиноятга доир ишнинг ўзига яраша ўрамаси мавжуд. Шунинг баробарида чўкишдан асраб қолувчи ҳимоя чамбараги топилмаса ҳам ушлаб олишга ярайдиган дарахт илдизими ё хасми, албатта бўлади. Энг муҳими уларни вақтида кўра билиш, маҳкам ушлаб олишда. Чўкаётган одам хасга тирмашганидек, у ҳам бирон бир далилга маҳкам ёпишади. Ҳозирги гирдобра у хас эмас, ҳимоя чамбарагини топгандай эди. Назарида уйдаги қонли излар айнан шу чамбаракнинг ўзи эди. Қолган далиллар сув ўрами каби уни ўзига тортар, аммо у халоскорликни айнан ўша қонли изларда деб ўзини ишонтироқчи бўларди.

Омонулло бошлиғига кооперативда текширув ўтказиш ҳақидаги фикрини баён қилиб, унинг ризолигини олгач, енгил тортди. У Бошлиқ хузурига киришда «сиз жиноятчини топиш билан шуғулланинг, кооперативнинг молиявий иши сизга алоқадор эмас», деб қолармикин», деган ҳадикда эди. Яхшики жиноятнинг бир учи шу ишга бориб тақалиши мумкинлигини Бошлиқ ҳам тушунди. Омонулло шундан хурсанд эди. Барча соҳалардаги каби уларнинг ишида ҳам баъзан бошлиқларга гап тушунтириш қийин бўлади. Айнан бир хилда фикрлайдиган, иш юритадиган бошлиқ билан ходимни топиш қийин эмас. Ўз фикри, ўз услугуби бўлмаган одамларгина бошлиқ билан бир хилда иш юритадилар. Ақлли бошлиқлар бундай ходимлардан эҳтиёт бўладилар. Бундайларни ўзларига яқинлаштиромайдилар. Айниқса жиноятга даҳлдор ишларда бошлиқ чизган чизикдан чиқмай юриш яхши натижага олиб келмаслиги мумкин. Бошлиқ қанчалар тажрибали, билимли бўлмасин, ҳар-холда у идора одамига айланади. Ҳар бир жиноят эса алоҳида олам. Бу оламнинг ўзига яраша, бошқаларга ўхшамайдиган паст-баландликлари бўлади. Идорадаги одам буларни ўтган тажрибаларига суюнган ҳолда пайқashi қийин. Бошлиқ шуни тушунса — ходимнинг омади юришгани. Омонуллога бу сафар шундай омад кулиб боққани учун кайфияти кўтарилди. Уйига эртароқ қайтиб ҳордиқ чиқаргиси, фикрларини тиниклаштириб олгиси келди.

Тўққиз қаватли уйнинг йўлагига киргач, таъби тирриқ бўлди: лифт ишламаётган экан. Еттинчи қаватга пиёда босиб кўтарилиш малол келди. Ҳаллослаб чиқиб борганига яраша уни бир меҳрибон кутаётган бўлса экан, дастурхон тузаса экан, эркалаб, меҳрибонликлар қилса экан...

Хотини Фотимани Ҳиндистонга кузатганидан бери уйи ҳувиллаб, кирган одамни ютаман, дейди. Саккиз йил муқаддам Фотиманинг бармоғига никоҳ узугини таққанида, сўнг суйиб бўса олганида хотинининг нозли илтимосларига, ўжарликларига қул бўлиб қолишини ўйламаган эди. Баъзан Фотиманинг бирон илтимосига «хўп» деб қўйиб кейин ўзи афсусланиб юрар эди. «Шу хотиннинг нимасини яхша кўраман? Нимасига ишқибоз бўлиб олганман? Бир оғиз сўзимга

илҳақ бўлиб юрганлар кўп эди-ку? Бўлди! Энди биронта илтимосини бажармайман!» деб онт ичарди. Аммо бу қасам қўрғони Фотиманинг биргина ширин жилмайшидаёқ вайрон бўлиб кетарди. Фотима узун қора соч-лари билан боғлаб олганмиди, ё ҳамиша кулиб ту-рувчи шаҳло кўзлари билан ром этганмиди, ё қалдирғоч қаноти каби қоши, қайрилма кипприклари билан қалбини ўзига бўйсундирганмиди — Омонулло билмайди. Билгани — Фотимани жондан ортиқ севади. Фотима эса... Омонуллони севадими ё ўзининг илмий ишиними? Мана шу жумбоқ баъзан юзага қалқиб чиқиб қоларди. Ўшандада Омонулло «Мен сизга кимманд? Бир қулман. Сизга энг муҳими — илмий иш! Номзод бўлиб олай, дедингиз — бўлдингиз. Энди доктор бўлмоқчисиз — бўласиз. Кейин профессор бўлгингиз келади, кейин академик бўларсиз. Омонқул эса мишиқи боладай атрофингида гирдикапалак бўлиб, хизматингизни қилиб юраверади», деб аразлайди. Шунда Фотима ёнар эди. Лов этиб эмас, атрофига учқунлар сачратиб, «яқинлашсанг — ютаман!» деб эмас, майингина, роҳатижон бўлиб ёнарди. Ўзининг энг ишончли қуроли — ширин жилмайишни ишга соларди, юзидағи кулгичи эрининг араз ўтларини сўндира қоларди. «Ўттиз ёшимгача чидайсиз, деб шарт қўйғанмидим, сиз ўшандада кўнғанмидингиз? Ҳозир тўқсон фоиз сизникиман, ўн фоизнигина илмий ишимга берганман. Ёқлаб олай, юз фоиз сизники бўламан. Бошқа унвонларнинг орқасидан югурсам бетимга тупуринг. Мен учун энг муҳими — илм. Одамларга нимадир бериш. Агар ақлим билан илмим етарли бўлса сиз айтган мартабаларнинг ўзи келади. Нима, академикнинг эри бўлсангиз ёмонми? Академик кирингизни ювса, икки букилиб чой узатса... ёмонми?» Шу гаплардан кейин Омонулло араз нарвонидан пастроққа тушарди: «Ха... энди сиз ҳам хоним, генералнинг хотини бўлсангиз ярашармиди... Генерал бозорингизни қилиб берса, гиламларингизнинг чангини қоқиб берса, «буюрсинлар хоним!», деб қўл қовуштириб турса...»

Уларнинг бирор учун аччиқ, бирорга нордон туюлган, ўзлари учун эса ёқимли, ширин бўлган турмушлари шу зайлда давом этарди.

Ҳинд олимлари Бобур салтанатига оид докторлик ишни Ҳиндистонда давом эттиришни таклиф қилишгач, Омонуллонинг юраги бир увишди. Ярим йил ёлғиз яшаш ҳазилакам гапми?! Фотима «Бормасам бўлмайди!» деб икки оёқни бир этикка тиқиб, жанжал қилмади. Одатига хилоф равишда «Сиз нима дессангиз шу — астойдил рози бўлсангиз, бораман, кўнглингизга хирадик аралашса — қоламан», деб қўйди. Омонулло нима дерди: «Қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидайман», дейди-да! Бунинг устига Фотима Омонулло учун кутилмаганда тантанали ваъда берди: докторлик диссертациясини ёқлагач, то илмий иш Москвадан тасдиқ этилиб, диплом қўлга теккунича Ҳасан-Ҳусан туғиб берадиган бўлди. Бу гапни худди «Дўконга чиқаману икки қути гугурт ё туз олиб келаман», деган тарзда айтди. Омонулло эса ишонди. Уйи ҳасан-хусанлар билан тўлиб кетгандай кўнгли ёришди. Тўғри, «Ҳасан-Ҳусан эмас, балки Фотима-Зўҳра бўлар», деб ҳам ўйлади. Лекин унинг учун бу муҳим эмас, муҳи-ми — хотини туғишга рози! Рози бўлганида ҳам белгиланган муддатдан икки йил аввалроқ туғиб бермоқчи. Матбуотчиларнинг тили билан айтганда «планни муддатидан аввал бажармоқчи!» Бу катта ютуқ!

Шу пайтгача ўттиз ёшдан кейин, деб белгилаган муддатини астойдил ҳимоя қиласарди. Буни фақат ўзининг илмий ишлари билан изоҳламай, тиббий жиҳатдан «илмий исбот» ҳам топган эди. Нима эмиш, ўттиз ёшдан кейин туғса, болалари зеҳнли, ақлли, ҳам жисмонан бақувват бўлармиш. Бу даъвони эшитиб, Омонулло кулган эди. «Нимага куласиз?» — деган эди Фотима. «Менинг бир танишим бор, — деб жавоб қайтарган эди Омонулло, — у туғилганида отаси йигирма бир ёшда, онаси ўн тўққизда бўлган экан. Мен ўша танишимни кўп кузатганман: зеҳни паст аҳмоққа ўхшамайди. Ҳар-ҳолда у салкам фан доктори-я! Жисмоний жиҳатдан ҳам унчалик нозик эмас...» Фотима ўзи ҳақида айтилган бу гапга жавоб беролмай, «Бу алоҳида масала», деб қўйған эди.

Ҳиндистонга кетишдан ўн кун аввал Омонулло уйга ярим кечада қайтди. Тунда қайтадими ё саҳардами — Фотиманинг ухламай кутишини яхши билади. Фотима бошқа хотинларга ўхшаб

хавотир олмайди, десак ноинсофлик бўлар. Ҳақиқатга кўчсак, ўлчами йўқ, сифими мавҳум бу хавотир деганлари ўлчанса, Фотиманики ҳамманикидан кўпроқ чиқар. Фақат у бошқалар каби «Еrim қачон келаркин?» (ёки «Еrim ким билан айшини суриб юрганийкин?») деб жағини дераза токчасига тираб, кўчага тикилиб ўтирумайди. Омонулло қай пайтда келса ҳам уни ёзув столига мук тушганча ўқиб-ёзиб ўтирганини кўради.

Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Фотима бу сафар ҳам одатини канда қилмади — «қаёқларда юрибсиз?» демади. Ўрнидан туриб салом бергач, ошхона томон юрмоқчи бўлганида эри тўхтатиб, «қорним тўқ», деди.

— Ҳм, ўғриларингиз тўйдириб юборишдими? — деди Фотима ўзига ярашикли киноя билан.

Бошқа хотинлар «ўйнашларингиз», жуда маданий тарзда айтса «хушторларингиз тўйдириб юборишдими?» дейишаркан. Фотима эса ҳамиша «ўғриларингиз» дейди, бу сўзни айнан айтади, унинг панасиға «ўйнаш», деган маънони яширмайди.

— Қамашдан олдин зиёфатини ейиш керак-да, — деди Омонулло хотинига жавобан, сўнг стол устидаги китобга кўз ташлади. — Нима ўқияпсан? Яна «Бобурнома»ми? Юзинчи мартами?

— Минг марта ўқишим керак. Ҳар ўқиганимда биттадан маъно топсан мингта маъно топган бўламан.

— Жонингга тегмайдими?

— Ўғриларингиз сизнинг жонингизда тегишмайдими?

— Ў... уларсиз яшай олмайман, — деб кулди Омонулло.

— Мен ҳам бу китобсиз яшай олмайман.

— Менсиз-чи?

— Гапни бурманг. Сиз кўчада ҳуштак чалиб юрадиган оддий милиса эмассиз. Олий маълумотли зиёли одамсиз.

— Бунинг устига бўлаҗак академикнинг эриман.

— Ҳа, шунаقا десак ҳам бўлади. Лекин сиз гапни бурмай туринг. Сиз менга айтинг: Бобурни билмаган, тушунмаган одамни зиёли дейиш мумкинми? Қани, мана бу ерга ўтиринг-чи!

Омонулло кулимсираган ҳолда итоат этди.

— Кулманг, деяпман.

— Хоним, тарих дарси учун туннинг қолган ярми етарли бўлармикин? Балки бошқа тунга қолдирамиз?

— Йўқ, ҳозир айтмасам, ёрилиб кетаман. Эшитинг: — Фотима шундай деб китобнинг керакли варафини очиб, ўқий бошлади: — ...Мұхаммад Ҳұмоюн... олти ойгача анда эди: зоҳиран ани ер ва суйи хуш ёқмади. Иситма тутар экандур, бора-бора узоққа тортар» Тушундингизми? — Фотима китобдан бош кўтариб, эрига гапира кетди: — Бобурнинг ўғли хаста экан. Уни аввал Дехлига кейин кемага ўтқазиб Аграга олиб келишни буюряпти. Ҳұмоюн мирзога табиблар чора топиб беришолмагач, Мир Абулқосим деган киши дейидики, — Фотима энди ёддан айта бошлади: — «Ушмундоқ дардларга даво будурким, яхши нимарсалардан тасаддуқ қилмоқ керак. Тоинки Тенгри-таоло сиҳнат бергай. Менинг кўнглумга келдиким, Мұхаммад Ҳұмоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, Худой қабул қилсун. Хожа Халифа, ўзга муқарраблардин арзга тегурдиларким, Мұхаммад Ҳұмоюн сиҳнат топар, сиз бу сўзи нечун тилингизга келтурасиз? Faraz будирким, дунё молидин яхшисини тасаддуқ қилмоқ керак. Бас, ўша олмоским, Иброҳимни урушида тушуб эрди...» бу ерда дунёга машҳур Кўхи нур олмоси назарда тутилаётган бўлса керак. Тушуняпсизми? Улар «ўзингизни эмас, шу қимматбаҳо буюмни садақа қилсангиз ҳам етар», дейишибди. Бобур нима дебди: «Тилга келдиким, дунё моли анинг эвазига нечук бўлгай, мен анинг фидоси қилурменким, ҳол анга мушкул бўлубдур. Ва андин ўтубтурким, мен анинг бетоқатлигини тоқат келтур-файмен. Ўшал ҳолатга кириб, уч қатла бошидин ўргулуб, дедимким, мен кўтардим ҳар не дардинг бор. Ўшал замон мен оғир бўлдум, ул сиҳнат бўлуб қўпти. Мен нохуш бўлуб йиқилдим...»

Хўш, бунга нима дейсиз? Қайси подшо ўғлига жонини садақа қилган? Ҳусайн Бойқароми? Икковини солиштиринг: бири набирасини ўлдиртириди, бири жонини ўғлига хадя қилди.

— Мен ҳам гапирсан майлим? — деди Омонулло худди ўқувчи бола каби қўйл кўтариб. Фотима сал чегарадан чиққанини фаҳмлади-ю, аммо сир бой бергиси келмай бир оз жилмайган ҳолда амр этди:

— Гапиринг, ўртоқ капитан, сўз сизга!

— Биринчидан, бу сатрларни менга аввал ҳам ўқиб берган эдингиз, хоним. Иккинчи гапим шуки, аввал айтмовдим, энди айтаман: агар менинг ўғлим бўлганида уч марта эмас, уч минг марта атрофини айланардим. Битта эмас, уч мингта жоним бўлса, ҳаммасини садақа қилиб юборардим.

Фотима ярим тундаги сухбатнинг бу тарзда нозик торларни чертиб юборишини сира кутмаган эди. Шу сабабли таслим бўлишдан ўзга чораси қолмади. Китобни ёпди. Киприклари нигоҳини тўсди. Синиқ овозда:

— Овқат емайсизми? — деб қайта сўради. Сўнг эрига илтижо билан боқди: — Яна озгина сабр қилинг...

Омонулло ҳозир уй йўлагида туриб шуни эслади. Ҳовлида ўйнаб юрган болаларга қараб ҳаваси келди. «Уйланган йилим туғиб берганида ҳозир етти ёшга тўларди. Қўлидан етаклаб юрардим. Мактабига олиб бориб, олиб келардим. Ўзи Ҳиндистонида юрса юраверарди...»

## АЖР

«Қизимни урган қўлларинг акашак бўлсин! Сен менинг қизимни урдинг — сени Худо урсин! Менинг қўлларим сенинг ёқангда! Қиёматгача қарғайман сени!».

Қайнонасининг фарёд билан айтган бу сўzlари хотирасига михланиб қолган.

Ўшанда суд ҳукмини кутиб ўтирган эди. Қайнонаси айюҳаннос солиб кирди. Қарғади. Қарғаб-қарғаб хуморидан чиқмади. Дод солиб йиғлайверди. «Суд ишига халақит беряпти», деб уни қарийб судраб олиб чиқишиди. Унинг фарёди ташқарида ҳам тинмади.

У аввалига қайнонасининг қарғишлирига тушунмади. Хотинининг ўлганини кейинроқ билди. Билди-ю, қўрқиб кетди. «Агар бу ўлимни ҳам елкамга юклашса, раҳм қилишса ўн беш йил беришади, бўлмаса отишлари тайин», деб ўйлаб юраги орқасига тортди. Ҳар тугур «тракторни маст ҳолда ҳайдагани, «Жигули»га урилгани, ҳайдовчининг жароҳат олгани...» қамалиш учун кифоя қилди. Қўлига киshan уриб, суд хонасидан олиб кетишиди. Ўша онларни кейинчалик эсласа «Бахтимдан ўргилай», деб қўядиган бўлди. Хотини ўша куни эмас, икки-уч кун аввалроқ ўлганида отувдан қутулиб қололмаслиги тайин эди.

Судга нима, «урганингда жигари ёрилиб кетган», деб қотиллик жандасини бўйнига илади. Қайнонасикига бориб жанжал қилгани, хотинини қувиб юриб урганини билишгач, «қасдан ўлдирган», деб ҳукм чиқариб юбраверишади.

Қасдан... Хотинини ўлдириш хаёлига келганмиди ўша дамда? Қайнонасикига нима учун борган, хотинини нима учун урган — ўзи ҳам билмайди. Эсида қолгани: шийпонда меҳмон кутадиган бўлишди. Раиснинг муовини келиб, унга «Тракторингни тутатма. Бугун нозик меҳмон келадиғон, би-ир пазандалигингни қўрсат», деб кетди. Раиснинг меҳмон кутадиган боғи, ўзининг ошпази бўлса ҳам меҳмоннинг бу ерда кутилиши улар учун тушунарсиз ҳол эди. Унинг пазандалигига кўпчилик қойил қоларди. Ўзи ҳам қозон атрофида яйраб кетарди.

Хуллас, меҳмон келди. Овқат ейишининг тайини йўқ, озғингина одам экан, Жуссаси нозикмиди ёки амали нозикмиди, билишолмади. Билишга қизиқишимади ҳам. Меҳмон кетгач, зиёфатни ўзлари давом эттиришди. Бир томондан куннинг иссиғи, яна бир томондан халқумларини қиздириб ўтган шайтон суви таъсир қилиб, шомга қолмай юмалаб қолишиди.

У шом салқинида бир оз ўзига келиб, қўзини очди. Шишаларда, пиёлаларда қолган-күтганини тўплаб, нафсини ором олдиртиргач, бир амаллаб тракторига чиқиб олди. Уйга боргани эсида. Онаси нимадир деди. Нима деганини кейин ҳеч эслай олмади. Сўнг қайнонасиникига борди... Қайтишда бир машина рўпарасидан чиқди. Кейин билса, унинг ўзи трактори билан машина рўпарасидан чиқкан экан.

«Шунга ёш умрини жувонмарг қилиб қамаш шартмиди?..»

Унинг хулосаси шу эди.

Кўп нарсалар эсидан чиқиб кетди. Лекин қайнонасининг фарёдини унута олмади. Қамоқда юрганида ҳам, кейин ҳам вақти-вақти билан қулоғи остида жаранглайверди. Ҳар жаранглаганда бир чўчиб тушади. «...Сени Худо урсин!..» Ибодатсиз бўлса ҳам қўрқарди бу қарғишдан. «Худо қанақасига урар экан?» — деб кўп ўйларди.

Тошболта Худонинг қанақасига уришини мана энди билгандай бўлди.

Бу ожиз banda, bu nodon banda, bu шайтон измидаги banda фоний дунёдаги ҳар бир ҳаракати, ҳар бир айтган гапи учун ажр мавжуд эканини, ҳатто қизининг ўлими ҳам ўзига яраша мукофот эканини англаб етмаган эди.

У «норасмий куёви», бир вақтлардаги ўзининг таъбири билан айтганда «валинеъмати» бўлмиш Турсуналининг қўлига кишан урилганида кўп ҳам қайғурмади. Топар-тутари яхши, обрў-еътибори ҳам баланд чин куёвга ёлчиганидан сўнг Турсунали кўзига шумқадам бўлиб кўринаётган эди. Шилқимлиги бир кунмас бир кун қизининг оиласини бузиши мумкинлигини ўйлай бошлаган, аввалги фикрларидан қайтган, бой амалдорга ўйнаш бўлишнинг қисқа умрли баҳт эканига тушуниб қолган эди. «Ерта-индин урилиб кетиш эҳтимолидаги амалдорга ўйнаш бўлишдан, тагида вертолёти бор олимга хотин бўлиш минг карра афзал», деган тўхтамга келганида унинг мушкулотини Худонинг ўзи енгиллатиб берди — ўйнашни йўлдан олиб ташлади. Унга қадар «норасмий куёви»нинг марҳамати билан Сибирия шаҳарларига мева-чева олиб бориб сотишни касб қилаётган эди. Бу иш билан шу пайтгача шуғулланиб келган одамлари Турсуналининг назарида фирромлик йўлига ўтишган, унча-бунча пулни ўмариб қоладиган бўлишган эди. Гулдай қизининг номусини ҳадя этишдан қайтмаган Тошболтанинг садоқатига ишониб, Магаданга олиб бориладиган бир вагон помидорни унга топшириди. Тошболта пулга қўшиб, бу ерларда топилиши қийин бўлган тилла-жавҳар буюмларни олиб келиб бергач, мўлжални бехато олганидан ўзича қувонди. «Мен буни бир лақма ошпаз деб юрсам, балонинг ўқи экан-ку!» деб ишонч дарвозаларини кенгроқ очди.

Тошболтага айнан шу — ишонч дарвозасидан ўтиб, ичкарироқ кириб, яхшироқ ўрнашиб олиш керак эди. Аслида у юлдузни бенарвон урадиган тоифадан эмасди. Турсунали гумон қилганидек, озгина лақмалиги ҳам бор эди. Аммо каттароқ даромаднинг ҳиди димоққа урилса ҳийла бош кўтариб, лақмаликни қувар экан. Вагон Магаданга етиб боргунича шерикларининг сухбатларига зеҳн солиб, пулни пулга уриштириб тилла «ясаш»ни ўрганди. Магадандаги мижозлар эса «директорга яқин одам»ни ўзларига оғдириб олиш учун бу касбнинг сирсиноатларини ўргатдилар. Пулнинг бир қисмига жавҳар қўзли тилла узук олиб бориш ҳам ана ўшаларнинг маслаҳати билан бўлган эди. Биринчи сафардаёқ киши билмас тарзда пулдан ўмариб қолди. Турсунали унинг «садоқати»дан, «вижданан ишлаши»дан мамнун бўлган ҳолда фойдадан тузукроқ улуш ажратди. Чўнтак пулга тўлгач, юриш-туриш ҳам бўлакча бўлди. «Қўрмаганнинг қўргани қурсин», деганлари шу-да!

Турсунали қамалди-ю, «норасмий қайнота» икки жумбоқ қафасида қолди. Биринчи жумбоқ — тилла безакларга оид эди. У Сибирия томонлардан ҳар сафар тилла-жавҳар безак олиб келарди. Турсунали қамалиб, уйи тинтуб қилингандан «бойлик чиқмаган» эмиш. «Бойлик топишни билган яширишни ҳам билгандир, аммо қаерга яширган?» Тошболтанинг тинчини олган жумбоқнинг асосийси шу эди. Қизидан бир неча марта сўради, Нафиса «билмайман», деб елка қисиб тураверди. Иккинчи жумбоқ Сибирга қатнашнинг тўхташи ёки тўхтамаслигига боғлиқ эди. Унинг баҳтига янги директор бегоналардан бўлмади. Ўзининг қўлидан таом еб

юрган, Турсуналиниң майшатига шерик бош мұхандис йигит директорнинг курсисига ўтириди. Бир ой мобайнида боғдаги меҳмонхонага қадам босмади. Келган меҳмонларни ҳам идорадан нари кузатаверди. Янги «ҳалол» раҳбарнинг ибратли ишлари ҳақида гап-сўзлар бошлангач, устозининг йўлига пинҳона тарзда ўта қолди. Мева-чевалар пишиши арафасида Тошболтани чақириб, Сибирия сафари ҳақида суриштириб, ишни аввалгидай давом эттириши лозимлигини айтди. Сўнг:

— Нафисахон соғ-саломатмилар? Бу томонларга бир келаман ҳам демайдилар-а? Келсалар бехабар қолмайлик, — деб қўйди.

Бу билан устозининг меросхўри сифатида ўйнашга ҳам эга чиқажагини шипшитган бўлди.

«Оббо хунаса-ей, сенинг ҳам дардинг борми?! — деб ўйлади Тошболта ғашланиб. «Е, бола, менинг қизим фоҳиша эмас, эри бор, уй-жойи бор!» — деб силтамоқчи бўлди-ю, ўзини тийди. «Гапираверади-да, кўз тиккани билан қизим келиб тўшагига ётиб оларми-ди», — деб ўзини овутди.

Ел оғзида «От босган жойни той босади», деган нақл юради. Шунга кўра Турсунали от бўлса, шогирди той мисол эди. Қўполроқ тарзда тавсиф берилса, Турсунали туриргану у ялаган эди. Устози қамалганида унинг ҳам пайтавасига қурт тушди. Ҳарҳолда устози ошни ўзи ошалагани билан унга ялатиб турарди. Янги директор Яратганга эмас, раҳбарларига шукр қиласди: ҳар тугул ошалаганларни олишди-ю, ялаганларга мар-ҳамат дарвозаларини очишиди. Улар англашмадики, ялоқхўрларнинг нафси ошалаганлардан ҳам бузуқроқ бўлади. Ошалаган қорни тўйгунича ейди. Ялоқхўр эса кўзи тўйгунича. Қўзнинг ҳеч қачон тўймаслиги эса барчага аён. Хусусан, катталарнинг хизматини қилиб юриб феъл-атворларини билиб олган Тошболтага ҳам маълум бу. Шу сабабли қизи тилга олинганда унинг қўзларини ўйиб олгиси келган бўлсада, ўз аравасини ўзи тортиб кетишга қурби етмаслигини билгани учун ўзини тийди. «Ялоқхўр» деб янги директордан нафратлангани билан тиржайиб, унга қуллуқ қилиб туришга мажбур эди.

Янги директор ҳам Тошболтани сўймас эди. «Белида белбоғи бўлса гулдай қизини хўжайнинга ўйнаш қилиб қўярмиди», деб ғижиниб юради. Бу ғижиниш покизалик аломати эмас, балки рашқ оловининг меваси эди. Турсуналиниң қилмиши ҳаромнинг ўзи бўлгани каби бунинг ғашлиги ҳалоллик эмас эди. Баъзан бу гўзалнинг бир кечалик оғуши учун дунёсини беришга рози бўлиб кетарди. Омадини қарангки, дунёсини бермаса ҳам жонон нақд бўлиб қолди. «Бу Ошболта деганлари ҳозирча хизматимни қилиб юраверсин. Вақти келганда бир тепсан энасинига кириб кетади» — янги директорнинг мўлжали шу эди.

Бир-бирларини ёмон кўрганлари билан уларни нафс деб номланган кўринмас занжир маҳкам боғлаган эди. Нафснинг миқдорини ўлчайдиган тарози бўлганда ҳам қайси бириники бузуқроқ эканини аниқлаб бера олмас эди. Нафсга банди бандалар шу ҳолатларида бир-бирлари билан муроса қила оладилар. Покиза ҳаётни афзал билувчилар эса арзимаган масалалар бўйича гап талашиб, оқибатда иттифоқ қила олмайдилар ва оқибатда нафсга банди бандалар етказган зулмдан азоб чекиб нолий бошлайдилар.

Тошболта ҳам, янги директор ҳам қиморбознинг «гардкам!» дейиши каби таваккал қилган эдилар. Дасть-лабки иттифоқ икковлари учун ҳам манфаатли эди. Айни чоқда иккови ҳам ажralиш онларига тайёргарлик кўрадилар. Янги директор Тошболтанинг аввалги каби садоқат билан ишлашига ишонмагани сабабли унинг ўрнига «ўз одами»ни тайёрларди. Тошболта ҳам янги хўжайнин эскиси каби марҳаматли бўла олмаслигини англаб мустақил иш юритишни, ҳатто бошқа ерга кўчиб кетишни қўзларди. Шу боришида Сибирияда орттирган ошналари билан маслаҳат қилиб айрим ишларни пишишти. Янги директорга топширадиган пулдан кўпроқ уриб қолиб, ноёб моллар харид қилди. Сафардан кўнгли тўлиб, яхши ниятлар билан келиб қизи яшайдиган ўй эшигини очди-ю...

Яратган тайёрлаб қўйган мукофотлардан бири — шу эди...

Қўзларига ишонмади. Худди туш кўраётгандай бўлди. Эшикни очиши билан димоғига сассиқ ҳид урилганида «Ери билан кетган бўлса, овқат-повқати ҳидланибди», деб ўйлади.

Кейин... аввал нотаниш эркакнинг жасадини кўриб бир сесканди. Сўнг қизининг аҳволини кўриб танасидан жон чиқиб кетгандай бўлди. «Қизим! Нафис!» — деб бақирмоқчи эди, овози пичирлаб чиқди. Кўз олди қоронғилашиб, ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Ана шу қоронғулик қаъридан қайнонасининг ҳайқириғи отилиб чиқди: «Сени Худо урсин!!».

Милитсияга хабар қилгач, юкларни ичкари олиб кирди-да, жомадон устига ҳолсизланиб ўтириди. Бошини чангллаб, тебранди. Йиғлаши керак эди — йиғлай олмади. Йиғи ҳам Оллоҳнинг неъмати экан, раҳм қилганига берар экан бу неъматни. Яратган Тошболтага бу онда йиғисиз рух азобини раво кўрди.

Поездда келаётганида юраги ғаш эди. Фашликни ёйиш учун шериклари узатган ароқни қайтармай ичаверди. Икки тун кетма-кет биринчи хотинини тушида кўрди. Хотини озиб кетган, эти устихонига ёпишган ҳолда эмиш. Ҳолсиз эмиш, хаста эмиш. «Мени қарайдиганим йўқ, меҳрибоним йўқ», деб йиғлар эмиш. Кўзларидан оқсан ёш муз доналарига айланиб қолармиш. Тошболта «Сени бу ердан олиб кетаман», деб опичиб олганмиш. Хотини эса йиғлаб, ялиниб «йўқ, олиб кетманг, ўзингиз келинг», дер эмиш.

Тошболта эрталаб уйғониб, бу тушидан ажабланди. У туш йўйишни билмас эди. Ҳарҳолда бу туш яхшиликка ишора эмаслигига ақли етди. Кейинги уйқусида хотинини яна кўрди. Хотини жулдур кийимда эмиш. Кейин қайнонаси пайдо бўлди. У қарғади, қарғайверди, хотини эса кулди, кулаверди...

Жомадон устида бошини чангллаганича тебраниб ўтирган Тошболта шуларни эслади.

Кейин... одамлар келишди.

Кейин... терговчи сўроқ қилди...

Буларнинг ҳаммаси туш каби эди. Гўё ҳозир уйғонадигандай, даҳшатли туш барҳам топадигандай эди.

Текширувчилар текширадиганларини текшириб бўлишгач (Сибириядан келтирган моллари ҳам эътибордан четда қолмади — хатга туширилди), «уйни беркитиб, муҳрлаймиз», дейишиди. Қалби муҳрланган банда уйни муҳрламоқчи бўлганларга нима ҳам дея оларди? Бошини хам қилиб уйдан чиқди. Қизининг номуси сотилганда эгилиши лозим бўлган бosh ажал тифи қўзғолгач, биратўла эгилди.

Тошболта уйига анчагина мол-дунё кўтариб келишни режа қилган эди. Бу сафар адоқсиз алам-ғам дунёсини елкасига ортмоқлаб кириб келди. Эрини ғамнок аҳволда кўрган Адолат аввалига ажабланиб қараб турди. Кейин уч-тўрт қадам қўйиб пешвоз чиқди-да. «Саломайкум», деб савол муҳрланган назарини эридан узмай қараб турди. Савол сўралмаган бўлса ҳам Тошболта бу қарашда «Ҳа, нима бўлди, юкларингиз қани?» деган маънони уқиб ғижинди-да, ичида «Ҳе, саломинг бошингни есин!» — деб қўйди.

...Тошболта қамоқдан чиқиб қишлоғида узоқ яшай олмаган эди. Худди бирор атайин ўюштираётгандай қайнатасига, қайноғаси, қайниларига дуч келаверди. Улар, айниқса қайнонаси, тилда гапирмасалар ҳам кўз қарашлари билан қарғардилар. Тракторчиликка бирга ўқиган ошнаси чўлдаги янги совхозда бригада бошлиғи экан, онасининг зиёратига келганда Тошболтани учратиб, ишга таклиф қилди. Тасодифни қарангки, ўша йили Адолат ҳам «қалб даъвати» ва комсомол йўлланмаси билан «чўл қувгани» келган экан. Унинг шаҳардаги қилиқларидан бехабар Тошболта жилмайиб қўйишиларига хуштор бўлиб, «ўқитувчи халқи яхши бўлади», деган фикрда одам қўйди. Адолат «қамалиб чиқсан тракторчига тегаманми», деб нозланиб ўтирмади. Зоро, бу ерга келишдан мақсади чўл қувиш эмас, бирон лақмани топиб эр қилиб олиш эди. Унга номи учун эр бўлса бас эди. Шунга биноан унинг мақсади шоирларнинг тили билан айтиловчи «чўлқуварлик» эмас, балки «ерқуварлик» эди. Тошболта уйлангач, «хотинимнинг исми ўзига мос экан», деб қизини олиб келди. Даствор турмушидан рози эди. Адолат кўп жиҳатлари билан биринчи хотинидан аълороқ туюлди. Кейин-кейин асал ойлари тугаб, заҳар кунлари бошлангач, «Агар Адолат дегани шу бўлса, адолатига минг лаънат!» деб пешонасига шапати урди. «Қўшнинг ёмон бўлса, кўчиб қутуласан, хотининг ёмон бўлса қўйиб

қутуласан», дейишади. Тошболта бу мақолни биринчи ким түқиганини билмайди. Билганида эди, ўша айтган одам ҳаёт бўлганида эди, унга тик боқиб: «Бекор айтибсан! — дерди. — Гапимга ишонмасанг, ана, Адолат деган шайтоннинг урғочисига уйланиб кўр-чи, қўйиб қутула олармикансан!»

Ёмон хотун шаётун қамчисидур,  
Қўлунг боғлагувчи аргамчисидур.  
Ушал хотунки номаҳрам назардур,  
Агар у шамсу қамардур мочахардур.  
Агар чандики бузрукзодадур ул,  
Яқин бил, тўрт оёқлик модадир ул...<sup>20</sup>

Айни чилла пайтида бригадаларига бир мухбир келиб, қамиш чайлада ошхўрлик қилиб, «юзта-юзта отиб» ўтиришганда ёмон хотиндан гап чиқди-ю, меҳмон шу сатрларни ўқиб берди. Айрим сўзларига яхши тушунмаса ҳам шеър Тошболтага маъқул келиб, уч марта қайта ўқиттириди. Мухбир йигит «хотин ойдек бўлса ҳам, қуёшдек бўлса ҳам, агар у ёмон бўлса урғочи эшшакнинг ўзидур», деб изоҳ бергач, тўлқинланиб, кўзлари ёшланиб «акам бўласиз!» деб чўлпиллатиб ўтиб кетди. Сўнг сатрларни бир парча қофозга ёздириб ҳам олди. Кайфи тарқагач, шеърни ҳам, сатрлар ёзилган қофозни ҳам унуди. Кўйлаги ювиладиган бўлганда Адолатнинг қўлига тушиб, у лабини бурди. Шеърни ўша мухбир ёзган деб ўйлаб, эрига дашном берди-да: «ўшанингиз бекорларнинг бештасини айтиби, шайтон урғочи бўлмайди, эркак бўлади, шеър ҳам «ёмон хотун эмас, ёмон эркак дейилган», деб донолик қилди. Унинг ишонч билан айтган гапларини тинглаган киши «шайтонни шу туққанга ўхшайди, шайтоннинг эркаклигини аниқ билияпти-ку» дейиши мумкин.

Ер-хотин орасида биринчи жанжал чиққанида Адолатнинг ўзи унга «овора бўлманг, мени қўя олмайсиз. Мендан фақат ўлибгина қутуласиз», деб дангал айтган эди. Тошболта нима қилсин, тақдирга тан бериб яшайверди. Фақат ичиб олган кезлари дўстига ҳасрат қилиб «е, ошнам, сен менинг дардимни билмайсан, пешонамнинг шўрини ўлчаш учун трактор тортадиган тарозининг ҳам кучи етмайди», деб нолирди. Адолат эса меҳрибонлик қилиб унга яна учта қиз туғиб берди. Қизлари туғилгунича бир нави эди. Ана ундан кейин Нафисанинг ҳам қора кунлари бошланди. Ўгай она қандай бўлмоғини билмоқ истаганлар Нафисадан сўрасалар эди, у айтиб берарди. Ўгай оналарнинг зулми ҳақида ҳикоялар кўп. Адолат улардан ўтса ўтардики, кам эмас эди. Нафисани Турсуналига рўпара қилиш фикри дастлаб айнан шу хотиндан чиққани инобатга олинса, макр бобида тенгсиз эканини англамоқ мумкин.

... Тошболта ўлихонага олиб кетилган қизининг мурдасини қачон олиши мумкинлигини сўрашни ҳам унугиб, қишлоғи сари йўл олганида Адолатнинг ўша фикрини эслади. Эслади-ю, бўғилди. Шунда ҳам «Аҳмоқ хотиннинг гапига кирган — мен аҳмоқ!» демади. Унинг ақлсиз ақлига бундай гапнинг келиши мумкин ҳам эмасди. Бунинг ўрнига «Нафисани директорга қўшингу кейин Турсуналини соғин сигирдай соғиб юраверинг», деган тилларини узуб олгиси келди. Қандай қилиб қўшишни ўргатган бу хотинни ўша пайт-да ўлдирмаганига ачинди. «Ўлдирганимда мени ҳам отишарди, бу азобларга дуч бўлмас эдим...».

Тошболта қизининг шу йўл билан баҳтли бўлишига ишонган эди. Дастлаб баҳт қуёши чараклаган ҳам эди. Бу нурдан унинг хонадони баҳраманд эди. Уйларига гиламлар... ранги телевизорлар кирган эди. Сибирияга қатнай бошлагач, у эртакдаги балиқчи чолга, Адолат эса кампирга айланди-қолди: тешик тоғорага қаноат қилмади, саройга ҳам... Уйлари директорникидан кам эмасди... Навбат «Жигули»га етганда...

Баҳт қуёши бирдан сўнди. Баҳт қуёши деб ўйлаб юрганлари алдамчи кўриниш экан. Бу қуёш деб ўйлаганлари нур эмас, қон сачрататиб экан.

<sup>20</sup> Hazrat So'fīy Ollohyordan.

Тошболтанинг назарида буларнинг барчасига Адолат айбдор эди. Уйига кела келгунича бу фикр қатъий қарор қувватини олди. Шу боис ҳам саломга алик олмай «саломинг бошингни есин», деб қўйган эди.

Тошболта айвонга тўшалган кўрпачага омонат ўтириди. У аслида уйга кирмай қишлоқдаги ошналариникига бориб, бошига тушган кулфатдан огоҳ қилмоқчи, «қаерга кўмганимиз маъқул, шу ергами ё қишлоққами? Тоғаларига хабар берайнми ё йўқми?» деб маслаҳатлашмоқчи эди. Кейин фикрини ўзгартириб, хотинга хабар бериб қўяй, деб йўлни уйга бурганди. Кўрпачага ўтиргач, бир хўплам чой умидида хотинига қаради. Хотин эса унинг рўпарасига ўтириб олди. Тошболта чой сўрашни ҳам, кулфат хабарини айтишни ҳам билмай гаранг, Адолат эса эрининг аҳволига тушунмай ҳайрон эди. Хотин кишининг сабр косаси эркакникига нисбатан саёзроқ бўлади. Шу боис ҳам биринчи бўлиб Адолат тилга кирди.

— Ҳа, мунча, мен еб сиз қуруқ қолгандай тумтайяпсиз? Нима бўлди, ёрила қолинг!

Тошболта учун бу гаплар янгилик эмасди. Авваллари эшитганида «е, ўчир!» — деб қўя қоларди. Ҳозиргиси гўё ўқ бўлди-ю, азоб исканжасидаги юрагига қадалди.

— Унингни ўчир, қанжиқ! — деб бақириб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Кучли, айни дамда аламли ҳайқириқ билан отилиб чиқсан бу ҳақорат Адолатнинг ҳушини олди. Унча-бунчага гап бермайдиган, бўйин эгмайдиган бу хотин чиндан ҳам «унини ўчиргани» маъқулроқ эканини анг-лаб, чаққон ўрнидан турди-да, ошхонага қараб юрди. Бир оздан сўнг чойнак-пиёлани кўтариб келиб, эрига чой куйиб узатди:

— Дадаси ичинг, ҳовуриңгиз босилади.

Илиқ лафз билан айтилган бу гап ҳам Тошболтага малол келди.

— Ҳовурим босилсинми? Ҳовурим босилишини истаб қолдингми?! Ҳе, энангди... Ҳе, сени менга рўпара қилганди... — деб туриб туйқусдан пиёлани отди. Адолат чаққонлик қилиб бошини эгиб қолмаганида пиёла нақ пешонасига тегарди. Эрининг феълини яхши билган Адолат ғазаб ўтининг аланга олишига йўл қўймаслик мақсадида чаққон ўрнидан турди. Бундай ҳолатда кўп аёллар қочишга, беркинишга ҳаракат қилишади. Адолат эса ўзини танк остига ташлайдиган жасур аскар каби эрига яқин келиб, елкасидан қучиб олди.

— Вой, дадаси сизга нима бўлди? Сизни қайси уйинг куйгур хафа қилди? — деб овута бошлади.

Адолатнинг макри амал қилиб Тошболта пича ҳовуридан тушди. Бўғзига йифи келиб, кўзлари пирпиради.

— Айтинг, айта қолинг, енгил тортасиз, нима бўлди?

— Нафис... Нафисни ўлдириб кетишибди... — Шундай деб йиғлаши лозим эди, аммо бўғзига қадар келган йиги зоҳирга чиқа олмади.

— Ўлдирибди? Қайси уйинг куйгур ўлдирибди? Нима қасди бор экан?

Тошболта «билмайман», деб бош чайқади.

Адолат бир зум жим қолди. Кейин паст овозда:

— Бир кунмас бир кун шундай бўлишини билардим, — деди.

— Нимани билардинг? — деди Тошболта сергак тортиб.

— Жаҳлингиз чиқмасину, ғар бўл, ўфри бўл, инсоф билан бўл, дейишади.

— Нима?! — Хотинининг бу гапини эшитиб, Тошболтанинг кўзлари косасидан чиқар даражада олай-ди: — Нима дединг, қанжиқ?! Ҳали менинг қизим сенга ғар бўлдими?!

Тошболта шундай деб хотинини тирсаги билан туртиб юборди. Адолат кутилмаган зарбдан ийқилди. Астойдил дўппослашга ҳезланиб ўрнидан туроётган эрининг важоҳатини кўриб, кураш қуролини ўзгартириши лозимлигини англади. Ҳарбийларда «енг маъқул мудофаа усули — ҳужумдир», деган ҳақиқат бор. Адолат ҳарбий эмас, бу қоидани билмайди. Аммо халқда мавжуд «қўрқан олдин мушт кўтарар», деган мақолдан хабардор бўлгани сабабли эридан аввалроқ ўрнидан туриб, унга чекчайди:

— Ҳа, ғар бўлмай гўрмиди? Фарлигини билмасмидинг?!

Аввалги жанжалларда Адолат бақириб, сенсирай бошлаганида Тошболта «Сен ит билан тенг келаманми», — деб чекиниб қўя қоларди. Адолат бу сафар ҳам шундай бўлишига умид қилиб янглишди: бу шунчаки «ер-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши» эмас, ўртада фожиали ўлим топган фарзанднинг руҳи бор эди. Тошболта унинг сенсирашига ҳам, бақиришига ҳам парво қилмай Адолатни уриб қолди. Адолат «Вой-дод!» деганича ҳовлига қочди. Тошболта уни қувламоқчи бўлганида оёғи зинада тойиб кет-ди-ю, ёнбошига гурсиллаб йиқилди. Чаккаси айвон устунига урилди.

Адолат бу ҳолатни кўриб, аввалига «Ажаб бўлсин, баттаргина бўл-а!» — деб ўйлади. Сўнг эрининг қимирамай қолганини кўриб «вой ўлайнин, вой дадаси!» — деб юрганича яқинлашди. Тошболта ҳадеганда хушига келавермагач «Вой-дод, эрим ўлиб қолди! Вой-дод, шунқоримдан айрилиб қолдим!» деб фарёд кўтарди. Унинг овозини эшитган қўшнилар чиқиб, Тошболтани кўтариб айвонга ётқизиши, врач чақириши. Врач «Шу ерда қимирамай ётсинглар, қимираматсанглар узилишлари мумкин», деди.

— Тузалиб кетадиларми, ахир? — деб сўради Адолат.

— Умид қиласверинг.

Адолат бу жавобни эшитиб «Дўхтур бўлмай ўла-а, тузатиш қўлингдан келмаса, нимага умид қиласман», — деб минфирилади.

Ертасига Тошболтанинг хасталигидан хабар топган ошналари келишди. Енгил хуррак отиб, ҳаракатсиз ётган дўстларига ачиниб қараб ўтириши. «Йўлда уриниб қолгандир?» — деб хулоса чиқариши. Шунда Адолат:

— Йўл ҳам бир гўр, қизларини ўлдириб кетишибди. Шундан куйиб кетдилар, — деди.

Ошналар бу кутилмаган фожеа хабаридан ажабланиб: «Қачон? Қаерда?» деб сўрашди. Адолат «айтишга ҳам улгурмай шунаقا бўлиб қолдилар», — деб безрайиб ўтираверди. «Дафн этишибдими?» деган савол ҳам жавобсиз қолди. Шунда улар «Дафн этадафон бўлса ўша ердан телпон қилиб хабар берарди, уч кун ўтиради», деган тўхтамга келишди.

Бир оз жимлиқдан сўнг ошналардан бири:

— Унда бориб майитни олиб келиш керак, дафн этиш керак, — деган таклифни айтди.

Айвоннинг бир четида ўтирган Адолатга бу таклиф маъқул келмади.

— Кўмадиган эри бор-ку? — деб танбех берди.

Ошналар бу хотин олдида маслаҳатлашиш ортиқчалигини билиб, ўринларидан туриши. Бу хонадондан чиқиб тўғри самоворхонага бордилар-да, маслаҳатларини давом эттиридилар. Орадан бир соат ўтмай уч киши шаҳарга йўл олди. Бир киши Тошболтанинг қишлоғига, Нафисанинг тоғаларига хабар бериш учун жўнади.

Майитни олиб кетамиз, деб келган уч киши кун бўйи овораи-сарсон бўлдилар. Маслаҳатни хом-хатала пишириб йўлга чиқаверганларидан афсусландилар. Марҳуманинг уйини билишмаса, насабини билишмаса, эрининг кимлигини билишмаса бу катта шаҳарда улар сарсон бўлмай яна ким бўлсин? Улар йўлга чиқишганда «ўликхонага борамизу» оғайнимиз Тошболта касал бўлиб қолди, қизининг жасадини беринглар», деймизу жасадни мошинга юклаб шомгача етиб келамиз, бомдодга чиқарамиз», деб мўлжал қилишган эди. Автобусдан тушишгач, бир таксини кира қилишиб, «бизларни ўликхонага бошлаб боринг, ука», дейиши.

— Қайси бирига? — деди таксичи.

— Ие, ўликхона кўпми бағда? — деб ажабланиши ошналар.

— Катта касалхоналарнинг ҳар бирида бор-да, — деди таксичи.

— Унда энг каттасига бошланг, — дейиши ошналар.

Касалхонада «қачон ўлган, фамилияси нима?» деган саволга елка қисиши билан жавоб бериши. Иккинчи жойга боришганида ҳам шу саволга дуч келишиб «егасиз мурдалар бўлса, кўрсатинг», дейиши. Кўриши ҳам. Учинчи ерга боришганида «қачонлигини билмаймиз-у, аммо бир-икки кун ичиди ўлдириб кетишган шекилли», — дейиши. Ана шунда масала сал

оидинлашиб «касалхоналардан ахтарманглар, ўлдирилгани аниқ бўлса бошқа ерга боринглар», деб қаерга бориш лозимлигини тушунтиришди. У ерда ҳам «фамилияси?» деган саволни эшишиб хуноб бўлишди.

— Ҳой, ука, тушуняпсизми, жувонни ўлдириб кетишган, — дейишди.

— Акахонлар, йилда битта жувонни ўлдириб кетишган бўлса, гапларингга тушунардим. Ўнтами-үн бештами эгасиз ўлик ётиби...

Ошналардан бири таранг қилаётган йигитнинг чўнтағига пул қистиргач, ичкари кириб Нафисани таниди.

— Шу жувон, ўраб беринг, ука, олиб кетайлик,— деди.

— Сизлар кими бўласиз, рухсат олдиларингиз- ми? — деган саволга жавоб бўлмагач, пул ҳам ёрдам бермади. Учовлари шомга яқин изларига қайтишди. Эртасига етиб келган Нафисанинг тоғаси билан яна шаҳарга тушиб, майитни олдилар. Нафисанинг тоғаси жаноза қишлоғида бўлажагини айтгач, ноилож унга эргашдилар.

Дафн маросимида куйиб йиғлагувчи бўлмади.

Фақат ачиндилар:

«Ёш кетди, бечора...»

Отага фарзандининг қабрига бир сиқим тупроқ ташлаш насиб этмади. Худо ҳаттоқи шуни ҳам кўп кўрди унга...

Омонулло бу гаплардан беҳабар бўлгани учун ма-йитнинг кечикиб олиб кетилишидан ажабланган эди. Ўликхонадагилар билан гаплашиб дастлаб уч нотаниш одамнинг, сўнг эртасига марҳуманинг тоғаси келганини билгач, Тошболтанинг қишлоғига бориш эҳтиёжи туғилди. Унинг назарида бу ҳолатда ҳам қандайдир сир яширин эди.

Омонуллони депара ички ишлар бўлимининг вакили Тошболта яшайдиган қишлоққа бошлади. Вакил ҳеч бир лутфсиз, манзиратсиз эшикни очиб, ҳовлига кириб борди. Омонулло эса унга эргашди. Тошболта айвонда, бир неча кун аввал қўшнилар ётқизиб қўйган жойдан жилдирилмаган эди. Беморнинг бош томонида ўтирган оқ дўппили қария қуръондан оятлар ўқиб вақти-вақти билан дам солиб қўярди. Кир чаяётган Адолат ҳовлига бостириб кирган нотаниш эркакларни кўриб, қўлларини пешбандига артганича ўрнидан турди-да, уларга рўбарў бўлди.

— Биз милитсияданмиз, — деди вакил, сўнг эътиборсизлик билан қўшиб қўйди: — сиз ишингизни қилаверинг. Домла ўқиб бўлгунича кута турамиз.

— Ўқимай ўла қолсин, бу домла, бир фойдаси бўлса экан, — деди Адолат минфирилаб.

Бу гаплар минфирилаб айтилган бўлса-да, Омонулло эшишиб ажабланди. «Бу хотиннинг эси жойидами ўзи?» деб ўйлаб, айвонга яқинлашди. Оқ дўппили қария унга бир қараб олди-ю, ўқишини, дам солишини давом эттириди. Тошболтанинг очик кўзлари шифтга қадалган, фақат дам солинган пайтда беҳаловат тарзда, ниманидир излагандай аланг-жаланг бўлиб кетарди. Қария фақат ўзи эшигадиган тарзда пиҷирлаб дуо ўқиди-да, bemorning елкалари, бошини уқалагач ўрнидан турди. Омонулло билан ҳилмлик ила сўрашди. Шунда Омонулло қария юзида ажаб покизалик, ажаб нурни ил-ғади.

Адолат айвонга яқинлашиб, шолчанинг бир четини кўтарди-да, пул олиб «манг, ота», деб узатди.

— Ҳожати йўқ, синглим, — деди оқ дўппили қа-рия.— Мен Оллоҳнинг розилиги учун холис хизмат қилдим. Яратгандан шифо тиланг, аммо сергак туриңг. Умид — ёлғиз Оллоҳдан, — қария шундай деб бир-икки қадам босди-да, тўхтаб, орқасига қаради: — Ҳа, дарвоҷе, синглим, Худо хайрингизни берсин. Зинҳор ба зинҳор «ўқимай ўла қолсин, бу домла», деманг. Гуноҳлардан ўзингизни асранг. Ажрни бергувчи ёлғиз Оллоҳдир.

Адолат бу танбеҳдан уялиб, қизариб ўтирамади, «шуни ҳам эшишибдими-я?» деб қўя қолди. Омонулло эса «минфирилаб айтилган бу гап қандай маълум бўлди?» деб ажабланди.

Оқ дўппили қария чиқиб кетгач, Омонулло айвонга кўтарилиб бемор ёнига ўтириди-да, салом берди. Аҳволни кўриб турган бўлса-да, кўнгил учун:

— Саломатлигингиз яхшими энди? — деб сўради.

Тошболта уни кўриб, таниди, кўзлари бежо бўлди.

— Гапиролмайди, тил кетган. Оёқ-кўл ҳам кетган. Тирик ўликнинг ўзгинаси, — деди Адолат. Бу қўполлик Омонуллога малол келди.

— Кечирасиз опа, сиз бу кишига ким бўласиз? — деди дағалроқ оҳангда.

— Хотиниман, — деди Адолат айвон четига омонат ўтириб. Кейин изоҳ берди: — Иккинчи хотиниман. Ўзингиз кимсиз?

— Мен шаҳар милитсиясиданман. Нафиса Болтаеванинг иши билан шуғулланяпман, — Омонулло шудай деб гувоҳномасини узатди. Адолат гувоҳномани олиб, қизиқиш билан тикилди.

— Ўзи нима бўлган? Қиз ўлгурни нимага ўлдиришибди? — деди у гувоҳномани эгасига узатар экан.

— Эрингиз айтмадиларми?

— Айтолмади. Шу зинадан йиқилди-ю, шунаقا адо бўлди. Ўлиб ўлмайди, жонланиб жонланмайди. Бошимга битган бир бало бўлди. Тракторчилигида яғирларини юавериб қўлим қаварган эди, энди исқиртларини ювиш ҳам пешонамга ёзилган экан. Пешонам шўр бўлмаса шунга тегармидим. Шу савилга тегиб мен бир рўшнолик кўрмадим. Ётишини қаранг. Бу ёқда учта қизи етилиб турибди. Ҳали биттасининг ҳам орзу-ҳавасини кўрганим йўқ. Айтинг, айтинг, ўлиб қолмасин, ўлса бутун йиқкан-тергандарим соврулади. Ҳали ҳам дорилари ҳамённи ўпириб кетяпти. Арzonроқ дорилар бўлса ҳам гўрга эди. Дўхтур ўлгур нуқул қимматини танлаб ёзиб берибди.

Омонулло хотинларнинг турли тоифасини кўрган, аммо бунақасини энди учратиши эди. «Қани, гапираверсинчи», — деб бир оз қўйиб берди. Лекин узоқ тоқат қила олмади. Адолат «шу айтаётгандарим буларга керакми?» — деб фикр қилмай, тилига келганини қайтармай гапираверарди. Телба деса телбага ўхшамасди, соғ деса соғга. Ғаши кела бошлаган Омонулло унинг гапини қоқ белида шарт бўлди:

— Эрингиз тракторчими билар?

— Тракторчи бўлмай гўр бўлармиди? Бошқа ҳунари йўқ.

— Иркутскга нима учун борган эдилар? Трактор олиб келгани эмасми?

— Тракторга бало борми? Озгина мева-чева олиб кетувди.

— Тез-тез бориб туармидилар?

Адолатнинг аҳмок ҳам, телба ҳам эмаслиги шу саволдан кейин аниқ билинди. У милитсия ходими бекорга савол бермаслигини англаб, тилини жиловлади. Бир оз ўйлаган бўлиб:

— Бу йил биринчи бориши, — деди.

— Ўтган йиллари чи?

— Ўтган йили ҳам бир марта борган.

— Шериклари бормиди?

— Билмайман.

— Болтаеванинг уйида анча мол бор экан. «Шерикларимни» дедилар. Иркутскдан олинган тоза моллар экан.

Адолат эрига ғазабли нигоҳини бир қадаб олди-ю, индамади.

— Бу молларни биз эгаларига қайтаришимиз керак. Эгаси чиқмаса давлат ҳисобига ўтади.

Омонулло мўлжални ниҳоятда аниқ олган эди. Адолат молдан айрилиши мумкинлигини ҳис қилиб бир сесканди-да, Омонуллога ёмон қараш қилди:

— Давлатга ўтади? Нимага ўтаркан? Эгаларига қайтараман, дейсизми, ким экан эгаси?

— Шериклари-да. Эрингизнинг ўzlари менга шундай деганлар.

— Бекор айтибди. Ҳеч қанақа шерик-периги йўқ. Мол ҳаппи ҳалол бизники.

— Иркутскка қачон кетиб, қачон келдилар?  
— Кетганига анча бўлди, бир ойдан ошди. Келиши... шу, аввалги куни. Келдию шу балога йўлиқа қолди.

— Бизга маълум бўлишича, бир ҳафта олдин келганлар?  
Омонулло «отаси ўлдирган бўлиши мумкин», деган гумондан узоқлашган бўлса-да, яна бир қармоқ ташлаб кўрмоқда эди.

— Бир ҳафта олдин келган эканми? Қайси гўрларда юрган экан?  
— Бу ерга келмадиларми?  
— Келса бир қадам силжитмас эдим.  
— Нега?  
— Уй-жойга ҳам қараш керакми? Эркак ўлгур қарамаса, ким қарайди? Мен хотин бошим билан югурайми?

— Сиз «иккинчи хотиниман» дедингиз, биринчиси қаерда?  
— Гўрда.

Омонулло буни тўғри маънода айтяптими ё пичинг қиляптими, фаҳмига етолмай, савол назари билан қаради.

— Ҳа, нимага қарайсиз? Гўрда дедим-ку? Ўлган-да.  
— Қачон?  
— Билмайман. Қамоқдан чиқиб келганидан кейин текканман мен бу ер юткурга. Аниқ билмайман-у, аммо хотинини уриб ўлдирган экан. Шунаقا жиннилиги бор, менга ҳам ташланиб қоларди.

— Уриб ўлдирган? Қамалиш сабаби бошқача-ку?  
— Бошқа бўлса бошқадир, мен эшитганимни айтдим.  
— Болтаева бу ерга тез-тез келиб турармиди?  
— Келарди, лекин тез келармиди йўқми, ҳисобламаганман.

Омонулло портфелидан Санжар Иброҳимовнинг суратини олиб кўрсатди:

— Шу одам билан келганми ҳеч?  
Адолат суратга тикилиб туриб, бош чайқади:  
— Танимадим. Тўғрисини айтайми, бир-икки марта сариқ-мошак эри билан келган эди. Кейин ўзи келиб-кетиб юрувди. Ўша савил қолгур эр билан бирга юришга уялган-да. У одамни кўргандирсиз? Қандай қилиб кўнгли тортиб эр қилди, ҳайронман. Ундан кўра, эрсиз ўтгани минг марта яхши. Шунаقا дейман-у, лекигин бу «шилта»ни ўша тавиядан бошқаси олмас ҳам эди-да.

Адолат шу гапни айтганидан кейин Тошболта ғалати овоз чиқариб ингради. Омонулло овоз чиқиши билан унга қаради. Тошболта киприкларини пирпиратиб, илтижо билан боқарди. Сўнг кўзларида ёш пайдо бўлди. «Хотинининг гапи ёқмай бир нима демоқчи бўляп-ти», — деб ўйлади Омонулло. Кейин тинмай жавраётган хотиннинг гапини бўлиб, сўради:

— «Шилта» дейишга бирор асосингиз борми?  
— Вой, асосми? Асос тиқилиб ётиби. Бу қиз ўлгурнинг олдинги директорга ўйнаш бўлганини етти ёшдан етмиш ёшгача — ҳамма билади. Энди янги директорнинг тўшагини обод қилятувди.

Бу гапдан кейин ҳам Тошболта ингради.  
— Нимага ғингшийсиз? — деди Адолат овозини баландлатиб. — Боқقا бориб келганларинг ёлғонми? Far бўл, ўғри бўл, инсоф билан бўл-да! Бошингда эринг бўлганидан кейин ўтирамайсанми уйингда...

Адолатнинг оғзидан чиққан кейинги гапларни Омонулло бозор йўлида «фолингдан очайинми, молингдан очайинми», деб ўтиргувчи лўли хотинлардан эшитиб, булардан бошқа тузукроқ гап чиқмаслигини билгани учун ҳам аччиқланмаган эди. Аммо эри бу аҳволда ётган аёлдан шу гапни эшитиб ғазаби қўзғади.

— Сиз бирон ерда ишлайсизми? — деб сўради дағаллик билан.  
— Ишламай нима, шунга бокиманда бўлиб ўтираманми? Мактабда ишлайман.  
— Ким бўлиб, фаррошми?  
— Вей, нима деяпсиз? Мен ўқитувчиман. Олий маълумотли ўқитувчиман!  
— Ўқитувчи?.. Мактабнинг ҳам, болаларнинг ҳам шўри қуриган экан унда, — Омонулло шундай деб ўрнидан турди.  
— Вой, вой, оғзингизга қараб гапиринг, нима деяпсиз?  
— Оғзингиздан чиқаётган гапларни қаранг.  
— Гапларимга нима бўпти? Вей, сен кимсан ўзинг, менга танбех берадиган? Сен бориб ўзингнинг хотинингга қил дағдағангни, билдингми? Сен йигирма йил шунаقا тракторчи билан яша-чи, кўраман ахволингни!  
— Ҳов опа, тилингизни тийинг, бунаقا дейишга ҳаққингиз йўқ, — деди шу пайтгача жим турган депара вакили.  
— Ўзинг тий тилингни. Қани, бир жўнаб қолларинг-чи, ҳув, қораларинг ўчсин-а...  
Омонулло ўзини хотиннинг шаллақилигига эътибор бермагандай тутиб, кўча эшик томон юрди. Ҳовли ўртасига етганда тўхтаб, вакилга топшириқ берди:  
— Лейтенант, бу опангизни раёнга чақириб сўроқ қиласиз. Натижасини ёзма равишида етказасиз.  
Вакил бу топшириқни пўписа учун берилганини англаб, баланд овозда:  
— Хўп бўлади, ўртоқ капитан! — деб қўйди.  
Бу пўписадан кейин сал попуги пасаяр деб ўйлашган эди, йўқ, акси бўлиб чиқди:  
— Раёнингга десанг, раёнингга бораман. Керак бўлса Московингга бораман. Мени қўрқитмай қўяқол. Сен ўғрини қўрқит, бандитни қўрқит. Менинг нимамни сўроқ қиласан? Уғрилик қилибманми, ғарлик қилибманми?  
Омонулло бу хотинга ҳатто шайтон ҳам бас келолмаслигини англаб, қадамини тезлатган эди, кутилмаганда Адолат:  
— Тўхтанг, ҳай тўхтанг, — деб қолди.  
Хозиргина сенсираб, қарғаш даражасига етган аёлнинг сизсираши, овозининг мулойимлашуви ғалати эди. Шунинг учун вакил беихтиёр:  
— Ҳа, опа, тинчлиқми? — деб юборди.  
— Сенда гапим йўқ, сен кетавер, — деди Адолат унга, кейин Омонуллога яқинлашиб сўради:  
— Мен молларни олгани қачон борай?  
— Қайси молларни? — деди Омонулло худди тушунмагандай.  
— Вой, қайси деганинг нимаси? Эрим олиб келган моллар-чи!  
— Моллар сизга берилмайди, эгасига берилади.  
— Эгасини кўриб турибсиз-ку?  
— Яхшилаб қаранг, тузатинг. Тузалганларида бориб оладилар.  
— Вой, савил, вой савил...  
Адолат шундай деб қоловерди.  
Кўчага чиқиб машинага ўтиришгач, Омонулло «уф» тортди:  
— Агар шу одам ўлса, тўғри жаннатга боради. Бу одам билан савол-жавоб бўлмайди, — деди, у.  
— Нега? — деб сўради вакил кулимсираб.  
Омонулло бу хотиннинг шаллақилигидан безиб Фотима ўқиб берган сатрларни эслаган эди. Мирзо Бобур Ҳусайн Бойқаронинг катта хотини Бека Султонбекимни ёза туриб, «кўп кажхулқ эди», деб «яхши кишининг хонасидаги ёмон хотун шу дунёнинг ўзидаёқ унинг дўзахидир», деган мазмундаги байтни ёзган экан. Ҳозир шу байт мазмуни ёдига келиб айтворди шу гапни. Вакилнинг «нега?» деган саволига эса Бобурдан мисол келтиришни истамай, соддагина қилиб: «Бу хотин билан яшаган эркак дўзах муддатини ўтаб бўлган ҳисобланади», деб қўяқолди.

Улар бу уйдан чиқиб түғри совхоз идорасига бордилар. Янги директор «Нафиса Болтаева нима учун келган эди?» деган саволга «Мен раҳбар бўлганимдан бери уни кўрганим йўқ. Турсунали акамга келиб турарди», деб жавоб берди. Омонулло гапни ҳар қанча чалғитса ҳам «келмаган, кўрмаганман», деб туриб олди.

Омонулло хайрлашар маҳалида «яна келамиз, учрашамиз», деганида ҳам у «яна келсангиз ҳам гапим шу: кўрмадим», — деди.

Янги директор алдамади: Нафиса келганида у шаҳарда эди. Жувоннинг келиб-кетганини боғ қоровулидан эшитиб, «еҳ аттанг!» деб афсусланганди. Омонуллонинг саволларидан кейин «яхши ҳамки у фалокат келганида йўқ эканман», деб шукр қилди.

## ЛУҚМА

(Қотилликдан аввалроқ содир бўлган воқеа)

Турсунали бойлигини қаерга яширганини аниқ айт-ган бўлса ҳам Тенгиз шошилмади. Қиш ўтиб баҳор келса-да, хазина ҳақида гап очмасдан юраверди. Бу орада Турсуналиниң яраси тузалди. Лагер хузуридаги ҳибсхонада ётиб, терговчи сўроқларига жавоб берди. Турсуналиниң баҳтига терговчи уни урмади, қийнамади-ю, охир-оқибат «ўзини ҳимоя қилаётганида мейёр-ни ошириб юборгани учун» яна қўшиб беришди. Лагер ҳибсхонасидан чиққанида Тенгиз уни йўқлаб, далда берди:

— Умрим қамоқда чирир экан, деб афсусланма. Агар айтганинг рост чиқса, сени юрtingдаги лагерга жўннаттираман. Муддатинг ярмидан ўтиши билан эркинликка чиқсан. Менинг гапим — гап!

Турсунали бу гапларга бир ишониб, бир ишонмай юрди. Ишонмагани — муддати яримлагунича ким бору ким йўқ. Айниқса, бу ўғрилар оламида бугун бор одамнинг эртага изсиз кетиши ҳеч гап эмас. Бу Тенгиз деганлари ҳам керилиб юргани билан зўрроғига дуч келса, инига кириб кетиши аниқ. Тенгизнинг гапига ишонганининг сабаби эса, ундан бўлак ҳеч ким далда бермади. Ваъда ёлғон бўлган тақдирда ҳам ҳарҳолда далда эди. «Ўғрилар бир сўзли», деб эшигтан. Унинг умиди шундан эди.

Баҳор ёмғири эзib ёғаётган кунларнинг бирида Турсунали Тенгизга дуч келиб:

— Топдиларингми, алдамабманми? — деб сўради. Бу билан «Ваъдангни қачон бажарасан?» демоқчи эди. Тенгиз унинг мақсадини англаб, юзига енгил шапати уриб қўйди:

— Шошилма, ҳар ишнинг вақти-соати бор.

— Топдингларми ўзи? — деди Турсунали, Тенгизнинг жавобидан қониқмай.

— Шошилма, деяпман-ку. Чўмичга айтган жойингга боришибди. У ерда чиндан ҳам йўқ экан.

— Болаларимга тегишмабдими?

— Ҳа, ана, ақлинг жойида экан-ку! Болаларингни энди эсладингми? Чўмичга ёлғонни айтиётганингда ўйламовмидинг? Бориша, топишолмаса, болаларимни қийнашса... Хотинингни, қизларнингни зўрлашлари ҳам мумкин эди, а? Сен биздан қарздорсан. Бизникилар бўлишмагандага қизларинг жувон ҳолида эрга тегарди. Номуссизлик сизларда ҳам азоб, а? Мен оиласнгни ҳимоя қиласман, деб ваъда берганманми, демак шундай бўлади! — Тенгиз шундай деб унинг юзига яна енгил шапати урди-да, йўлида давом этди.

Тенгизнинг «номуссизлик — сизларда азоб, а?» деб қўйиши Турсуналини ташвишга солди. «Хотинингни, қизларнингни зўрлашлари мумкин эди», дегани эса баданини музлатиб юборди. Шу пайтгача «норасида қизларимни бирор зўрлаши мумкин», деган гап хаёлига келмаган эди. Тенгизнинг гапидан сўнг эса, шу даҳшат содир бўлгандек, бир неча кунгача эзилиб юрди. Даврони келган пайтларда, айшини сурган кезларида «шулар ҳам бирорнинг қизи-ку?» деб ўйламаган эди. Ҳатто Нафисанинг номусига эга чиққанида ҳам «бунинг тақдирни нима бўлади?» деб фикр қилмаган эди. Алҳол, Тенгизнинг гапларидан кейин ҳам буларни ўйламади. У фақат ўз қизларининг тақдиридан ташвишда эди.

Тенгиз унинг юзига енгил шапати уриб, ўзини хотиржам кўрсатгани билан ташвиши ўзига етарли эди. У ким билан ўйнашаётганини биларди. Агар бир ит қоқсуякнинг ҳидини олиб, яқинлашса-ю, бу сувкни бирор босиб, олса, нақ илиқдан тишлаши тайин. Гобелян эса ит эмас, хид олгани ҳам қоқсуяк эмас. У итга ўхшаб илиқдан ҳам олмайди, нақ бўғизга ёпишади. Лекин унинг навбатдаги одами қачон пайдо бўлади, қачон ва қанақасига ташланади — ана бу муаммо эди. Яна бир муаммо — бу сафар кимни юборади? Турсуналининг ёлғон маълумоти билан Мурикнинг ўлими орасида боғлиқлик борлигига уларнинг ақллари етади.

Тенгиз шу саволларга жавоб излайди. Унинг лагердаги шериклари эса бетоқат бўлишади. Турсунали бесабрлик билан сўраган куннинг эртасига «Политбюро» йиғилишида Кошак хазина нима бўлганини сўради.

— Ҳозирча хазина йўқ экан, деб тураверайлик, — деди Тенгиз.

Бу гапни эштиб, Қўтос унга ажабланиб қаради. Кошак эса, жойида бир қимиirlаб олиб:

— Ёлғон гапирма, княз, — деди. — Сен бу хабарни телетайпга қўймагансан.

— Тўғри, қўймаганман, — деди Тенгиз хотиржам.— Ақлинг бўлса, ўйлаб кўр-чи? Бу хабарни телетайпга қўйиш мумкинми? Ундан кўра Москва радиосига чиқиб жарсола қолмайсанми?

— Телетайпга қўймаган бўлсанг, ким орқали чиқардинг хабарни?

— Ҳеч ким орқали чиқармадим. Чиқармайман ҳам.

— Княз, гапни бурмай, тўғри тушунтири. Бизга ёлғон гапирма, — деди Қўтос норози оҳангда.

— Биласан, менга бойликнинг кераги йўқ. Ўртага ўғрилик номуси тикилган.

— Мен номусини сотадиган одамга ўхшаяпманми?— деди Тенгиз овозини бир парда баланд кўтариб. — Кошак, сен ҳам шундай ўйдамисан?

— Сенга бирор бунақа дегани йўқ. Шунақа ўйласам Мурикнинг ёнида ётган бўлардинг. Сен «хазина йўқ», деяпсан. Биз «ёлғон гапирма», деяпмиз.

— Ёлғон гапирмадим. «Хазина йўқ», ҳам демадим. «Хазина йўқ экан, деб тураверайлик», дедим. Нима, русчага тушунмай қолдиларингми? Озгина пайт пойлашимиз керак. Чўмични юборганларни аҳмақ деб ўйламаларинг. Тузоқларини тайёрлаб туришибди улар. Кошакка ўхшаган бир аҳмақ хабар чиқарар, яна бир аҳмақ хазинани олгани келар, деб пойлашмайдими? Майли, улар бизни аҳмақ деб кутишаверишсин. Кута-кута чарчашади. Шунда биз ишни бошлаймиз. Шунда ҳам лагер телетайпидан чиқармаймиз хабарни.

— Нима қилмоқчисан, айт, — деди Қўтос.

— Ҳозир бошқа одам юборишса-чи? Бу лақмани бошқа лагерга жўнатишса-чи? — деди Қўтос.

— Ҳа, шунақа бўлиши аниқ, — деди Кошак. — Вақт борида уни ҳам гум қилиш керак. Агар бирор ҳиқилдоғидан олса, гуллаб кўяди.

— Ўлдиришга шошилма. Бойлик топишни билган одам сен билан менга ўхшаган юзта одамни лақиллата олмайдими? Чўмични алдади. Балки бизни ҳам алдагандир? Бойлиги бошқа ердадир? Бугун ўлдиранг, эртага аттанг, деб юрасан.

— Княз, ҳамма гапларинг тўғри. Лекин чайнаётган луқмангни олдириб қўйма, — деди Қўтос маънодор оҳангда.

Тенгиз унга норози қиёфада бир қараб қўйди. «Политбюро» аҳли ундан узил-кесил қарор кутаётган эди. У бирор ўйланган бўлди-да, ўрнидан туриб, аҳдини маълум қилди:

— Овқатни қандай чайнаб, қандай ютишни ўзимга қўйиб беринглар. Ҳали ҳеч бир кавказлик оғзидағи луқмасини бирорга олдириб қўймаган. Дунё тургунича шундай бўлиб қолади!

«Политбюро» беркитилган бойлик ва бойлик эгасининг тақдирини ҳал қилаётганида Нуриддин билан Турсунали ўзаро муносабатларини ойдинлаштираётган эдилар. Аниқроғи, Нуриддин ойдинлаштираётган эди. Бу овлоқда бир-бирларини кўрганларида ҳали нотаниш бўлсалар ҳам суюниб кетишган эди. Ҳархолда бегоналар орасида ҳамюртларнинг бир-бирларига далда бўлиши яхши-да. Кунлар, ҳафталар ўтгани сайнин феъли, табиати, дунёқараши турлича бўлган бу икки маҳбуснинг дастлабки суюнчлари сўна борди. Айниқса, Нуриддинда бу

одамдан узоқлашиш истаги туғилди. Турсуналининг ҳам бу мағрур йигитга даъвоси кўпа-йиб бораётган бўлса-да, лозим пайтда ҳимоя қила олиши мумкинлиги сабабли ундан нари кетишни хоҳламади. У «Ўзбекнинг кичиги бўлгунича кучуги бўлгин», деган мақолни бу ерда ҳам амал қилишини истар эди. У аввалига Нуриддинни «туғишгандан аълороқ укамсан», деб иззат қилиб юрди. Кейинроқ «ака»лик мартабаси камлик қилиб, «хожалик»ни даъво қила бошлади. У ҳордик чиқариш пайтларида ўзининг мавқеи, шон-шуҳрати ҳақида, шу шуҳрати оқибатида қўп душман орттиргани ва тухмат билан бу балога учрагани тўғрисида гапирарди. Шаҳарда ҳали ҳам баланд мартабали акахонлари, оғайнилари борлиги, Нуриддин озодликка чиққач қучоқ очиб кутиб олажакларини тез-тез писанда қиласди. Бора-бора бу гаплар Нуриддиннинг меъдасига тегди. Писанда соясида «Сен менга ҳозир сидқидилдан хизмат қиласвер, озодликка чиққанингдан кейин менинг валинеъматларим сени паноҳларига олишади», деган маъно яширинганини ҳам фаҳм этди. Шу боис Турсуналининг ҳасрат дафтари очилиши билан бир нарсани баҳона қилиб, туриб кетадиган бўлди. Турсунали буни сезди-ю, «билигда куч бор-у, бошида ақли йўқ бу боланинг», деган ҳукмга келди. Доруломон кунлари бўлганда-ку, бу «бошида ақли йўқ бола»ни сариқ чақага ҳам олмас эди-я! Бу овлоқда суннадиган бошқа одами бўлмагани учун чидади. Ҳатто бир куни Нуриддин «Ака, юкни ҳадеб менга юклайверманг, аравангизни ўзингиз ҳам тортинг-да, жудайла ўлигингизни ташлаб олдингиз», деб қўрслик қилганида ҳам тишини тишига қўйди. Бунга ўхшаган «манқа йигитлар» илгари остонасида сарғайиб ўтиришарди. Бу эса...

«Политбюро» иш бошлаганида қамоқ лагерининг тобелари кечқурунги овқат билан қоринларини алдаб, ётар жойларга тарқалаётган эдилар. «Қоринларини алдаб», дейилишининг боиси — ошхонада алюмин косаларга сузиб берилувчи суюқликнинг номигина «ов-қат» эди. Турсуналига ўхшаб умри майшатда ўтганларнинг ошқозонлари бундай алдовга чидай олмасдан қийналарди. Хуллас, навбатдаги алдовдан сўнг назоратчи маёр дам олиш умидида чиқиб кетаётган Турсунали билан Нуриддинни тўхтатиб, «идиш-товоқ ювишга ўтларинг», деб буюрди. Агар «нима учун биз ювишимиз керак?» деб эътиroz билдирилгудай бўлса, бу камлик қилиб, туни билан ишлаб чиқишилари мумкинлигини билганлари учун, мулла минган эшак ҳолида буюрилган ишни бажаришга киришдилар. Нуриддин учун бундай юмушнинг оғирлиги ҳам, малоллиги ҳам йўқ, у бундан баттар юмушларни бажаравериб ўрганиб кетган. Турсунали учун эса мазкур ҳолат хорликнинг бир кўриниши эди. Шу сабабли назоратчи сал нари кетиши билан дийдиёсини бошлади:

— Бу дунёдаadolat деганинг ўзи йўқ, — деди у минфирилаб. — Кун бўйи ишлаб берганим камми бунга? Шунаقا пайтда Худодан ҳам хафа бўлиб кетаман. Мен халқнинг нони бутун бўлсин, деб туну кун тиним билмас эдим. Терим пайтида ҳафталаб уйга келолмас эдим...

Турсунали шу тарзда яна эски ашуласини бошлади. Нуриддин унинг гапларини эшитмаслик учун косаларни атайин бир-бирига уришириб, шовқин чиқариб юварди. Турсунали эса бунинг фаҳмига етмай битта косани кўтариб олганича ликопча ушлаб, катта ашулани олаётган ҳофиз каби туриб, минфирилашини давом эттириди. Меъдага тегувчи бу «катта ашула» охири Нуриддиннинг сабр косасини тошириди:

— Жуда-а, эз-зиб юбордингиз-да, ака! — деди у зарда билан. — Нуқулadolat дейсиз, нуқул ҳалоллик дейсиз, бировлардан талаб қиласиз. Ўзингизда бормикин шуadolat, шу ҳалоллик?

Нуриддин шу гапи билан Турсуналининг бетига шапалоқ тортгандай бўлди.

— Вей, ука, вей, Нуриддин, сиздан эшитяпманни шу гапларни, а? Биз киммиз ахир,adolatсизлик қурбонлари эмасмизми?

— Мени ўзингизга тенглаштирманг. Сизнинг йўриғингиз бошқа.adolat билан ҳалолликни ҳамма гапирганида ҳам сиз гапирманг.

— Вей, ука, сиз бу гапларни бир гапирдингиз, иккинчи айтманг. Мен сиз ўйлаган нопоклардан эмасман. Ҳаммани бир хил қаричда ўлчаманг. Мен ҳалол яшаб келган одамман.

Нуридин бу гапдан илжайди. Бу илжайиш замарида заҳар борлигини пайқаган Турсунали тутикади:

— Кулманг. Мен сиздақаларнинг қанчасини... — Турсунали «ўйнатганман» демоқчи бўлди-ю, мавриди эмаслигини билиб, гап маромини бурди: — Сиздақаларнинг қанчасига ёрдам берганман, ўқитганман, ҳунар ўргатганман.

— Ака, — деди Нуридин қўлини кир сочиққа артиб, — бу гапларни бошқага айтсангиз ҳам менга айтиб, овора бўлманг. Мен қишлоқда ўсган боламан. Сизга ўхшаган «директор бува», «раис бува»ларнинг қилиқларини жуда яхши биламан. Сиз бутун дунёни айланиб биттагина ҳалол раисми ё директорими топиб, менга рўпара қилинг, агар у чиндан ҳалол бўлса, мен калламни шарт узиб, қўлингизга тутқазайин.

«Каллангни пишириб е», деди ўзича Турсунали. Баҳс ўзининг фойдасига ҳал бўлмаслигини англаб, унга жавоб бермай, қўлидаги косани ювмоққа киришди. Шу оннинг ўзида ҳисоб-китобни рослаб олмоқ аҳдидаги Нуридин эса, «ҳужум»ни давом эттириди:

— Ҳалоллик дейсиз. Қайси раис, қайси директор амалга бепул ўтиради? Сиз сарф-харажат қилмаганмисиз? Кейин райкомлару обкомларнинг томоғини мойлаб турмаганмисиз? Қаердан олардингиз? Ҳалол одам топа оладими шунча пулни? «Терим пайтида ҳафталаб уйга бормас эдим», дейсиз. Тўғри, бормас эдинг-лар. Сизларнинг штабларингиз бўларди, а? Тунлари пахта пунктларида қиласиган ишларингни қилиб олардиларинг. Мен кетмончининг ўғлиман. Эсимни таниганимдан бери қўлимда кетмон. Лекин биримиз икки бўлмаган сира. План юз элликдан пастга тушмаган, аммо чўнтак пул кўрмаган. Сиз айтганadolat шуми? Ҳалоллик шуми? Бу ердаги ўғрилар нима учун сизга ёпишиб қолишиди? Тухматга учраган одамга улар тегишмайди. Қайтага ҳимоя қилишади. «Ҳалол»дан топганингиз кўпдирки, тинч қўйишмаяпти. Ўғрини қароқчи урса шунақа бўлади.

— Веи бола, сен ҳаддингни бил! Ўғриларингга қўшиб инингга кирғизвормайин тағин! — Турсунали шундай деб косани отди. Нуридин косани кафти билан бир уриб, нарига учириб юборди.

— Ана, ҳақиқат истайсиз-у, ҳақ гапга чидай олмайсиз.

— Шунақами? Мен ҳаромхўрманми? Ўғриманми? Сен ўзинг-чи? Кимлигининг билмайманми?

— Кимлигимни яширмайман, қилган ишларим учун уялмайман. Мен бир аблони ўлдирдим. Бу ерда яна биттасини ўлдирдим. Улар тирилиб қайтиб рўпара бўлишса, барibir яна ўлдирадим. Бу йўлдан қайтмайман. Билиб қўйинг: мен сиз каби одамлардан наф-ратланаман. Сизга ўхшаганлардан бу ердаги ўғрилар минг марта яхшироқ. Улар ўғирлайдилар, талайдилар, керак бўлса ўлдирадилар. Лекин сизларга ўхшаб «Покман!» деб мияни ачитмайдилар. Ўғриликларини тан оладилар. Ўғри эканликлари билан фаҳрланадилар. Сиз-чи? Ҳамма ёғингиз шалтоқ бўлиб ётибди-ку, яна пок-лиқдан,adolatдан гапириб, бошни қотирасиз. Агар очиқлиқда дуч келиб шу афсоналарингизни айтсангиз, бетингизга тупурворардим, ака. Бу ерда ноиложликдан салом-алик қиляпман. Атрофдагилар икки ўзбек бир-бири билан чиқишмас экан, дейишларидан ҳижолатдаман. Бу ерда яна бир кун бирга бўлламизми ё бир йилми, майли, ака-уқадек юраверайлик. Фақат менинг олдимда ўзингизни пок кўрсатишга тиришиб жигимга тегманг, ака. Мен тўғри ўсган боламан. Тилим заҳар бўлса ҳам тўғрисини айтиб қўя қоламан. Энди косаларни мен ювай, сиз тоза сувда чая туринг. Ишлама-ётганингизни кўрса балога қоласиз.

Нуридин шундай деб яна ишга кириши. Турсунали уни ғажиб ташлагиси келди-ю, ноиложликдан муштумини қаттиқ қисишдан ўзга чора топмади. Тенгизнинг гапларидан сўнг Турсунали учун қизларининг ташвиши етарли эди. Бегона бир йигитнинг тилидан ўзи ҳақидаги ҳақиқатни эшитиш оғир бўлди. Ўша тун бир чимдимгина уйқусида Нуридин билан олишиб чиқди. Кейинги тўрт-беш тун ҳам шундай кечди. Бир ҳафтадан сўнг «совуб» бу тақдирига ҳам тан берди.

## ДУШМАН

Самандар ҳушига келиб, қаерда ётганини англай олмади. Уйига киргани... Нафиса... Бегона эркак... булар нима, тушми эди? Сүнг Москвага келгани, Кремл-даги сұхбат... Мәхмөнхона... Кимдир келди, нимадир деди. Ким эди? Нима деди? Кейин-чи?

Хонадаги анжомларга қараб, шифохонада ётганини англади. Шифохонанинг ёқимсиз ҳиди күнглини айнитиб, ўқчий бошлади. Ўқчук овозини эшитган ҳамшира шошилиб кириб, унга идиш тутди. Сүнг врач пайдо бўлди. Томирини ушлаб, мижжаларини қайриб кўргач, ҳамширага қисқа, аммо буйруқ оҳангида кўрсатмалар берди. Шундан сўнг Самандар ундан «қаердаман?» деб сўраб, ҳарбийларнинг марказий шифохонасида эканини билди. «Соппа-соғ эдим-ку, бу ерга қандай келиб қолдим?» деб ўйлаб, ажабланди. Саволига жавоб топа олмай врачдан «нега бу ердаман?» деб сўради. Врач унга қараб, бош чайқади-да: «Бекордан бекорга ўлиб кетмаслигиниз учун шу ердасиз», деди. «Ўлиб кетмаслик учун? — янада таажжубланди Самандар. — Нега ўлишим керак?» Бу саволига ўзи ҳам жавоб топа олмай яна врачдан сўради. Врач яна бош чайқади: «Баъзан шунаقا бўлиб туради,— деди у. — Одам ўзи билмаган ҳолда ўлим жари ёқасига бориб қолиши мумкин. Сиз қарийб жарга қулаган эдингиз. Тортиб олдик» «Тортиб олдик?.. Нега қулайман? Нега тортиб олади?..» Жавобсиз саволлар кўп эди. Бироқ врач у билан ҳамсұхбат бўлишни истамай, ташқарига чиқди. Унинг топширифи билан чиқсан ҳамшира яна уч ҳамкасби билан кириб келди-ю, Самандар учун азобли дақиқалар бошланди. «Агар жардан тортиб олиши шунаقا азоб бўлса, ўлиб кетаверганим минг марта яхши эди», деб ўйлади. Унинг ичакларини ювавериб ҳолдан тойдириб юборишиди. Бу жараён яна икки кун давом этиб, суроби тўғри бўлиб қолди. Учинчи куни Базаров йўқлаб келди.

— Ҳа, Горинич, аҳвол қалай? — деди у. Кейин Самандарнинг киртайган кўзларига қараб кулди: — Бўладиганинг бўлиб қолибди-ку? Эплолмасанг нима қилардинг ичиб? Келиб-келиб Медведевга ҳамшиша бўласанми? Сен «Волга» дарёсини симириб ташлаган змей Горинични эшитганмисан? Медведев ароқни худди ўша дарёдай симириб тўймайдиган Гориничлардан.

— Медведев? Ким у? — деди Самандар унинг гапларини тушунмай.

— Ҳали ким билан ичганингни билмайсанми? Генерал Медведевни эшитмаганмисан? Қизиқ, у ҳам сени эслай олмади. Лекин айтиб қўяй: агар у билан теппа-тенг ичган бўлсанг — ёмон эмассан. Сени қаҳрамонликка тавсия этиш мумкин. Яна у билан ичишсанг эҳтиётроқ бўлгин, яна қаҳрамонликни ўлганингдан сўнг олиб юрганин. — Базаровнинг кейинги гапи пичинг аралаш ҳазил оҳангида айтилгани билан, замирида озгина пўписа ҳам мавжуд эди. — Хўп, бўлар иш бўлибди. Қалайсан энди? Туриб, юра оласанми?

— Сиз мени ўлимтик одамга чиқариб қўйдингизми? — деди Самандар норози оҳангда. — Ҳеч қаеримда оғриқ йўқ, шикоятим ҳам йўқ, нимага ётибман бу ерда ўзи?

— Ичингни тозалashiбди, энди қонингни ҳам тозалашлари керак экан. Яна уч-тўрт кун ётадиганга ўхшайсан.

— Ишларимиз нима бўлди?

— Ишларимизми? — Базаров муғамбirona жилмайди. — Ҳа, дуруст, эсинг жойида экан, ишларимизни унутмабсан. Ишларимиз — беш, оғайни, бундан баттар бўлиши мумкин эмас. Сен адашмаган экансан. Ўша ерда чиндан ҳам ядро синови ўтказилган. Ҳозир ҳукуматнинг расмий баёноти тайёрланди. Бугун-ерта эълон қилиниши керак. Штатларнинг попуги сал пасаядиган бўлди. Индалмаса даъволари осмон баравар эди. Шунаقا, ошна, сен енгдинг. Байгилдин сенга алоҳида салом айтди. Мосламани кучайтириш ҳақидаги таклифинг ҳам ўтадиган ўхшаб турибди.

— Ҳиндқушга ўрнатиш-чи?

— Бу таклиф ўтмаса керак. Афғонистондан аскарлар олиб чиқиб кетилса-ю, Ҳиндқушга ҳарбий кузатув маркази қурилса, ақлсизликнинг ўзи-ку, бу? Кремл-ни ишонтирдик шекилли.

— Виктор Базарович, мен ўн-ўн беш кун Москвада қолишим мумкинми?

— Нима қилмоқчисан?

— Докторлик диссертациямга жавоб бўлмаяпти. Бир шуғулланиб кўрсаммикин, девдим. — Самандар шундай деб нигоҳини олиб қочди. Табиатан ёлғондан ҳазар қилувчи бу одам айни чоқда асл мақсадини — уйдаги фожиадан сал йироқроқда юриш истаги борлигини яширмоқчи эди.

— Бе, бошингни қотирмасангчи! — деди Базаров қўл силтаб, — Сенга шу диплом зарурми ҳозир. Сен юзта фан докторининг ишини бир ўзинг қилиб ўтирибсан. Шунинг ўзи етарли эмасми?

— Ҳарҳолда...

— Ҳа, керак, диплом ҳам керак. Лекин сен шошилмай тур. Мен бу ишларнинг ҳаммасидан хабардорман. Сенинг бу ишларинг билан баъзилар қизиқиб турибди. Шунинг учун ҳам ҳимоянг масаласи ноаниқ муддатга сурилган. Шунинг учун ҳозирча уйингга қайтавер. Ҳа, айтмоқчи оила аъзоларинг тинчми?

Самандар бу саволни эшитиб енгил титради-ю, яна қўзларини олиб қочди. «Нега сўраяпти? Хабар топганми?», деб ўйлаб довдиради.

— Сен бу ерга келишингда уйингга кирмаганмидинг? — деб сўради Базаров унга синовчан тикилиб.

— Йўқ, йўқ, — деди Самандар, — тўғри келаверганман.

— Яхши. Бизга хабар беришди: хотининг касал эмиш. Болаларинг бормиди?

— Йўқ...

— Яхши...

«Яхши? Нимаси яхши? Нега суриштиряпти? Хабар беришган... Хабар беришган...»

Самандарнинг руҳида саросима бошланганини Базаров сезди. У ҳали фожиадан бехабар эди. Билгани: Самандарнинг хотини ўлдирилган. Базаров унга ачиниб, кўнглини кўтарувчи гап излади. Табиатан қўпол муомалали бўлган генералдан қалбни юмшата олувчи, таскин бера олувчи гапнинг чиқиши мушкул эди.

— Менга қара, у ерда душманларинг борлигини биласанми? — деди у худди томдан тараша тушгандай тарзда.

«Душман? Қанақа душман?» Рух пўртanasидаги сарсари Самандарга бу савол ғалат туюлиб, Базаровга савол назари билан қаради.

— Нима, душманларинг йўқми? — деди Базаров.

— Қанақа душман? Мен бирорга ёмонлик қилмаганман?

— Душман орттириш учун бирорга ёмонлик қилиш шарт эмас. Ақлли бўлсанг кифоя, дарахтнинг тагидан ўтсанг ҳам тепангдан душман ёғилади. Агар билсанг, ақл ҳам бир бало, бошқаларда кучли рашқ уйғотади. Рашқ эса туппа-тузук дўст одамни душманга айлантиради. Мен синаганман: сенларда шунақа касаллик кучли. Бизларда ҳам бор-у, аммо унчалик эмас. Сенлар бир одамнинг орқасидан қора чаплаб ёзишни яхши кўрасанлар.

«Бу касал миллат танламайди, ҳаммада бор», — деб ўйлади Самандар. У ҳозир бу мавзуда баҳслашишни истамас эди. Шу сабабли фикрини очиқ баён қилиб, ҳамсуҳбатига эътиroz билдирамди. «Гапини калта қилиб чиқиб кета қолса эди», деб умид қилди. Базаров эса бу сукутни фикрининг тасдиғи сифатида қабул қилиб, хотиржам тарзда гапини давом эттиради:

— Биламан, сен «бошқалар ҳам худди шундай», дейишинг мумкин. Лекин янгишасан. Масалан, грузинлар, арманилар, латишлар бундай қилишмайди. Котрикадзени биласан, а? Ўзи ёмон олим эмас. Лекин, тўғрисини айтсам, иши Давлат мукофотига арзимайди. Номзоди қўйиладиган бўлганда мен шахсан қарши бўлганман. Лекин Грузия томондан шундай ҳимоя довули ёпирилди-ки, охири олди ўша мукофотни. Бултур сени мукофотга ўзимиз тавсия этдик. Ўзбекистондан шундай қаршилик довули ёпирилдики, охири ололмадинг. Ҳатто Василий Игнатевич ҳам ажабланиб, ҳеч нима қилолмай қолди. Яна мукофотга ном-зодинг қўйилганини тор доирагина биларди. «Очи- лов — Давлат мукофотига номзод», деб матбуотда эълон

қилинса, билмадим, нима бўларди? Нега шунақасанлар, а? — деди Базаров норози оҳангда бош чайқаб.

— Билмайман, — деди Самандар ғудраниб. Ҳозир уни мукофот ҳам, душманлари ҳам қизиқтирумас эди. Гапнинг бу тарзда калта қилинганини Базаров яна бош-қача тушунди:

— Сен билмасанг мен биламанми? Мен тушунмайман, Очилов, битта хотинни қўйиб, иккинчисини олишнинг илмий ишга нима даҳли бор? Сени «қолоқ феодал» деб ёзиши. Шахсан менга кашфиёт муҳим, илм муҳим. Кашфиётни феодал қиласидими, буржуа қиласидими — фарқи йўқ. Душманларинг учун эса бу муҳим, жуда муҳим. Сенларда бош конструкторнинг иккинчи хотинни олишга сира ҳаққи йўқ. Эсингдами, Шарифхўжаев деганинг диссертатсияси учун куйиб юрган эдинг. «Дўстим», деб менга таништиргандинг. Сени ҳурматингни қилиб, унга ёрдам берувдим. Эсинг-да, а?

— Эсимда.

— Хўп, билиб қўй энди: ўша «дўстинг» ҳам ёзган эди. «Бу кашфиёт фақат Очиловники эмас», деб ёзиби. Менга эмас, тўғри СКга ёзган. Нима мен аҳмоқманми ёки Байгилдин аҳмоқми? Кашфиётда илмий гурухнинг хизмати борлигини билмаймизми? Лекин бошсиз тана нима қила олиши мумкин? Ўша Шарифхўжаевинг бу танада ким? Бир бармоқми? Ёки бир тукми? Душманим йўқ, дейсан-а! Менга қара, балки Москвага бутунлай кўчиб кела қоларсан, а?

— Москвага? Нима қиласан бу ерда?

— Нима қиласаринг? Ишлайсан. Шароит яратиб бераман. Очигини айтсам, Байгилдин билан шу маслаҳатни пиширдим. Ўйлаб кўр.

— Бу ерда ақллилик балоси йўқми?

— Бор, тўғри, аммо сенлардаги даражада эмас.

— Бу ерга келсан, у ердаги илмий гурух тарқатиладими?

— Шубҳасиз. Аммо яхши одамларингни олиб келишинг мумкин.

— Йўқ, у ерда ҳозир кучли илмий гурух тўпланган. Битта-иккита аҳмоқни деб тарқатиб юбора олмайман.

— Аҳмоқлик қиляпсан, билиб қўй. Сен бу ерда энг кучли гурухни ташкил этишинг мумкин. Истаган одамингни, истаган республикадан чақирирамиз. Москва марказидан жой берсак, ҳар қандай олим ҳам учиб келади. Йўқ, дейишга шошилма.

— Хўп, — деди Самандар сұхбатга якун ясаш учун. Базаров эса буни ризолик аломати деб тушуниб, елкасига уриб қўйди:

— Мана бу бошқа масала. Сен уйингга бориб келавер. Қолган ишларни менга қўйиб бер.

Базаров шу гапларни айтгач, хотиржам равишда ўрнидан туриб хайрлаши. У кетгач, Самандар ўзини тамоман йўқотди: хотини касал... душманлари бор... Москвага кўчиб келиш... Генералнинг гаплари чироққа урилган парвоналар каби хаёлларини тўзитиб юборди. «Нима қиласарим уйга кириб, тўғри келаверсам бўлмасми?» деб ўзини ўзи койиди. Уйдаги манзара кўз олдида гавдаланиб, ҳайкал каби қотди. Кириб келган ҳамширага ҳам руҳсиз тарзда қараб қўйди. Билак томирига санчилган игнага ҳам парво қилмади. Ўйлай-ўйлай «генерал балки тўғри айтаётгандир, Москвага кўчиб келганим маъқулдир», деган фикрда тўхтади. Бу фикр бора-бора қарорга айланди. «Оила, бола-чақа менга насиб этмаган экан, Худо менга фақат илм берган экан, оилам бўлмаганидан кейин шу ерда қоловерганим маъқул...» Яна икки кун шу қарор атрофида тараффудланиб, учинчи куни Базаровга телефон қилди-да, аҳдини билдири. Бу орада муолажа якун топиб, уни ҳарбий аэродромга кузатиб қўйдилар.

Аниқ бир қарор билан қайтаётган Самандар Омонуллонинг интиқ кутаётганидан бехабар эди.

## НОМУС

Омонулло шаҳарга қайтмай, автобусга ўтириб Тошболтанинг қишлоғига йўл олди. Адолатнинг «хотинини уриб ўлдирган», деган гапи унга яна бир муаммо эшигини очиб берган

эди. Депара марказига, сўнг ички ишлар вакили ҳамроҳлигида қишлоққа боргунича қош қорайди. Нафисанинг фожиали ўлими ҳақидаги миш-мишлар билан яшаётган қишлоқ милитсия ходимларининг суриштириб келишганидан ўша заҳотиёқ хабар топди. «Иккита милиса суриштириб келибди», деган хабар қишлоқнинг нариги бошига етгунча «икки мосин тӯла милиса босибди», деган ваҳимага айланиб, Йигитали яшайдиган кўча жонланиб қолди. Ҳангома-талаблар ҳовлига киришни истадилар-у, аммо дарвоза остонасида турган йигитга йўлиқиб изларига қайтдилар. Бироқ бу хонадондан узоқлашмадилар. Уларнинг назарида ҳозир бу уйда «бир нима» содир бўлиши керак эди. Улар ана шу «бир нима»дан қуруқ қолмаслик учун ҳам шикордаги овчи мисол сергак турдилар. Бу қиликлари учун уларни айблаш ноўриндир. Қишлоқда ҳар ойдами, ҳар йилдами бир жувон ўлдириб кетилса, суриштириб милиса келиб-кетиб турса, бош-қа гап эди.

Одамлар «бир нима содир бўлишини» беҳуда кутдилар. Ичкарида ҳеч қанақа ғалати воқеа юз бермади. Балки Омонулло билан Йигиталининг оддий савол-жавоблари бўлиб ўтди. Омонулло гапни узоқдан бошламади. Ўзини қизиқтираётган муаммоларни еча олишга хизмат қилувчи саволдан бошлаб қўя қолди:

— Жиянингиз... Болтаева бу ерга тез-тез келиб туармиди?

— Йўқ...— деди Йигитали шоп мўйловини силаб,— онам раҳматли ҳаётликларида келиб-кетиб тургувчи эди. Кейин оёғини торта қолди. Эрга текканидан ке-йин ҳечам келмади. Эри қўймади шекилли-да.

— Эрини танийсизми, кўрганмисиз?

— Йўқ, кўрмаганман. Тўйидан бехабар қоғонмиз. Тошболта қишлоқдан ҳеч кимни айтмаган. Азалдан феъли чатоқроқ шу боланинг.

— Синглингизни... — Омонулло «уриб ўлдирганми?» деб сўрамоқчи бўлди-ю, тилини эҳтиёт қилиб бошқача тарзда сўради:—... бирон касал бўлганмиди?

— Синглим касалмасиди. Шу Тошболта хунаса бир куни денг, келиб урибди-да. Мен йўғаканман. Бор бўғанимда ўзининг жиғини эзибла қўярдим-а. Бу хунаса ичишни эвлолмасиди. Ичдими, тамом, ишқалнинг уясини кавларди-да. Қаттиқ урганидан синглим бечоранинг ичаги узилиб кетибди. Дўхтир шунақа деган.

— Қамалишининг сабаби бошқа-ку?

— Ҳа-да, биз даъво қилмадик-да. Ўшанда бир нима деб қўйсак умри қамоқда чирирди. Шу Нафисани дебла уни аядик. Аслида Тошболта ўшанда тухмат билан кетди, Худонинг ургани шу, шунинг ўзи етарли, дедик. Аямасдан оттирворсак бўларкан. Йўқ бўлиб кетовурса Нафисанинг бошига бу балолар ҳам ёғилмасиди.

— Нега?

— Нега бўларди? Ўзим тарбия қилардим. Шу қишлоқлик қулинг ўргулсин йигитга эрга берардим. Шаҳарга юбормасидим. Э, энди гапирғаннинг фойдаси йўқ, — Йигитали шундай деб қўл силтади.

— Тошболта акани тухмат билан кетган дедингизми?

— Ҳа-да, у трахторини тўғри йўлдан ҳайдаб борган. «Жигули»даги хунасанинг ўзи келиб унга урилган. У ҳам маст бўғон-да. Омма-лекигин унинг пули бор эди. Ишни тескари қиб юборди, қизталоқ. Буни кўрган гувоҳлар бор эди-ку, омма-лекигин бир нима дейишга қўрқишиди. Менга айтишди. Мен нима, прокурормидимки, бир нима қила олсан. Пешонасида қамалиш бор экан, кетворди. Янаям осон қутулди. Омма-лекигин орада қизига жавр бўлди. Синглим ҳам кетди, жияним ҳам кетди, ҳеч ким қолмади... — Йигитали шундай деб уф тортди-да, кафтига бир чимдим нос тўкиб, сўнг тилининг тагига ташлаб, бош чайқаб қўйди.

— Жиянингизнинг... душманлари бормиди?

— Ия, гапингиз қизик, хотин кишида ҳам душман бўлами?

— Бўлмайди, деб ўйлайсизми?

— Бўлар-ку, омма-лекигин ўлдириб кетадафон душмани бўлмасов.

— Унда ким ўлдириши мүмкін?

— Шунисини билмайман, ука, — Йигитали ғўдираниб носни тупурди-да, мўйловини силаб қўйди. — Мен бундақа гапларни биладафон прокурор эмасман. Менинг билганим — куни битган экан, шунаقا ўлим топиби. Ҳаммамиз бирин-сирин ўлиб кетоврамиз, дунё эса орқамизда қоловради.

— Жиянингиз аввалги совхоз директори билан яқин бўлган экан, шуни сиз билармидингиз?

— Ким айтди? Тошболтаникига борувдингизми? Ҳа... унда аши шайтоннинг урфочисидан эшитгансиз. Бекорларни айтиби у шилта! Бизди уруғдан бунақаси чиқмаган! — Йигитали шундай деб шарт ўрнидан турди-да, худди тўннинг этагини қоқаётгандек сонига уриб қўйди. Омонулло унинг бу ҳолатидан ажабланмади. Жиянининг ахлоқи хусусида бундай ноҳуш гап эшитган ҳар қандай тоғанинг ғазабланиши табиий. Тағин ҳам Омонулло «яқин бўлган экан», деб пардалаб айтди, агар «ўйнаши экан», дегандами, бу чапанисифат одам қай ҳолга тушардийкин? Ён-атрофдагиларга сўз бермай юрувчи эркак номуссизлик кўланкасида қолгудай бўлса чидаши ниҳоятда қийин. Жиянининг, ҳатто ўз фарзандининг ўлимига чидар, «тақдир экан», деб ўзини юпатар, аммо номуссизлик тамғасини кўтаришга ҳар қандай бақувват бел ҳам чидамас. Йигитали жиянининг қадам олишини билмасди эмас, билар эди. Улар яшаётган совхоз дунёнинг нариги чеккасида бўлса эканки, гап-сўз етиб келмаса. Унда бирор аксириб юборса, ёнидаги «соғ бўлинг», дейишга улгурмай акс-садоси қишлоққа етиб келади. Йигитали бир эшитганида индамади — «ғийбат гап», деб ўзини тийди, иккинчисига чидади. Учинчисида бориб жиянига индамади-ку, аммо Тошболтани ёқасидан олди. Тупроғи кўпчиб ётган қўчада оғзи-бурнини қора қонга белаб урди ҳам, юмалатиб тепди ҳам. Хумордан-ку чиқмади-я, лекин «енди тийилар», деб умид қилди. Семириб кетган қўчқорни ҳомиладор гумон қилиб туғиб беришини кутган одам қанчалар лақма бўлса, Йигитали ҳам бу соҳада нодон эди: ширага ўрганган пашшани яхшилик билан қайтариш мумкинмаслигини фаҳмламасди. Бора-бора ғиштнинг қолипдан қўчганини анг-лагач, жиянига «қишлоққа камроқ кел», деб қўйди. Нафиса бувисининг жанозасига келиб, еттиси ўтгунича турмоқчи бўлганида Йигитали хотинларнинг висир-висирларидан безиб, жиянига «Енди қизим, бу ерда турганинг билан бувинг тирилиб қайтиб келмайдилар. Яқинда эр қилган одамсан, уйингдан узоқма. Энди қишлоққа келиб овора ҳам бўловурма. Соғинганимда ўзим бориб хабар оламан», деб кузатиб қўйди. Шундан сўнг у жиянини соғинмади, жиян ҳам «тоғам йўқламаяптилар», деб хавотирланмади. Йигитали жиянининг яшаш жойини ҳам билмасди, билишга қизиқмади ҳам. Нафиса билан бирга ўсган қизининг борди-келди қилиш ҳақидаги гапини ҳам шарт бўлиб қўя қолди. Отасининг феълини билган қизи истагини бир айтди-ю, бошқа тилга олмади.

Омонуллонинг «аввалги совхоз директори билан яқин бўлган экан», деган саволи Йигиталининг ярасини тирнаб қўйди. У саволдан норози бўлиб эмас, ана шу тирналган яра азобига чидолмаганидан ўрнидан туриб кетган эди. Йигитали шу савол-жавобдан сўнг тумтайиб олди. Буни сезган Омонулло эзмаланиб ўтиrmади. Соатига қаради-да, кечки поездга улгуриш мақсадида ўрнидан туриб, хайрлашди.

Тонгда поезддан тушиб, ювиниб, кийимларини алмаштириш ниятида уйига борди. Қайнонаси ювиб-дазмоллаган кўйлакларни жавондаги илгичларга илиб, уйни йиғишириб, стол устидаги кафтдек қофозга қисқагина мактуб ёзиб қолдирган экан: «Фотимангиз телпон қилиб, салом айтди. Ишлари тезлашяптийкан. Дадангиз икки-уч келиб-кетибдилар. Хавотир оляптилар». Кейинги сўзларни ўқиб, Омонулло жилмайиб қўйди. Қайнона «дадангиз» деганда Омонуллонинг тутинган отасини назарда тутган, «хавотир оляптилар», деб бориб кўришга даъват қилган эди. Тутинган отаси улардан тўрт эшик нарида туради. Уни бориб кўрадиган бўлса, қайнота-қайнонани йўқлаши ҳам табиий. Қайнонаси «бизникига кириб ўтинг», демай, чиройли тарз-да мақсадни баён қилиб кетган эди. Она меҳрига зор ўсган Омонулло юмшоқкўнгил, ширинмуомала қайнонасини куёв эмас, чин ўғил муҳаббати билан иззат қиларди. Қайнонаси эса оналик меҳрини берган эди. Омонулло билан Фотима орасида жиддий

тўқнашув бўлмаса-да, икир-чикир масалаларда ҳам доимий равишида куёванинг ёнини олиб, қизига қарши турарди. Шунаقا пайтларда Фотима «Ойи, мен қизингизманми ё келинингизманми?» деб куларди. Қайнотасининг эзмалиги ёқмаслигини ҳисобга олмаганда Омонулло уни ҳам яхши кўрарди. Вақти бемалол бўлса, гапларини индамай эшитарди. Баъзан ўтирган ерида мизғиб ҳам оларди. Қайнотасининг энг яхши одати — «мен шунча гапирдим-ку, ҳамсухбатим индамади-я», ёки «гапимни ёқтирамай ухлади-я», деб сира ранжимасди. Омонулло салом бериб «Қалай ада, яхши юрибсизми?» дейишга улгурса улгурди, улгурмаса жим ўтиришга ҳукм бўларди. Қайнотаси гапира-гапира хумордан чиқарди-ю, меҳмон кетгач, хотинининг дашном ўқларига учраб яна камгап, «мўъмин»га айланарди. Фотима баъзан гапга тушиб кетса Омонулло «Ҳа, ота қизи!» деб тегажоқлик қилиб, унинг жиғига тегишини яхши кўрарди.

Омонулло бугун ишдан барвақтроқ чиқиб, уларни йўқлашни кўнглига туғиб, чой қўйиб ичдида, хизматга йўл олди. Йўл-йўлакай прокуратурага кириб, Мелс Хўжаевга учради. Сафарга кетишдан аввал кўришганида бу кибор йигит уни лол қолдирган эди:

— Ака, сиз ҳақингизда мен кўп яхши гапларни эшитиб, хурсанд бўлдим, — деганди. — Мен бу соҳада янгиман. Тажрибам йўқ, билимим ҳам етарли эмас. Лекин шу ишни ёқтираман. Ўзим хоҳлаб танлаганман. Менга иш ўргатинг, илтимос, иш буюраверинг.

— Ишни прокуратура буюради бизга, — деган эди Омонулло пичинг оҳангидা.

— Шунаقا деманг-да. Одамлар «фалончининг ўғли» деб менга ҳавас қилишади. Ака, билсангиз шу нарса мени кўп қийнайди, менга кўп зарар беради. Ўқишида ҳам учиб юриб ўқидим. Баъзи домлалар кўнгил учун ҳам сўраб қўйишмасди. Бу ерда ҳам қийнагилари келмайди. «Фалончининг ўғли» бўлганим учун мен айбдор эмасман-ку? Қачонгача учиб юраман. Бир кунмас бир кун қўнганимда нима деган одам бўламан?

Омонулло таажжубини яширмай унга тикилиб қолган, Мелс Хўжаев ҳам «гапим — гап!» дегандай тик қараган эди.

Омонулло унга Самандар Очиловга тегишли янги фикрларини айтиб, экспертиза хulosаларини баён қилди. Мелс Хўжаев ҳарбий прокурор орқали битадиган навбатдаги ишлар билан шуғулланишга ваъда берган эди. Омонулло сафар хulosаларини баён қилгач, у «биз ҳам бекор ўтиրмадик, ака», деган оҳангда ҳисбот берга бошлади:

— Шахсан округ ҳарбий прокурори билан гаплашдим, — Мелс Хўжаев бу гапни болаларча завқ, болаларча ғурур билан айтиб, худди олқиши кутгандай Омонуллога қараб қўйди. «Чакки эмассан», деб ўйлади Омонулло, бироқ, бу гапни тилига кўчирмади. Мелс Хўжаев яна шу завқ билан гапини давом эттириди: — Очиловни кузатиб борган полковник билан сұхбатлашганингиздан округ ҳарбий прокурорининг хабари бор экан. У «шундан бошқа ёрдам беришга ожизмиз», деб айтди. Очилов ҳарбий соҳага оид илмий иш билан шуғуллангани билан ўзи ҳарбий ҳисбланмас экан. Унинг қаердалигини суриштиришга ёки бизга тутиб беришга уларнинг ҳақлари йўқ экан.

«Шунга ақлинг етиби, боқса одам бўласан. Қани, давом этавер-чи», деб ўйлади Омонулло. Унинг жимгина тинглаши Мелс Хўжаевда шубҳа уйғотиб, бир нафас тин олди. «Бирон нима дермикин», деб кутди. Омонуллодан садо чиқмагач, давом этди:

— Менинг амаким шунга яқин бошқа идорада ишлайдилар. Амаким орқали Очиловнинг Москвада эканини аниқладим. У ҳозир ҳарбий госпиталда экан. Яқин кунларда қайтар экан.

«Яхши, қайтаверсин, кутиб оламиз», деб ўйлади Омонулло.

— Лекин биз уни кутиб ололмаймиз, — деди Мелс Хўжаев, унинг фикрини ўқигандай, — Уни ҳарбийлар самолётида олиб келишади. Самолёт ҳарбий аеродромга қўнади.

— Биз уни ўзининг ўйида кутамиз, — деди Омонулло қатъий оҳангда.

— Мен ҳам шунаقا деб ўйловдим, — деди Мелс Хўжаев. — Агар хоҳласангиз шахсини аниқлаштириш учун бир одам билан учраштиришим мумкин.

— Ким билан?

— Очилов билан бирга ишлайдиган одам. У амаким билан махфий ҳамкорлик қилас экан. У билан учрашасиз-у, аммо ўзининг кимлигини суриштирумайсиз.

— Ўзингиз кўришмадингизми?

— Тўғрисини айтсан... кўрдим. Амаким гаплашдилар, ўзим индамадим. Унинг қотиллиқдан хабари йўқ экан. Гапларига қараганда Очиловни ёқтирмайдиганга ўхшайди. «Жамият учун зарарли шахс» деб очик айтди.

— Нимаси зарарли экан?

— Иккита хотини бормиш.

— Иккита хотинли одам жамиятга зарар келтира олмайди, — деди Омонулло кулимсираб.

— Нега? — деб ажабланди Мелс Хўжаев бу гапнинг чинми ё ҳазил эканини фарқлай олмай.

— Нега бўларди? — Омонулло «шуни ҳам билмайсизми?» дегандай кулди. — Бунақа одам иккита хотинни эплаш билан овора бўлиб дунёда совет жамияти борлигини ҳам унутиб юборади. Ҳайрон бўлманг, ҳазиллашдим. Агар у одамингизнинг гапи рост бўлса, иккита хотинли одам жамиятга зарар келтирса, учтами тўртта хотин олганлар жамиятга ўт қўяр эканда. Сиз тўғри фаҳмлагансиз: ичи қора одамга ўхшайди. Яна нима дейди?

— Бошқаларнинг илмий ишларини ўзлаштириб олар экан. Ўзини Давлат мукофотига қўйиб, ололмабди.

— Бўлди, тушунарли. У билан ҳозир гаплашмасак ҳам бўлади. Зарурат бўлса, кейинроқ учрашамиз.

— Сиз... Очиловнинг биринчи хотини билан кўришдингизми?

Омонуллонинг шундай режаси бор эди. Бироқ, прокуратура ходимининг жигига теккиси келиб атай:

— Шартми? — деб сўради.

Мелс Хўжаев Омонуллонинг қувлик қилаётганини сезиб, елка қисиб қўйди-да, ранжигансимон тарзда деди:

— Ўзингиз биласиз, мен сизга буюра олмайман.

Омонулло «фикрларингиз дуруст, мен шунчаки ҳазиллашдим», деб овутмоқчи бўлди-ю, «паст-баландга кўниксинг», деган хаёlda индамади. Хайрлашиш учун қўл узатганда Мелс Хўжаев унга бир парча қофоз узатди:

— Нима бу? — деди Омонулло ажабланиб.

— Очиловнинг биринчи хотини шу манзилда ту-ради, — деди Мелс Хўжаев, бу сафар киборларча боқиб. Омонулло унинг қарашидаги «бунисига нима дейсиз?» деган маънони ўқиб, жилмайганча жавоб қилди:

— Қойилман, гап йўқ!

Омонулло ишхонасига кираверишдаги навбатчи уйчаси ёнида турган Адолатни қўриб, ажабланди. Бу аёлнинг келишига амин эдику-я, бироқ бу қадар тез йўқлар деб кутмаганди. Адолат уни кўрди-ю, куёвига пешвоз чиқсан қайнонадай жилмайиб қарши олди. У ялтироқ ипли сариқ куйлак кийиб олган, оёғида ёшларга расм бўлган пошнали қора туфли, қошу кўзларига қалам тортган, лабига оч қизил бўёқ суртиб олган эди. Қилиги ўзига ярашмаган бўлса-да, ҳархолда аввалги кўринишига қараганда сал одамбашарароқ эди.

— Вой Худойимга шукр-еј, — деди у саломлаш-гач, — келмай қолармикинсиз деб юрагим така-пука эди-я.

— Келинг опа, тинчликми? Хўжайн тузукмилар?

— Ҳа, ётиби, ғўлдир-ғўлдир қилиб. Нафисанинг уйидаги молларни олиб кел, деб юбордилар.

— Ие, шунақами, гапирайтиларми?

— Қаёқда? Тил ўша-ўша — кетган.

— Тил кетган бўлса қанақасига «молларни олиб кел», дедилар?

— Вой... — Адолат тилидан илинганини билиб сал саросималанди-ю, лекин сир бой бермай, ўзини қўлга олди: — тил ўлгур бўлмаса ҳам кўзлари очик-ку? Имо-ишора билан гапиряптилар. Шунча йил бирга яшагандан кейин кўзларига қараб туриб, нима демоқчи бўлаётганларини билиб оламан.

— Овора бўлиб келибсиз, опа, мол эгасига бери-лади.

— Вой, шошманг, начальник ука. Мен сизга бир муҳим гап айтаман.

— Хўп, айтинг.

— Бу ерда идорангиз борми? Кўчада айтадиган гап эмас.

Омонулло уни хонасига бошлаб кирди. Адолат стулга ўтираётиб тор хонага бир разм солдида:

— Ўлдирган одамни қидиряпсиз-а? — деб сўради.

— Қидиряпмиз, — деди Омонулло.

— Ҳали топмадингиз-а?

— Зеҳнингизга қойилман: топмадим.

— Топа оласизми?

— Билмадим. Ҳарҳолда бурун бўлса, рўмолча топилади, деган гап бор.

— Мен сизга бир гапни айтсан, осонгина топа-сиз.

— Шунақами? Менга айтиб ўтирмай ўзингиз топа қолмайсизми?

— Опоси, сиз менга бунаقا пичинг қилманг. Мен сизга қишлоқда таппи чанглаб юрган саводсиз хотин эмасман. Билмасангиз билиб олинг: икки марта райсоветга депутат бўлганман. Бир нарсани билмасам шундан шунга аҳмоқ бўлиб келмасийдим. Ер юткурнинг сирини мен билмай, яна ким билсин?

— Ер юткур... ким? Отасими ё қизими?

— Икковиям бир гўр.

— Қанақа сир экан, айтинг-чи?

— Тўхтанг, олдин келишиб олайлик. Мен сизга билганларимни айтаман. Сиз эса менга молларни олиб кетишимга рухсат берасиз.

— Айтадиганларингиз шунчаки ғийбат бўлса-чи?

— Вой савил, мен ғийбатчига ўхшайманми?

— Нафиса Болтаева аввалги директор билан дон олишарди, девдингиз. Тоғаси «бўлмаган гап», деб рад этди.

— Тоғасими? Анави мўйлов жинними? У қаёқдан биларкан? Жиянини аборт қилдиргани ким олиб борган экан, сўрамабсиз-да. Бир марта бўлса ҳам гўрга эди. Уч марта олиб борганман. Мен ғийбатчи бўлсам Матлубадан сўранг. Жувонмарг бўлгурни кўрдингизми ўзи?

— Собиқ директорнинг хотинини айтапсизми? Борсам уйида йўқ экан, шаҳарда дейишиди.

— Вой савил қолсин, шаҳарда бало бор эканми? Уйидан атай чиқмаган. Ўлгудай қўрқади.

— Нимадан қўрқади?

— Эри қамалганидан бери роса обиска<sup>21</sup> қилишяпти. Анавинда ҳам келиб-кетишган экан.

— Қачон?

— Тўхтанг, аввал келишиб олайлик, кейин сўранг саволингизни.

— Болтаева!

— Мен Болтаева эмасман, Худога шукр, Низомбековаман! У ергина юткурнинг фамилиясига ўтмаганман.

— Низомбекова, бу ер сизга бозор эмас. Савдолашманг. Агар билганингизни яширсангиз ё чалғитмоқчи бўлсангиз, қонун бўйича жазоланасиз.

— Вой ўлайин, ҳолвани ҳоким еб, калтакни етим ейдими энди? Бирор келиб қизимни ўлдириб кетсин-да, сиз ўлдирганни топманг-да, мен жазо олайнми? Ўлмай ўла қолсин, бу қиз

<sup>21</sup> Tintuv demoqchi.

ўлгур, бошгинамга битган бало бўлди. У ёқда отаси ётибди «ана ўламан, мана ўламан», деб. Бу ёқда бу кишим ўтирибдилар «айтмасангиз қамайман», деб. Ҳой, менга қаранг, қамашга мендан бошқа одамингиз йўқми?

— Мен қамайман, демадим, жазо оласиз, деб огоҳлантиридим.

— Қамайман, дейсизми ё жазо оласан, дейсизми — бир гўр эмасми? Ҳеч нима билмайман, деб туриб олсан-чи? Ичимдаги гапни ёриб оласизми? Ундан қўра молимизни бериб юборинг, мен сизга керакли гапларни айтай.

Омонулло бу шайтон қамчиси билан савдо пишиши қийинлигини англаб, телефон гўшагини кўтарди-да, қўшни бўлимга қўнгироқ қилди:

— Ҳафизхон ака, Болтаеванинг уйида рўйхатга олинган молларни ҳозир бериб юбориш мумкинми? — Омонулло шундай деб Адолатга қараб олди. Адолат масала ўзининг фойдасига ҳал бўлаётганидан мамнун ҳолда бир қимиirlab олди. Омонулло эса суҳбатини давом этди: — Ҳа, одам келди. Болтаеванинг ўгай онаси, — Омонулло «бу қўпол гап таъсир қиласмикин?» деб Адолатга тикилди. Адолатда норозилик аломати сезилмади. — Мумкин эмасми? — Шу саводан сўнг Адолат бир чайқалаб олди. — Иложини қилиш керак. Эридан тилхат олиб келса-чи? Ҳа, албатта, гувоҳлар иштирокида. — Омонулло шундай деб гўшакни жойига илди. — Тушундингизми? Бир ҳафтадан сўнг тилхат билан келасиз. Қани, энди айтинг гапингизни.

— Кеча сиз кетганингиздан кейин эсимга тушди. Хотирам ўлгур сал ўтмаслашиб қолибди, — деб гап бошлади Адолат. Омонулло эса ўзича «ўтмаслаш- ган ақлда ўткир хотира бўларканми?» деб хаёлидан ўтказди.

— Уч ойми, тўрт ойми аввал Валижонни кўрувдим.

— Ким у? — Омонулло шу саволни бериб қофозга «Валижон» деб ёзди.

— Валижонми? Турсуналининг ишонган шўпири. Турсуналини биласиз, қамалиб кетган директор. Қоранг ўчгур Матлуба эри қамалса ҳам кўчиб кетмади.

— Кўчиши керакмиди?

— Эри қамалганидан кейин кетмайдими келган жойига. Бир нимадан илинжи бор у мегажиннинг. Ҳозирги директор эрининг яқин одами эди. Уйига ҳам тегмади. Нега тегмади, биласизми? Ер юткур Турсунали Нафисани суреб юрганида, Матлуба бу одамнинг кўнгилчасини овлаб юрган.

— Кўрганмисиз?

— Нимани?

— Кўнгилчасини овлаганини?

— Кўриб нима, мен унинг лозимига қоровулманни, қачон ечиб, қачон кийганини пойлаб юрибманми?

— Хўп, бу гапларни кўйинг, сиз Валижонни кўрувдингиз?

— Ҳа, кўрдим, — Адолат шундай деб ғаши келганини билдириш мақсадида бир чимирилиб олди: — Бир куни Матлуба чақириб, тўппа-тўсатдан «шахарга борамиз», дебди. Валижон «ертага борайлик, кеч бўлди», деса ҳам кўнмабди. Кейин Валижон уни ер юткур Нафисанинига бошлаб борибди. Боришганидан кейин Матлуба Валижонга «сен чиқиб тур», дебди. Нафис ўлгур эса «Ўтиринг, Валижон ака, чой ичинг, ош пишяпти», деса ҳам кўнмабди. Хуллас, Валижонни чиқариб юбориб, жанжалнинг уясини қўзғабди.

— Нега?

— Унисини билмадим. Эри қамалмасидан илгари жимгина писиб юрарди.

— Эрининг ўйнаши борлигини билмасмиди?

— Балони биларди, у ергина юткур. Қип-яланғоч устидан чиқиб қолганида ҳам дамини чиқармаган.

— Унда нима учун жанжал қиласди?

— Билмадим-у, аммо бир нима талашган.

— Эрини талашмаган хотин энди нимани талашиши мумкин?

— Нимани талашарди? Бойликни-да. Жувонмарг бўлгур Турсунали топғанларини яшириб кетганга ўхшайди. Ер юткур Нафис охирги келганида отаси билан пичирлашиб қолди. Секин қулоқ солдим. Қулоғимга киргани Нафис ўлгур ниманидир «топиш керак», деди. Кейин «ўша кечаси ошхона томонга қараб юрувди», деди. Кейин икковиям кетди, билсан ўшанда боқقا боришибди. Жувонмарг ўлгур боқقا нимага боради? Эркаксираф боради-да. Ўйнаши қамоқда бўлса, эр жонивор ҳафталаб йўқ бўлиб кетса... Маишатни соғинади-да. Директор ўлгур ҳам буларга лақقا туша қолди. Қайтишганида қарасам, қулоғида янги зирак, бармоғида қўш узук. Нақ тилла! Кўзлари нақ жавҳар! Кўрдим-у, индамадим.

Омонулло бу гапни эшитиб экспертиза хulosаларини эслади: қулоқларидан зирак юлиб олинган, бармоқларида тўртта узук излари бор...

— Бармоқларидаги узуклар иккитамиди?

— Ўзи азалдан иккита бор эди. Биттаси никоҳ узуги, яна биттаси ёқут кўзли тилла узук эди. Боғдан қайтишганда яна иккитаси пайдо бўлди, деяпман-ку, тушунмадингизми? Эркак зоти ҳам фирт аҳмоқ бўлади. Нафис ўлгур ким эди? Ит ғажиб ташлаган бир сүяқ эди. Шу сарқитнинг бармоғига иккита узук тақасанми? Шунаقا сарф қилар экансан, свежийларидан топмайсанми?

Адолат янги директорни лақмалиқда айблаб, яна бир-икки гап айтди. Омонулло эса янги директор билан бўлган учрашувини кўз олдига келтириди. «Нафиса Болтаевани кўрганим йўқ», деб тонганини эслади. Сов-хозда ишни хом бажарганини англаб, яна боришни дилига тугди-да:

— Хўш, энди Валижоннинг гапи чала қолди-ку? — деди.

— Ҳа-я, Валижон ўлгур ҳам лақма-да, «чиқ» деса чиқиб кетаверибди. Кундошларнинг қирчиоқ бўлишларини мазза қилиб кўрмайсанми! Матлуба шумшуккина бўлиб юргани билан бало-да. Нафис ўлгур-ку тоғасига ўхшаган жинни. Юлиб ташлашдан ҳам тоймайди. Бир марта мени юлган у қўлинг сингур. Омма мен ҳам ҳаққимни қўймаганман.

— Хўп, қойилман, опа, Валижон нима деди?

— У жувонманг айтдики, Матлуба чиққанида важоҳати жуда ҳам ёмон экан. «Шу жалабни ўлдиртириб юбормасам юрган эканман», дебди.

— Валижонга шундай дебдими?

— Йўқ, Валижонга айтармиди шунаقا гапни. Уйдан чиқиб келаётганда ўзига ўзи гапириб келаётган экан, ер юткур шўпир қулоғини динг қилиб эшитиб қолибди. Кейин менга айтди, «шунаقا, шунаقا гаплар бўлди, қизингизни эҳтиёт қилинг», деб қўйди. Энди тушундингизми?

— Тушундим. Айтадиган гапларингиз шумиди?

— Ҳа, шунча гапим камми сизга? Бўпти, агар камлик қилган бўлса, яна эшитсам ё эсласам келиб айтаман, — Адолат шундай деб ўрнидан туриб хайларашди. Лекин дарров чиқиб кетмади. Остонада турганича «ер юткур» ва «ўлгур»лар ҳақида яна аллақанча гапларни айтиб ташлади. Омонулло уни билагидан ушлаб, йўлга бошламаса, кечгача гапиришдан ҳам тоймайдиган эди.

Адолатни кузатгач, Омонулло бошлиқ ҳузурига кириб қотиллик юз берган уйни назорат остига олиш масаласида келишиб олди.

## АЗОБЛАРНИНГ МУҚАДДИМАСИ

«Ҳа-ҳа! Баривир урди-ку, Худо!! Ҳали бу ҳам кам сенга, бир томчи сувга зор бўлиб ўласан. Ҳа, сен қийналиб ўласан, мен эсам роҳатланиб тамоша қиласман!».

Бу овоз... қайнонасининг овози... Ўзи қани? Қаерда туриб гапиряпти?

Ҳаракатсиз ётган Тошболтанинг кўзлари жавдиради. «Ухляпманми, туш кўряпманми? — деб ўйлади Тошболта. — Йўқ, уйғоқман. Ҳаммаёқ ёп-ёруғ. Аввал домла ўқиятувди, кейин милиса келди. Бу ҳам тушми? Йў-ўқ... «Адол билан гаплашди-ку у милиса? Адол... ҳаром ўлгур Адол, мендан олдин сен ўлсанг яхши эди. Бир кун бўлса ҳам сендан кейинроқ ўлишни орзу қиласдим-а, бир кун бўлса ҳам одамга ўхшаб яшаб қолардим-а... Милисага нималар деб сасидинг-а, қанжиқ! Менга теккунингча нима қилган бўлсанг қилгансан. Ҳаммасини эшитган эдим, лекин сенга раҳмим келиб индамовдим. Ўшанда сени ўлдирворсам бўларкан. Сен...

илон... ҳаммамизни чақиб ўлдиридинг... Бир соатга бўлса ҳам тузалсам эди, ўрнимдан туриб бўғиб ўлдириардим сен аблахни. Йў-ўқ... аввал тилингни кесар эдим, сўнг бўғардим. Нафиснинг олдига юзим ёруғ бўлиб борардим...»

«Ҳа-ҳа! Сени Худо урди-ку!»

Яна ўша овоз. Тошболтанинг кўзлари яна жавдиради. Сўнг нигоҳи қотди: ёнгинасида қайнонасини кўрди. Қайнонаси ўтириб олганича эски кўрпачани сўтяпти.

«Нима қиляпсиз?» — деб сўради Тошболта.

«Сенга кафан бичмоқчиман» — деб жавоб берди қайнонаси.

«Ески кўрпачанинг астаридан ҳам кафан бўларканми?» — деди Тошболта.

«Сенга шу ҳам ҳайф. Итдай ўлиб, итдай кўмилишинг керак», — деди қайнонаси.

«Мени бунча ёмон кўрасиз-а? Қизингизни урган бўлсан жазосини тотдим-ку? Худо бир алвастига рўпара қилиб қўйди-ку?» — деди Тошболта.

«Нафисанинг ҳаётини булғаб ташладинг. Менда ҳам айб бор: уни сенга бериб юбормаслигим керак эди», — деди қайнонаси.

«Мен қизимнинг баҳтли бўшишини истаган эдим. Баҳтини топган эди», — деди Тошболта.

«Номи бузук бўлиб топилган баҳт эканми? Айт, ўзинг, жон қизим, баҳтли эдингми?»

Шу пайт қайнонасининг орқасида Нафиса кўринди: эски, кир кўйлақда, кўзларида ёш, маъюс қараб турибди. Тошболтанинг ҳеч эсидан чиқмайди: қамоқдан қайтиб, қайнонасиликiga келганида Нафисани шу ҳолатда кўрган эди. Кўриб, юрак-бағри эзилиб кетган эди.

«Қизим, бувингга айтгин, мен сенга ҳеч ёмонликни тилаганманми?»

Нафиса индамай, шу ҳолатида қараб тураверди.

«Қизим, мени қийнама, ўладиган бўлсан ҳам қийналмай ўлай, айт, баҳтли эдинг-ку, ахир?»

«Нафиса сенга гапирмайди», — деди қайнонаси.

«Нега гапирмас экан?» — деди Тошболта.

«Ўликларнинг гапирганини қайда кўргансан?» — деди қайнонаси.

«Сиз гапиряпсиз-ку?» — деди Тошболта.

«Мен сенга кафан бичиш учун атайин келганман», — қайнонаси шундай деб қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади. Ўзини тўхтатолмай тўхтовсиз кулди, сонларига шапати уриб кулди. Тошболтанинг нақ тепасига туриб олганича кинолардаги ялмоғиз кампир каби хунук кулди. Кулги жарангидан Тошболтанинг қулоқлари шанғиллаб кетди.

— Ҳе, турқинг қурсин сенларнинг, жигарларингни қурт кемириб қуритсин!..

Бу кимнинг овози? Тошболта сергак торти: қайнонаси эмас, Адолатнинг шанғиллаши бу. Кимни қарғаяпти?

— Молни эгасининг ўзига берармиш. Ким эгаси? Онангнинг маҳрига тушган мол эканми?

Шанғиши овози тобора яқинлашиб, рўпарасида Адолатнинг қаҳрли чеҳраси кўринди.

— Қанақа эркаксан ўзинг?! Фирт аҳмоқ одам ҳам шунча молни ўша ерга ташлаб келавермайди. Милисанинг гапларини эшитдингми? Э, эр бўлмай ўлибгина кетгин сен! Сенга текканимдан бери бирим икки бўлмади-я! Энди сени битимга боқаманми? Битта уколинг неча пул, биляпсанми. Тузаладиган бўлсанг, тузал, бўлмаса ўзим бўғиб ўлдириб қўя қолай. Боқишига арзийдиган эрқак бўлсанг экан, сен...

«Ношукур бўлма, шунча топиб келганим камми сенга? Учта эмас, ўттизта қиз узатишга етадиган мол йиғдинг-ку? Тилла тақинчоқларни сотсанг иккита машина беради-ку? Бунча нолийсан, қора шақшақ?!» Шундай демоқчи эди, тил айланмади. Ёлдираган овоз чиқди.

— Нима деяпсан, қайтарчи? — деди Адолат ёнига тиз чўкканича қулоғини динг қилиб.

«Ҳадеб вой-войлаб ўпкангни кўрсатавермай битта қўй олиб сўйдириб худойи қилиб юбор. Бизга бало ёғиляпти. Худойи қилмасанг бўлмайди. Боя домла ўқиётганида шу кўнглимга келди».

Тошболта шу сўзларни айтмоқчи бўлганида кўзлари қассобга қараётган қўзичноқ кўзлари каби жавдиради.

Адолат бу нигоҳга зуҳр бўлган маънони ўз ақли етганича ўқиди:

— Молларни бориб олиб келайми?

«Каллангни ишлатсанг-чи: бало ёғиляпти, деяпман сенга. Қўй олиб сўйдир, худойи қил, деяпман. Балога мен учрадим, майли, энди қизларга урмасин. Сен алвастига ҳам Худонинг атагани бордир, эсингни йиғсанг-чи!..»

Уларнинг бу таҳлитда гаплашиши соқов билан сўқирнинг сухбатини эслатарди.

— Ҳа, бўпти, нима демоқчи бўлганингни тушундим, — деди Адолат. — Эрта ё индин бориб олиб келаман. Милиса бўлса ўзига, мен индамай қўйиб берарканманми? Ношуд бўлмай қаро ерга киргин сен. Шунча молни уйга қўймай, харидорга топшириб келсанг ўлармидинг? Бу ёққа ҳовлиқиб юргурганинг билан қизинг тирилиб қолармиди? Мана, юргурганинг билан кўмиш барибир сенга насиб қилмади-ку? Худо бизга меҳрибон-да, сени шу қўйга солмаганда мўйлов жиннинг ўла қолса жиянини кўммасди. Бутун харажат бизнинг гарданимизга тушарди. Эри ўлгур қайси гўрларда экан? Хотин олмай ўла қолсин, у сўтак. Қиз билан жувоннинг фарқига бормаса...

Тошболтанинг юраги санчиб, оғриқча чидолмай инг-раб юборди. Анча босилиб қолган курагидан оғриқ ҳам уйғонди. Оёқлари юзлаб чаёнлар ҳукмига топширилгандай азоб чека бошлади. Инграш ўкириқча айланди. Ёноғига ёш томчилари думалади.

«Бўғиб ўлдирсанг ўлдира қол», деган илтижо билан хотинига боқди.

— Ҳа, шунака, — деди Адолат ўрнидан туриб, — тўғри гап түққанингга ёқмайди. Соғ пайтингда ҳам қутурган таяга ўхшаб ўкириб қолардинг. Ҳозир ҳам шунинг хумори тутдими, ҳе ўкирмайгина ўлгин сен...

«Тўхта, ҳеч бўлмаса оёқларимни силаб қўй, бу азоб билан ўлмай. Жоним чиқмасидан олдин сен ҳам менга бир яхшилик қил». — Тил бу гапга ҳам айланмади. Алҳол, бу илтижо тиш ҳатлаб айтилган тақдирда ҳам хотин томонидан ижобатга олинмоғи маҳол эди. Жавоб тариқасида унинг тилидан «Енди сенинг исқирт оёқларингни қашилаш қолувди», деган гапнинг учмоғи эҳтимолдан холи эмасди.

Тошболта азоблар исканжасида ётганида Нафиса кўринди.

«Қизим, жон қизим, кел, сен қутқар бу азоблардан».

«Қандай қутқарай? Бу азобларни мен бермадим сизга, мен қутқара олмайман».

«Бувинг мени бетўхтов қарғаяптилар. «Сени Худо урди», деб қувоняптилар. Мен Худога нима ёмонлик қилдим. Мендан бешбаттарлари ҳам юрибдилар-ку, ялло қилишиб? Биттагина айбим — онангни урганим. Ундан кейин мен ҳам одамга ўхшаб яшайнин деб ҳаракат қилдим, халос. Бошқалар еб-ичиб, майшат қилиб қорнини силаб ётганида, мен оч-наҳор яшашим керакмиди? Нима, нафс битта менда бормиди? Нафси ўпқонлар-чи? Қани, гапир, нега жим турибсан?»

«Дада, мен нафсни ўлчайдиган тарозибон эмасман. Менинг билганим — бизларни шу нафс шарманда қилди».

«Шарманда қилди? Тириклигинда ҳам шунаقا девдинг. Шармандалик нима ўзи? Кўзга кўринмаса, кўлга ушлаб бўлмаса, еб бўлмаса, кийиб бўлмаса... Одамларнинг гапими? Ўшанда ҳам айтувдим, ҳозир ҳам айтаман: тупурдим, ўша одамларнинг ўзларига ҳам, гапларига ҳам!»

«Дада, ундан деманг, шу одамлар эрта-индин сизни кўтариб жойингизга олиб боришади».

«Барибир тупурдим! Ўлганимдан сўнг кўтариб олиб боришадими ё ҳожатхонага ташлаб юборишадими — менга барибир. Сен қизим, бувингга тайинлаб қўй: ҳадеб мени қарғайвермасинлар. Уч-тўрт кун бўлса ҳам тинч яшай. Келсанг ўзинг кел, бувинг келмасин. Тўх-та, бувингга қўшилиб сен ҳам мени қарғаётганинг йўқми?»

«Нимага қарғайман, дада?»

«Турсуналига рўпара қилганим учун-да. Лекин, сен билиб қўй: бу менинг калламдан чиқсан ақл эмас эди. Алвости ўгай онанг айтувди, мен лақмага маъқул келувди. Қарғасанг ўшани қарғагин. Лекин... ўзинг ҳам Турсуналини яхши кўрардинг-ку, а?»

«Яхши кўрардим, дада».

«Яхши кўрсанг бахтсиз эмас экансан-да? Буни бувингга айтгин. Оғзимиз энди ошга етганида, бошимиз тошга етди. Охирги марта боқقا борганимиз эсингдами? Ўчоқ тагидан топган тақинчоқларимиз эсингдами? «Қораشاқшақ» буни бошқача тушунибди. Янги директор билан ўйнашиб, шунинг ҳаққига олган, деб ўйлабди у ҳароми. Сени фоҳиша деб ҳисоблади. Сенга авваллари айтмовдим, дардим ичимда эди. Менга тегмасидан аввал ўзи шунақа бўлган. Шунинг учун бошқаларни ҳам ўзига ўхшатади, у ҳароми. Қарғасанг ўшани қарға. Ўчоқ тагидан топган тақинчоқларни тақиб олувдинг. Ўлиб ётганингда қарасам, зиракларинг ҳам, узукларинг ҳам ўйқ. Ўзинг олиб қўйғанмидинг ё... эринг олиб қўювдими?»

Нафиса бу саволга жавоб бермай маъюс тикилиб тураверди.

«Билмайсанми? Унда сени ўлдирган одам олиб қўйган. Нафис, қизим, айт, сени ким ўлдирди? Ёнингдаги йигит ким эди? Фақат «ўйнашим эди», демагин. Мен ишонмайман. Сен унақа шилта эмас эдинг, қизим. Сени эринг ўлдирмаган, ундан гумоним ўйқ. Агар у ўлдирадиган бўлса, Турсуналини ўлдиради. У Турсуналини яхши кўришингни биларди. Бир марта маст бўлволиб менга йиғлаган, сенга айтувдим. «Турсунали билан учрашмасин», деб ялинган. Ўлдирадиган одам бунақа бўлмайди. Унда ким ўлдирди сени? Карvon бормаганмиди ўйингга? Ўчоқни бузган куним бир нимани сезиб ис олгандай бўлувди. Мени кўролмайди у нокас. Боғ қоровуллигини мендан олгунича атрофимда итпашшадек айланди. Кейин-кейин қилиқ чиқарди. Менинг гумоним ўшанда. Сайфини танирдинг, а? Еттинчи бўлимнинг бошқарувчиси. Сенга совчи қўйдирганида унамаганман, эсингдами? Ўша Турсунали билан гап талашиб қолганида Карvon «Сен ҳали хўжа-йинга гап қайтарадион бўп қолдингми!» деб итдай пўпалаб ташловди. Мен ўртага тушмасам ўлиб кетарди, бола бечора. Ҳе, аттанг... шу гапларни милисага айтсан бўларкан...»

Нафиса отасининг гапларига эътибор бермай тисарила бошлади.

«Қизим, кетма, сен келиб, азобларим сал нари бўлятувди. Мени қутқар, қизим...»

«Ўзимнинг азобларим ўзимга етади, дада».

«Азоб? Қанақа азоб? Ўлган одамда қанақа азоб бўлади? Ўлим ҳамма азоблардан қутқарадику?»

«Ўйқ, дада, ўлим сиз билан мен учун азобларнинг бошланиши...»

«Ундей дема...»

«Яқинда ўзингиз кўрасиз...»

Шундай деб кўздан йўқолди. Тошболтанинг қулоғига азобли фарёд овози эшитилиб, атрофига аланг-жаланг қаради. Ис босган айвон шипи, бўёғи кўчган устундан бошқа ҳеч нима кўринмади.

Кимдир ингради... Кимдир оҳ урди...

## ПОКЛИК

— Қўлингни кўтар! Фиринг десанг, отаман!

Гарданига совуқ бигиз учи тиралгандай бўлиб, Омонуллонинг эти бир сесканди. Лекин таниш овоз уни жилмайган тарзда орқага ўгирилишга мажбур этди. Синфдош дўсти Сафарнинг қилиғи унга маълум: пойлаб туриб, орқадан писиб келиб, шунақа дейишни яхши кўради.

— Отадиган одам тўппончани биқинга тирайди, қаламни гарданга санчмайди, ҳариф! — деди дўстининг қўлини эҳтиётлик билан қайирган бўлиб. Кейин уларнинг ҳаракатини кулимсираб кузатаётган навбатчига қаради: — Мени «шошилинч тарзда йўқлаётган хотин» шуми? Сержант, бу ёлғон учун нима қиласанми?

- Ўзимизнинг акахонимиз-ку?
- Бўлди, укахонга сасима. Сен капитан бўлсанг, мен — Нишоновман! «Нишонов» деганда ҳозир капитан тугул генералларингнинг ҳам ичи ўтиб кетади. Бўлди, юр, кетдик.
- Қаёқقا?
- Бугун қанақа кун? Иккинчи пайшанбами? Икки марта штрафга тушиб турибсан ўзинг.
- Йўғ-е?
- Ҳа-е! Энди сени ҳимоя қилмайман. Болалар пўстагингни қоқиб олишади.
- Аввалги «гап» куни касал эдим.
- Касал-пасалинг билан ишимиз йўқ. Аҳмаджон нима деган? Касал тугул ўлиб қолсанг ҳам ўлигининг «гап» бўлаётган уй ёнидан олиб ўтишлари керак. Кетдик.
- Ишим бор.
- Иш-пишинг билан ишим йўқ. Сержант укахон, хўжайинга айтиб қўйинг: ўртоқ Сафар Нишонов шахсан келиб, муҳим бир иш билан олиб кетдилар денг. Нишоновга қарши бир нима дейдиган одам ҳали түғилмаган.
- Омонулло Сафарнинг одатини билади. Танага ёпишган канани ёки зулукни олиб ташлаш мумкин-ку, аммо Сафар бир нима деб ёпишдими, ундан ўлиб ҳам кутулиб бўлмайди.
- Хўп, машинадамисан?
- Машинадаман, хизмат борми?
- Бор. Ҳозир дадамниги кириб ўтамиз.
- Тушунарли. Қайнонангни соғинибсан, у ерга кириб ўтишимиз ҳам тайин, а? Уялмай айтавер, мен атай бир ярим соат олдин келдим. Сенинг қилифингни биламан.
- Эртага бўшмисан?
- Фирт бўшман, ўғри овига олиб борасанми? Бензин топиб берсанг бўлди, дунёning нариги четига ҳам кетавераман.
- Омонулло хонасига кириб стол устидаги қоғозларни тартибга келтириб, тортмасига солгач, тезгина изига қайтди.
- Табиатан серғайрат бўлган Сафар машинани ҳам беҳаловат тарзда ҳайдарди. Яшил чироқнинг ўчганига парво қилмай чорраҳадан ўтиши билан йўл ҳаракати назоратчиси ола таёфини кўтариб, тўхташга ишора қилди.
- Қизилга ўтмадим шекилли? — деди Сафар тўн-филлаб. — Машинада милиса олиб юришнинг ҳеч ҳо-сияти йўқ, шунақа ишкалга рўпара бўлавераман.
- Нақ қизилнинг ўзида ўтдинг. Мен гувоҳман. Ҳужжат кетди, деявер, — деди Омонулло тегажаклик қилиб, — овора бўлма, ёнингни олмайман.
- Сенга аҳмоқ одам ялинади. Қараб тур, ҳозир тўхтатганига пушаймон қилдирвораман.
- Сафар шундай деб машинани тўхтатди-ю, аммо пастга тушмай, ўтираверди. Ҳайдовчиларнинг югуриб келиб, қўшқўллаб кўришишига кўниккан назоратчи бир оз кутди, сўнг машинага яқинлашди. Сафар ойнакни тушириб бош чиқарди.
- Ҳа, укахон, тинчликми?
- Тинчлик, ҳужжатларингизни кўрсатинг?
- Ўзинг кимсан, нега танитмайсан?
- Инспектор Нуриев. Ҳужжатингиз?
- Мени танимадингми?
- Танимадим, ака. Ҳужжатингиз? Илтимос, машинадан тушинг. — Нуриев шундай деб Омонулло томонга қараган эди, у «бопла, қўймайсан!» дегандай имлаб қўйди. Сафар эса, сумкасидан ҳужжатини олиб, машинадан тушди. Назоратчи ҳужжатларни кўриб чиққач:
- Сафар ака, нега қизилга ўтдингиз? — деб сўради.

— Нима дединг? — Сафар шундай деб худди беморни кўраётган табиб каби унга тикилди. — Мен кўк билан қизилни фарқига бормайдиган аҳмоққа ўхшайманми? Менга қара, мабодо ўзинг далтоник<sup>22</sup> эмасмисан?

— Ҳақорат қилманг, ака.

— Вей, мен сени ҳақорат қилдимми? Гувоҳинг борми? Ўзинг менга икки марта тұхмат қиляпсан. Мен сени далтоник дедим. Бу сўкиш эмас, маъносини хўжайинингдан сўраб ол.

— Ака, нима десангиз денг, қизилга ўтдингиз. Протокол ёзаман.

— Ука, сен ҳужжатни кўрдингми?

— Кўрдим.

— Фамилияни кўрдингми? Фамилияни?

— Кўрдим.

— Нима деб ёзибди?

— Нишонов.

— Нима дегани бу?

— Билмайман, Нишонбой аканинг ё ўғли, ё набираси деганидир-да.

Сафарнинг доимий қурули иш бермай, Омонуллога қараб қўйди.

— Машинадаги акангни танийсанми?

— Танимайман. Протокол тузаман, — Нуриев шундай деб қофозларини чиқарди.

— Тўхта, ҳовлиқма, анави аканг ўзларингдан, подполковник. Менинг қиз ўртоғим бўлади. Вей, Омон, туш бу ёқقا.

Омонулло кулимсираганича тушиб, назоратчи билан кўришди.

— Старшина, сигаретдан олинг, — деди бир кўзини қисиб қўйиб. Чекмайдиган Сафар ҳам назоратчи узатган сигаретдан олиб лабига қистирди. Омонулло старшинага ўт тутиб, сўнг ўзи ҳам тутатди-да, Сафарга қарамади. — Старшина сиз ҳақсиз: бу ўртоқ чиндан ҳам қизилга ўтди. Агар протокол ёзмасангиз, ўзингиздан кўраверинг. Бу ўртоқ икки марта алдаяпти: мен подполковник эмасман.

Омонулло кўз қисиб қўйгани билан бу гапларнинг ҳазилми ё чин эканини англай олмаётган назоратчи Сафарга ажабланиб қаради.

— Омон, қўй, бу гапларни. Подполковник бўлмасанг маёрдирсан, маёр бўлмасанг капитансан. Лекин менинг назарим тушган боласан. Подшозодаларнинг назари тушган милиса эрта-индин генерал бўлиб кетади. Сен бу болаларга ҳазиллашма, булар ҳазилни тушунишмайди.

— Нимаси ҳазил экан? Қонун ҳамма учун бир. Қоидани бузганингдан кейин жазосини ол.

— Шунақами? Додам роҳматли «милисадан ошнанг бўлса, ёнингда ойболтанг бўлсин», деганларида ишонмаган эканман, — деди Сафар пичинг оҳангида.

— Иккита ошна ўзларинг келишиб олаверинглар. Мен протокол ёзаман, — деди назоратчи.

— Ҳа, ёзинг, — деди Омонулло атай қитиқлаб.

— Ёзсинми? — деди Сафар пўписа оҳангида.

— Ёзаман, ака, ошначилик ўз йўлига, иш ўз йўлига.

— Бўлмаса, ма! — Сафар шундай деб унга машина калитини узатди. — Хўжайинингга бериб қўй. Машинани шахсан ўзи олиб бориб беради.

Назоратчи калитни олди-ю, савол назари билан Омонуллога қаради. Омонулло яна кўз қисиб қўйиб, сигаретини тутатаверди. Сафар эса «қўйинг ака, ҳазиллашдим», деган лутфни бир оз кутиб, лабига қистириғлик тутатилмаган сигаретни четга улоқтирди-да, қўл силтаганича нари кета бошлади. Шундан сўнг Омоннулло ўзининг гувоҳномасини кўрсатиб, узр сўрагач, машина ҳужжатлари билан калитни олиб, ҳайдовчи ўриндифига ўтирди. Сафар ўн беш-йигирма

<sup>22</sup> Ranglarni farqlay olmaydigan odam.

қадамча юриб тўхтаб, ўтаётган машиналарга қўл кўтара бошлади. Омонулло ундан уч-тўрт қадам ўтиб машинани тўхтатди-да, пастга тушиб сўради:

— Акахон, қайси томонга борасиз? Йўл-йўлакай бўлса олиб кетай, ҳарна бензин пули чиқсин.

— Укахон, катта холангизниги кетятувдим, нақ йўлимнинг ўзи, — Сафар шундай деб тўнғиллади-да, ҳайдовчи ёнидаги ўриндиқقا ўтирди.

— Сариқмассан-ку, бунча тутаб кетдинг? — деди Омонулло машинани юргизгач.

— Ҳазил деб гапираверасанми? ГАИ ҳазилни тушунадими?

— Унақада ўзинг ҳам катта кетма.

— Катта кетиб нима дебман?

— «Сенга ялинган — аҳмоқ», деган ким эди? Энди аҳмоқлигингни тан олдингми?

— Сени ошнам деб юрган одам аҳмоқ бўлмай нима бўларди?

— Бўпти, минғиллама. Бир жойда зўр пиво бор, олиб борайми?

— Пивонинг додахўжасини ҳозир бориб ичасан. Баварияницидан топиб қўйган.

Пиво баҳонасида чалғиган Сафар аразни унуди. Омонуллонинг тутинган отасиникига боришгач, у «ўзинг кириб чиқавер», деб машинадан тушмади.

Икки табақали эшик қия очиқ эди. Омонулло қўнғироқ чалиб ўтирмай ичкари кирди. Уч оёқли калта нар-вон устига чиқиб олиб, голос тераётган Бобомурод Омонулло овоз бермагунига қадар унинг кириб келганини сезмади. Омонулло ана шундан ажабланди. Табиатан сезгир бўлган Бобомурод ичкари уйда ўтиrsa ҳам кўча эшиги очилганини биларди.

Тутинган ўғлиниң овозини эшитиши билан голосга узатган қўлинни тушириб, пастга қаради. Омонулло унинг қарашида ҳам сустлик сезиб «қариятилар», деб қўнглидан ўтказди. Отасининг ҳолатидаги ўзгариш сабабини кейинроқ билди, Омонулло сўрамаса ҳам Бобомуроднинг ўзи айтди:

— Опангнинг мазаси қочиб қолди, эрталаб касалхонага ташлаб келганман. Ҳозир яна кетаман. Кечаси ёнида бўлишим керак. Ҳарна далда-да.

— Сафар оғайнимнинг машинасидамиз. Кузатиб қўямиз, — деди Омонулло.

— Е, йўқ, ҳали овқат қилишим керак. Вақтинг бўлса, эрталаб хабар ол.

Бобомурод «опанг» деб атаган аёл Омонуллога етти ёт бегона эди. Охирги марта қамоқдан чиқиб қайтаётган Бобомурод Пенза бекатида ғарибина кийинган, соchlari тўзид, кўзлари киртайган аёлни кўриб, эътиборсиз ўтиб кета олмади. «Русларга ўхшамайди-ку бу аёл», деган ўй билан қараганида вагонларга тики- либ, киприк қоқмай турган аёл беҳосдан гапириб қолди:

— Биз уч киши эдик: Валя Наманганская, Гуля ва мен. Тўғри, ўғирлик қилмаслик керак эди... Аёлнинг ўзбекчалаб гапириб қолиши Бобомуродни тўхтатди.

— Синглим, сизга нима бўлди? — деб сўради.

Аёл унинг гапларини эшитмади, ҳолатини ўзгартирмай, киприк қоқмаган ҳолда яна ўша гапини такрорлади:

— Биз уч киши эдик...

Бобомурод яна қайта сўради. Аёл ўзгаришсиз ўтираверди.

«Ўтириб чиқсанга ўхшайди, — деб ўйлади Бобомурод. — Бошига уришган бўлса, эси оғиб қолганми...»

Бобомурод нима қилишини билмай турганида милитсия маёри унга яқинлашиб ҳужжатларини кўрсатиши сўради. Ҳужжатларни синчиклаб текширгач, қай-таришга шошилмай, Бобомуродга синовчан боқди-да:

— Ҳамюртинг шекилли? — деб сўради.

— Шунақага ўхшайди, — деди Бобомурод.

— Ҳамкасбинг бўлиши ҳам мумкин, — деди маёр.

— Ҳа, шунақага ўхшайди.

— Бу ҳам қамоқдан чиқсан. Икки-уч кундан бери шу ерда. Жиннихонага беріб юборсаммикин, деб турувдим. Агар одамгарчилик қилиш қўлингдан келса, ўзинг билан олиб кет. Юртида қариндошлари бордир. Жиннининг миллати бўлмайдику-я, аммо хор бўлиб ўлиши яхши эмас.

Бобомурод милитсия ходимларини ёқтирилас эди, дейилса жуда юмшоқ қилиб айтилган бўлади. Ўн тўрт ёшидан бери тўрт марта қамоқ лагерларининг тузини тотган одамнинг нафратини ҳеч нима билан ўлчаб бўлмайди. Шундай бўлса-да, маёрнинг ҳозирги гаплари кўнглига ёқди. «Наҳот сенда туйғу бўлса?» деган маънода унга қараб олди-да:

— Бир амаллаб олиб кетаман, — деди.

— Сен бу ўтиришига қарама, салдан кейин ўзига келади, — маёр шундай деб ҳужжатларни қайтариб берди-да, нари кетди.

Аёл киприкларини пирпирата бошлагач, Бобомурод:

— Синглим, Тошкентга кетяпман, бирга кетай-лик, — деди.

Аёл унга ялт этиб қаради-да, яқин меҳрибонини кўрган одамдай суюниб, жилмайди:

— Мен уйимга кетаман! — деб кафти билан бурнини артди.

Бобомурод ёши ўттизга етмаган, кўринишидан эса элликларни қоралаган аёлнинг феъли, табиати қандай эканини йўл-йўлакай билиб олди. Аёл милитсионерни кўрса қалқиб кетарди, жиноятдан ёки қамоқдан сўз очилса, лаблари ошкора титрарди. Бобомурод шу сабабли манзилга келгунича ҳам бу мавзуда сўз очмади. Аёл турар жойини унуган эди. Бобомурод ҳужжатига қараб уни қишлоғига бошлаб борди. Аёл туғилиб ўсган уй остонасига етишганда ҳали шом намозига аzon чақирилмаган эди. Бобомурод эшикни тақиллатгач, қирқ ёшлардаги одам чиқиб Аёлни кўрди-ю, остона ҳатлаган ерида туриб қолди. Аёл ҳам унга қараб киприкларини пирпиратганича тек қотди.

— Сен кимсан, эrimисан ё шеригимисан? — деди уй эгаси дабдурустдан.

— Эри ҳам эмасман, шериги ҳам эмасман. Йўлда учратиб қолиб, қофозларига қараб бошлаб келяпман. Ўзинг кимсан?

— Ҳеч кими.

— Ҳеч кими? Танимайсанми бу аёлни?

— Танийман... — деди уй эгаси мужмал оҳангда, — мен... акаси эдим.

— Акаси эдим? Энди-чи, акаси эмасмисан?

— Ота-онам оқ қилишган, мен ҳам оқ қилган-ман.

— Нега оқ қиласан?

— Ишинг бўлмасин, бу исқиртни олу жўна бу ердан. Иснодга қолдирма бизларни. — У шундай деб ўгирилмоқчи бўлганида Бобомурод гирибонидан олди-да, қорнига мушт урди:

— Менга қара, ҳей ҳаром! Синглингни Пензада кўриб қолиб, етаклаб келдим. Ўша ерда бир ўрис, ўрис бўлганда ҳам бир мент синглингга раҳм қилди. Бу ерларда хор бўлиб ўлиб кетмасин, деди. Сен нима деяпсан? Мен тўрт марта ўтириб чиқсан одамман. Бешинчисида нима учун ўтиаркинман, деб юрувдим. Сенинг қонингни ичиб ўтираман шекилли? Қани, жонингни суғуриб олмасимдан айт-чи, нима учун оқ қилгансан?

— Шаҳарда ўқияпман, деб ўғриларга қўшилиб кетиби. Бизларни номусга қўйди.

— Сенда ҳали номус ҳам борми, ҳаром! Касал синглингни оқ қилдим деб, кўчага ҳайдаб қўйиб, яна номусдан гапирасанми! Ота-онанг қани?

— Ўлиб кетиши.

— Қовурғангнинг орасига панжамни тиқиб юрагингни суғуриб олгим келяпти. Лекин шу синглингнинг ҳурмати учун ҳозирча тирик қоласан. Сени йўқлаб алоҳида келаман. Номус нима, инсоф нима, виждан нима — гаплашиб оламиз. Ҳозир эса, ҳамма қўшниларингни чақир.

Ака аввалига кўнмади, бироқ юмшоқ ерига уч-тўрт тепки тушгач, буйруқни бажарди. Айрим қўшни аёллар тошдек қотиб турган Аёл билан кўришмоқчи бўлишиди. Баъзилари эса, остоналаридан узоқлашмай чўчиган ҳолда қараб тураверишиди.

— Қўшнилар, билиб олинглар: мана бу ҳаром одам ака экан. Бу ифлос одам синглисими оқ қилганмиш. Қамалган қизлар оқ қилинса, кўчаларда хор бўлиб ўлсин, деган қонун борми ўзи? Қаранглар, синглиси касал. Шу аёлга бир ўриснинг раҳми келди, акасининг эса раҳми келмайди. Энди мен шу аёлнинг номидан гапираман: у акасини оқ қилди, билиб қўйинглар! Энди мен унга ака, у менга сингил! Омин! Фотиҳа беринглар!

Бирор фотиҳа қилган бўлди, бирор қимир этмади.

— Биз уч киши эдик: Валя Наманганская, Гуля ва мен. Тўғри, ўғрилик қилмаслик керак эди...

Аёл бу гапни аввал секинроқ айтди, сўнг баланд овозда қайтарди-да, қах-қах отиб кулди, кулаверди...

Бобомурод ҳайрон бўлди: шу пайтгача Аёл кулмаган эди.

Қўшнилар бирин-сирин уйларига даф бўлдилар. Аканинг ҳам қораси ўчи. Бир пиёла чойга таклиф этувчи инсоф эгаси топилмади.

Қишлоқдан чиқишганда қош қорайган эди. Бобомурод бирон хонадон эшигини тақиллатиб бошпана сўрашни истамади. Ўз майлига қўйиб берилган кекса тулпор каби йўлнинг ўртасидан аста юриб бораверди. Аёл икки қадам орқада, унга мутелик билан эргашган эди. Бобомурод кўп зулм кўрган — зулм ҳам қилган, оқибатсизлик тузини тотган — ўзи ҳам оқибатсизлик заҳрини бошқаларга ялатган, оз бўлса-да, меҳр шаробидан лаззат олган — оз бўлса-да, бошқаларга ҳам илинганд, инсоннинг ҳайвондан ҳам тубанроқ тарзда хорланиши мумкинлигини кўрган, вақти келса, бош-қаларга ҳам кўрсатиб қўйган одам эди. Аммо бугунгидай ҳолатни учратиш нима экан, эшитмаган, ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган эди.

У ҳам, изидан келаётган маъсума ҳам, Бобомуродга фотиҳа берганлар ҳам, бермаганлар ҳам Оллоҳни танишмас эди. Бунинг учун уларга айб жандасини кийдирмоқ ноинсофлик бўлар. Туғилганларидан то айни дамга қадар бирон бир имон эгаси Яратган тангрини танишга даъват этмади. Яхшилик билан яшаганларга жаннат эшиклари очилажагиу, ёмонлик қилганларга бу дунёдаги қамоқдан ташқари дўзах азоблари борлигини ҳеч ким айтмади, тушунтирумади. Уларнинг ҳар бирлари инсоф, виждон, иймон, меҳр-оқибат тушунчаларини ўзларича англашарди. Бу дунё синовли дунё эканини, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир сўз имтиҳон тарозусида тортилажагини ўйлаб кўришмаган эди. Айни дамда зўр бир имтиҳон содир бўлаётганидан ҳам бу ғофил бандалар бехабар эдилар.

Қўшнилар уй-уйларига киргач, содир бўлган воқеани ўзларича муҳокама этиб, ўзларича баҳолар эдилар:

- Худо ёмон урибди, бечорани. Ота-онанинг қарфиши ёмон-да.
- Худо жазолабди...
- Жазосини берибди...

Алҳол, Тангрининг жазосига учраган ким? Аёлми, акасими ё шу қўшниларми? Валлоҳи аълам, биссавоб...

Йўлда бораётган Бобомурод буларни ўйламайди. Руҳоний масалалар, руҳоний ҳукмлардан узоқ бўлган бу одамнинг ўз дунёси, ўз ўлчамлари, ўз ҳукми, ниҳоят... ҳукмнинг ижроси бор. У «Худога солдим», «Бир кунмас бир кун уларни Худо уради» ёки «Худойим, ўзинг жазоларини бер», деб ўтирумайди. Масалани ўзича осонгина ҳал этади: ўзи ҳукм чиқариб, ўзи ижро этиб қўя қолади. Ҳозир ҳам шарт изига қайтгиси, аканинг юрагини суғуриб олгиси, бу бемехр юракни итларга ташлагиси келди. Жуда-жуда истади шундай қилишни. Бироқ, оғир-оғир қадам ташлаб келаётган чорасиз Аёлнинг қисматини ўйлаб, ўзини босди. Ҳозир қайтиб Акани чертса ҳам қамалиб қолиши оқибатида Аёл қўчада хорланиши ёки жиннихонада азоб чекиб ётиши мумкинлигини у биларди.

Туни билан юриш фойдасизлигини англаб, ташландиқ шийпон яқинида тўхтади. Бир оз ўйланиб тургач, шийпонга қараб юрди. Хас-хашакларни оёғи билан сидириб тозалаган бўлдида, ўтиреди. Аёл Бобомуродга яқин келишдан қўрққандек шийпон ёнида тураверди. Бобомурод аввалига индамади. Сўнг:

— Ўтири, — деб қўйди.

Аёл таклифни эшитмагандек тек тураверди.

— Ўтири, синглим, — деди Бобомурод юмшоқроқ оҳангда. — Эрталабгача дам оламиз шу ерда.

Аёл гўё шийпонни қимирлатиб юбормай дебми, эҳтиётлик билан қадам босиб чиқди-да, нарироққа бориб чўнқайди.

— Энди мен акангман. Энди сен хор бўлмайсан. Сен улардан ранжима. Улар ўғрини одам ўрнида кўришмайди. Мен эса, уларнинг ўзларини одам қаторига қўшмайман.

— Мен ўғри эмасман!

Секингина айтилган бу сўз аслида қалбнинг портлашидан ҳосил бўлган нидо эди. Бу учтагина сўз кўп йиллик ғам-андухлар занжирини узиб тилга чиқкан эди. Бу гапни уйи олдида акасига айтмоқчи эди. «Барибир ишонмайди», деб айтмади. Янги акасига айтди. Қонсиз лаблардан учган бу сўзларни Бобомурод эшитди.

— Ўғри эмаслигини бир қарашимдаёқ билган- ман, — деди у. — Ўғри бўлганингда сени етаклаб юрмас эдим, ўзингни ўзинг эплардинг. Сендан яширмайман: мен ўғриман. Тўғрироғи, ўғри эдим. Қамоқда онт ичдим: бу ҳунарни ташлайман. Менинг бир ўғлим бор, шу юришим бўлса, уни баҳтсиз қилиб қўяман. У яхши бола... энди у сенинг жиянинг. Сен ҳали ёшсан, синглим, ҳадеб сиқилаверма. Сиқилган билан бирор сенга раҳм қилмайди. Ундан кўра мазза қилиб яшайвергину одамларнинг гапларига ҳам, қилиқларига ҳам эътибор берма. Ўйлаб кўрчи, сени ўғри деганларнинг ўзлари тозамикин? Агар тозаси шунаقا бўлса, наҳс босгани қанақа бўларкин? Биз энди бир-бировимизга суюниб яшаймиз. Бу ҳам катта бир баҳт. Дунёда суюнчиғи йўқ якка маҳов одамлар тиқилиб ётиби.

Бобомурод шу гапларни айтиб анча енгил тортиди. Аёл эса унга жавоб қайтармади.

Қоронғи осмонга юлдузлар тошиб, само ҳуснини безади. Бобомурод жағини тиззасига тираб бу мўъжизага боқди. Юлдузлар — сайёralарми ё катта-кичик самовий жисмларми — у билмайди. Унга маълуми — юлдуз учгани кимнингдир жон узилганидан нишона. Ҳали ўзини тутолмай Акани ўлдириб қўйса ҳозир битта юлдуз учган бўлармиди... «Наҳотки ҳамманинг жони шу юлдузларда бўлса, — деб ўйлади у. — Наҳотки ифлос одамларнинг ҳам жони шундай беғубор, шундай покиза осмонда бўлса. Бунақа одамларнинг жони ҳожатхонага ташланса, ҳожатхона ҳам булғанади... Йў-ўқ, юлдузлар одамларнинг жони эмасдир. Балки... шу аёлга ўхшаб хўрланганларнинг кўзларидаги ёш осмонга учиб, юлдузларга айлангандир... Қизиқ... бу нима учун йиғламайди? Шунча гапдан кейин ҳам йиғламади. Йиғласа бўларди, енгил тортарди...»

— Синглим, сен мендан тортинма, йиғлагинг келаётган бўлса йиғлайвер. Эркак бўлсам ҳам баъзан йиғлагим келади...

Аёл жавоб бермади.

Тун яримлаганда Бобомуроднинг уйқуси келди. Тиззасига бош қўйганича мизғиди. Беш-үн дақиқадан сўнг чўчиб уйғонди-да, «кетиб қолмадимикин?» деган хавотирда Аёл томон қаради. Аёл тошдек қотиб ўтиради. Бобомурод бир неча марта мизғиди. Ҳар сафар чўчиб уйғониб, хавотирланган тарзда Аёл томон қааради.

Тонгни шу зайлда қарши олдилар...

Ўшандан бери Аёл шу уйда яшайди. Омонулло уни дастлаб кўрганида «Отам у ёқларда уйланибди-да», деб ўйлади. Сўнг бошқа-бошқа хоналарда ётишларини билиб, муомалаларида эр-хотинлик меҳри йўқлигини сезиб, ажабланди. Отасидан «Ким бу?» деб сўрамади. Бобомурод эса «Синглим», деб гапни қисқа қилиб қўя қолди. Аёлнинг «Биз уч киши эдик...» деган гапларини эшитгач, қанақа сингил эканини ўзича тахмин этди. Тахмин нотўғри эканини кейинроқ билди. Бир куни Бобомурод унинг тилига чиқаролмай юрган барча саволларига бира тўла жавоб берди:

— Мен ҳаммасини аниқладим: бу қиз бир номарднинг қўлига тушиб қолган. Бир ўғирликни шу бечоранинг бўйнига қўйиб юборишган. Тухмат билан кетган. Ҳаммасини аниқладим, ҳаммаси ҳал бўлди.

Омонулло:

— Нима ҳал бўлди? — деб сўраганида Бобомурод:

— Тухмат қилганлар жазоларини олдилар. Бу пок аёл, истасанг «амма» дегин, истасанг «опа» — деган эди.

Омонулло отасининг кўнглига қараб «опа» деди. Аёлни ҳар кўрганида унга ачинарди. Кейинчалик Аёлнинг ранг-рўйи яхши томонга ўзгарди. Чеҳрасида ёқимли нур ҳам пайдо бўлди. Лекин «Биз уч киши эдик...» бошланганида бетлари бирдан қорайиб, кўзларидан нур қочиб хунук ҳолатга келиб қолар эди.

Бу Аёлнинг келганига ўн икки-ўн уч йил бўлдими ё ундан ошдими, Омонулло аниқ эслолмайди. Қамоқдалигида «ўғлим, бундан бу ёғига фақат сен билан бирга бўламан», деб хатлар йўллаган одам Аёлнинг атрофида парвона бўлишдан ортмай қолди. Аёл кўп гапирмасди, овоз чиқариб кулмасди. Бир нарсадан хурсанд бўлса салгина жилмайиб қўярди халос. У жилмайганида Бобомуроднинг назарида бутун олам чароғонлашиб кетарди. Тундлашса эса унинг юраги сиқилиб кетарди. Шундай пайтларда баъзан «Хой, гапирсангчи, соқов эмассан-ку ахир!» деб койиб ҳам берарди. Шунда Аёл заифгина жилмайиш ҳадя этиб, унинг кўнглигини равшанлантироқчи бўларди.

Омонулло отасининг бугунги кайфиятидан сездики, Аёлнинг касали шунчаки ўткинчи хасталик эмас. Шу боис Омонулло «Отамга далда бўлар», деб бир оз гаплашиб ўтироқчи эди, Бобомурод унамади. «Ўртоғи билан келган бўлса, ҳойнаҳой бирон ёққа кетишаётгандир», деган хаёлда «менга ҳалақит берасан», деб кузатди.

Қайнонасиникига Сафар ҳам кириб, бир-икки пиёла чой ичишгач, изларига қайтишди.

— Хафа бўлмагину оғайни, опангни кўрсам юрагим сиқилиб кетади, — деди Сафар машинага ўтиргач.

Омонулло унга бир қаради-ю, индамади. Сафарнинг бу аёлга ачинганидан эмас, иргангани учун кирмаганини биларди.

Аёл бу уйда пайдо бўлганида шу атрофда яшовчиларнинг айримлари ундан ҳайиқишиди, баъзилари эса ирганишиди. Шу кўчада, шу уйда туғилиб униб-ўсган Бобомуроддан барча ҳайиқарди. Қамоқдан қутулиб келиб, кейин яна қамалиб кетгунига қадар бирор үнга юрак ютиб тик қарай олмасди. Бобомурод бу маҳаллада бирорнинг чўпини олмаган, бирорни чертмаган, бирорни сўқмаган бўлса-да, «ўғри» деган ном билан юргани учуноқ ҳамма ҳайиқарди. Аёлдан ҳайиқишлирига сабаб ҳам айнан шу эди. Аёл кўчага кам чиқарди. Чиққан маҳалида ўзига хавотир билан қараб турганларини сезса, жилмайишга ҳаракат қиласарди. Ирганаётгандарини сезса юзини тескари буриб оларди. Бир йили Омонулло Сафар билан кирганида опаси касаллик хуружидан энди ҳоли бўлиб турган пайти экан. Эси ўзига қайтгани билан рангидаги тундлик тарқамаган, паришон соchlарини тарашга ҳали улгурмаган экан. Ўшандан Аёл Сафарнинг қаравиданоқ унинг ирганаётганини сезди. Улар уйга кириб ўтиришгач, хонасига ўтиб ўзига оро берди. Сўнг дастурхон тузади. Чой қўйиб аввал Бобомуродга, кейин Омонуллога узатди-да «ўртоғингизга» деб пичирлаб қўйди. Омонулло шундан сўнг Сафарнинг ирганганини ҳам фахмлади, опасининг одатини ҳам билди.

Ўшандан бери анча йиллар ўтди. Сафар билан яна бир неча марта келди. Ўшандан бери Сафар остонаяга қадар келади-ю, ичкари кирмайди. Ҳар гал «юраги сиқилиб кетишини» айтади. Сафар қанчалик яхши дўст ҳисобланмасин, мана шу каби одатлари, кибрга бандалиги Омонуллога ёқмайди. Баъзилар дўст танлаш имкониятига эга бўладилар. Баъзилар эса борига шуқр қилиб юрадилар. Омонулло ана шу иккинчи тоифага мансуб. Болалар уйида орттирган дўстлари турли томонларга тарқаб кетишиди. Иккитаси хасталик туфайли, учтаси эса жиноятчиларга қўшилиб қолиб бу дунёни тарқ этди. Институтдагилар ҳам турли шаҳарларда

ишлашади. Бирининг бўш вақти иккинчисига тўғри келмагани учун ҳам кам учрашишади. Ойда бир учрашиб турадигани — шу синфдошлари. Худо унга синфдошларни танлаб-танлаб берган. Кибрли, худбин, дарди мол-дунё бўлган болаларнинг бир синфга қандай жамланиб қолганини Яратган билмаса, бандаси билолмайди.

Буларнинг ичида хокисори ана шу Омонулло эди. Синфдошлар уни ошкора тарзда менсишмади. Булар орасида фақат Сафаргина меҳрибон эди унга. Ота-онаси ҳам Омонулло киргудай бўлса кўкрагидан итармай, ўғлининг суюмли меҳмони сифатида иззат қилишарди. Мактабни битиргач, беш-олти йилмикин, синф-дошлари билан деярли кўришмади. Милитсияда ишлай бошлагач, улардан бирининг иши тушди-ю, «гап» деб аталмиш зиёфатга чорланадиган бўлди. Ўшандан бери ҳар ойнинг иккинчи пайшанбасида улар билан «гап ейди». Гарчи улар билан мактабда бирга ўқиган бўлса-да, ўзининг бу даврага бегоналигини ҳис қилиб турди. Уларнинг яшаш тарзлари, дунёқарашлари, фикрларини ҳазм қила олмайди. Айниқса кейинги пайтларда ўзини тортишга баҳона қидирадиган бўлиб қолган. Даврада ҳол-аҳвол сўрашаётганида «бола-чақалар омонми?» дейилганида унинг юраги увишадиган одат чиқарган. Ўртоқлари унга «хотининг нега туғмаяпти?» деб дашном беришмаса ҳам шу савол кўндаланг тургандай ўнғайсизланаверади. Айримлар беихтиёр равишда, саволни кимга бераётганини, оқибати нима бўлишини ўйлаб кўрмаган тарзда «бола-чақалар қалай?» дейишганда Омонуллонинг юрагидан бир томир узилгандай бўлаверади.

Ҳозир Омонулло рухини темир исканжага олувчи давра сари борарди. Сафар ўзи келмай телефонда эслатганида бормасликнинг чорасини топарди. Отасиникига келгунича дўстига қитмирлик қилиб, кўнглини хушламоқчи эди. Сафарнинг «юраги сиқилганини» эшитиб ўзининг ҳам кўнгли хуфтон пардасига ўрала бошлади. Тумтайиб олмаса-да, гапиргиси келмади. Сафар унга қараб-қараб қўйиб:

- Мендан хафа бўлдингми? — деди узрли оҳангда.
- Сен хафа бўлишга арзийдиган одаммассан, — деди Омонулло зардали пичинг билан.
- Хўп, ҳисоб, — биру-бир. Аразлаган — ўғри, — Сафар шундай деб кафтини узатди.

Омонулло рұксиз ҳолда шапати уриб қўйди-да:

- Опам касал эканлар, — деди. — Эрталаб кириб ўтамиш.
- Бўпти, — деди Сафар жонланиб. — Зўр кабобнинг ўғил боласи мендан.
- Кабоб емасалар керак. Реаниматсияда эканлар.
- Ўзлари емасалар дўхтирлар ейишади. Дўхтирларнинг томофини ёғлаб турсанг, яхшироқ қарашади. Ўзингдан ибрат олмайсанми? Дўхтир нимаю милиса нима? Милисани мойламасанг — қамоққа жўнатади, дўхтирни мойламасанг, ундан ҳам баттар — нариги дунёга жўнатади. — Айтган гапи Сафарнинг ўзига хуш ёқиб, ҳузурланиб кулди. — Гапим ёқмаса ҳам кўнгил учун салгина тиржайиб қўй, ҳей «кайфитанг».

Йўлнинг қолган қисми Сафарнинг мазали-мазасиз, ёқимли-ёқимсиз ҳазиллари билан босиб ўтилди. «Гап» деб аталмиш зиёфатга барвактроқ бориб қолишган экан, Сафар мақтаган пивонинг «додохўжаси»ни ичиб роҳатланиб ўтиришди. Уй эгаси пайтдан фойдаланиб, ўзини қизиқтирган сиёсий масалаларни ойдинлаштириш мақсадида Омонуллони гапга солди:

— «Время»ни кўрдингми, Берлин деворларини йиқитишибди-я! — деди ажаблангансимон. — Мен бултур борувдим ўша ерга. Зўр дўконлари бор эди. Улар ҳам кетганмикин?

Омонулло дарров жавоб бермади. Пивони симириб унга қараб олди. Берлин деворларининг йиқилишидан, ярим асрдан зиёдроқ айри-айри яшаган халқнинг қўшилишидан дунё нима ташвишда-ю, нима қувончда? Бунинг ғами эса деворга яқин ердаги майда дўконларда.

- Деворни нимага бузишяпти, биласанми ўзинг? — деди Омонулло ғашланган тарзда.
- Фиш-пиши керак бўлиб қолгандир ё пахса девор эканми? — деди Сафар қитмирлик билан.
- Сен жим тур, — деди уй эгаси уни жеркиб, кейин Омонуллога қараб елка қисди: — шунга ҳайронман. Туппа-тузук баланд деворлар эди.

— Каллани ишлат: ўша ерда кўрган дўконларинг кичиклик қилиб қолибди. Деворни бузиб ўрнига катта дўконлар қуришади. Иккита эшиги бўлади. Бир томондан ғарбий берлинликлар киради, иккинчисидан шарқликлар.

— Гапни ҳам эзворасан-да, а? Вей, милиса бўлмасам ҳам у-буға ақлим етади. Ғарбий Берлинни узоқдан бўлса ҳам кўрганман. У ёқда зўр «импортний» моллар бўларкан. Ана энди борадиган бўлди Берлинга.

Улфатлар бирин-сирин келишиб, «Берлин девори» масаласи сурилди. Бунинг ўрнига «беш юз кун» деб ном олган иқтисодий режа муҳокама қилиниб, бу режа эски шаҳардаги гўшт бозори талабларига жавоб беролмагани учун инкор этилгач, сомсаларни еб, шўрваларни ичишиди-ю:

— Қани, кўмирхонага ўтдик,— деган таклиф билан дастурхондан пича узоқлашиб, уй бурчагида давра қу-риши.

«Кўмирхона» — қимор ўйналадиган жой. Бир-бирига аҳил, бир-биридан жонини аямайдиган дўстлар беш-үн тийин тикишдан бошлаб сўмларга ўтадилар. «Кўмирхона»да фаолият бошламай туриб бир-бирларининг ҳатто неча юз сўмлик қарзларидан кечиб юборадиган мард, меҳрибонлар қиморда ўн-йигирма ти-йин устида сўкишиб, ёқа бўғишиб кетадилар. «Гап»га кечикиброқ келган дўстларига «қалай, яхшимисан?» деб, ўтирган ерларида қўл узатиб қўя қоладилар. «Бола-чақа яхшими?» деб ҳол-аҳвол сўрашга фурсатлари ҳам, фаросатлари ҳам етмайди. Омонулло қартага уста бўлгани учун «кўмирхона»дан умрбод бадарға қилинган. Қайсиdir йили Омонулло Москвага борганида тўртта бир хил кўринишдаги қарта тўплами олиб келиб, ҳар бир тўпламдаги «туз»ларни аралаштириб ташлади. Ўттиз олтида қартада тўртта ўрнига ўн олтида «туз» мавжудлигини «кўмирхона»дагилар кейинроқ билиб қолиши. Мана шу ҳазил баҳона бўлиб Омонулло жазоланди — ўйиндан тамоман четлаштирилди. У ҳатто бирорга маслаҳат бериш ҳуқуқидан ҳам маҳрум эди.

Омонулло ўйин қизимай туриб Сафар билан эрталаб учрашишни келишиб олди. Ўйин «сен фирром қилиб ютаяпсан», дейдиган даражага етганда секингина туриб, чиқиб кетди.

## ФИТНА

(Қотилликдан аввалроқ содир бўлган воқеа)

Омонулло Берлин деворлари қисмати ҳақида пичинг сўзларни айтиётгандан, ўртоқлари эса беш юз кунга мўлжалланган иқтисодий режани инкор қилиб ўтиришгандан анча илгари, тунда, қамоқ лагерида бир фитнага тайёргарлик бошланган эди.

Нуридин ўша куни уйидан мактуб олиб аввал қувонди, кейин кўнгли чўқди. Мактубда дилга оғир ботувчи сатрлар йўқ эди. Қишлоқдаги ҳамманинг сиҳат-саломатлиги ҳақида ёзилиб, охирида «ўртоғинг Шердор ўйланяпти», деган хушхабар айтилганди. Нуридиннинг назарида шу хушхабар ботининда онасининг армонлари яширишгандай бўлди. Ҳарбийга кетаётган пайтида онасининг маъюс узори яна кўз олдида гавдаланди. Нуридинни саккизинчи синфдан сўнг ўқитишга қўллари калталик қилди. Ҳарбийдан олиб қолишига эса ундан-да калталик қилди. Шунда ҳам ношукр бўлмай, умид билан кузатган эди. «Бирортасини хушлаб қолган бўлсанг айтиб кет, унаштириб қўяй, келишинг билан, Худо ҳоҳласа, тўй қиласиз», — деган эди. Нуридиннинг ҳушлагани бор бўлса-да, онасига дадил айтишга журъати йўқ эди. Ўртоқлари бирин-сирин ўйланяпти. Ҳар бирининг тўйида онасининг яраси янгиланади. Нуридин онасининг шу ҳолатини кўз олдига келтириб, эзилди. Барча уйқуга кетганида ҳам у мижжа қоқмай ётди. Тун яримлаганда мизғигандай бўлди. Туш ҳам кўрди шекилли... Бироқ, бу тушми эди ё рўёми, фарқлай олмади. Назарида кўзлари очиқ эди. Дарбадар тўсатдан пайдо бўлмади, барак эшигини очиб кирди-да, тахталарни ғижирлатиб юриб келиб, унинг рўпарасида тўхтади. Ҳа, тахталарнинг ғижирлаганини аниқ эшилди.

— Ҳа, той бола, уйқу келмаяптими?

Нуридин ажабланди: уни кичиклигига «той бола», деб эркалашганини Дарбадар қайдан билди экан?

— Сен бунда бедорсан, юртда эса барча ғафлат уйқусидадир. Озодлик истовчи қалблар мұхрланғандыр. Қалбларнинг қуллікка мойил эканини билурмисан, бұтам? Уйғониш фурсати келганини англаюрмисан, бұтам? Юрак қонлари ила Ватан боғин обод қилмоқни фаҳм этмасмисан, бұтам?

Дарбадар саволлар берди-ю, нечундир жавоб күтмади. Балки Нуридиннинг бу саволларга жавоб қайтармоғига ақли қосир эканини билдими экан? У тахталарни ғижирлатып юриб келган эди, турған ерида тутунга айландию шипга күтарилиб күздан йўқолди. Нуридин бу сирсиноатни тушунолмай гаранг бўлиб ётганида маҳбуслардан бири унга яқинлашиб, елкасидан аста туртди-да, «ташқарига чиқ, кутишяпти», деб тезгина изига қайтди. Нуридин бу ерда «ким чақир-япти, нима учун?» деган савол берилмаслигини бил-гани сабабли индамади. Бу ерларда чақирилдингми, бас, чиқишга мажбурсан. Яхшилик билан чақирилган бўлсанг, яхшилик билан қайтасан, тонгни ўз ўрнингда қаршилайсан. Ёмонлик қасида чорланган бўлсанг, тўшагинг етим қолади.

Нуридин бир неча дақиқа ҳаракатсиз ётгач, қаддини кўтарди. Баракдан сал нарида, майдон чеккасидаги дарахтга суюниб сигарет тутатаётган Тенгизни таниб, хавотирсиз равишда ўша томон юрди.

— Ҳа, Ҳамзат, — деди Тенгиз унинг саломига алик олиб, — уйқунгни ҳаром қилдимми?

— Йўқ, уйқум келмай ётувдим, — деди Нуридин.

— Одамнинг кўнгли сезгир бўлади, ёмонликни тез пайқайди.

— Ёмонликни? Қанақа ёмонликни?

— Бу ёққа юр, — Тенгиз шундай деб уни баракнинг чироқ нури тушмайдиган қоронғу томонига бошлади. — Бир фитна тайёрланяпти. Ёмонликни бизнинг қўлимиз билан амалга оширишмоқчи.

— Бирорни ўлдириш керакми?

— Бирорни ўлдириш учун бош қотириб фитна ясаш шарт эмас. Бир жанжалнинг уясини кавлаб беришимиз керак.

— «Биз» деганингиз ким?

— Сен, мен, менинг атрофимдагилар, яна беш-олтита аҳмақ. Бир-икки кун ичиде Янис амакингга ўхшаб Болтиқ бўйларидан келгандар ёппасига дўппосланиши керак. Улар ҳам калтак ейишлари керак, ҳам жанжал бошлаган, деган айбни бўйинларига олишлари шарт. Балки биз томондан одамлар яраланар, балки ўлар. Менга аниқ айтишмаган бўлса ҳам кўнглим шуни сезиб турибди. Агар кўнглим алдамаса, одам ўлдирилса, энг аввалида Янис амакинг кетади.

Тенгиз «Янис амакинг» деб айтаётган одам билан Нуридин кўпинча бирга ишларди. Турсуналидан безиб, узоқлашган пайтда унга шу мулоим одам билан шерик бўлиб ишлаш маъқул келиб қолган эди. Ёши олтмишдан ошиб, кучдан қолган, баъзан хасталик хуруж қилгандা азоб чекувчи бу одам ўзини меҳнатдан олиб қочмасди. Имкони борича ўз вазифасини бажаришга интиларди. Нуридин кўмаклашмоқчи бўлганида «ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши керак», деб унамас эди. Ана шу беозор одам нима гуноҳ қилибди-ки, уни дўппослашса, сўнг эса «қотил» деган тұхмат билан айлашса...

— Гапимга тушунмадинг-а? — деди Тенгиз. — Сен жуда хомсан, бола. Ҳа, хомсан! Янис амакинг нима учун қамалган, биласанми?

— Ҳа, ишхонасида электр чойнақдан ўт чиқкан экан...

— Бу бир баҳона, Ҳамзат. Янис амакинг аслида сиёсий маҳбус. Лекин бизнинг «еркин ва улуғ» Советлар мамлакатидан сиёсий қарашлар учун қамаш мумкин эмас. Унинг тажрибаонасига ўт қўйишиб, тұхмат билан қамашган. Аслида у зўр физик олим бўлган. Ватанини руслар босиб олганини очиқ айтган, халқини озодлик юришига даъват этган. Мана, сенинг ҳам, менинг ҳам юртимни руслар босиб олишган. Биз шуни очиқ айта оламизми? Йўқ.

Майли, мен бир ўғриман, бунақа гапларга ақлим етмас. Сен ҳам ғўрсан, ёшсан, илми йўқ бир қовоқ калласан. Сени ҳам айблаб бўлмайди. Лекин олимман, зўрман, деб керилиб юрганларимиз айтишадими? Ё халқига юзланиб, турларинг, озодлик учун курашларинг, дейдими? Шунинг учун ҳам Янис амакингни ҳурмат қиласман. Ҳозир Москвада Янисга ўхшаганлар рус ҳукумати билан теппа-тенг олишадиган бўлиб қолишган. Назаримда улар сиёсий маҳбусларини озод этишни талаб қилишяпти. Бу ҳукуматни чақаётган энг муҳим нарса — улар Совет Иттифоқидан ажralиб чиқай деб туришибди. Моск-ва энди уларни ширин ёлғонлари билан ушлаб туролмайди. Фитнасиз иш битириши қийин. Шунинг учун ҳамма ерда ҳар турли фитналар кўтаришга буйруқ келганга ўхшайди. Бу ердаги фитна бизнинг қўлимиз билан бўлади.

— Кўнмасакчи? Ур, деса ураверамиزم? Ўғриларнинг ор-номусига тўғри келмайди-ку, бу? Сиз томондан хоинлик бўлмайдими?

— Бу гапларни қўй, Ҳамзат. Ўғрилар ҳеч қачон буларга хизмат қилмаган ва қилмайди ҳам. Гап янисларнинг тақдиди устида кетяпти. Уларни урмасак бўлмайди.

— Нега? — Нуриддин ажабланганидан овозини бир парда кўтарганини ўзи ҳам сезмай қолди.

— Бақирма, — деди Тенгиз елкасини муштлаб. — Ақлингни ишлат: биз урмасак, бошқалар ўладиган қилиб уради. Аввал менга топширишди бу ишни. Кейин Кошакни ҳам чақиришди. Унга нима дейишгани номаълум. Агар йўқ, десак пайимизга тушишади. Мен-ку, бундан қўрқмайман, сендан ҳавотирдаман. Эрта-индин муддати тугайдиган аҳмақлар билан Кошак ишга киришгудай бўлса, ёмон қилади. Шунинг учун сени чақириб айтишса, ҳақиқат талашма, жигига тегма. «Яхши бўлди, қўлим қичиб турувди», деб қўя қол. Уруш чиқса сен Янис амакингни урасан. Унга тайинлаб қўй, у бошқаларга айтсин, олишиб, муштлашиб юришмасин, қўлларига ҳатто темир қошиқ ҳам олишмасин. Фақат ўзларини ҳимоя қилишсин, бошлари билан биқинларини эҳтиёт қилишсин. Ўзинг ҳам эҳтиёт бўл. Ола-тасирда Кошакка ўхшаган бир аҳмақ сенгами ё менгами пичноқ тиқволиши мумкин. Англадингми? Бор, энди ухла.

Шу гаплардан кейин одамнинг уйқуси келар эканми? Нуриддин бир тўп чақириканак устида яланғоч ётгандай қийналиб чиқди. Сиёсат бобида онги паст даражада бўлган бу йигит қамоқдаги бир кекса одамнинг Москвадаги ҳукуматга қандай ёмонлик қилиши мумкинлигини билолмай гаранг эди. Ҳар қандай рақиб учун, айниқса сиёсий муҳолиф учун одамнинг жисмигина эмас, балки фикри, рухи ҳам хавфли эканини англаш мартабасига етмаган эди. Буни Дарбадар тушуниши мумкин эди. У йўқлик дунёсида, фикрлари эса муҳожирот тупроқларига сингганича қолди. Фарёд-ларини тоғу тошлар бағрига ололмади, кўзларидан оққан аламли ёшлардан замин сесканди.

Нуриддин Дарбадар билан Янис тақдидира ўхшашлик топмади. Зоҳиран шундай, у ҳак эди. Бироқ қалблар яраси икковида бирдай эди. Дарбадар «Оҳ, Ватан!» деб жон берди. Янис ҳам шу қалб фарёди билан бу азобларга йўлиқди. Энди эса яна бир дўзах азобига ҳукм қилиниб турибди.

Нуриддиннинг изидан қараб қолган Тенгиз баракка, ётар жойига кирмади. Қамоқ лагерининг ҳамма учун мажбур бўлган қатъий қоидаларига амал қилмаслик унинг одатий ҳоли эди. Фақат ўзи эмас, балки унинг илтифотига сазовор бўлганлар ҳам бу қоидаларни бузишга ҳақли эдилар. Ана шунинг учун ҳам Нуриддин тунда баракдан, кундузи эса иш жойидан нари кетса бирор танбех бермасди. Тенгизнинг ўзига-ку бу ер номигагина қамоқ эди. У «ўзига хон, ўзига бек» бўлса-да, босар тусарини билмай қадам босмасди. Қамоқ лагери ҳожаларига бўйсунмагандай юрса-да, улар томондан тасодифий зарбани кутиб яшарди. Бу оқшом Янисларга уюштирилаётган фитна уни сергак торттириди. Қамоқ лагери бошлигининг муовини чайналиб, гапни айлантириди. «Юқоридан буйруқ келганини, бажаришга мажбур эканини» афсус билан айтди. Аслида «янисларга ҳеч бир даъвоси йўқлигини» билдириб қўйишни ҳам унутмади.

Тенгиз юқоридан буйруқ келгач, бу бечораларнинг бажаришга маҳкум эканликларини яхши биларди. Шунинг баробаринда «улуг' оғалар»нинг кичикроқ халқлар вакилларига зуғум қилишдан лаззат олишлари ҳам маълум унга. Янисларга қарши фитнани улар афсус билан эмас, бильякс, роҳат билан, бажонидил бажарадилар. Агар бу буйруқ ўзлариникига нисбатан бўлсами, чиндан ҳам афсусда қолишлари муқаррар.

«Бугун — янислар, эртага кимлар? — деб ўйлади Тенгиз, — балки мендирман, балки озарбайжонлар...»

«Тенгиз ўлимдан қўрқмайдиган мард ўғридир», демоқлик таърифнинг кўпигидир. Чунки одамга, ўғрими ё тўғрими, фарқи йўқ — жон ширин! Қамоқдами ё эркинликдами, йигитми ё чолми, фарқсиз ўлароқ, яшагиси келаверади. Қамоқ лагери раҳбариятининг илтимосини қабул қилиши, Нуриддин айтганидек, у учун иснод эди. Ҳалоллик ила мулоҳаза қилинса Мурик билан унинг орасида фарқ чегараси сезилмас эди. Тенгиз буни билгани учун ҳам, бошқа чораси бўлмагани учун ҳам ўзича эзилди. Бу масалани «политбюро»га қўйган тақдирда ҳам «бллаткомитет»нинг маъқуллаши аниқ эди. Улар буни «ҳукуматга хизмат қилиш» эмас, «ўғрилар оламини даҳлсиз сақлаб қолиш» деб таърифлаган бўлишарди. Бу шундай ғалати оламки, уни бир қалъа тасаввур этилса, кираверишидаги арк пештоқига «Ҳарна қилсанг қилавер, ва ижозатимизсиз ҳеч нарса қилишинг мумкин эмас», деган шиор ёзиб қўйса ҳам бўларди. Бу олам арки жуда ҳашаматли, фусункор. Бокира қиз каби ўзига чорлайди. Қизнинг ҳуснидан баҳраманд бўламан, кираману чиқаман, деган хуштор одам эса янглишади. Чунки бу бокира кўринишидаги олам эшиги биттагина. Кирмоқ бору, ўз оёқлари билан юриб чиқмоқ йўқ. Ортга фақат тобут ичидаги қайтилади.

Тенгиз бу ҳақиқатни аввалдан биларди. Бу олам унинг кўзларига бокира бўлиб кўринмаган. У бор фасодларини, мавжуд ботқоғу балчиқларини билгани ҳолда қадам қўйган бу оламга. «Бир бошга — бир ўлим бўлгач, қаерда ва қандай ҳолатда жон беришнинг нима фарқи бор? Энг муҳими — дунёдан кўнглинг талаб қилган даражада лаззатланасан, дунёдан ўзинг истаганча қасос оласан». Тенгиз кашф этган фалсафа мағзи шу эди. Аммо бу «фалсафа»га зид ўлароқ, кўнгил ўтмиш ҳаётини қўмсаб туради. Шунда у икки кемага икки оёғини қўйгандай хис этади ўзини. Бу ҳолатда узоқ суза олмаслигини, фарқ бўлажагини билади. Билса-да, ҳолатини ўзгартирмоқни истамайди.

Тенгиз кимсасиз майдон четида жунжиккандай қунишиб турди-да, тўртинчи баракка бориб, Кошакни чақиритирди. Кошак майкачан чиқиб, Тенгизга яқинлашгач оғзини баралла очиб эснади. Димоғидан уфурилган қўланса ҳиддан Тенгиз афтини буриштириди. «Хўжайн бўқтириб ичирибида-да», деб ўйлаб ғашланди.

— Нима дейсан, Княз? — деди Кошак жунжикиб.

— «Ензе»<sup>23</sup>дан ол, уйқу қочди, — деди Тенгиз ҳам ҳомузга тортиб.

Кошак «менда йўқ», демоқчи бўлди-ю, Тенгизнинг ўткир нигоҳига қарши бора олмай, ичкарига қайтида, уч кесим колбаса билан ярми ичилган ароқ шишани кўтариб чиқди. Тенгиз чиндан ҳам ичгиси келаётган одам каби шишани унинг қўлидан тортиб олиб кўтарди. Кошак узатган колбасани олмай «куф» дегач, лабини кафти билан артиб қўйди.

— Кошак, кўнгил Сочини, Ялтани қўмсаяпти. Денгиз... Соҳил... Жононлар... ресторонлар... — Тенгиз шундай деб яна икки қултум ичди.

Шу турганича ароқни аста-секин ичиб бўшатиш асносида гапни чувалади. Кошак чақирилган заҳотиёқ «Княз хўжайнларнинг гапини сўрайди», деб гумон қилган эди. Бироқ унинг кутгани бўлмади: Тенгиз чақирув сабабини сўрамади. Ароқ кўнгил тафтини босгандай бўлгач, хайрлашиб, ўзи ётадиган баракка қараб кетди.

У Нуриддин каби ухлай олмай қийналмади. Ароқнинг қуввати аллалагандай бўлиб, киприкларига уйқу қўна қолди.

<sup>23</sup> Ehtiyotdan yashirib qo'yilgan aroq nazarda tutilyapti.

Нуридин эртаси куни чекиш баҳонасида дам ола-ётган Янисни кутилажак оғатдан хабардор этди. Янис Нуридин кутганидек сапчиб тушмади, ғазабланмади ҳам. Шимолликларга хос совуққонлик билан ўзгаришсиз ўтираверди. Нуридин бу фитнада ўзининг иштирок этиши мумкинлигини айтмади. Аксинча:

— Сиз хафа бўлманг, биз сизни ҳимоя қиласиз, — деб унинг кўнглига далда бергиси келди. Бу шунчаки манзират эмас, йигит қалбининг аҳди эди. Уйқусиз кечган тун уни шу қарор билан тонгга етказган эди. Тенгизнинг огоҳлантиришига қарамай, шу мақсадда тўхталди.

— Йўқ, Нуридин, керакмас,— деди Янис,— қамоқда ҳар бир одам ўзини ўзи ҳимоя қилиши керак.

— Одам одамга бўри бўлиб яшаши керак, демоқчимисиз?

— Бўрими...— Янис шундай деб кулимсиради. Унинг бу ним кулгуси қувонч ели билан эмас, афсус шамоли билан уйғонган эди. — Бўриларни камситма, Нуридин, агар одамларда бўри түйғуси бўлсайди, одам бош-қача яшарди.

Нуридин Яниснинг бу гапларини фаҳм этмади, тушунмаганини яширмай сўради:

— Одамлар бўрига ўхшаса дейсизми?

— Ҳа, бўрига ўхшаса... Бўрилар одамлар каби бир-бирларини ғажимайдилар. Улар аҳил яшайдилар. Улар озодликларини ҳеч нимага алишмайдилар. Бундай аҳиллик, бундай мағрурлик бошқа ҳеч бир жонзотда йўқ. Сен тсириқда бўрини ўйнатганларини ҳеч кўрганмисан? Ҳа, кўрмагансан. Филдан тортиб илонгача бир луқма овқат учун инсонларга масхара бўлади. Фақатгина бўри бўйсунмайди. Сен туркийлардансан. Аждодларинг эътиқод қилган рамз нима бўлган, биласанми?

Нуридин айбдор одам каби нигоҳини олиб қочиб, елка қисиб қўя қолди.

— Қурт, яъни бўри. Туркийлар байроғида бўри тасвири бўлган, деб эшитганман. Туркийлар қадимда шундай эркесвар бўлган эканлар. Э, у замонлар ўтиб кетди. — Янис шундай деб хўрсинди. — Биз ҳам озодлик севучи халқмиз. Мен бу қамоқни назарда тутаётганим йўқ. Менингда, сенингда ватанинг улкан бир қамоққа айлантирилган. Бизларнинг юртдошларимиз эса тутқунлар. Менинг халқим тутқунликка кўнишиб яшайдиган тоифадан эмас. Сен ҳозир «Янис амакимга янгилик айтдим», деб ўйлаяпсанми? Мен шундай бўлишини кутардим. Бугун бўлмаса эртага албатта қилишарди шу ишни. Сени бўлмаса бошқаларни ёллашарди. Нафса қул бўлганлар озми бу дунёда?

— Мен ёлланганим йўқ, — Нуридин шундай деди-ю, аммо унга тик қарай олмади.

— Мен шунчаки мисол тариқасида айтипман. Сен билан биз икки томонлама маҳкуммиз. Бундан қутулармиз, бироқ Ватан тутқунлигичи? Сен «буларни нима учун қийнашаркин?» деб гаранг бўлаётгандирсан? Билиб қўй: биз учун дунёда энг ширин сўз — озодлик! Улар шу сўзни айтивчи тилларни кесадилар. Эркин нурга ташна кўзларни ўйиб оладилар. Бунга ажабланмаслик керак. Ахир сен мол сўйган қассобга қараб ажабланмайсан-ку? Нуридин, сен ҳали ёшсан, кўп нарсаларга тушунмайсан. Тутқунликда туғилганинг учун кўзларингни оча олмайсан. Мен эса ватаниннинг қандай тутқун бўлишини ўз кўзларим билан кўрдим. Бир тасаввур қилгин-а, қассоб ўз онангни кўз олдингда бўғизласа... Мен ана шундай одамман. Ўлганимдан сўнг юрагимни тилиб, очишса, қон ўрнида зардоб кўришади. Сизлар буни тақдир дейсизлар. Биз эса бунга муроса қила олмаймиз. Мен, агар билсанг, шу азобларга дуч келганимдан хурсандман. Уйида қорин ғамида ётган туйғусиз одам қаторига тушиб қолмаганимдан қувонаман. Ўлиб кетсам ҳам ранжимайман, ахир руҳим озод тарзда қолади-ку? Агар менинг ўлимим ватаним озодлик онларини бир дақиқага ҳам яқинлаштира олса минг-миллион мартабалаб қайта-қайта ўлиб беришга розиман. Агар билсанг, ер юзидағи ҳамма жонзотлар ўз уясини қадрлайди, ҳимоя қиласиди. Биз эса... шуларчалик ҳам эмасмиз, менинг армоним шу халос. Овқат ейишни биламиз, кийинишни биламиз, майшатни биламиз, чиройли сўзлашга устамиз, аммо Ватан қадрини билмаймиз. Уйимизга ўғри тушса дод соламиз, Ватанинни таласалар индамаймиз. Сен буларни тушунгин, Нуридин. Бу ердан чиқиб борганингдан кейин

сен ҳам қорин ғамига тушиб қолмагин. Улар бизларни худди трамвай каби ўз изларидан юрмоғимизни, улар истаган ерда тўхтаб ўтмоғимизни хоҳлайдилар. Биз трамвай эмас, унутма, бизлар эркин қушлармиз. Қани эди, бургут бўла олсак...

Нуриддин бу гапларни эшитиб, ажабланди. Бугунми ё эрта-индинми бошига кулфат ёғилай деб турган одам ўз қайғусини ўйламай, шу гапларни айтиб ўтиrsa. Кулфатни тик туриб қарши олиш — мутеликми ё мардликми? Алҳол Нуриддин бу саволга жавоб топа олмади. Шундан сўнг қўли ишда, хаёли эса Янисда бўлди. Ўзи истамаса-да, беихтиёр равишда унга тез-тез қарайверди. Нуриддиннинг ҳолатини англаған Янис сир бой бермай, совуққонлик одатига хилоф қилмаган тарзда иши билан машғул бўлаверди. Яна бир чекиш баҳонасида ҳордик чиқаришаётганда:

— Шарқликларнинг жуда зўр ҳикояси бор, айтайми, эшитасанми? — деб қолди. Нуриддин Яниснинг индамай ишлайтганидан сиқила бошлаган, ҳозир ҳикоя айтадими ё бошқа бир балоними, унга фарқсиз, шериги гапирса бас эди. Шу боис «айтинг», деб дарров кўна қолди.

— Тақдир деган бир одамнинг фаҳм-фаросатда тенги йўқ, оқила ва гўзал қизи бор экан. Тақдир қизига қараб: «Ақл, Давлат ва Умид деган уч одамдан совчи келяпти, қайси бирига рози бўласан?» деб сўрабди. Шунда қиз: «Дада, ақл — инсондаги энг улуғ фазилатdir, Ақлга суяниб туриб дўстни душмандан, ҳушёрни девонадан фарқлаш мумкин. Лекин ақлнинг бир айби бор: кишини чалғитиб, хатарли йўлларга солиб қўйиши мумкин. Давлат эса ҳам ишбилармон, ҳам ҳукмдордир. Лекин Давлат ҳеч қачон, ҳеч кимга вафо қилмайди. Мен Умидни ихтиёр қиласман. Чунки Умид ҳеч қачон Инсонга хиёнат қилмайди, ундан ажралмайди. Бутун жаҳон ундан манфаатдор», деган экан. Биз ҳам ўша Тақдирнинг доно қизига ўхшаб Умидни танласак, адашмаймиз.

Яниснинг бу гаплари Нуриддинга қизиқарли, айни дамда сирли туюлди. Шу сабабли яна қайтаришни илтимос қилди. Янис энсаси қотмасдан, бу сафар соддароқ қилиб тушунтириди. Гарчи у Тақдирнинг доно қизи каби Умидни танладим, деган бўлса-да, аслида ўзи бирданига икки эрни ихтиёр қилган қиз каби эди. У Умиддан аввал Ақлни танлаган эди. Ақл уни шу ҳолатга солди, энди эса «кўз очиб кўрганим — Умид», деб ўтириби.

## ОИЛА

Ешик қўнғироғининг асабий жиринглашидан уй-ғонган Омонулло дарров соатига қаради. Телефон ишламай қолган кезлари ҳамкаслари ярим кечами ё эрта тонгми, чақириб келаверишарди. У ўзи ишлайдиган соҳада вақтида ҳордик чиқариш ёки байрамларда дам олиш йўқлигига аллақачон қўнишиб кетган. Қаторасига икки кун ухламай, энди кўзи илингандা чорлашганида ҳам индамай туриб кетишга одатланган. Ҳозир ҳам тезда кийиниб, эшикни очди-ю, Сафарни кўриб, ажабланди:

— Ҳа, сўфи таҳорат қилмай келибсан? — деди норози оҳангда.

— «Кўмирхона»дан энди турдик. Ўйин жа-а қизиб кетди. Ўйга бормай, тўғри сеникига келавердим, — Сафар шундай деб, таклифни кутмаёқ остона ҳатлаб ичкари кирди. — Сен ҳам эркакларга ўхшаб «гап»нинг охиригача ўтиранг, биллалашиб келардик.

— Агар «гап»да ўтиришларинг ҳисобга олинмаса сенларнинг эркак эканликларингни билиб ҳам бўлмайди, — Омонулло шундай деб ювиниш мақсади-да ён томон ўтди.

— Менга қара, ҳов эркак, — деди Сафар, — ма, калитни ол, хоҳласанг мен уйингда ёта қоламан, раёнингга ўзинг бориб кел.

— Бирга борамиз, — деди Омонулло. — Мени ҳимоя қиласан. Мабодо сени ҳам ўлдириб қўйишса, баҳонада битта медалли бўлиб кетасан бу дунёдан.

— Сен учун ўлиш биз учун шараф, окаси, — деди Сафар, кинояга киноя билан жавоб бериб. — Ўлишдан олдин бир ухлаб олмасам бўлмайди. Мен машинада ётаман, уйғотма. Қофоз халтага у-бу солиб беришган. Хоҳласанг, е-ич.

Омонулло ювениб, енгил тамадди қилиб олгач, кўчага чиқди. Орқа ўриндиқда икки бувланиб ётган Сафарнинг ҳуррагини ташқаридан ҳам бемалол эшитиш мумкин эди. Машина ўрнидан силжигач, у бир силкиниб, кўзларини ярим очиб қараб қўйди-ю, уйқуни келган еридан давом эттираверди.

Сафарнинг бу қадар барвақт келиши, орқа ўриндиқда ухлаб ётиши Омонулло учун маъқул келди. Сафар кўнглига яқин дўсти бўлса-да, унинг баъзида меёридан ўтувчи сафсаталари меъдасига тегиб кетарди. У касалхонага ўтиб, тулинган отасининг уйқусизликдан киртайиб, қизарган кўзларидан опасининг аҳволи унча яхши эмаслигини тушунди. Кечки пайт яна хабар олишини айтиб, Матлуба Тўхтаева билан учрашиш ниятида чўлга қараб йўл олди.

Кўчада ҳаракат сийрак бўлгани учун машинани елдек учирди. У Матлуба билан бўлажак учрашувни, беражак саволларини хаёлида яна бир пишириб олгач, кечаги учрашувни беихтиёр тарзда эслади. Омонулло Адолатни кузатиб қўйгач, доктилоскопист билан суҳбатлашиб, айrim нарсаларни янада аниқлаб олди-да, Самандар Очиловнинг биринчи хотини билан учрашишга отланди. Мелс Хўжаев ёзиб берган манзилга бориб қўнғироқ тугмасини босди. Эшикни қораҷадан келган, юзлари лўппи, кўзлари кулиб турувчи истарали аёл очди. Пастга тушишга ҳаракат қилаётган жингалак сочли ширингина ўғилчасини бағрига маҳкам босганича кутилмаган меҳмонга «Келинг?» деб савол назари билан қаради. Омонулло ўзини танитгач, «адамиз уйда йўқ эдилар», деди узрли оҳангда. Омонулло уйга кирмоққа ижозат йўқлигини англаб, остонона гаплашиб қўя қолди. Самандарнинг биринчи хотини табиатан камгапмиди ё савол-жавобларга ҳуши бўлмадими — Омонулло билолмади. Аёлдан ишга аскотадиган янги гап ҳам ололмади. Ажралишганларидан сўнг бир йил ўтгач турмуш қурган аёл биринчи эрини ўшандан бери кўрмаган, уйланганини эшиитмаган ҳам эди. Ажралиши сабабини эса бир оз қийналироқ айтди. «Фарзандсизликдан...» — деб ерга қаради. Омонулло «Очилов фарзанд кўролмайдиган эркак эканми?» деб ўйлади. Бу ўйни ўқигандек аёл унга изоҳ берди: «Фарзанд кўришдан кўрқардилар... Уруш бўлиб қолса болалар азобланади, деб чўчирдилар. Хаёлларида эртами индинми уруш бошланиб, ҳамма ёқни атом бомба босадигандек эди.

Биринчи ҳомиламни олиб ташлаттироқчи бўлдилар. Мен унамадим. Туғилганида хурсанд бўлдилар барибир. Лекин... хавотирлари кўтарилемади... Боламизнинг умри қисқа экан, атом бомбасиз ҳам бизни ташлаб кетди... Кейин шу масалада барибир чиқиша олмадик. Ўзлари жуда яхши одамлар, чивинга ҳам озор бермайдилар... Лекин хаёллари ғалати...»

Омонулло хайрлашиб қайтар маҳалида ҳам бу гапларни кўп ўйлади. Бунақа тоифани учратмагани учун Самандарнинг қилиfiga сира тушунмади.

Хозир чўлга, Матлуба билан учрашувга ошиқаётган дамда ҳам кечаги суҳбатини эслаб, тушунишга уринди — уддасидан чиқолмади...

Сафар то манзилга қадар, тўғрироғи, машина қишлоқнинг нотекис кўчаларига кириб чайқала бошлагунга қадар уйғонмади. Аввал депара вакили билан келган Омонулло Матлубанинг ўйини қийналмай топиб борди.

Мактабга отланган болаларини кузатиб чиқсан Матлуба ёнгинасида тўхтаган машинага хавотир билан қаради. Кейинги ойлар ичи унинг юраги қуш ҳадиги билан урадиган бўлиб қолган эди. Ҳовлидаги мусичалар бехос патиллаб уришиб кетса ҳам, томдаги мушуклар миёвлаб, тунукаларни тарақлатиб югуриб қолишса ҳам, қўшнининг эшаги ҳанграб юборса ҳам бир титраб оларди. Бемахалда кўчадан машина овози келса «илойим тўхтамасин», деб юрак ютиб ўтиради. Машина тўхтагудай бўлса, юраги ҳам уришдан тўхтагандай бўларди. Бу тун кўчаларидан икки марта машина ўтиб уйқулари ўчиб кетган эди. Ўша ваҳмдан қутулмай туриб, ёнгинасида шаҳарнинг машинаси тўхтади-ю, росманасига чўчитиб юборди.

Омонулло эшик оғзида турган Матлубага ўзини танитишга улгурмай, Сафар ҳам машинадан тушиб, унга яқинлашди. Думалоқдан келган, жингалак сочли, бўйнига ҳам, ўнг билагига ҳам тилла занжир осиб олган Сафарга Матлуба хавотир билан қаради. Сафар унинг хавотирли нигоҳини англамай, томдан тараشا тушгани каби:

— Опа, хожатхона қаерда? — деб сўради.

Омонулло дўстининг бефаросатлигидан ранжиб, унга норози қиёфада қараб олди-да, Матлубага узрли оҳангда:

— Бу менинг оғайним, узоқ йўлда ҳамроҳ бўлиб келди, — деди.

Матлуба «Милисанинг ўртоғи шунаقا бўладими?» дегандай Сафарга яна бир қараб олиб, ҳовлиси томон чекинди-да, этак томонни имлаб кўрсатди.

— Аввалги куни ҳам келган эдим, йўқ экансиз? — деди Омонулло.

— Ҳа, ҳа, эшитдим келиб-кеттганингизни. Мен... шаҳарда эдим. Дадамнинг маросимлари бор эди.

Омонулло Адолатнинг сўзларини эслаб «Ростми?» дегандай қараб тураверди.

— Келинг, ичкари киринг, — Матлуба шундай деб айвон сари йўл бошлади.

Омонулло лиқиллаб турган, аммо битта одамни кўтаришга ярайдиган стулга омонат ўтириди. Иккинчи стулни Матлуба эгаллаб, қайноаси олдида мулзам бўлган келин каби бошини қўйи эгиб, бармоқларига тикилиб қолди. Омонулло эса атрофга шошқич разм солиб «директорнинг уйи ободроқ бўларди, мулкини мусодара қилишганми ё беркитиб улгуришганми?» деб ўйлаб қўйди.

— Акамдан хат-хабар борми, тинчмилар? — Омонулло ўзининг нима мақсадда келганини билдириб қўйиш учун гапни шундай бошлади. Матлуба эса «милитсия бекорга суриштирмайди», деган хавотир билан титроқ овозда:

— Кимни сўраяпсиз? — деди.

— Хўжайнингизни сўраяпман, — деди Омонулло янада самимий оҳангда.

— Хўжайнимнинг яна чала ишлари қолган эканми? — Матлуба шундай деб унга ўғринча қараб ол-ди. — Қамасаларинг ҳам тинч қўймас экансизлар-да, а?

Омонулло Адолатнинг гапларини эслаб:

— Мендан олдин ҳам сўраб келишувдими? Ким эди, қачон келди, нимага келишди? — деб сўради.

Матлуба унга ялт этиб қаради-да, «атай синаш учун сўраяпсизми, ростдан билмайсизми?» деган савол муҳрланган нигоҳини унга қадади. Матлуба сўнгги тинтувда «юрагим ёрилиб ўлиб қолсан керак», деб ўйлаган эди. Дастваб кўринганда нафратини қўзғотган Хурсанали ўшанда жонига оро кирганди...

... Ўшанда болалари эндиғина уйқуга ётишган эди. Кўчада, уларнинг дарвозалари ёнида машина тўхтади, аммо мотори ўчирилмади — фириллаб тураверди. Жин-фироқ ишламас эди, машинадан тушган одам дарвозани қаттиқ тақиллатди. Матлуба ўрнидан туриб ташқариға чиқиши ҳам, чиқмасликни ҳам билмай турганда ташқаридан «Матлуба!» — деган овоз келди. Матлуба овоз эгасини таниб, ҳам енгиллик, ҳам хавотир билан ўрнидан турди. Ташқаридан совуқ изғирин эканини унтиб, эгнига палтосини илмай ҳовлига чиқди. Бесабр Сарвар эса яна дарвозани тақиллатиб, бу сафар «опа!» деб чақирди. У камдан кам ҳоллардагина «опа» дерди. Унинг бу сафарги лутфининг сабаби дарвоза очилгач билинди: Сарварнинг ёнида Хурсанали турарди. Бегонанинг хузурида «опа» дейишга мажбур бўлганини Матлуба тушунди.

— Вой, тинчликми? — деди у бир қадам ортга чекиниб.

— Тинчлик, — деди Сарвар ичкарига қадам бо-сиб. — Болаларингни кийинтири. Фақат ҳовлиқма, лекин тез бўл. Нима гаплигини кейин айтаман.

Сарвар Хурсанали билан ичкари кирди-да, айвон зинасига етгандаги опасидан «Подвалнинг чироғи борми?» деб сўради. «Ҳа», деган жавобни эшитгач, «Ёқ!» деб буюрди.

Айвон зинасининг ён томонидаги пастқам эшикни очиб, Сарвар, кетидан Хурсанали ертўлага тушишди. Айвон энсиз бўлгани учун тўсинларнинг белига тиргак қўйилмаган эди. Бир оз эгилган ҳолда катта уй ертўласига ўтдилар: Хурсанали олинган хабарда баён қилингандек еттита устун санади-да, ўртасидагисига яқинлашиб, энгашди:

— Шу ерда бўлиши керак, — деди батартиб терилган ғиштлар устига кафтини қўйиб. — Теша олиб тушинг, опангизни ҳам чақиринг, тушунтириб қўяй.

Сарвар «хўп», деганича шошилиб чиқди-ю, дам ўтмай қалта сопли эски тешани қўтариб қайтди. Хавотирданми ё совуқданми титраётган Матлуба унга эргашиб келди.

— Опаҳон, хўжайнингиз у ёқда гуллаб қўйибдилар: шу устун тагида хазина бормиш.

Матлубанинг хаёли ёришиб, «шу ерга кўмилган эканми, айтиб ҳам кетмабди-я, у ғаламис. Энди буларга ем бўладими?» деган фикр ўтди. Тили эса:

— Хазинасини ер ютсин, — деди.

— Хазина бўлса, ер ютмасин, опа. Хазина бўлса, одамларнинг кунига яраши керак. — Хурсанали шундай деб гапирганича устунни дам юқорисига, дам пастига уриб-уриб силжиттида, сўнг ғиштларни аста кўчирди. Кейин икки қаричча қалинликдаги тупроқни тешада таталаб чиқарди. Тешанинг уни тахтага теккач, тупроқни кафтлари билан сидирди. Ҳали чиришга ултурмаган тахтақопқоқ тутқичидан ушлаб кўтарди. Ке-йин яна бир қарич қалинликдаги тупроқни олди. Иккинчи ёғоч қопқоқни ҳам кўтаргач, бир жомадон бемалол сиғадиган ўра кўринди. Номи хазина бўлган бу ўра бўмбўш эди.

— Акахонга беш кетдим: алдабди, — деди Хурсан-али қаддини қўтариб. — Бир-иккита хариф хазинанинг исини олиб, почнакамизнинг кекирдакларига чанг солган экан, шу ерда, деб гуллабди у аҳмок. Аҳмок деганимга хафа бўлманг, опаҳон, бугун-ерта хазина бор бу ерда, деб лақиллаб келиб қолишади.

— Ким?

— Кимлигини Худо билади. Лекин келишлари аниқ. Агарда бу ерда ҳеч нарса топилмаса, аввал сизларга қийин бўлади. Акахон эса, чиққан жойларига кириб кетаверадилар.

— Қурибгина кетсан, шу бойлигиям! Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим! — деди Матлуба йиғлаб.

— Тўхтанг, опаҳон, ўлмай туриңг. Аввал бу ишларни бир ёқлик қилиб олайлик. Ҳозир ҳаммамиз кетамиз. Болаларингизни укангизниги ташлаб, эрталаб қайтиб келасиз. Сарвар ҳам бир-икки кун сиз билан шу ерда туради. Биз ҳам шу атрофда бўламиз. Ишни бехит қилиш керак. Мабодо ишқал чиқса, ўзимиз тинчтамиз. Опаҳон, мана бу суратга қараб, яхшилаб таниб олинг бу таъвияни, — Хурсанали ички ён чўнтағидан сурат чиқариб кўрсатди. — Чап оёғи калтароқ бу одамнинг. Сўрашса, энг аввало чўлоқлигини айтасиз. Чап қулоғининг ярми йўқ, бурни пачоқ. Гапирганда пишиллайди. Нима деганини ўриси ҳам, чулчити ҳам тушунмайди. Панжалари катта-катта, меникига иккита келади. Ҳуллас, бир куни кечқурун шу чўлоқ бадбашара бостириб кирган. Ёнида бир малла хотин ҳам бўлган. Пичноқ чиқариб, дўқ урган. Сизни болаларингиз билан бирга уйга қамашган. Подвалда бир нималарнинг тақиллаганини эшитгансиз. Улар индамай кетишган. Сиз подвалга тушишга қўрқасиз ўшандан буён. Шуларни айтсангиз бас.

— Ким ўзи бу? — деди Матлуба титроқ овозда.

— Кўнглингиз айниса ҳам бу тавияга яхшилаб тўйиб олинг. Уч-тўртта суратга аралаштириб кўрсатишлари мумкин. Таниб олишингиз шарт. Адашманг. Бу одам хўжайнингиз билан зеквагон<sup>24</sup>да бирга бўлган. Зонага боргандага қочган. Бу томонларга келиб ишқал чиқарувди, ўзимиз тинчтиб қўя қолдик. Хитлар буни билишмайди, қидириб юришибди ҳали ҳам. Хазинани шу олган, десак, сиз ҳам тинчсиз, у ёқда акахонга ҳам чивин қўнмайди. Биз сизни ҳимоя қиласиз, деб шартлашганмизми, демак, сизни бирорнинг чертишга ҳам ҳаққи йўқ, — Хурсанали чўнтағидан танга чиқариб кафтига қўйди. Матлуба буни аввал беш тийинлик деб ўйлади. Синчиклаб қараган эди, Николай подшонинг тилла тангасини кўрди.

— Тоза тилла, — деди Хурсанали изоҳ бериб. — Сиз учун қурбон қиласиз.

Танга ўра остига терилган пишган ғишт устига тушиб, жиринглади, хира чироқ нурида ожиз товланди. Сўнг устига бир сидра тупроқ ташланиб, қопқоқлар аввалгисидай қилиб беркитилди.

<sup>24</sup> Mahbuslarni tashuvchi qamoq vagoni.

— Опаҳон, сиз чиқиб болаларингизни кийинтираверинг. — Хурсанали шундай дегач тупроқни тортиб, оёқлари билан шиббалади, ғиштларни батартиб терди, устунни жойига ўрнатди.

Улар кутган меҳмонлар узок куттиришмади — эртасигаёқ келишди. Лагер телетайпининг тезлиги шу ўринда иш берди. Келганлар ўзларини «СССР прокуратурасиданмиз», деб таниширишди, ҳужжатларини ҳам кўрсатишиди. Уйни тинтишиди. Сўнг «ҳар эҳтимолга қарши ертўлани ҳам кўриб қўяйлик», деб пастга тушишиди. Матлуба ўзини босишга қанча тиришмасин, уларнинг мақсадларини аввалдан билгани учун ҳам титрайверди. «Тинтувга рухсатномангиз қани? Иккита холис гувоҳ қани?» деган талаб эса хаёлига ҳам келмади. У-ку, хотин киши, хавотирда ўзини йўқотади. Опасига далда бериши лозим бўлган Сарвар ҳам довдираб қолди. Бир оздан сўнг уларни пастга чақиришиди. Ўртадаги устун атрофини, сочилган тупроқни кўздан кечираётган қиррабурун:

— Бу ерда нима бор? — деб сўради.

— Билмасам, — деди Матлуба. — Қўядиган нарсамиз кўпам йўқ, ҳадеб тушавермайман бу ерга.

— Бу ер кавланган. Нега кавланган? — деди қиррабурун қаддини ростлаб.

— Билмадим.. балки...

— Нима балки?

— Айтаверайнми?

— Бизни чалғитишига уринманг, биз ҳаммасини биламиз.

— Билсангиз... айтмай қўя қолайми?

— Билганларингизни гапиринг!

— Билганларим... Анча вақт ўтди-да... куз пайтида эди, кечаси бир эркақ, бир аёл уйимизга бостириб киришиди. Дарвоза қулф эди, ҳовлига қандай тушишганини билмайман. Эркаги чўлоқ экан. Виш-виш қилади, гапига тушунмайман... — Шу зайлда Хурсанали ўргатган гаплар айтилди. Улар ишониб-ишонмай бир-бирларига қараб қўйишиди.

— Милитсияга хабар қилдингизми? — деб сўради қиррабурун. Бунақа савол Хурсаналининг режасида йўқ эди. Шу сабабли Матлуба довдиради.

— Милитсияга нима учун хабар бермадингиз? — деди бу сафар қиррабурун дағаллик билан.

— Милитсияга айтсанг, ўлдирамиз дейишган, болаларни ҳам... — Матлубанинг тилига келган бу гапдан улар қоникишиб, бошқа нарса сўрашмади. Уларнинг буйруғи билан Сарвар устунни четга сурди, ғиштларни кўчирди, тупроқни сурди, қопқоқларни очди. Очди-ю, «агар титишимаса танга қолади», деб умид қилди. Қиррабурун бўш ўрага бир оз қараб турди-да, сўнг энгашиб, бармоқлари билан тупроқни титиб, тилла тангани топди. Қаддини кўтартмай туриб тангани чироқ ёруғига тутди, тишлаб кўрди. Кейин яна тупроқ титди. Сўнг кетишиди. Эртасига қиррабуруннинг ўзи келди. Бешта одамнинг суратини кўрсатди. Матлуба Хурсанали кўрсатганини таниди. Таниди-ю:

— Фақат битта жойи ўхшамайди, — деди.

— Қаери? — деди қиррабурун унга қаттиқ тикилиб.

— Қулоғининг ярми йўқ эди. Ё бу эски расмимикин?

Қиррабурун суратларни чўнтағига солиб «хайр» ҳам демай изига қайтган эди...

Ҳозир Омонуллонинг «ким эди, қачон келди, нимага келди?» деган саволи ўша воқеани чақмоқ умричалик лаҳзада эслашга мажбур этди. Эслади-ю, аммо сиртига чиқармади: Хурсаналининг амрини бажарди.

Омонулло сухбатини бошламай, Сафар келиб айвон панжарасига ўтириб олди. Матлуба унга қараб қўйиб, ўнғайсизланди.

— Сафар, калит машинада қолибди, — деди Омонулло маънодор оҳангда.

Сафар дўстининг мақсадини англаб, ўрнидан турди-да, кўчага чиқиб кетди. Ранжиганини сездирмади, аммо ичидаги дўстини авра-астарини ағдарар даражада бўралаб сўклиди.

Омонулло арқонни узун ташлади. «Турсунали Тўх-таев билан қачон танишгансиз, қачон турмуш қургансиз, болалар...» каби саволларга олинажак жавоблар у учун мухим эмасди. Шу сабабли «бу аёл тўғри гапир-яптими ё йўқми?» деб таҳлил этмади. Матлуба тўғри жавоблардан чекиниб, ўзи истаган гапларнигина айтмоқчи бўлаётгани билан қармоқдаги хўракка алданажагини билмас эди. У Нафисанинг ўлимидан хабар топгани билан, ўзининг бу фожиага алоқадор деб гумон қилинаётганидан, Омонулло айнан шу иш туфайли келганидан бехабар эди. «Еримни қамаб ҳам тинчишмас экан», деган фикр уни чалғитиб қўйганди.

— Саволимга жавоб бермадингиз, опа, мендан олдин ҳам бирор келдими? — Омонулло аёлдаги саросимани сезгани учун саволини такрорлади.

Хурсанали бўлиб ўтган тинтувнинг «исини чиқармаслик»ни тайинлагани сабабли Матлуба сир бой бермаслик учун нигоҳини олиб қочди.

— Адамизни ушлашганидан бери нечтаси келиб, нечтаси сўроқ қилди, нечтаси тинтди. Ҳисоби йўқ буларнинг. Ўлар бўлсам ўлиб бўлдим. Адамизнинг айблари бор экан, қамадилар. Бизнинг гуноҳимиз нима? Болаларимнинг гуноҳи нимада? Айбимиз бўлса, бизларни ҳам қаманглар, отинглар, — Матлуба шундай дегач, йиғлай бошлади.

Омонулло овутишни истамай, бир оз кутди. Матлуба ёноғига юмалаган кўз ёшларини кафти билан артиб, хўрсингач, сўроғини давом этди:

— Турсунали ака билан муносабатингиз яхши эдими?

— Бу нима деганингиз? — Матлуба ажабланган ҳолда унга тик қаради.

— Ораларингиздан ола мушук ўтмаганмиди?

— Ола мушук? У киши... болаларимнинг отаси... кўз очиб кўрганим. Ола мушук деганингиз ҳамманинг уйида бор. Эр-хотиннинг орасидан гап қочмай иложи йўқ. Саволингизга қараганда одамлардан бир иғво эшитганга ўхшайсиз. Индамасангиз одамлар нималар тўқимайди?

— Тўғри айтасиз, баъзан одамлар кўпиртириб юборишади. Лекин... шамол бўлмаса дарахтнинг уни ҳам қимирламайди.

— Мақсадингиз нима, очиқ айтаверинг?

— Турсунали ака... сизга хиёнат қиласмидилар?

Бу саволдан сўнг Матлубанинг эгилган боши янада эгилди. Титроқ бармоқларига тикилиб жим қолди.

— Очиқ айтаверинг. Агар сир бўлса, орамизда қо-лади.

— Сир... билмайман, одамлар иғво қиласверишади. Болаларимнинг отаси ахир...

Омонулло тушунди. Турсуналининг хиёнати фақат бу аёлга эмас, вояга етиб бораётган болаларга ҳам иснод келтиради. Айниқса хонадондаги қизнинг бўйи етиб қолган бўлса оғир, янада оғир. Эрта-индин совчи эшик қоқиб келсаю «отаси бузук экан», деб изига қайтса нақадар фожиа... Хиёнатдан хабар топган аёл қанчалик қонсирамасин, фарзандлари тақдирини ўйлаб, дардини ичига ютади.

Омонулло изтироб чўғлари устида ўтирган аёлни қийнамаслик учун муддао ўқларини аниқ нишонга ола қолди:

— Нафиса Болтаевани танирмидингиз?

— Нафиса... — «ер ютсин уни», деб ўйлади Матлуба, аммо тили бошқа гапни айтди: — Эшитганман...

— Ўзини кўрмаганмисиз?

— Кўрганман. Лекин... яхши танимайман.

— Одамларнинг гапларига қараганда...

— Одамларнинг гапларини менга айтманг. Ўзингиз кўриб, қўл билан ушлаган бўлсангиз айтинг. Адамизга шунча азоб камми? Энди номларини ҳам булғашяп-тими?

— Бегоналар эмас, Болтаеванинг онаси ҳам айтяпти.

— Адолми? Жувонмарг бўлсин, у оғат! Ўзининг қизлари ўтириб қолганига аламини ўгай қизидан олади. Нафисанинг бошида эри бор. Унинг бузуқлигини бирор кўрмаган.

- Болтаеванинг эрини танирмидингиз?
- Сал-пал танийман. Адамизнинг ўртоқлари.
- Бу ерга кўп келармиди?
- Йўқ.
- Касби нима, биласизми?
- Олим шекилли?..
- Оилалари тинч эдими?
- Буни ўзларидан сўранг. Мен уларнига қадам босмаганман.
- Нега?
- Саволингиз ғалати-ку? Ҳозир яқин қариндошлар ҳам борди-келдига вақт тополмайдилар.
- Турсунали ака бориб турамидилар, ҳар ҳолда ошна эканлар?
- Билмайман.
- Сиз ҳозир «қадам босмаганман», дедингиз. Икки ойми, уч ойми аввал, куз пайтларида боргансиз-ку?
- Ким айтди?
- Керак бўлса гувоҳ билан юзлаштирамиз. Унгача саволимга жавоб беринг: нима учун бордингиз? Сиз ўша куни қаттиқ ғазабда бўлгансиз. Нимадан норози эдингиз?
- Эсимда йўқ.
- Ҳатто «ўлдиририб юбораман», дегансиз?
- Ёлфон!
- Мен шу ёлфонни айтиш учун келибманми? Бир нарсадан шубҳам бўлмаса гапирмайман.
- Шубҳа?.. Ҳали... уни мен ўлдирибманми?
- Кимни?
- Нафисани айтяпсизми?
- Ўлганини биласизми? — Омонулло шундай деб Матлубага ажабланаётган одам кўзи билан қаради.
- Мен кеча осмондан тушганим йўқ-ку? Эшитмайманми?
- Қандай ҳолатда ўлганини ҳам эшитдингизми?
- Эшитдим... биттаси билан... экан.
- Ишондингизми?
- Ишондим нимаю, ишонмадим нима?
- Ким ўлдирган бўлиши мумкин?
- Билмайман.
- Ҳар ҳолда... нима учун ўлдиргингиз келган эди?

Матлуба қафасга қамалган қуш ҳолига тушди. Нодонлиги туфайли қафасга тушди, энди яна нодонлик қилиб, ўзини қафасга уриб қанотларини яралашни истамади. Бир оз сукут қилгач, эридан олган ўша мактубдан гап бошлади.

Матлуба бир йиғлаб, бир сукут қилиб, бир ғазаб жиловида эзилиб гапиради. Нафисанинг ўлимини эшитганида «баттар бўлсин!» деб қувонган эди. Бундай ўлимдан баттарроқ яна нима бўлиши мумкинлигини ўйлаб ўтирмаи, бирорнинг ўлимидан қувонишнинг гуноҳ эканини фаҳмламай шундай деган, шундай хурсанд бўлган эди. «Худо менинг раҳмимни ебди», деб ҳам фикр қилганди. Ҳозир ўтмиш кунларни эслай туриб нечундир унга ачинди. Норасмий кундошининг ўлимидан ўзига заррача наф йўқлигини энди англади. Унинг ўлимини истагани рост, қарғагани рост, ўлдириш ёки ўлдиририш учун ҳаракат қилмагани ҳам рост. Аммо рост гапга бу одам ишонармикин? Матлуба шу армон, шу ўқинч билан Омонуллога қараб-қараб қўярди.

Омонулло унинг гапларини бўлмай эшитди. «Шу аёл ўлдиргандир» деган гумон унга ҳукмини ўтказмаган бўлса-да, фикрдан узоқлашишга ҳаққи ҳам йўқ эди. То чин қотил топилмагунича шу маъсумадан ҳам шубҳаланишга ҳақли эди.

Омонулло Матлубанинг сўзларини эшитиш асносида беихтиёр Адолатни кўз олдига келтириди. Ўшандан гумонсираганда ҳам тинч қўймас эди. Бу аёл... бошқачага ўхшайди. Эзилган рухи, топталган умиди учун хун талаб қилса ҳам арзир. Аммо... болаларининг отаси бўлгани учун ҳам унинг номини ҳимоя қиляпти, уни умид билан кутяпти. Ҳар қандай аёл эрини қизғанади. Қалбини йиринг босган Матлубанинг ҳам қизғаниши тайин. Аммо бу рашқ, бу қизғаниш қотилликка ундаши мумкинми? Омонулло учун бу мубҳам бўлиб қолаверади.

У Матлубадан эрининг мактубларини кўрсатишни илтимос қилди. Матлуба бир оз иккиланган ҳолда уйга кириб тўрт-бешта мактуб олиб чиқди-да, солик тўлашга ундовчи хатни ажратиб берди. Омонулло сатрларга кўз югуртиргандаёқ, лагер қамоқхонасидағи аҳволни англади.

— Болтаевадан шубҳаланганингиз ўринсиз. Эрингиз қамоқдаги катта балиқларга ем бўлган.

— Биласизми шуни? Билсангиз... нега йўл қўйиб берасиз?

— Буни ўша ёқдагилардан сўраш керак. Бизнинг вазифамиз бошқа. Агар бирор киши пул талаб қилиб келган бўлса, айтинг. Улар билан шуғулланамиз.

Матлуба Хурсаналининг огоҳлантиришини эслаб: «Йўқ, йўқ, ҳали ҳеч ким келмади», деб қўйди.

Омонулло бунга ишонгандай бўлди-ю, яна учрашишга шамаъ қилиб кўча томон юрди. Матлуба оstonага қадар кузатиб бориб, Омонуллонинг ортидан эшикни ёпди.

Сафар орқа ўриндиқда кавшаниб ўтиради. Омонулло машина эшигини очиши билан димоғига ароқ, колбаса хиди урилди.

— Ҳа, очофат, дарров ютдингми? — деди Омонулло унга қовоқ уюб қараб.

— Бошга қувват бўлади, сенам қиттаккина оловол.

Омонулло «нафсинг курсин», деди-да, машинани юрғизди. У директор билан учрашиб янги гап ололмагач, боғ қоровули билан гаплашишни ихтиёр қилди. Директор обкомдан вакил келаётганини айтиб, унга бир югурдагини қўшиб берди. Номи боғ қоровули, аслида хўжайнининг ҳам маҳрами, ҳам ошпази бўлмиш уккикўз Карвон Турсунали билан қизини шу ерда кўрганини айтди. Аравакаш отасининг «Карвон» лақабини мерос қилиб олган бу одам билганларини яширмади: «Директор бува Тошкентда эдилар. Хўжайнин йўқликларида ишларимни қилволай деб раён марказига тушувдим. Қайтиб келаётсам, Ошболта билан қизи чиқиб келишяпти. Ошболтанинг даъвоси катта — у ўзини менга устоз деб билади. «Ўчоқни ҳаром қилибсан, бузиб ташладим, эртаматан келиб янгисини қуриб бераман», дейди. «Нимаси ҳаром?» десам, «Ўчоқнинг ичида ит ётиди», дейди. Ит илгари ҳам ётарди, ҳаром-паром демасди, қачондан бери ҳаромни ҳалолдан ажратадиган бўлибдийикин, деб қоловурдим. Назаримда у қизини янги директорга қўшгани олиб келгану, иши унмагач, аламдан ўчоқни бузиб ташлаган. Ўчоқни ўша куниёқ ўзимла ўнглаб қўйдим. Хўжайнин ярим кечада қайтиб, овқат қил, деб буюрсалар «Ерталаб Ошболта ўчоқ қуриб берсин, кейин овқат пиширай», дейманми?»

Омонулло Карвоннинг гапларида бир илмоқни сезди-ю, бўлиб ўтган воқеани ойдинлаштиришга ожизлик қилди. Саволларни қалаштиргани билан керакли жавобларни ололмади. Нафисанинг қишлоққа келиши, боқقا бориши, ўчоқнинг бузилиши... Қулоқларига тилла зираклар, бармоқларига тилла узуклар тақиб қайтиши... да сир яширин эди. Бу сирдан воқиф одамнинг бири тупроқ остида, иккинчиси тилдан қолган...

... Ўша кеч Матлубанинг ногаҳоний ташрифидан сўнг Самандар «ишим бор», деб хонасига кириб кетди. Ота-бала телевизорда зерикарли бир тамошани ярмига қадар тоқат қилиб қўришгач, Тошболта қизидан:

— Турсуналининг бойлиги кўп эди, милиса тополмади. Хотини билмаса... қайга беркитди экан? — деб сўради.

Нафисанинг кўзлари телекранда бўлса-да, хаёлига шу савол ҳукмрон эди. Отасига қараб «билмайман» деб елка қисиб қўйди-ю... кейин сўнгги кечалардан бирида юз берган воқеани эслади. Аслида ўша воқеани унумаган, лекин қама-қама бошланиб, боқقا боришга қўрқиб

юрган эди. Телевизорни яна бир оз томоша қилган бўлиб, сўнг ўша воқеани отасига баён қилди...

... Турсуналининг кайфияти хуш эди. Маишатни бошлашдан аввал Нафисанинг қулоқлариға тилла зирак, бармоқлариға тилла узуклар тақди. Сўнг нафс қонгач, тонгга яқин ечиб олди. Авваллари бунақа одати йўқ эди — совғаларини қайтиб олмасди. «Замон нозик бўлиб турибди. Тақиб юрсанг, одамлар гап қилади, эринг ҳам шубҳаланади. Шу ерда тура турсин», деди-да, ташқарига чиқди. Нафиса ўрнидан туриб елкасига чойшаб ташлаганича, деразага яқинлашиб, таш-қарига ўғринча қаради. Турсуналининг ўчоқбоши томон қайрилганини кўрди. «Карвон шу ерда бўлса бу аҳволда дуч келмай», деб ташқарига чиқишига кўрқди. Турсунали ўчоқбошидами ё этакдаги қўйхонадами, Нафиса аниқ билолмади, анча қолиб кетди. Меҳмонхонага киришдан олдин қўлларини ювди. Ичкари кириб ётди-ю, кун ёйилгунича ухлади...

Бу воқеадан аввалроқ боҳабар қилмагани учун Турсунали қизини ғадаблади. Эртасига тонгдаёқ ота-бала йўлга отландилар.

Ўчоқ остидан топилган зираклар, узукларни Нафиса жони узилганига қадар тақиб юрди. Адолат бу тақинчоқларни янги ўйнашнинг ҳадяси деб ўллади. Самандар эса дастлабки кунлари хотинида янги тақинчоқлар пайдо бўлганини ҳатто пайқамади ҳам. Нафиса «ерим сўраса «дадам олиб бердилар», дейман», деб жавобни нақд қилиб қўйган эди. Синчковлик, хотинларга эътибор деган тушунчалардан бегона Самандар тақинчоқларни кўрганда ҳам индамади. «Маошларини йиғиб олгандир», деб қўя қолди.

Тақинчоқлар тарихидан бехабар Омонулло иссиқ кунда ароқнинг кучи билан янада қизиб олган Сафарнинг эзмалигидан ҳориган ҳолда уйига қайтди.

## МАҒЛУБИЯТ ВА ФАЛАБА

(Қотилликдан аввалроқ содир бўлган воқеа)

Турсунали зекквагонда ёнма-ён келган бадбашара одамнинг лақаби «Удав»<sup>25</sup> эканини Тенгиздан эшитди. Эшитди-ю, булар билан ҳазиллашиб бўлмаслигига яна бир карра ишонди. Бахтини қарангки, у ўша «Удав» билан вагонда бирга бўлиби, бу нодон «Удав» қочибди, унинг хазинани ўғирлаганига Гобеляннинг одамлари ишонибди. Ишонишмаганда нима бўларди, қочмаганида нима бўларди, вагонда бошқа ўғри билан келганида нима бўларди? Хаёлида шу саволлар уйғонганида Турсуналининг юраги орқасига тортиб кетаверди, кўз олдида болалари, Матлубасининг маъюс чеҳралари гавдаланиб, эзилаверди. Нечундир ўз жони ҳам арзимасдай туюла бошлади. Нечундир Нафисадан олган мактуби дардига малҳам бўла олмади. Кунлар, ҳафталар шу зайлда ўтаверди. Ўчакишгандек Нуриддин ҳам тескарилигича қолаверди. Ўчакишгандек, ошхонада бошланган ола-тўпалонда дўпосланиб, ўлар ҳолга келди. Жанжал нимадан бошланганини англашга улгурмади ҳам. Назоратчилар нима сабабдан муштлашувни бостиришга уринишмаётганидан ажабланди. Қамоқ шифохонасида кўзлари тиниб, боши айланиб ётганда бу ҳақда кўп ўллади. Чала ўлиқ, чала тирик ҳолда азоб денгизига бир ғарқ бўлиб, бир юзага қалқиб чиқиб ётганида ўзини «прокуратураданман», деб таништирган одам бешта сурат кўрсатиб, «қайси бири билан зеквагонда келгансан?» деб сўради. Турсунали Тенгизнинг огоҳлантиришини эслаб «Удав»нинг суратини адашмай кўрсатди. «Прокуратураданман» деган одам нечундир бошқа нарсани сўрамади.

Ошхонада жанжал бошланганида, айниқса жағига биринчи мушт тушганида Нуриддинни излади. Кейинроқ эслади: Нуриддин ўша куни эрталабдан кўринмаган эди. Йўқ, ҳатто тунда ҳам жойида ётмаган эди. «Қаёққа йўқолди! Ё қочиб кетдими у нодон?» деб ўллади Турсунали. Нуриддиннинг қамоқ ҳибсхонасида эканини билгач «омадли бола экан», деб қўйди. Бу

<sup>25</sup> «Bo'g'ma ilon» demakdir.

масалада у ҳақ әди. Чунки бир неча кунлик ҳибс Нуриддин ҳаётини омон сақлаб қолди, дейиш ҳам мумкин.

Тайёрланмиш фитнадан огоҳ бўлган куннинг эртасига оқшомда Нуриддин ҳовлида бошлиқ мувонинига дуч келди. Салом бериб ўтиб, икки қадам ҳам босмаган эди-ки, маёрга «тўхта!» деб буюрди. Нуриддин тўхтагач, бўралаб сўкиб, «нега салом бермадинг?» деб бақирди. «Салом бердим-ку?» деб ажабланган Нуридинни маёрга «ҳали гап ҳам қайтарасанми!» деб уриб қолди. Нуриддин жавоб қайтариш у ёқда турсин, ҳи-мояга чоғланса ҳам баттар бўлишини билгани учун тобе ҳолида туриб берди. Маёрга уриб, сўкиб бўлгач, Нуридинни ҳибсхонага бошлаб бориб, «салом бермагани, гап қайтаргани ва лагер ички интизомини қўпол бузгани учун» қамади. Ботқоққа ташланган одам «нечун бунда лой кўп?» деб ажабланмагани каби Нуриддин «бу қадар ноҳақлик бўларми, ахир?!» деб ҳайратланмади ҳам, ғазабланмади ҳам. Бу тарздаги ҳибсхонада ўтиришлар уйга юборажак ва олинажак муждалар сонини камайтиришини, оқибат озод бўлиб чиқиши онларига салбий таъсир этажагини билгани учун афсусланди холос.

Ҳибсдан қутулиб чиқиши билан уни Тенгиз чорлатди. Ёмғирдан сўнг адл қомат оқ қайнинлар нозикбадан келинчаклардай кўзни қувонтиради. Тенгиз дарахтнинг силлиқ баданига кафтини қўйиб атрофга суқланиб боқарди. Унинг овулида, арчалар орасида, унда-бунда шундай оқбадан қайнинлар кўзга ташланарди. Уларни бирор атайин олиб келиб экканми ё қадимдан бормиди — Тенгиз билмайди. Тоғ арчалари орасида бегонасирамай ўсаётган бу дарахтларга қараб завқланарди. Бу ерда, ўзи юртида оқ қайнинлар ўзгача жилва қиласарди.

Нуридинни бошлаб келган Пачоқбурун сал берида тўхтаб «Княз, келди», деб овоз берди. Тенгиз орқасига ўгирилгач, ўзи нари кетди. Нуриддин эса у томон юрди.

— Ҳа, Ҳамзат, кел, мана буни қара: агар дунёда покизалик истасанг, дарахтлару кўкатлардан изла. Одамлардан қидирма — овора бўласан. Кафtingни қўй бу ерга, сўнг табиатнинг шивирига қулоқ тут.

Нуриддин Тенгизнинг айтганини қилди. Аммо ҳеч нарсани сезмади, тушунмади. Тенгиз эса худди ўзига ўзи гапиргандай шеър ўқий бошлади:

Англадим: номуснинг қотили — қуллик,  
Кўрдим: тожли бошлар таъзимга келди.  
Булбулларим ўлди Чаманзорларда  
Булбулли мақоми чўғзимга келди.  
Ҳақоратлар едим. Таҳқир, ҳақорат —  
Тирноғимдан тортиб бўғзимга келди...<sup>26</sup>

Русчалаб айтилган сатрларни Нуриддин яхши тушунмади. Яхшики, Тенгиз «англадингми, Ҳамзат?» демади. Сўраганида унинг довдираши аниқ әди.

Бу сатрлар Тенгизнинг хаста юрагидан потраб чиқиб беихтиёр тилга қўчган, Нуридинга айтиш учун мўлжалланмаган әди. Тенгиз ҳам, бошқа шериклари ҳам ўзларини «озод инсон» ҳисобласалар-да, аслан ўзлари барпо этган зиндонга маҳбус эдилар. Дастрлаб ҳашаматли қаср бўлиб кўринган бу зиндондан ҳеч ким осонликча, аникроқ айтилса, тириклигича қутилган эмас. Кўпчилик қутулиш чораларини ўйламайди ҳам, изламайди ҳам. Тенгиз эса бу қаср остонасига қадам босгунича бўлган чин озодлигини қўмсайди. Юраги баъзан қаноти синган қуш сингари учмоқ истайди. Қайси замонда, қай маконда қанотлари синган қуш эркин осмонга парвоз қилиби-ки, Тенгизнинг қалби бунга етишса...

— Бу дарахт бечоралар бизлар туфайли тутқунда, бизларни деб булар ҳам тиконли қамоқ симтўрлари билан ўралган... — Тенгиз бу гапни ҳам Нуриддин учун эмас, ўзи учун паст овозда айтди.

Уларнинг макони покиза ҳисларга банди бўлиб туришга кўпам имкон бермайди. Бунда қалблар бир неча лаҳзагина аслига қайтиши мумкин. Сўнг... яна бузуқлик, ёвузлик, нафрят

<sup>26</sup> Shoira Qutlibekaning ajib she’laridan minnatdorlik ila foydalandik. — Muallif.

чодирларига ўралади. Ўралганда ҳам чирмаб ўрайди, эзади, сиқади. Озгина фурсат яйраган хислар эса нола чекади, инграйди, оқибат — овози ўчади.

Тенгиз шундай ҳолатда эди.

Зулмат чодири қалбни ўради — кафтини дараҳт баданидан олди.

— Мазза қилиб чиқдингми? — деб Нуриддиннинг елкасига енгил муштлади. — Эшитгандирсан, ўша фитна худди мен айтгандай амалга оши. Янис оғир ётиби. Бугун-ерта жон берса ҳам эҳтимол. Бир мўъжиза билан тирик қолса ҳам отувга ҳукм этилади. Ўлдирилган уч маҳбуснинг хуни унинг бўйнига илинди. Яна учта шериги ҳам кетади. Сен билан биз эса мишишларимизни қилиб юраверамиз.— Тенгиз кейинги гапи-ни аччиқ киноя билан айтди-да, дараҳтни тепди.— Улар юртларига озодлик уруғи сепган эдилар. Бу ерга келиб ўлим мевасини ундириб едилар. Айб бизда эмас, Ҳамзат, сен ҳали бундай тамошаларнинг кўпини кўрасан.

— Мени нимага қамашди?

Нуриддин аслида «сиз қаматтирдингизми?» деб сўрамоқчи эди. Тенгиз саволнинг мағзини ўқиб, бош чайқади:

— Билмайман, Ҳамзат. Кўзига хунук кўриниб қолгандирсан. — Тенгиз шундай деб кўзларини лўқ қилганича үнга тикилди. Айрим одамлар ёлғонни сездирмаслик учун нигоҳини олиб қочади, Тенгиз эса аксинча, тик қарайди.

Нуриддиннинг гумонида жон бор эди: у Тенгиз истаги билан қамалганди. Тенгиз кечаси Кошакнинг ароғини ичгач, кўп ўйлади. Эртасига Кошакни чорлаб, гапни айлантириб сўради. Кошак аниқ жавобдан бўйин товласа ҳам Нуриддиннинг ўлимга ҳукм қилинганини ишора билан маълум қилиб қўйди. «Шогирдинг ҳам синаладиган бўлиб турибди», дейишиданоқ Тенгиз унинг шумлигини пайқади. Англади-ю, маёрни ишга солди. Маёрнинг осонлик билан кўнганидан билдики, Нуриддиннинг нишонга айланиши қамоқ лагери бошлиқларнинг фикри эмас, Кошакнинг шахсий ташаббуси. Шу боис ҳам Нуриддин қутулиб чиқиши билан уни чақиртириди.

— Ҳамзат, сенинг боғча болалик давринг ўтди. Энди мактабдаги ўқишни бошлашинг керак. Ўжарликни йиғиштири, сен учун энг тўғри йўл — бизнинг ўйлимиз. Биринчидан, жонингни асройсан, бу ердан тирик ҳолда, икки оёғингда юриб қайтасан уйингга. Иккинчидан, билиб қўй: уйингга қайтганингда бирор сени одам ўрнида кўрмайди. Ҳатто энг яқин қариндошларнинг учун ҳам сен «қамалиб чиқсан одам»сан. Бирорнига меҳмонга борсанг ҳам сендан хавфсираб туришади. Игна йўқолса ҳам сендан кўришади. Улар орасида энди ҳалол яшай олмайсан. Ҳамонки сендан шубҳаланишяптими, яхшиси чинакам ўғри бўлиб яшайверганинг маъқул. Сен бизнинг касбимиздан нафратланма, аввал ҳам айтганман, яна айтаман: биз ҳалол одамлармиз. Биз бирон бир ишчининг ёки мактаб муаллимининг уйига бостириб кирадиган аҳмоқ эмасмиз. Хўп, кирдик ҳам дейлик, нима оламиз бу ўйдан? Ювилавериб ёқалари титилиб кетган кўйлакларними? Мен сентябр ойида овга чиқишни яхши кўрардим, Ҳамзат. Нимагалигини биласан, а?— Тенгиз шундай деб ҳузурланиб жилмайди. — Ҳа, айтмоқчи, Ҳамзат, сен нима учун институтда ўқимадинг? Истамадингми?

Нуриддин Тенгизнинг мақсадини тушунмади. Шунинг учун аввалига «Нима эди, нима учун қизиқиб қолдингиз?» деб сўрамоқчи бўлди. «Қутулиб чиққанимдан сўнг ўқишга жойлаштирмоқчими?» деб ҳам ўйлаб, тўғрисини айтиб қўя қолди:

— Саккизинчини битириб ундан у ёғига ўқий олмаганман.

— Нимага ўқимагансан Ҳамзат, билиминг каммиди ё ақлинг каммиди?

Кейинги савол Нуриддиннинг ҳамиятига тегиб тўнглик билан жавоб берди:

— Пулим кам эди.

Бу жавоб Тенгизга маъқул келиб, кулди:

— Шунақалигини билардим, — деди у Нуриддиннинг елкасига яна енгилгина мушт уриб. — Сендақалар кўп бу мамлакатда. Ўнинчини тугатганингда ҳам барибир институтга киролмас эдинг. Ёздаги кириш имтиҳонларида ўқитувчилар денгизга тўр ташлаган балиқчиларга ўхшаб нодонларнинг пулларини йиғиб оладилар. Мен эсам тўримни уларнинг устига ташлайман. Қани

айтчи, ким кўпроқ гуноҳкор? Уларми ё менми? Биз ҳалол ўғримиз, Ҳамзат, энди сен ҳам бизнинг оиласизга қўшиласан.

— Мен...

— Жим бўл! Гапингни эшитишни ҳам истамайман. Қарорим қатъий — шикоятга ўрин йўқ! Сен бугундан бошлаб Қўтоснинг шогирдисан. Менга қара, ўжар, сен унинг ҳунарини астойдил ўрганавер, озодликка чиққанингдан кейин нима қилишни ўзинг биласан. Ҳа, айтмоқчи, чап қўлда овқат ейишни биласанми? — Тенгиз шундай деб муғамбирларча жилмайди-да, саволига жавоб бўлмагач, гапини давом эттириди: — Қадимда энг зўр ўғрилар Бағдодда бўлар экан. Сенга ўхшаган бир аҳмақ ўғриликни ўрганаман деб Бағдодга келиб, энг зўрини топиб, арзини айтибди. Зўр ўғри «бўпти, шогирдликка олдим сени», деб уни меҳмон қилибди. Аммо «овқатни чап қўлда ейсан», деб шарт қўйибди. Аҳмақ шогирд қанча уринмасин, овқатни чап қўлида еёлмай «шу шартми?» деб норозилик билдирибди. «Шарт, — дебди устоз, — ўғриликнинг энг асосий шарти — чап қўлда овқат ейиш. Чунки ўғри эртами-кечми панд еб, ҳибсга олинади. Панд едими, тамом, шариат ҳукмига биноан ўнг қўли кесилади. Сенинг қисматинг ҳам шундай бўлади. Овқатни чап қўлда ейишни хозирдан ўргансанг, кейин қийналмайсан». Бу гапни эшитиб, ҳалиги аҳмақ орқасига қочворган экан. Лекин сен ҳавотир олма, бизнинг ҳукумат одил, қўлни кесмайди. Тўрт йилми, беш йилми боқади, дам беради. Кейин қўйиб юборади, — Тенгиз шундай деб кулди.

Нуридин унинг бу кулгиси замирида хушчақчақлик, қувонч нурини эмас, алам ва изтироб заҳрини сезди.

Нуридин ўша куниёқ Қўтоснинг қўлига «тантанали суратда» топширилди. Қўтос дастлабки кунлари унинг «фоя»сини бойитиш билан шуғулланди. Ўғрилар оламига хос тартиб-қоидалар билан таништириди. У ҳар бир тартиб ёки қоиданинг аҳамиятини эринмай тушунтирас, худди ривоят айтувчи ровий каби қиссадан ҳисса ясаб, бу қоидаларни бузганларнинг қандай жазога йўлиқканларини батафсил баён этарди. Қў-тос — жар лабидаги сўқмоқдан, қирғоқларни боғловчи қил кўприқдан кўзларини чирт юмиб олиб ҳам югуриб кетаверадиган одам, гўдакни етаклаб, бу йўлдан адашмай юрмоқни ўргатарди. Ўргата туриб «орқага қайтишни ўйлама, ҳатто ортингга бурилиб қарама», деб уқтиради. Тенгиз «озодликка чиққач, нима қилишни ўзинг биласан», дегани билан Нуридин тўрга ўралиб бораётганини сезиб туради. Сезарди-ю, қутулмоқ чорасини тополмай гаранг эди.

Навбат «сиёсий» тайёргарликдан «амалий» машғулотга ўтиб, Қўтос темир жавонларнинг, улардаги қулф-ларнинг турлари ҳақида тушунтириб ўтирганда Кошак яқинлашиб, ён томонга хунук тарзда тупурди-да:

— Князингнинг куни битди, — деди Қўтосга қараб.

Бу кутилмаган хабар Нуридинни ҳам, Қўтосни ҳам танг қолдирди.

— Нима бўлди? — деди Қўтос ўрнидан туриб.

— Нима бўларди, — деди Кошак Нуридинга қараб заҳарли тиржайиб, — куни битгандир-да. Қўлларига киshan уриб, ҳибсхонаага ташладилар.

— Ким ташлади? Нимага ташлади?

— Нималигини улардан сўра. Князинг кейинги пайт-да ўзини ростдан ҳам «княз» деб ишониб қолувди. Уни уч ҳарф тинчтади энди.

— Кошак, сен бундан қувоняпсанми? — деди Қўтос аччиқланиб.

— Бўлмасамчи! Энди бу ерда мен князман!

— Бекор айтибсан! Биз ҳали ўйлашиб кўрамиз. Сен биродарингнинг мусибатидан қувониб, қонунни бузяпсан!

— Қўтос, сен ўзингнинг ишингни билиб қилавер. Лекин мана бунаقا итваччаларни йўқот. — Кошак шундай деб ёнидан буклама пичоқни чиқариб сопи ёнидаги тугмани босди. Офтобда ялтиллаган пичоқ тифини Нуридиннинг кекирдагига тиради: — Ана энди ҳимоя-чинг йўқ, Бифштекс учун жавоб берадиган вақтинг келди. — Шундай деб тифни аста ботирди.

— Кошак, бу бизнинг одам!

— Бекор айтибсан, бу итваччалар ҳеч қачон бизнинг одам бўлишмайди. Мен Бифштекс учун буни ўлдираман, деганманми, демак, ўлдираман. Майли, ҳозир эмас, озгина яшасин, қутулиб чиқсин, уйига борсин. Ўша ерда... бунинг сассиқ онасини ўзининг кўз олдида трамвайга қўяман... Кейин...

Кейин нима бўлишини айта олмади. «Сассиқ онасини...» деганидаёқ Нуриддиннинг жони ҳалқумига келди, «трамвайга қўяман», деганида эса қалбида нафрат ва ғазаб вулқони портлади-ю, кўз олди қоронғулашди. Томоғига пичоқ тираб турилганини ҳам унубиб, Кошакнинг нақ қаншарига мушт тушириди. Нарига учиб тушган Кошакни тепмоқчи бўлганида Қўтос йўлини тўсди. Дам ўтмай Кошак ўрнидан туриб, ерга санчилиб қолган пичоқни яна қўлига олди:

— Қўтос, қоч, бу итни менга қўйиб бер! — деди у хириллаб.

— Фақат ўзингни ҳимоя қил, — Қўтос Нуриддинга қараб шундай деди-да, ўзи четга чиқди. Кошак эса ўша заҳоти қутурган мушук мисол Нуриддинга ташланди. Нуриддин унинг ҳамлаларига чап беравериб, бир неча дақиқа сарсон қилди. Ҳамлалари бекор кетгани сайин Кошак бўралаб сўкар, бетўхтов равишда тупурар эди. Унинг бу қилиқлари Нуриддиннинг жонига тегиб, охири Кошакнинг пичоқ тутган қўлини мўлжаллаб туриб, билагига қаттиқ тепди. Нарига учиб тушган пичоқни Қўтос олди-да, тифини буқлаб, чўнтағига солди. Кейин қўлини чангалағанича тиз чўкиб ўтириб қолган Кошакка яқинлашиб, билагини ушлаб кўрди:

— Ўлмайсан, синган бўлса тузалиб кетади. Беш-ён кун қитмирилик қилмай ўтира турасан.

— Мен уни ўлдирмай қўймайман, — деди Кошак, кейин Нуриддинга қараб бақирди: — Эй, ит! Энди сен ўликсан, тушундингми, ўликсан!

Нуриддин тушунди. Булар «ўликсан», деб хукм чиқаришдими, демак, муддаога етишмагунча тинчишмайди. Демак, яшаб қолишнинг ягона чораси бор: уни ўлдириш!.. Нуриддин шу тўхтамга келгани билан қарорини амалга ошириш йўл-йўригини билмас эди. Урушда бўлса эканки, шартта қурол тепкисини босиб, ўқ ёғдириб юборса. Бунда қурол йўқ, мушт билан эса бирон натижага эришиш қийин. «Ўйчи ўйига етгунича, таваккалчи тўйига етибди», деганларидек, у бирон йўл излаб топгунича булар масалани ҳал қилиб қўя қолишлари мумкин. Бугун кечасими ё эртасигами, ҳар ҳолда чўзиб ўтиришмаса керак.

Кечаси зийрак ҳолда ётган Нуриддин янглишмади. Ҳамма ширин уйқуда эканида Қўтос келиб «Менинг ўрнимга ўтиб ёт», — деди. Орадан бир соатлар ўтгач, барак эшиги очилиб, Кошак ёнида тўрт йигити билан кириб келиб, тўғри Нуриддин ётган жойга қараб юрди. Йигитлардан иккитаси ётган одамни Нуриддин деб фаҳмлаб, имо-ишорасиз ҳолда икки оёғини таппа босгани ҳамон, қолган иккитаси қўлдан олишга улгурмай, Қўтос қаддини кўтарди:

— Кошак, яна хато кетдинг, мен эсам янглишмадим,— деди у овозини пастлашга ҳаракат ҳам қилмай.— Болага тегма, дедимми, демак, тегмайсан. Жўна энди!

Кошак сўкинганича чиқиб кетди.

Қўтос эса ўтирган ерида ўйга толди. Князнинг ҳибс-га ташланиши билан Кошакнинг бу қадар қутуриши сабабларини излаб топмоқчи бўлди. Кошакнинг ҳар бир босган қадамини кузатиб юрган махфийлар тонгда Қўтосга кутилган ва кутилмаган хабарни етказдилар. Қўтос Кошакнинг Турсуналини сиқувга олажагини гумон қилган, аммо ҳибсхонадаги Тенгиз ҳузурига киришини ўйламаган эди. Қамоқ лагерига Москвадан одамлар келиши, Князнинг қўлига кишан урилиши ва Кошакнинг қутуриши бир занжир ҳалқалари билан боғланганини фаҳмлади. Аввалига «политбюро»ни шошқич равишда тўпламоқчи бўлди. Бироқ, ўғрилардан яна қанчаси Кошак томонда эканини аниқ билмагани учун бир оз кутишга қарор қилди.

Ўғрилар оламида туғилиб, вояга етган, суюги қотган Қўтоснинг ақли бу сафар ҳам ўзига хиёнат қилмаган, воқеаларни боғлаб турган кўринмас занжир ҳалқаларини ақл кўзи билан кўра олган эди.

## ТАЛВАСА

Омонулло бир варақ қофозни тўртга бўлди-да, бирига «Самандар Очилов», иккинчисига «Тошболта», учинчисига эса «Матлуба Тўхтаева», тўртинчисига эса «кооператив», деб ёзиб, сўроқ белгиси қўйди. Сўнг қарта чийлаётгандек аралаштиргач стол устига ёйиб, бир нарса ўқимоқчи бўлаётган фолбиндай тикилиб ўтирди. Кейин Тошболта зикр этилган қофоз парчасини нари сурди. Дам ўтмай Матлубанинг исми ёзилгани ҳам четга сурилди. Шу ўтиришида диққати ошгандан ошиб, тўртинчи қофоз парчасига ҳисобсиз сўроқ белгилари чизиб ташлади-да, чуқур «уф» тортди. Ана шундай тарзда сиқилиб ўтирган чоғида телефон жиринглади. Гўшакни истамайгина қулоққа тутди-ю, беихтиёр сапчиб туриб кетди. Четдан қараган одам у телефон гўшагини эмас, адашиб, қизиб турган дазмолни қулоғига тутди-ю, куйди, деб ўйлаши ҳам мумкин эди. Аслида эса Омонуллони сапчиб туришга бошлиқнинг хабари мажбур этган эди. Бир неча дақиқада суратчи, криминалистлар гуруҳининг бошқа йигитлари ҳовлида тўпланишди-ю, навбатчи машинада Самандар Очиловнинг уйига йўл олишди.

Уйнинг эшиги ланг очиқ, қўллари кишанланган Самандар меҳмонхонадаги дераза ёнида кўчага тикилганича тек турарди. Қадам овозларини эшишиб бурилиб қаради-ю, Омонуллонинг нигоҳига рўпара бўлди. Омонулло қошу-киприкларигача малла бўлган бу одамга бир зум тикилди-да, сўнг уйда пойлоқчилик қилган ҳамкасбига қаради. Ҳамкасб йигит бу қараш замиридаги саволни ўқиб қисқа тарзда ахборот берди:

- Хотиржам келиб қулфга калит солди. Эшикни очиб, остоңада бир пас қимирламай турди.
- Ҳеч нарсага тегмадиларингми? — деб сўради Омонулло атрофга бир разм солиб.
- Йўқ.
- Қўлларини бўшат.

Самандар кишандан бўшаган билакларига маъюс тикилиб қолди.

— Ўтиринг, Очилов, — Омонулло иккита стулни бир-бирига қарама-қарши қўйди-да, ўзи деразага орқа қилиб ўтирди. Самандар отасидан тарсаки тушиб қолишидан қўрқсан боладай ҳадиксираб турди.

То уйига етиб келгунига қадар Самандарнинг рухи гўё беҳисоб чаёнлар ҳукмида бўлди. Уйида қандайдир ноҳушлик кутаётганини юраги сезиб, эзилган бўлса-да, «милитсия ходимиға дуч келарман, остона ҳатлашим билан қўлларимга кишан солинар», деб ўйламаган эди. Пойлоқчи йигитга «Очилов келиши билан қимирлатмайсан», деб буюрилган, у Самандарнинг кимлигидан бехабар бўлгани сабабли уни ашаддий қотил гумон қилиб, қўлини кишанлаб қўя қолган эди. Самандар эса буни узил-кесил ҳукм деб тушуниб ўзидан кетаёзди.

- Ўтиринг, — деди Омонулло бу сафар қатъиyroқ тарзда.

Самандар стулнинг сүянчиғини ушлаб асталик билан ўтиргач, Омонулло ўзини танитди-да, сўроғини бошлади:

- Москвада ҳамиша қўп қолиб кетасизми?
- Ишга қараб, — деди Самандар унга тик қарай олмай, — баъзан эрталаб бориб, кечқурун келаман. Бу сафар сал тобим қочди...
- Нима бўлди?
- Ёқмайдиган нарса еганман шекилли... сал заҳарланибман.
- Сизни олим дейишиди... Нима билан шуғулланасиз?
- Буни аниқ айтишим мумкин эмас.
- Умумий тарзда-чи?
- Умумий тарзда... зилзилага оид десам ҳам бўлади.
- Бу ишга чет элликлар ҳам қизиқса керак?
- Билмадим... балки қизиқар...
- Сизга бирор шу иш бўйича таклиф қилганми ё...
- Йўқ. Нега сўраяпсиз?

- Душманингиз йўқми, демоқчиман.
- Душман... билмадим... бўлмаса керак.
- Нафиса Болтаева сизнинг иккинчи хотинингизми?
- Ҳа... — Самандар шундай деб нигоҳини олиб қочди.
- Ҳозир у қаерда?
- Билмайман... уйда бўлиши керак эди.
- Охирги марта қачон, қаерда кўргансиз?
- Эсимда йўқ...
- Қизиқ... хотинингизни қачон кўрганингизни ҳам эслолмасангиз... Бизни бу ерда кўриб ҳайрон бўлмадингизми?
- Ҳайронман...
- Москвага кетишингиздан олдин бир полковник ҳамроҳлигига келиб уйингизга кириб чиққансиз, қўлингиз нима учун қон эди?

Бу савол Самандарнинг бошига оғир гурзи мисол урилиб, товонига қадар зириллатди, ҳушини йўқотиб, ақлдан озган девонадай бақрайиб қолди. Афтодаваш бу одамнинг кўзларига Омонулло жон олғувчи Азоил бўлиб кўринди. Ўшанда полковник сўраганида савол ўқидан «шиша тилиб кетди», деб қутулган эди. Ҳозир тилига шу жавоб ҳам келмай, соқов ҳолида тураверди. Омонулло саволни яна қайтаргач: «есимда йўқ, балки кесиб олгандирман», деб ғўдиранди.

- Чап қўлингизни кесувдингизми ё ўнгиними?
- Самандар ажабланиб, қўлларига қаради: дарвоқе, қайси қўли қон эди? Савол яна такорлангач, «ўнг қўлим», деди.
- Яхши, буни ҳали мутахассисларимиз аниқлаб беришади. Нима билан, қандай кесганингизни ҳам эслаб туринг. Энди асосий гапга ўтайлик: уйга кирганингизда ким бор эди?
- Бугунми? — деб сўради Самандар.
- Йўқ, ўша куни.
- Ҳеч... ҳеч ким йўқ эди.
- Хотинингиз, мен иккинчисини назарда тутяпман, ҳозир қаерда?
- Билмасам... уни тоқقا олиб кетсан, деб келувдим.
- Шу гапингизга ўзингиз ишонасизми?
- Мени нима учун бундай сўроқ қиласиз? Айбим нима?
- Айбим, дедингизми? Сизнинг тилингизда бу «айб» дейилса, бизнингча «жиноят» деб юритилади, — Омонулло шундай деб портфелидан мурдаларнинг суратини олиб кўрсатди. Самандар бир қаради-ю, дарров кўзларини олиб қочди. — Қаранг, нима учун қарагингиз келмаяпти? Нима учун уларни ўлдирдингиз? Рашк қилдингизми ё бошқа сабаб борми?

Самандар бу саволларни эшитгач, кўзларини катта-катта очиб Омонуллога қаради. Омонулло уни кузатиб, бамайлихотир ўтираверди, бошқа сўз айтмади. Мана шу қисқа муддатли сукут Самандарга ажал ўқининг азобларидан ҳам баттар туюлди. У ўшанда ўликлардан қўрқиб қочган эди, бу қочқинлиги, бу қўрқоқлиги эвазига «қотил» деган нишонга эришувини ўйлаб кўрмаганди. Бўйнига сиртмоқ осонгина туша қолиши етти ухлаб, бир тушига кирмаган эди. «Нима учун ўлдирдингиз?» деган савол уй деворларига урилиб акс-садо бераверди.

- Нима деяпсиз?... Мен.. ўлдирганим йўқ, — деб пицирлаши билан дардини тўсиб турган тўғон бузилиб, йиғлай бошлади.

«Биринчи хотини тўғри айтган экан», деб ўйлади Омонулло.

- Сиз ўлдирмаган бўлсангиз... ким қилиши мумкин бу ишни?
- Билмайман...
- Пичоқ сопида бармоқ изларингиз бор, — Омонулло буни тахминига асосланиб айтди. Пичоқ сопи, эшик тутқичи, темир жавон, яна айрим буюмлардаги бир хил из Очиловга

тегишли, деб гумон қилинган эди. Гумон ҳақиқатга айланиши учун бир неча дақиқадан сўнг Самандарнинг бармоқ излари олиниади. Унга қадар эса тахминга суюниб иш кўриш ҳам мумкин.

— Мен ўлдирганим йўқ, ишонинг. Мен кирганимда улар...

— Ўлганмиди?

Самандар бош ирғаганича гўдак каби йиғлайверди.

— Унда нима учун «қўрмадим» дедингиз?

— Қўрқдим...

— Нимадан... ёки кимдан?

— Ўликдан... ўлиқдан қўрқаман.

— Қизиқ... сиз қўрқсангиз, мен қўрқсам, мурдани кимдир кўмиши керак-ку? Ўликни кўра туриб қочиб қолганингиз ақлга сифмайдиган иш. Дейлик, сиз қотил эмассиз. Лекин кирдингиз, қўрдингиз, хотинингиз бу аҳволда, ёнида эса бир эркак. Танирмидингиз уни?

— Йўқ, йўқ, танимайман.

— Хотиним билан ўлиб ётган бу эркак ким экан, деб қизиқиб қарадингизми ўзи?

— Йўқ... очиғини айтсам... қарадиму юзини қўрмадим. У... юзтубан ётган экан.

— Нима? Юзтубан? Адашмаяпсизми?

Самандар бир оз ўйланиб, сўнг айтганини такрорлади. Омонулло эса ажабланиб чалқанча ётган мурданинг суратига қараб олди. «Агар бу ўлдирмаган бўлса, демак, қотил уйда эдими, у чиқиб кетганидан кейин мурдани ўгириб қўйдими?» Омонулло бу масалада турли гумонларга борди. Бироқ, бу ишни Тошболта ҳам қилган бўлиши мумкин деган фикр унга хиёнат қил-ди — гумонни ойдинлаштиrmади.

— Демак, сиз кирганда булар ўлиб ётишган экан. Эслангчи, пичоқдаги қон илиқмиди ё қотиб қолганмиди?

— Илиқ эди... сесканиб кетдим, қўрқдим.

— Бармоқларидағи узукларни, қулоқларидағи зиракларни нега олиб қўйдингиз?

— Нима деяпсиз? Ўликдан ечиб оламанми!?

— Балки ечиб олиб сейфга қўйгандирсиз?

— Сиз... тұхмат қиляпсиз, мени кечириңг...

— Унда сейфни нима учун очдингиз?

— Москвага олиб борадиган ҳисоб-китоб ҳужжатларим бор эди. Шуни деб атай келувдим. Бўлмаса тўғри учаверар эдим.

— Сейфнинг калити хотинингизда ҳам бормиди?

— Йўқ. У ерда фақат менинг қофозларим туради.

— Очинг.

Саросима тўридаги Самандар чўнтакларини пайпаслаб калитни қидирди. Сўнг дипломатини очиб йўғон калитни олгач темир жавонни очди-да, ўзи икки қадам чекинди. Омонулло темир жавон ичида титилган қофозларга дикқат билан разм солиб айрим сахифалардаги қонли доғни қўрди. Жавонда пул ҳам, қимматбаҳо буюм ҳам йўқ эди.

— Қарангчи, ҳеч нимангиз йўқолмаганми?

Самандар нарсаларни кўздан кечириб «ҳаммаси жойида» дегач, Омонулло эксперталарни чақириб қон теккан қофозларни ажратиб олиб, уларга бермоқчи бўлди. Самандар бунга эътиroz билдиргач, қофознинг доғ қисмини қайчидан эҳтиётлик билан қирқиб олишди. Шундан сўнг Омонулло Самандарни даҳлизга бошлаб чиқди.

— Энди шошилмай, бир бошдан айтиб, кўрсатасиз. Айтадиган ҳар бир сўзингиз ё фойда беради ёки аксинча, ўзингизга зарар келтиради. Олим одам экансиз, майли, суҳбатимиз бошидаги довдирганингизни кечирай, аммо бундан буёғига эсингизни йиғиб олинг. Сизни «қотил» дегим келмаётган бўлса ҳам далиллар барибир сизга қарши турибди. Демак, сиз зинадан кўтарилиб чиқдингиз. Йўлда кимни қўрдингиз? Рўпарангиздан нотаниш одам ўтмадими?

— Йўқ... тўхтанг... ха, қўшни хотинни кўрдим шекилли?

— Эшигингиз қулф эдими, уни калит билан очдингизми?

— Қулф... — Самандар шундай деб, худди қўлида калит тургандай кафтига қараб олди. — Очиқ эди шекилли... Ҳа, аниқ... очиқ эди. Эшиқдан киришим билан димоғимга газ ҳиди урилди. Нафисахоннинг фалати одатлари бор эди. Иккита-учта човгумни эритиб, ўзларини Худо бир асраган. Қишлоқда газга ўрганмаганларда, човгумни оловга қўйиб эсдан чиқариб кетаверганлар. Яна шунаقا бўптимикин, деб ўйлабман. Ҳаёлим газда бўлиб, хавотирда оёғим остига қарамабман. Ошхонага ўтаман, деб бу... ўликка қоқилдим...

— Йиқилдингизми?

— Йў-ўқ... йиқилмадиму... лекин Нафисахонга кўзим тушди.

Самандар Омонуллонинг буйруғига итоат этиб, мурдаларнинг қай ҳолатда ётганини кўрсатиб бераётганида суратчи чаққонлик билан суратга олиб турди.

— Хўп, хотинингизни сиз ўлдирмабсиз, лекин пичоқ сопини нега ушладингиз?

— Суғуриб олмоқчи бўлгандирман... Ҳа... лекин ушладиму тортиб олишга қўрқдим. Кейин... газ на-фасимни бўғиб қўйди. Деразани очиб, газни беркитдим.

Омонулло очиқ деразага қаради. Даствабу ошхонага кирганида ҳам дераза табақаларининг очиқлигига эътибор берган эди, аммо мурдаларнинг ҳидидан беҳаловат бўлган ҳамкаслар хонани шамоллатиш учун очгандирлар, деб ўйлаганди. Омонулло газ плитасига ҳам диққат билан қараб уччала бурагичнинг очиқ турганини кўрди. Самандар Омонуллонинг назарини уқиб, тезлик билан изоҳ берди:

— Мен юқоридан бураб беркитдим. Ўзимнинг одатим шу: уйдан чиқадиган бўлсан албатта юқорисини бураб ўчираман, шуниси ишончлироқ бўлади. Нафисахонга гапиравериб ҳеч ўргатолмадим...

Чиндан ҳам плита уланган қувур белидаги бурагич газ йўлини тўсган эди. Бу Омонулло учун катта жумбоқ бўлди: «Нафиса Болтаева очса битта бурагич бураларди. Бунда эса уччаласи очиқ... Демак... тўртинчи одамми? Бу олим пиқиллаб йиғлаётгани билан ўз ишига пухта бўлсанчи? Айбизлигини исботловчи далилларни пишитиб қўйгандир балки?..»

Шу жумбоқ тўрига ўралаётган дамда Мелс Хўжаев кириб келди. Омонулло уни Самандарга таништириди. Самандар беихтиёр тарзда «танишганимдан хурсандман», деб лутф қилиб, қўл узатди. Фақат Мелс Хўжаев эмас, ҳатто Омонулло ҳам бундай танишувга энди дуч келиши эди. Жиноятга алоқадорликка гумон қилина-ётган одамнинг прокурор билан танишгандан хурсандлиги бу соҳа одамлари учун ғалати туюловчи ҳол эди. Ёлғон манзиратдан узоқ бўлган Самандар «танишганидан хурсандлигини» чин дилдан айтган эди. Зоро, у прокуратура вакили билан жиноятга оид қидирив инспекторининг вазифаларини аниқ фарқлай олмасди. У оламга татигулик олим мартабасига етгани билан ҳуқуқ соҳасида деярли ҳеч нарса билмасди. Ҳозир маҳсус вакил эмас, прокуратура боғони ёки фарроши келиб сиқувга олса ҳам «менга савол беришга ҳаққингиз борми?» деб ўтирмаи жавоб қайтаравериши мумкин эди.

Самандарни ошхонада қолдириб, Омонулло Мелс Хўжаевни меҳмонхонага бошлаб ўтди-да, савол-жавобнинг баёни билан таништириди.

— Кўрқоқлиги аён, лекин қўрқоқнинг ҳам найранги бўлади. Бу уйга бегона одамнинг яширинча кириши мумкинми? Ҳарбий сир ҳисобланган иш билан маш-фул одамни нариги идора нега қўриқламас экан? Бир суриштириб кўролмайсизми?

— Сўраб-суриштиридим, — деди Мелс Хўжаев мағрур оҳангда. — Фақат унинг ўзини пойлашаркан.

— Тушунмадим?

— Агар уйда бўлса, уй атрофида бўлишаркан. Уйда йўқлигига кузатишмас экан. Тоғда бўлгани учун ўша кунлари қарашмабди.

— Нима қилдик? Ҳибсга олсак, жиноий иш очсак...

— Ҳозирча бошқармадаги вақтинга ҳибсхонага ташланг. Бошқа идора аралашса, ўзлари билишади. Бош-қача эхтиёт чорасини қўллаш мумкин эмас.

Самандарнинг гапларини эшига туриб «шаҳардан чиқмаслик ҳақида тилхат олиб, уйида қолдираверайлик» деган фикр келган, аммо бу фикр заиф туюлиб, қарор даражасига етмаган эди. Мелс Ҳўжаевнинг гапидан сўнг, «маъқул» деб бош ирғади.

Мелс Ҳўжаев прокуратурада кутишаётганини айтиб, изига қайтгач, Омонулло дераза ёнига бориб кўчага қаради. Унинг ўйга толганини кўриб, Самандар «менинг ишим битди шекилли, бу жиноятга алоқам йўқлигига ишонди», деган холосага келиб:

— Энди кетаверайми? — деб сўради.

Бу саволдан Омонулло ажабланди. «Еси жойидами бу одамнинг?» деб ўйлаб унга тикилиб қолди.

— Қаёққа кетмоқчисиз?

— Тоққа... у ерда кутишяпти.

— Кутишяпти?.. Кута туришади.

— Бу нима деганингиз? — кўнгли ёмонликни сезган Самандарнинг овози титради.

— Сиз... масала ойдинлашгунича бизнинг... — Омонулло «ҳибсхонада ўтира турасиз», демоқчи бўлди-ю, фикридан қайтиб юмшоқроқ оҳангга кўди: — меҳмонимизсиз...

— Қамайсизми?

— Бизнинг вазифамиз қамаш эмас, жиноятчини тутиш. Суд деган идора бор, қамашадими ё отишадими, ўшалар ҳукм чиқаришади.

— Ҳаққингиз йўқ... мен жиноятчи эмасман. Кейин афсусланасиз!

— Тўғри айтдингиз. Кейинроқ афсусланмаслик учун биз билан бирга бўлиб турасиз. Айбингиз бўлмаса сизни ҳеч ким ушлаб тура олмайди. Гуноҳсиз эканинингизни исботлаш учун эса вақт керак.

Бу гапларни эшитиб, Самандарнинг лаблари титради, кўзлари пирпиради-ю, йиғламади, ўзини тутди — тақдирига тан берди.

Олти кишига мўлжалланган вақтинчалик ҳибсхонадаги деразага яқин каравотда бир йигит чордана қурганича овқатланиб ўтиради. Ёзуғлик дастурхон устидаги ошу кабоб, сомсаю олманор, помидору бодрингга қараганда унинг майшати чакки эмасди. Даствурхонни ким киритган бўлса ҳам йигитнинг ҳамхоналари нафсини назарда тутган кўринади. Йигит Самандарни кўриб, ўрнидан туриб сўрашди-да, дастурхонга таклиф қилди. Самандар бу хонага бир зумгагина кирган одамдай каравот четига омонатгина ўтиреди. Йигит серманзират экан, «олинг, олинг» деб ундейвергач, Самандар ноилож кабоб гўштидан олиб оғзига солди. Қорин оч бўлса-да, луқманинг томоғидан ўтиши қийин бўлди. Шунда йигит ёстиқ остидан шиша чиқарди-да:

— Қиттак-қиттакка тобингиз борми? — деб сўради.

Москвадаги ҳарбийлар шифохонасида Самандарга ичиш қатъян мумкин эмаслигини айтишган эди. Улар огоҳлантиришмаса ҳам ароқни ўйласа кўнгли айнийдиган бўлиб қолганди. Ҳозир эса йигитнинг таклифидан сўнг ичгиси келди. Шиша ичида жилва қилаётган суюқлик уни дардан қутқарувчи халоскор бўлиб кўринди-да, «қуянинг», деди. Йигит пиёлани тўлдириб узатди. Самандар икки қултумдан ортиқ ича олмай, қалқиб кетди. Пиёлани дастурхон чеккасига қўйиб йигитга узрли нигоҳи билан қаради. Йигит уни ҳижолатдан қутқариш учун яна таомга таклиф қилди.

— Олим одамга ўхшайсиз, ака, сиқилаверманг. Бошга тушганни кўз кўради, — деди кулимсираб.

Самандар бу гапдан ажабланиб, йигитга қараб қолди.

— Ҳа, акахон, менга тикилиб қолдингиз? Қайси балога учрабди, деяпсизми? — йигит Самандарнинг фикрини ўқигандай кулди. — Ёш йигит тухматга учрагандир, деяпсизми? Йўқ, тухмат бўлмади. Ўзим аҳмоқман. Гаровда ютаман, деб қўлга тушиб қолдим. Кечгача чиқиб

кетаман. Нари борса эртага эрталаб қўйиб юборишади. Суянадиган тоғимиз жа-а мустаҳкам, ҳа!

Самандар гаров боғлаб қамоққа тушиш мумкинлигини сира эшитмагани учун ажабланди. Йигит эса кулганича изоҳ берди:

— Менинг гулдай хунарим бор, ака, ҳеч қачон хор бўлмайман. Мен машина ўғрисиман. Лекин сиз мендан қўрқманг. Аслида мен ўғримасман. Мен қулфни очиб бераман, бошқалар ўғирлади. Қулфнинг минг хили бўлса мингтасини, миллион хили бўлса миллионтасини очиб ташлайман. Утган куни «қиттак-қиттак»нинг устида оғайним билан баҳслашиб қолдик. Олинг, акахон, совумасин, ичиб қўйинг, дардингиз енгиллашади. Хафа бўлаверманг. Бу ернинг номи хунук, ўзи ёмон жой эмас, бир-икки кун дам олса бўлади. Шундай қилиб ўша оғайним билан гаров ўйнадим. Гаровга янги, мойи құримаган «Газ-31» тикилди. Шунақа машинадан кечадиган аҳмоқмасман-ку, тўғрими? Бир уйга бехитгина кириб, сейфни очиб, калитни олиб, машинани очиб беришим керак экан. Ҳа, машинаға ҳам, гаражига ҳам чет элдан олиб келган алламбало қулф ўрнатилган экан. Шу ҳам менга иш бўлибдими? Лекин оғайним номардлик қилди. Қоронғида қарамаган эдим, орқада мент яшириниб ётган экан. Фип томоғимдан олиб, шу ерга ташлади. Ҳудди кинодагига ўхшайди, тўғрими? Менга-ку барибир, ўша оғайнимга қийин бўлдида. Олинг, оқаҳон, охиригача ичиб қўйинг, дунёнинг тагига етасиз. Бир пасдан сўнг яна дастурхон киради, қараб турасиз. Ошна-оғайнилар омон бўлишсин, мени хорлатиб қўйишмайди.

Бу гапни Самандар «сизда ҳам ошна-оғанини борми?» деган савол маъносида тушунди. Илгари хаёлига шундай савол келмаган экан. «Бошимга ташвиш тушса далда берувчи дўстим борми?» деб фикр қилган Самандар ҳозир ўзини сахро ўртасидаги якка дараҳт каби ҳис этди. Энди бу дараҳт сувсаб, офтоб нурида қовжирайдими? Бу йигит бир неча соатдан сўнг чиқиб кетишини биляпти. Самандар эса ҳибсхонада неча кун ёки неча йил бўлишидан бехабар. Бу ер бир неча кунлик қамоқхона эканини, айб сиртмоғи бўйнига астойдил солинадиган бўлса бошқа жойда аламлар тузини тотмоғини ҳам билмайди. Уни ҳозир изтиробга ташлаётган нарса — ўн йил ётса ҳам, ҳатто қотил деб отиб ташланса ҳам бирор билмай қолиши мумкин. Билганда ҳам афсусланмаслиги, куймаслиги аниқ. Опа-сингилларининг келиши ҳам маҳол. Улар ўз оиласи, ўз ташвишлари билан банд. Бу шаҳарга ҳали бирон марта ҳам келмаган тўнғич опасининг турмуш ташвишларидан ортиб, қамоқдаги укасини йўқлашини тасаввур қилиш қийин. Қишлоққа икки йилдан бери бормаётгани инобатга олинса, меҳр-оқибат ипларининг заифлашиб, балки чириб, узилишга мойил бўлиб қолгани табиийдир. Амакиваччаларию холаваччалари билан қачондан бери борди-келди қилмаслигимни ҳатто эслай олмайди.

Серманзират йигитнинг гапларидан кейин хаёлини ўзидан узоқлашган дўстлари, қариндошлари тўла эгалламади. Ўзини йўқловчи меҳрибон йўқлигидан бир оз ўксинди-ю, сўнг бўлажак тақдирини ўйлади. Йигитнинг манзиратлари ҳам, эзмалиги ҳам ёқмай қолди. Узр айтди-да, эшикка яқин каравотга ўтиб, чўзилди. Йигит ҳам нафсини қондириб бўлгач, таомларни дастурхонга ўраб қўйди-да, бўш каравотга ўтиб ётди. Ётган жойида керишиб, роҳатланди. Дам ўтмай енгил хуррак ота бошлади.

Самандар эса шу топда ўз сирига маҳрам бўла олгувчи одамга ҳожат сезди. Аҳбобга муҳтоҷликнинг қамоқ азобларидан ҳам баттарроқ эканини фаҳмлади. Одамнинг фожиаси ўлим эмас, воҳидлик эканини англаб етмоқ мушкул. Одам боласи истайдими-йўқми, қочмайдими ё қочадими фарқсиз — ўлим шаробини ичади. Воҳидлик эса ўзининг ихтиёри билан юзага келувчи оғатдир. Ҳозир Самандар бу оғатнинг тарикдай мевасини тотди. Бир неча соатдан сўнг тамаки ҳидига тўлиб кетган бу дим хонани тарқ этиб учоққа ўтирганида, Москва сари уганида эса бу азобларни, бу фожиаларни яна унута бошлади.

Ҳозир эса ҳамқишлоқ дўсти Турсунали билан шаҳарда учрашиб қолган онларини лаънатлай бошлади. Москвалик меҳмонлар билан ресторонда ўтирганида майшат қилиш мақсадида кирган ошнаси билан учрашган эди. Кейин совхозига таклиф қилди. Боғда майшат қилишди.

Чой күтариб кираётган Нафисага сүкланиб қаради. Бу қарашнинг маъносини уққан Турсунали шу туннинг ўзидаёқ кайфи ошган дўстининг нафсини қондириш чораларини қилди. Чора амал берди-ю, ўша тун баҳонасида Самандар хотинлик бўлиб олди. Энди эса... ўша тунни ҳам лаънатлади...

Умрининг турли нуқталарига лаънат тошлари отиб ўтирганида эшик очилиб соқчи кириб келди-да, йигитни туртиб ўйғотгач:

— Кўлингни орқага қил! — деб буюрди.

— Нега энди окахон? — деди йигит уйқусираган ҳолда.

Соқчи унга жавоб бермай қўлини қайириб кишсанлади-да:

— Энди ука, шаҳар турмасига кўчадиган бўлдинг. Прокурор сенга иш очганга ўхшайди, — деб афсусини билдириб қўйди.

— Менга иш очадими, менга иш очадиган прокурор ҳали онасининг қорнида ётибди!

— Бўлди, бақирма, юр, — соқчи шундай деб уни елкасига туртиб, олиб чиқиб кетди.

Озод бўлишга ишончи комил бўлган йигитнинг аҳволи шу бўлганидан кейин Самандарнинг аҳволига маймунлар йиғламасмикин? Самандар шу фикрда эзилиб ётганида яна эшик очилди, аммо соқчи эмас нотаниш бир йигит кириб салом берди-да:

— Ўртоқ Очилов, юринг, англашилмовчилик бўлибди, — деди.

Шу англашилмовчилик туфайли, Самандар кутганидек унинг ҳолига маймунлар йиғламайдиган бўлишди.

Самандар ҳибсхонада эзилиб ўтирганида Омонулло Нафиса билан Санжар ишлаган кооперативга яна борди. Бу корхона молиявий аҳволининг текширилуви Омонуллога зарар етказди: ходимлар у билан янада чўчиброқ гаплашишди. Оқибатда Нафиса билан Санжар муносабатларини ойдинлаштира олмади. Нима учун уйга борганлари у учун мавҳум бўлиб қолаве-ради.

Ерталабдан бери қуёш билан беркинмачоқ ўйнаётган ўркач-ўркач булутлар осмону заминга ҳукмронлик ўтказиш қасдида бирлашмоққа киришган эдилар. Офтоб нуридан бебаҳра ер юзи момақалдириқларни кутиб дим бўлиб олди. Азалдан дим ҳавога тоқатсиз Омонуллони тер босди, нафас олиши эса оғирлашди. Қўналғадаги жойидан жилаётган автобусни кўриб ҳуштак чалган эди, ҳайдовчи инсоф қилиб тўхтади. Омонулло олдинги қатордаги бўш ўриндиққа ўтиришдан олдин ойнани ён томонга суриб, очди. Шабада илиқ бўлса ҳам қўкрагига роҳат берди. Бўйнига оқ чит рўмол ташлаб олган ҳайдовчи радио овозини баландлатиб, ашулага маст бўлди. Тўйларни гуллатаётган бу қўшиқ Омонуллога ҳам маъқул келиб, хуфтон дили жиндеқ ёришди. Ашуладан сўнг бир шоир босик, дардли овозда шеър ўқий бошлади:

— Қайтаяпман, ўзимни кўмиб...

Шеърнинг биринчи сатриёқ Омонуллонинг диққатини ўзига жалб қилди:

*Тоғлар — ғарип, боғлар — ташландик.*

*Мен кўмилган тупроқ ит бўлиб*

*Юзларимни ялай бошлади.*

Бу сатрларни эшитиб Омонуллонинг эти сесканди. Ҳайдовчи радио овозини пастлаган эди, «Оғайни, эшитайлик!» деб илтимос қилди.

*Ей сўқир зот, кўзларингни оч!*

*Кўзларимда қоним қайнайди.*

*Қаро кийган қаро қайрағоч*

*Бу кун мендан тона олмайди.*

*... Сийналари пажмурда, заҳил*

*Дарахтларга термулар аёл...*

Тириклик ҳолида кўринмаган Нафиса нечундир Омонуллонинг нигоҳи олдида гавдаланди: ўлиқ аёл эмас, кўзлари очик жувон кўринди. Дардли нигоҳи, саволли назари билан қаради: Нафисанинг кўзлари «Мени ким ўлдирди? Нима учун ўлдирди?» деб сўрар, радиода эса шоир бўғилиб шеър ўқирди;

*Одам — ҳиссиз буюк ҳақиқат,  
Одам — гўрда тирилган армон...  
Одам — қатра зардобранг ҳасрат...  
Одам — беун, бесукун хаёл...  
Одам — боши кесилган булут...  
Одам — оғир оёқли Аёл...  
Одам — армон ва...  
Одам — умид...*

Омонуллонинг кўз олдида ўша саволли нигоҳ: «нима учун мени ўлдирдилар? Гуноҳим нима эди?» Омонулло буни билса эди, айтарди. Ҳолбуки билмайди, алҳол унинг асосий вазифаси буни билиш ҳам эмас. У энг аввало «ким ўлдирди?» деган саволга жавоб топиши зарур. «Гуноҳим нима эди?» деган саволига эса Нафиса қиёматда жавоб олади... Ҳозир эса Омонуллонинг хаёлини шоирнинг дардли овози банд этган:

*...Хайр энди, менинг хазоним,  
Танҳо гўрга сиғдик иккимиз.  
Йиғлаётир, куйлаётир жим,  
Жони кузда чиқкан жисмимиз.  
Хайр энди, менинг япрогим,  
Бир дунёга сиғдик ҳаммамиз.  
Ёш тўқмасин биз учун ҳеч ким —  
Биз қайтамиз,  
Бир кун қайтамиз.  
Хайр энди...<sup>27</sup>*

Шеърдан сўнг дардли куй берилиб, Омонуллонинг кўнглига хазинлик эга чиқди. Шу хазинлик ҳукмида ишхонасига қайтди. Навбатчи йигит уни кутилмаган нохуш хабар билан қарши олди: кимдир қора «Волга»да келиб, Самандарни олиб кетибди. Ҳўжайнин Омонуллони кутаётганимис...

Бошлиқ ҳузурига кирмасиданоқ Омонулло Самандар Очиловни ким олиб кетганини тахмин қилди. Шундай бўлишини кутган эди, аммо кутгани бу қадар тез амалга ошуви унинг ақлини шоширди. Бошлиқ Омонуллога ҳайратомуз янгилик айтмади — унинг гумонини тасдиқлади халос. «Ишга тикиб қўй», деб бир варақ қофоз узатди. Самандарнинг шаҳардан четга чиқмай туриши ҳақидаги тилхатига Омонулло эътиборсиз қараб қўйиб чиқиб кетмоқчи эди. Бошлиқ тўхтатиб, сўради;

— Бошқалардан гумонинг йўқми?

Омонулло дарров жавоб қайтармади. Кооператив бошлиғи билан Матлуба Тўхтаевага оид ожиз гумонларини айтгиси келмади. Шу боис бир оз ўйланиб туриб:

— Даиллар етарли эмас, — деб қўйди.

— Очилов эканини исбот қилиб бера олармидинг?

Бегона уй остонасига қадам қўяётган одам ичкаридаги жиҳозларни таърифу тавсиф қилишдан ожиз бўлганидек, Омонулло бу саволга жавоб беришга қодир эмасди. Бошлиқ унинг аҳволини сезиб, жавоб талаб қилмади, аксинча далда берди:

<sup>27</sup> Nuktadon shoirimiz Asqar Maҳkam she’rlaridan foydalandik. (T. M.)

— Бўпти, ишингни давом эттиравер. Бирор гап чиқса, ҳузуримга киарсан. Сен хафа бўлаверма. Уни бир марта сўроқ қилишга улгурибсан, шу ҳам катта гап! Агар далиллар Очиловга қадалиб қолаверса... сен зўриқма... биз иложсизмиз. Боравер...

Бир неча кун аввал Самандарнинг ишхонасидаги сухбатда «қонун олдида ҳамма тенг», деб катта кетган Омонуллонинг қулоқлари остида тепакалнинг «ҳаётда эса, азизим, бутунлай бошқа. Шуни ҳали ҳам тушуниб етмадингизми?» деган гаплари жаранглади. Омонулло ўзини оғзидаги луқмасини олдириб қўйган анқов ҳолида деб ҳисобламади — ўксинмади.

Омонуллонинг иш услуби ҳамкасларидан озгина фарқ қиласди: у бирон жиноятга алоқадор деб икки кишидан гумон қилса, учинчи, номаълум одам учун ҳам жой қолдиради. Мазкур услуб фойда берган дамлар ҳам бўлган: гумондагилар озод қилиниб, мўлжалда йўқ номаълум одамнинг изига тушилган. Агар Самандарнинг газ масаласидаги гаплари найранг маҳсули бўлмаса, Омонулло калаванинг бир учини топди, дейиш мумкин. Кимdir чиндан ҳам газни очиб қўйган бўлса, демак, ўша «кимдир»ни қидириш керак. Самандар Очиловга даъво йўқ — ўликни кўриб қочган одам жиноятчи ҳисобланмайди. Хотинининг ўлигини кўммаса ҳам, дафн этилган ерини зиёрат қилмаса ҳам жамият айбламайди. Буларнинг ажри ҳам қиёматда берилади.

Омонулло хонасига қайтиб жойига ўтириди-да, стол ғаладонидан исмлар ёзилган қофоз парчаларини олиб, яна фолбин каби ёйди. Кейин тўртинчи қофоздаги сўроқ белгилари ёнига ундов белгилари қўйгач, «Самандар Очилов» деб ёзилган варақни чизиб-чизиб ташлади-да, жаҳл билан ғижимлаб, елимтўрсаватга улоқтириди. Кўзларини юмиб, беҳол одам каби ҳаракатсиз ўтириди. Кейин ўрнидан туриб ғижим қофозни олгач кафтлари билан силаб, текислаб жойига қўйди.

Деразага ўрнатилган совутгичдан илиқ ҳаво уфурилаётгандай нафаси бўғилиб, ташқарига чиқди. Ҳовлида ҳаракатсиз туришидан бир маъно кўрмагач, кўчага йўналди. Бозорга бориб қофоз халтани тўлдирди-да, шифохонага қараб йўл олди. Опасининг аҳволи яхшилангани учун умумхонага ўтказилган экан, кириб уни зиёрат қилдию сўнг отасини, шу баҳонада қайнона-қайнотасини ҳам йўқлашни мақсад қилди.

Ҳовлига сув сепиб салқинлатган Бобомурод Омонулло кириб келганида бўй чўзиб қолган райҳонларнинг гулларини чимдига узаётган эди. Тутинган ўғлини кўриб чехраси очилди. Бу дунёда бир тутинган синглисию бир тутинган ўғлига суюниб яшаётган Бобомуроднинг қувониши учун кўп нарса зарур эмас: синглисининг очиқ юз билан гаплашиб ўтириши ёки Омонуллонинг эшиқдан кириб келиши унинг учун баҳтли дақиқалар ҳисобланарди.

Омонулло ичкари киришга унамай икки қулочли узун тахтадан ясалган ўриндиққа ўтириди. Бобому- род ичкари кириб ликопчада гилос кўтариб қайтди-да, Омонуллонинг ёнига ўтириб, ликопчани ўртага қўй-ди, Омонулло отасининг кўнгли учун гилосдан тотиб кўрди.

— Опангни Худо бир қайтиб берди, ҳозир тузук. Дардини ичига ютавериб, ютавериб юрагини абжақ қилиб ташлаган.

— Кириб кўрдим, руҳлари тетик.

— Балки шу баҳона бўлиб анави касалларидан ҳам қутулиб кетар, а?

— Ким билади?..

Омонулло шундай дейишга деди-ю, тилини тишлади. Отаси умид билан сўраган эди, «Ҳа, тузалиб кетади», деса бу умид қувват оларди. У эса мужмал жавоби билан ўша умидни ҳам бўға қолди.

— Шунақа ҳодисалар бўлган, эшитганман, — деди-ю, аммо фурсат ўтган, умид чинниси аллақачон ерга тушиб, дарз кетган эди. Кейинги гап дарзни чегалагани билан изни йўқотмасди.

— Ўзинг қалайсан? Ишингнинг мазаси йўқ шекилли, а?

— Ишлаб юрибман...

— Менга қара-чи? — Бобомурод шундай деб унинг кўзларига тикилди.

Йўқ, Омонулло бу ўткир нигоҳга дош беролмайди. Дастлаб учрашганида ҳам қарай олмаган.

Ўшанда овози раста бўлаётган ёшда эди. Қўшни синфдаги қизга кўнгил қўйди. Юрса ҳам, турса ҳам фақат ўша қизни ўйларди. Ҳатто ота-она соғинчини ҳам унуган эди. Қизлар байрами яқинлашиб, уни сов-ға масаласи қийнаб қўйди. Унинг назарида байрам совғаси барча муаммоларни ҳал қилиб бериши лозим эди. Ечилажак муаммолардан бири — қиздан ҳеч бўлмаганда биттагина ўпич олишга эришмоқлик эди. Айнан шу биринчи ўпич умид дарёсини тўсиб турган тўғонни бузар, висолнинг нурли чўққисини инъом этар эди. Аммо... ота-онасидан ажраб етимхонага тушган ўсмирда пул нима қилсин? Ўйлай-ўйлай чорасини топди: умрида бир марта, ҳа, фақат бир мартағина ўғирлик қилиш аҳди билан автобусга чиқди. Қайси чўнтақда пул борлигини аниқлаш санъатидан маҳрум бу боланинг ўша куниёқ қўлга тушиб, қамалиб кетиши ҳеч гап эмас эди.

Ўша куни, ўша дақиқада, худди ўша автобусда Бобомурод ҳам бор эди. Унинг зийрак нигоҳи қўналғада жавдираб турган Омонуллога тушганидаёқ, боланинг шум ниятини пайқади. Шу сабабли одамлар орасидан ўтиб, орқа эшикка яқинлашди-да боланинг ёнига туриб олди. Омонулло титроқ қўллари билан дуч келган чўнтақка тушмоқчи бўлганида билагидан маҳкам ушлади-да, автобус тўхтагунича қўйиб юбормади. Автобус тўхтагач, «қани, юр», деди-да, болани қарийб судраб тушди. Қўрқиб кетган Омонулло қаршилик билдиrolмади. У «милиса ушлаб олди, тамом, энди қамайди», деб ўйлаган, ўғрининг қўлига тушгани хаёлига ҳам келмаган эди.

Бобомурод уни боғ томон бошлаб бориб, ўзи ўриндиқча ўтирди-да, боланинг кўзига тикилди:

— Қани, менга қара-чи, фақат тўғрисини айт, нимага ўғирлик қилмоқчийдинг?

Омонулло пиқиллаб йиғлай бошлади.

— Ўчир! Мишиғингни арт! — деб дўқ урди Бобомурод. — Соқол-мўйловинг чиқиб қолибди-ку, эркакмисан ўзинг?! Нимага йиғляпсан?

— Қўлимни қўйиб юборинг...

Қўйиб юбориш ўрнига Бобомурод унинг билагини янада қаттиқроқ қисди:

— Айт, деяпман: нимага бирорнинг чўнтағига тушмоқчи бўлдинг?

— Тушмоқчимасидим.

— Сен ўғил бола бўлсанг — мард бўл, тўғри гапдан қочма. Тўғрисини айтсанг, қўйиб юбораман, алдамоқчи бўлсанг — ўзингга қийин. Шу қўлингни аввал куйдириб, кейин терисини шилиб оламан. Киссавурнинг жазоси шу бўлади. Аслида-ку, кесиш керак, майли, ёш экансан, айман, куйдириб қўяқоламан.

Бобомурод худди шу ишга жазм қилгандай ишонарли оҳангда айтиб, боланинг эсҳонасини чиқариб юборди.

Омонулло бу одамдан осонликча қутула олмаслигини англа, йиғламсираган ҳолда:

— Ойим оғир касаллар, дорига пул йўқ... — деди.

У ҳам ўз хаёлида бу гапни ишонарли оҳангда айтган бўлди. Титроқ овози ишонтиришга ундуласа-да, кўзлари алдай олмади.

— Қани, менга қарави, — деди Бобомурод, боланинг даҳанини ушлаб. — Яна ёлғон гапиряпсанми? Менинг кўзларимга бир қарагин: булар кўз эмас, рент-ген. Тўғрисини айтсанг, керакли пулни ўзим бераман. Ўғил бола гап — шу!

Омонулло яна бир марта алдагач, Бобомурод унинг юзига тарсаки тортиб юборди.

— Сен ўғри эмассан, сен қўрқоқсан, сен ҳезалаксан! Ўғирлик ҳам қўлингдан келмайди!

Бу гаплар Омонуллонинг қўрқувдан ярадор қуш каби потраётган юрагига далда бўлди-да, тўғрисини айта қолди. Аммо шунда ҳам қўли бўшамади.

— Энди қўйворинг, — деди ялиниб.

— Ҳали бизнинг савдомиз пишмади, бола-пақир. Сенга ваъда бердимми, демак, бажараман. Қўлинга-ку, пул бермайман. Магазинга борамизу кўнглингга ёқсан нарсани қўрсатасан, нархига қарамайсан, миллион сўм бўлса ҳам олиб бераман, ўғил бола гап битта бўлади! Унгача биттаиккита нарсани сўрайман, жавоб берасан: нима учун отангга ё онангга айтмадинг, ё уялдингми, а?

Ота-онаси доир ҳар қандай савол Омонулло учун ғоят оғир юк эди. Етти ёшида етим қолганини айтиш чоғида гўё унинг юраги тўхтаб қолгандай бўлаверарди. Отаси билан онаси ишдан қайтаётганда тушган автобус музлаган йўлда тийғаниб, чуқур жарлик тубида оқувчи анҳорга қулаган, уларнинг мурдалари эртасига чиқариб олинган, эр-хотиннинг жасади уйда бир кеча «меҳмон» бўлиб, тонгда ерга қўйилган эди. Бели боғланган етти ёшли Омонулло икки тобут олдида бўзлаб борганди.

Ҳозир нотаниш одамга шуларни айтиб бериши керакми? Оғир бўлса ҳам айтгиси келди. «Раҳми келиб қўйиб юборар» деган ниятда узук-юлуқ сўзлар билан ҳолини баён қилди. Амакисиникида ярим йил яшаб, сўнг болалар уйига берилганини ҳам яширмади. Бу сафар Омонулло адашмади: чиндан ҳам Бобомуроднинг унга раҳми келди. Чап қўли билан бошини силади-да, ёнига ўтиргизди.

— Сен фақат қочиб кетма, бола-пақир, — деди ҳорғин овозда, — мен милиса эмасман. Терингни ҳам шилмайман. Шунчаки сени қўрқитиш учун айтгандим. Агар рост гапираётган бўлсанг, ҳаётинг меникига ўхшаб кетаркан. Мен ҳам сенга ўхшаб ғирт етимман. Сен бир пас қимирламай ўтири. — Бобомурод шундай деб сигарет тутатди.

Дастлаб «бола ўзи истаб шу кўчага киряпти, шогирдликка боп экан», деб ўйлади. Сигарета чекиб бўлгач, дўконга бориб, совғани олиб берди, сўнг Омонуллони болалар уйига кузатиб қўйди. Эшик оғ-зида:

— Бирон нимага муҳтоҷ бўлсанг, менга айт, — деб тайинлади. Кейин: — агар хоҳлассанг, мени «амаки», де. Хоҳлассанг, тарбиячиларингдан сўраб уйимга олиб кетай, бугун меҳмоним бўл, — деди.

Омонуллога бу таклиф маъқул келди. Омонулло «бу одамнинг ота-онаси ҳам бир кунда ҳалок бўлишган экан», деб ўйлади. Бобомуроднинг ўсмир чоғида илк марта қамалганида иснод ўтида куйган ота-онанинг бир йил ичиде олдинма-кейин қайтиш қилганини анча кейин, аниқроғи, Фотимага уйлангач, қайнотасидан эшишиб билди. Бобомуроднинг ўғри эканини эса бу хонадонга иккинчи марта келган туни тасодифан билиб қолди. Ярим тунда беҳос уйғониб, шериги билан маслаҳатлашаётган Бобомуроднинг гапларига қулоқ тутди. Аввалига қўрқди. Эрталаб нонушта ҳам қилмай қочвормоқчи эди, Бобомурод қўлини ушлаб, тўхтатди:

— Ҳеч қачон бирорларнинг гапларига ўғринча қулоқ солма, хўпми? — деди пўписа оҳангиди.  
— Гап пойламассанг ҳам кимлигимни ўзим айтардим. Мен ғирром ўйнайдиган даюслардан эмасман.

— Энди мен ҳам ўғри бўламанми?

Кечаси билан ўйлаб чиқсан шу гапини айтиши билан юзига зарбли тарсаки тушди. Сўнг Бобомурод сочини чанглаб тортди. Омонуллонинг кўзларида тирқираб ёш чиқди.

— Ким айтди буни сенга, аҳмоқ! Билиб қўй: сен ўғри бўлмайсан, ўқийсан, сен одам бўласан!

Бобомурод шундай дегач, Омонуллонинг сочини қўйиб юборди. У «Сенинг одам бўлишинг учун ҳамма нарсадан воз кечаман, ҳатто ҳунаримни ҳам ийғишиштираман», демоқчи бўлди-ю, «бала буни тушунмайди», деган фикрда тилини тииди-да, «Ўтири, чойингни ич!» деб буюрди.

Чиндан ҳам Омонуллони деб ўғирликни ташламоқчи эди. То қамалгунига қадар аҳдида туролмади. Қамалгач, озодликда қолган шерикларига хат чиқариб, Омонуллодан хабар олиб тuriшни тайинлади. Қамоқдан бошқа ҳунар қилиш аҳди билан чиқди. Йўлда Аёлни учратгач, бу аҳди қатъийлашди.

Омонулло мустақил иш бошлаганида Бобомурод унга маслаҳатлар бериб турди. «Табиб — табиб эмас, бошидан ўтган — табиб», деганлариdek, жиноят оламининг нозик ерларини Бобомурод яхши биларди.

— Менга қара-чи, менга қара, деяпман, — Бобомурод ўнг қўли билан Омонуллонинг иягини ушлаб, кўзларига тикилди: — Ишларинг «беш»га ўхшамаяпти, бола-пақир?

— «Беш» бўлмаса, «тўрт»дир-да, — деб ҳазиллашмоқчи бўлди Омонулло.

— «Тўрт»га ҳам тортмайди. Қанақа иш кўряп-сан?

— Қотиллик. Икки киши ўлдирилган.

Омонулло шундай деб ишнинг баёни, гумону тахминларини маълум қилди.

— Ҳали ҳам хомсан, — деди Бобомурод бир-икки савол бериб, жавоб олгач. — Сен, бола-пақир, ўқишида ё ёмон ўқигансан, ё дарслардан қочиб юргансан, ё эски пичоқча соп ҳам бўла олмайдиган домлалардан илм олгансан. Ҳар ҳолда бўш калланг, бўшлигича қолган. Менга ўша уйни бир кўрсатмайсанми?

— Мумкин эмас.

— Мен сендан «мумкинми ё мумкин эмасми?» деб сўраганим йўқ. Одам бўламан десанг, ҳаракатингни ўша «мумкин бўлмаган» ишлардан бошла. Сен менга уйни кўрсат, мен сенинг хомлигингни исботлаб бераман. Тур, кетдик.

## ТУТҚУНЛИК

(Қотилликдан аввалроқ содир бўлган воқеа)

Кошак Қўтосга «хушхабар» етказган, сўнг Нуриддинга ҳамла қилаётган пайтда Тенгиз ҳибсхонада москвалик йигит сўроқларига жавоб бераётган эди.

Уларнинг савол-жавоблари дастлаб самимий сұхбат тарзида бошланди:

— Аҳволлар қалай, княз? — деди йигит қулимсираган ҳолда. — «Княз» деб янглишмадимми?

Тенгиз унга дуч келиши билан бошдан-оёқ разм солиб, кимлигини аниқламоқчи бўлди: кийинишидаги орасталик, ўзини кибрли тутиши, айниқса қарашидаги безовталиқдан билдики, у жиддийроқ идорадан. Бошлиқقا қараб, месимаган ҳолда «сиз бўшсиз», деб қўйиши тахминини тасдиқлади. «Сұхбат»нинг жиддий бўлишини фаҳмлаган Тенгиз унинг қулимсирашига мос жилмайиш билан жавоб берди:

— Янглишмадингиз, князман.

— Бу сизнинг лақабингизми?

— Йўқ, бу менинг мартабам, мен князлар авлодиданман.

— Қизиқ, Доғистон тарихида княз Алиевлар борлигини олимлар билишмас экан-да?

— Мен она томондан князман. Княз Иброҳимбекнинг авлодиман.

— Шундайми? — йигит бу янгиликдан ажабланмай, бамайлихотир равища сигарет тутатиб, Тенгизни ҳам лутфан сийлади. — Сиз санқи ўғрилардан эмассиз, Алиев, ўқиган одамсиз. Моддюончилик нуқтаи назаридан қарасак, томирингизда князлар қонининг оқиши сарқ чақалик гап. Аксилмоддюончилик нуқтаи назаридан қарасак эса, насли тоза одамнинг пасткаш ўғри бўлиши ақлга тўғри келмайди. Бу фалсафага нима дейсиз?

— Китобдаги фалсафа ҳаёт фалсафасига тўғри келавермайди. Ҳаёт қонунларини фалсафа вужудга келтирмагани қанчалик рост бўлса, фалсафани одамлар яратгани шунчалик ҳақиқатdir. Одамлар эса адашувчилардир.

— Ҳаёт қонуни янглишмайдими?

— Йўқ. «Биз олам китобини янглиш ўқиймизда, «у бизни алдайдир», деймиз.

— Шундайми? Ҳали ҳам дуруст экансиз фалсафага.

— Бу менинг гапим эмас, ҳиндларнинг Тҳакур деган ёзувчиси бўлган, эшитганмисиз?

— Бўлса бордир. Айтингчи, княз, тун билан кун ўрнини алмаштириш мумкинми? Мумкин эмас, а?

- Мумкин бўлганда нима ҳодиса юз беради? — деди Тенгиз. — Яна ўша кун, яна ўша тун.
- Ҳа, ана энди ўзингизга келдингиз. Сиз «олам китобини янгиш ўқиймиз», деб турибсиз. Ҳолбуки, аслида ҳаммаси янгиш тузилган. Дунё асли макр пойдеворига қурилган иморат.
- Сиздан бундай гап эшиши менга ғалати туюл-япти, — деди Тенгиз. — Биз, шарқликларда маккор-лик — ожизлар иши, дейилади. Сиз дунёни ожиз қилиб қўйяпсиз?
- Ҳа. Сиз ана шу ожизликдан фойда кўрмайсизми?
- Мен?
- Ҳа, айнан сиз ва сизнинг ҳамтовоқларингиз.
- Бизга хос олам билан, сиз яшаётган олам бир хил фалсафага, бир хил ҳаёт қонунига бўйсунмайди.
- Биламан. Сиз «инсонлар тақдирини фақат биз ҳал этишга ҳақлимиз», деб даъво қиласиз. Ҳеч маҳал итбалиқ осмонга устун бўладими? Ҳатто наҳангнинг қўлидан келмайди бу иш. Фикримга қўшиласизми?
- Қўшилмасдан бўлак иложим йўқ. Қўли кишанланган одам билан озод одам teng эмас-ку ахир?
- Дейлик, киshan менинг қўлимда, сиз эса озодсиз. Ҳаёт учун нима ўзгаради? Худди кун билан тун алмашгандай бўлмайдими? Шундай экан, олам китоби устида бош қотириб, баҳслашмайлик. Нима дейсиз?
- Тўғри. Ҳар ҳолда бир ўғри билан фалсафа бобида баҳслашаман, деб келмагандирсиз. Бу ерда гаплашаётганингизга қараганда, жиддий масала борга ўхшайди.
- Сиз учун жиддий туюлиши мумкин. Аслида эса ундан эмас. Биз сизга, яна яйrim дўстларингизга, — йигитнинг бу сафар «ҳамтовоқларингиз» ўрнига «дўстларингиз» деганига Тенгиз аҳамият бериб, янада сергак торти, — ҳамкорликни таклиф этмоқчимиз.
- Ўғриларнинг қонуни ҳукumat билан ҳамкорликка йўл бермайди, буни билмайсизми?
- Бу гапларни қўйинг, княз. Қонунни ўзгартириш мумкин ёки умуман бўйсунмаслик ҳам мумкин. Биз ўртага жуда кўп нарса тикканмиз сиз озод бўласиз, бойликка эришасиз, истаган чет мамлакатга бемалол чиқиб кетасиз.
- Ҳа, кўнга зўр нарсалар тикдингиз. Ютиб олиш учун нима қилишим керак?
- Сиз аввал розилигингизни беринг. Қолганини кейин гаплашамиз.
- Айтайлик, рози бўлдим...
- Мени «айтайлик...» қаноатлантирумайди. Менга мард ўғрининг гапи керак.
- Мард ўғрининг... кўзлари очиқ бўлади. Баланд минорага чиқиб олиб кўлмакка калла ташламайди. Дарёгами, денгизгами бошлаб бормасангиз ҳам, ҳеч бўлмаса узоқдан кўрсатинг, маъқул келса шўнғишига тайёрланайлик.
- Узоқданми? Ҳа, узоқдан кўрсатишими мумкин. Сизнинг тоғлиқларингиз бир вақтлар ёппасига кўчирилганлар. Ўттиз беш йилдан бери эзилиб яшайдилар. Ҳозир улар яшаётган ернинг эгалари уларга қарши зулм тайёрлаяптилар. Сиз шерикларингиз билан уларни ҳимоя қиласиз.
- Бу мавҳум гапни эшитиб Тенгиз ўйланиб қолди, «Мурик»нинг айтганларини эслади. Йигит жавоб бер, деб шошилтиrmади. Тенгиз тоғлиқлар ким эканини, қаерда зулм тайёрланаётганини фикран аниқлади. Зулм ерликлар томонидан эмас, бошқа томондан ҳозирланаётганини ҳам фаҳмлади-да:
- Ҳукumat ҳимоя қила олмайдими? — деб сўради.
- Ҳукumat аралашгунича сизларнинг ҳимоянгиз керак бўлади. Ҳалқаро вазият оғир ҳозир. Бирданига биз аралашсак, катта миллий шов-шув бўлади. Дарров чет эл бурнини суқмоқчи бўлади.
- Шов-шув денг? Мен эса инглизларнинг мақолини эсладим.
- Қани айтингчи? Айтаверинг, сиз билан сұхбатлашиш менга ёқяпти.

— Инглизлар айтишарканки, агар итни бехос ўлдириб қўйсангиз, уни қутурган, деб эълон қилинг, шунда унга ҳеч ким ачинмайди.

Йигит бу гапни эшитиб астойдил кулди.

— Инглизлар бало ҳалқ, — деди у. — Улар камдан кам ҳолларда адашишади. Сиз эса чуқурлашманг. Чуқурлашиш — ҳалокат белгиси. Таклифимга ҳозирнинг ўзида жавоб беринг, демайман. Майли, ўйлаб кўринг. Хотиржам ўйланг, деб бу ерга таклиф қилдим. Сизга маслаҳатим: катта ўғри бўлсангиз ҳам катта кетманг. Эшитишимига қараганда бу ерда «Бифштекс», «Чўмич» лақабли ўғрилар бўлган экан. Уларни кимдир ўлдирганмиш. Биз ҳозирча бунга аҳамият бермаяпмиз. Битта-иккита ўғри ўлса ўлиби-да, нима дедингиз? Аммо сиз яхши кўрувчи шарқликларнинг битта гапи бор: айтадиларки, ҳокимларнинг ғазаби оловдек бўлиб, озгина шамол турса аланга оларкану бу алангани минглаб чеълак сув билан ҳам ўчириб бўлмас экан. Сиз шамолдан эҳтиёт бўлинг, княз.

— Маслаҳатингиз учун ташаккур, лекин айтингчи, нима учун бу ишга мени танладингиз? Бунақа таклифга жон-жон деб кўнувчи шалтоқлар кўп-ку?

— Биз, княз, шалтоқлар билан ҳамкорлик қилувчиларданмасмиз. Шалтоқ, деб тўғри айтдингиз. Иш тугагандан кейин уларнинг шалтоғини ким тозалайди? Мен сизга денгизни кўрсатдим, сиз эса калла ташлаб тубига етаман, деб овора бўлманг. Бир оз сузид роҳатланингу соҳилга чиқиб, сўнг истаган ишингизни қилинг. Бошқа нарсани ўйламанг.

Йигит шундай дегач, яна лутф қилиб унга сигарет тутди. Тенгиз бу карамдан миннатдор эканини билдириб, киборларча бош эгиб қўйди.

Москвалик йигит марҳамат эшикларини ҳаддан зиёд катта очди: ўйлаб кўрмоқ учун Тенгизга керагидан ҳам кўпроқ фурсат берди. Қуёш нури тушмайдиган, узунасига уч, энига икки қадам келувчи ҳибсхонада вақт ўлчови йўқ эди. Ўлимтик чироқ нури бунда мадфун одамга лаҳадда эмас, ёруғ дунёning бир каталагида жонли ҳолда ётганини далолат қиласар эди. Тенгиз ҳибсхонага киритилаётган овқатларнинг сонига қараб орадан икки кун ўтяпти, деб чамалади. Вақт ўтаётгани учун кўп ҳам юраги сиқилмади. Икки-уч кун нима экан, дастлабки қамалганида бундан торроқ, заҳроқ, сассикроқ ҳибсхонада ўн бир ой ётиб ҳам синма- ган — шерикларни сотмаган эди. Мана шу каби саботи учун ҳам бошқаларга нисбатан эртароқ тож кийиш мартабасига етган эди. Ҳозирги аҳволи ўшандагисига таққосланса, роҳатланиб дам олиш учун яратилган шароит деб ҳам аташ мумкин. Тенгиз ана шу шароитда москвалик йигитнинг ҳар бир сўзини фикр чиририғидан ўтказиб таҳлил қиласар эди. Тоғликларни ҳимоя қилиш ҳақидаги гаплари уни кўп ўйлашга мажбурламади. Йигитнинг мақсадни ишора билан эмас, балки юздан саксон фоизини очиқ баён қилиши уни сергаклантириди. Қиморда «қартани очиб қўйиб ўйнаш», деган гап бор. Зўр келганда, рақибга руҳий таъсир кўрсатиш учун тўрт қартанинг учтаси, ёки учнинг иккиси ёки иккининг бири очиб қўйилади. Мардлар тўқнаш келгудек бўлишса барча қарталарни очиб қўйишлари ҳам мумкин, камдан кам ҳолларда содир бўлувчи бу вазиятнинг оқибати ҳам мардона тугайди: ё мол кетади ё жон. Баъзида эса... иккаласи ҳам бараварига... Москвалик йигит шундай ўйин қилиб, жавобни кутяпти.

Йигит кириб қолар, деб кутиб ётганида эшик очилиб, Кошакнинг куйдирган каллани эслатувчи тиржайган башараси кўринди. Унинг ўнг қўлида бир шиша ароқ билан истакон, чап қўлида эса қофозга ўроғлик егуликлар бор эди.

— Омонмисан, Княз, — у шундай деб қўлидагиларни сўри устига қўйди-да, Тенгизни қучоқлади: — Соғинтириб юбординг-ку, а?

— Сен соғинган бўлсанг, чакки одам эмас эканман,— деди Тенгиз унинг кўзларига синовчан тикилиб. Кошак бу нигоҳга дош беролмай кўзларини олиб қочди. Саросимасини яшириш мақсадида чақонлик билан шиша оғзини очиб, истаконни яримлатиб қўйдиди, «Соғ бўл, Княз!» деб бир кўтаришда бўшатди. Сўнг истаконни тўлдириб Тенгизга узатди.

Тенгиз уч қултум ичиб, истаконни сўри устига қўйди-да:

— Кошак, нималар бўляпти, сен билмайсанми? — деб сўради.

— Билмадим, жинилари қўзиганга ўхшайди. Мени ҳам «етап»га тиркаб қўйишибди. Бугунерта жўнатворишини шекилли? «Мурик»нинг ўлимидан барibir хитланишган. Ҳаммамизни ҳар томонга отишса керак?

— Хайрлашгани кирдингми? — деди Тенгиз ундан нигоҳини узмаган ҳолда.

— Шунақа десак ҳам бўлади. Княз, икковимиз ҳисоб-китобни тўғирлаб қўйишимиз керак. Сен Бифштексни бекордан бекорга ўлдиртириб юбординг.

— Ўлдиртирганим йўқ, ўзи лалайди, унинг ўлими бир тасодиф.

— Тасодифми, йўқми — барibir сенинг қўлингда ўлди. Мен у билан катта ишларни мўлжаллаб қўювдим. Биладиганларини ўзи билан олиб кетди. Мен кўп нарса йўқотдим. Шунинг товонини тўлашинг керак.

— Кошак, сен бу чўпчагингни бошқа бирор лақмага бориб айтгин. Бифштекс сенга ўхшаган аҳмақ билан шерик бўладиган аҳмақ эмас эди. Гапни айлантирмагинда, мақсадингни айт.

— Княз, сен учун ҳамма аҳмоқ. Фақат сенгина ақллисан. Хўп, агар чиндан ҳам ақлли бўлсанг, мен аҳмоққа анави тўнка чучмекнинг бойлиги қаерга беркитилганини айтасан.

— Айтмасамчи?

— Унда тўнкага қийин бўлади. Жонини суфуриб бўлса ҳам билиб оламан.

— Унга тегма.

— Айтасанми?

— Ўйлаб кўраман.

— Яхши. Шу ароқни қуритгунимизча ўйла.

— Кошак, сен «етап»га тушдим, деяпсан. Агар Воркутага бориб қолсанг нима бўлади? Ахир бойлик жанубда-ку?

Кошак ўтирган ерида бир қимирилаб олиб «ишинг бўлмасин», деб ғўдиранди. Бўлажак фитна қаерда тайёрланаётганини аниқлаш учун Тенгизга шунинг ўзи кифоя қилди. «Демак, Кошакка ҳам айтишган, у аҳмақ жон-жон деб кўнган. Унда нима учун менга ҳам айтишяпти? Нима учун бу ерга тиқиб қўйиши?» Бу саволларига рўпарасидаги Кошак ҳам жавоб бериши мумкин бўлса-да, «Бу ерга тушиб қолишимда шу тавиянинг хизмати бор», деган фикрдан Тенгиз узоқ эди. Болтиқ бўйларидан келганларни калтаклаш оддий ифво эмас, балки унданда зўрроқ фитна учун «одам танлаш» маросими ёки синов-тажриба ҳам эканини у билмасди. Ана шу маросимда ўзини кўрсатган Кошак синовдан ўтиб, келгуси зулм учун айни мос деб топилди. Суҳбатда Кошак кўп ҳам таранг қилиб ўтиргани. «Қаерга? Нима учун?» деб ҳам гаранг қилмади. «Пул, озодлик, чет эл» унинг учун кифоя эди. Аммо ўзига «қанжиқ» деган «унвон» тақалишини билиб, ўзини ҳимоялаш учун бир-икки шарт қўйди: шартлардан бири — Князни йўқ қилиш ёки чет элга ўтиб кетгунича ҳибсдами, «етап»дами сақлаш эди. Шунинг баробаринда яна бир-икки зирапчаларнинг баҳридан ўтишга изн сўради. Улар кўндишлар. Кошак «шартларини тўла бажаришади, Княз шу ерда чирийди», деб ўйлаб янглишди. Тенгизга ҳам шундай таклиф айтишлари, унинг рози бўлиши мумкинлигини у ҳисобга олмади.

Ароқ ичиб бўлингач, Кошак «Қани, айт!» деб бақрайди. Тенгиз гапни чалғитишга уринди, «ертага кел», деб ҳам кўрди. Кошак ғазаблана бошлагач:

— Айтаман, фақт мен билан тенг бўлишасан, — деб шарт қўйди.

— Бекор айтибсан! Сенга сариқ чаقا ҳам бермайман, — деди Кошак.

Шу тарзда савдолашиб, бойликнинг тўртдан бири Тенгизга бериладиган бўлгач, сир ошкор этилди.

Кошак ҳибсхонадан қувонган ҳолда чиқиб, Тур-суналини сиқувга олди: ҳали калтак зарбаларидан тўла тузалмаган, битта чертгулик ҳоли бор одамни ҳе йўқ, бе йўқ бўйнига чилвир ташлаб бўғди. Турсунали билан Тенгизнинг гаплари бир ердан чиққач, Кошак мамнун жилмайди.

Тенгиз қачонлардир шундай бўлишини билгани учун, бошқаларни чалғитиш мақсадида Турсуналини пишитиб қўйган эди. «Мурик»ка айтилган жойда бойлик бўлмаса-да, бойликка мўлжалланган ўра мавжуд эди. Кейин айтилган ерда эса ўшандай ўра ҳам йўқ эди.

Тўғри йўлдан бораётган одам қоқилса, нари борса йиқилиб, бирон ери лат еиди. Уларнинг йўлидаги кимса тойгудек бўлса йиқилмайди, пешонаси ғурра бўлмайди — жонини бериб қўя қолади. Бу йўлда очик қўз билан, теран фикр билан юришга одатланган Тенгиз Кошакнинг қилиғидан ҳайратга ҳам тушмади, ғазабланмади ҳам. У чап кураги остига пичоқни бегона эмас, ўзининг «биродар»<sup>28</sup>ларидан бири санчишини кутиб яшарди. Бир кунмас бир кун рамзий маънодами ёки чин маънодами шундай бўлишига ишончи комил эди. Фақат аниқ вақтини билмасди. Кошакнинг ҳозирги ҳаракати ўша рамзий маънодаги пичоқ санчиш эди. Рамзий маъно билан чин маъно ораси эса узоқ эмас— қилча бўлса бордир. Ровийлар дерларки, «Оллоҳнинг шериги бор», дейишдан сақланувчилар ҳеч қачон бир-бирларига душман бўлмаслар». Тангрини танимаган инсон дўстни танийди, деб ишонувчи одам ерга экилган тош ёмғир ёғиши натижасида кўкариб чиқди, деган гапга ҳам ишониши керак бўлади. Биродарлик — бир-бирларига садоқат асосига қурилгани билан, вақти келса зулм оловига қўмишдан ҳам қайтилмаслигини Тенгиз билмайди, дейсизми?

Тенгиз Кошакнинг паттасини қўлига бериб юборгач, ўзининг тақдирини ўйлай бошлади. Ўғрилар қонунига содик қолиб москвалик йигитга рад жавобини айтса боши узра тўпланаётган абри бало ўт ёғдириб уни маҳв этмоғи тайин. «Ҳеч нарсадан қўрқмайман», деб керилиб юрувчи ҳар бир биродари каби Тенгиз ҳам бир нарсадан — ўлимдан қўрқарди. Улар ўлим остонасидаги тан азобларидан эмас, дунёни, унинг ишвали ҳаётини эрта ташлаб кетаётганларидан қўрқишарди. Дўстлари каби Тенгиз ҳам «ўлим — ғам-ташвишли ҳодиса эмас, ўлим — никоҳ кечасидир», дегувчи нақлдан бенасиб эди. Охират ва абадий ҳаёт нима эканини билгани билан амал қилмовчи Тенгиз учун ўлимнинг муnis бўлмоғи амри маҳол эди. «Ўлим — Ҳақни севганлар учун тўй ва байрам, нафсни севганлар учун эса ғам-аламдир», дейилганда Тенгиз кабилар назарда тутилганмикин? Ўлимни беадад ғам-алам деб фикр қилувчи Тенгиз ҳаётни арzon-гаровга пуллашни истамади. Москвалик йигит кирганида бир оз гапни чувалаган бўлдида, битта шарт қўйди:

— Вазифани бажарганимдан кейин яна қамоқقا қайтарасиз. Муддатим охирлаб, озодликка чиққанимдан кейин чет элга кетаман.

Йигит бу гапни эшитиб, маъноли жилмайди:

— Князларга хос фикр юритдингиз, Княз. Мен сиздан айнан шундай жавоб кутган эдим. Энди Княз, ишга даҳлсиз бир савол сўрамоқчиман, ўзим учун билишни истадим: нима учун ҳамкорликка рози бўлдингиз? Қўрқдингизми?

— Қўрқдим?.. Йўқ. Саволингизга жавоб оддий — бу ишни мен қилмасам бошқалар қилишади. Мен тўғон эмасман, оқар сув бўлганим дуруст.

Бу ёлғон гап Тенгизнинг ўзига ҳам маъқул келиб, жилмайди.

Тенгиз розилик берган бўлса-да, ҳибсхонадан озод этилмади. Москвалик бу масалага изоҳ бермади. Тенгиз қамоқ лагери ҳибсхонасидан чиққач, Кошак билан яна икки йигитнинг «етап»га жўнатилганини Қўтосдан эшитди.

— Ҳамзатингга кўп осилди. Аммо мен йўл бермадим, — деди Қўтос. — Сенинг рухсатингиз яна бир иш қилдим: Кошакнинг қанжиқлигини телетайпга қўйдим.

— Боплапсиз. Энди «политбюро»ни тўплаб унга ҳукм чиқаришимиз керак. Ҳукмни балки ўзим ижро қиласман.

— Қанақасига?

— Агар уларнинг ниятларини тўғри пайқаган бўлсам, мени ҳам эрта-индин «етап»га қўйишади. Балки у билан учрашарман. Агар мен ҳақимда «қанжиқ» деган гап кўтарилиб қолса,

<sup>28</sup> Ularning tilida «Bratva» deyish rasm bo'lgan.

ишонманг. Бошқалар ҳам ишонишмасин. Агар уларнинг шартига кўнсам, бу розилигим Кошак билан учрашиб, ҳисоб-китобни тўғрилаш учунгина бўлади.

- Қанақа шарт?
- Буни ҳисоб-китобдан кейин айтаман.
- Кошакни борган ерида саранжомлашади, сен уринма, Княз.
- Йўқ, у мени ҳақорат қилди. Қасос фақат менинг қўлимда. Сиз... Ҳамзатга кўз-қулоқ бўлиб туринг. Мехнатингизга ачинмайсиз, ундан зўр ўғри чиқади, бунга мен кафилман.
- Тенгизнинг ишончли оҳангда айтган гаплари Қўтосда шубҳа уйғотмади.
- Чучмекнинг бойлиги нима бўлади? Кошак унинг атрофида ҳам айланди.
- Унинг бойлиги — бизники, ўртаники. Унга ҳеч ким эга чиқа олмайди. — Тенгиз бу масалани майдалаб тушунтириб ўтиргади. Қўтос ҳам «очик айт» деб зўрламади.

## ҚУЛФНИНГ КАЛИТИ

Самандар Очилов яшаган уйга яқинлашишганда Бобомурод тўхтаб, атрофга синчиклаб разм солди-да:

- Кўча гавжум эмас экан,— деб қўйди. Зинадан кўтарилаётганда эса яна такрорлади: — Кўча гавжум эмас экан.
- Бунга ўша куниёқ эътибор берганман. Бегона одамни пайқаш осон, — деди Омонулло.
- Дуруст, буни билар экансан.
- Бир-иккита дарсга кириб ўқишга тўғри келган,— деб жавоб берди Омонулло пичинг билан.

У эшик қулфига калит солаётганида Бобомурод ҳар бир ҳаракатини диққат билан кузатди.

- Калит кимники? — деб сўради у, эшик очилгач.
- Жувоннинг отасиники. Биринчи куни олган- ман.
- Отаси келганда эшик очик эканман ё қулфми?

Омонулло бу саволни эшитиб, пешонасига бир шапалоқ ургиси келди: шу оддий нарсани Тошболтадан сўрамаганига афсусланди.

— Қулф бўлган, — деди Бобомурод худди ўзига ўзи гапираётгандай. — Очик бўлганида ўликларнинг сассифи чиқиши билан қўшнилар билишарди. — Бобомурод шундай деб қулфни кузатди: — одамларинг қулфни олиб текширишмабди-ку? Қулфни нимада очиб кирган? Узининг калитидами ё бегона калитдами ё михочқичдами? Текширтирмайсанми?

- Текширинглар, девдим, — деб ўзини оқлади Омонулло.
- Сен деяверасан. Улар эса ўз билганларини қиласеради. Сен энг аввало ўзинг криминалист бўлишинг керак. Қара, қулфни маҳкамлаб турган бурама михнинг ариқласига бўёқ тўлиб қолган. Бурагич тегмаган. Демак, қулф олинмаган, текширилмаган. Қани, ичкари кир, кўрсат.

Омонулло ошхона томонга ўтиб, ўликлар ётган ерни кўрсатди. Бобомурод унинг сўзларини эшитаётган бўлса ҳам, унча эътибор бермай, ювиниш хонасини қайта-қайта кўздан кечирди-да:

- Булар киришганида қотил шу ерда яшириниб турган, эшикни аввал эркак очган, — деди.
- Аввал аёл очган бўлиши ҳам мумкин. Қотилни кўриб, дод деганича қочгандир, кейин эркак қарагану кўкрагидан пичоқ еган. Кейин аёл...

— Балки шундайдир. Ҳар ҳолда «ўйнашлар майшат қилиб ўтиришганда ёки ётишганда эри кириб қолгану...» деган тахминни бекор қилганинг тўғри. Бу ерга «ўйнаш», «рашқ» деган гап сифмайди.

- Бобомурод бошқа уйларни ҳам эринмай кузатиб чиқди.
- Аёлнинг қулоғидан, бармоғидан тақинчоқлар олинган бўлса... ўғрининг иши бўлади, — Бобомурод шундай деб Тошболтага ажратилган хона остонасида тўхтаб қолди. Дераза томондаги жавонга, уни бир оз қайрилиб қолган гиламга тикилди:
- Жавонни сенлар сурдиларингми?
- Йўқ, жойида қимиirlамай туриби.

— Хонада шунча бўш жой туриб, жавон ҳеч замонда деразага тақаб қўйиладими? — Бобомурод шундай деб «жавон аввал қаерда турган бўлиши мумкин?» деб чамалади, сўнг деворга яқинлашиб жимир-жимир гулли қофозларга битилган ҳарфларни ўқимоқчи бўлаётгандай тикилди: — Жавон узоқ вақт мана бу ерда турган. Яхшироқ қарагин, чанг изларини кўрасан. Энди пастга қара: гиламнинг четларини жавон босиб турган. Уни ким, қачон сурган?

Бобомурод саволига жавоб кутмай гиламнинг бир учини эҳтиётлик билан тутди-да, Омонуллога «бу учини ушла», деб буюрди. Икковлашиб гиламни ўраб, четга сурдилар. Уй ўртасидаги тўртта пол тахтанинг кўчирилганини аниқлаш учун криминалист бўлиш шарт эмасди. Бобомурод «Қалайсан энди?» дегандек Омонуллога қараб қўйди-да:

— Ҳеч маҳал пол тахтанинг бурагич михлар билан қоқилганини кўрганмисан? — деб сўради.

Омонулло ундан кўзларини олиб қочди. Худди шу ерда ўша куни Тошболтанинг жомадонлари турган, шунинг учунми, гиламни кўтариб қараш ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди.

— Одамларингни чақир, текширишсин. Бу ерда нимадир бўлган, — деди Бобомурод. Омонулло навбатчига қўнғироқ қилгач, «Анави вундеркинд болангни бир кўрмаймизми?» — деб таклиф қилди.

Омонуллога бу таклиф маъқул келди. Аслида Самандар билан бўлган учрашувдан сўнг юқори қаватга кўтарилимоқчи эди. Вақт зиклиги учун «бона яна эзмаланиб, ақл ўргатишни бошласа ишларим қолиб кетади», деб учрашувни кейинроққа сурган эди. «Ҳозир айни пайти» деган фикрда юқорига йўл бошлади. Қўнғироқ тугмасига қўл юборганида ичкаридан «кираверинг, эшик очиқ» деган овоз кутди. Кутган таклиф эшитилмагач, ажабланган тарзда қўнғироқ тугмасини босди. Иккинчи марта босишига улгурмай эшик очилиб, паст бўйли, озғин, рангпар аёл кўринди-да, «келинглар», деб уларга хавотир билан қаради. Омонулло ўзини таништиргач, «Абдуқаюм билан гаплашмоқчи эдим», деб мақсадини айтди. Аёл Бобомуродга бир оз тикилиб қаради-да, «киринглар», деб ичкарига чекинди.

Омонулло ичкари кириб Абдуқаюмнинг бўш каравотига кўзи тушди-ю, кўнглига нохушлик оралади. Бўш каравот, аёлнинг ҳорғин кўринишидан хаёлига турли фикрлар ёғила бошлади. Аёл кўрсатган жойга ўтиргач:

— Абдуқаюм қаердалар? — деб сўради.

— Сурат ишлайпти, ҳозир чиқади. Унинг овунчоғи шу...

— Сиз оналари бўлсангиз керак?

— Ҳа.

— Аввал келганимда ёлғиз экан.

— Айтди. Мен ишда эдим. Адамиз сафардалар... — Аёл ногирон боласини ёлғиз ташлаб кетганидан ўнғайсизланиб изоҳ берди: — Яқинда ишга кирдим. Аввал уйда эдим. Абдуқаюм «катта бўлиб қолдим, ўзимни ўзим эплайман», деб зўрлади. Ҳадеб атрофида парвона бўлишим ҳам ёқмай қолди шекилли. Шу боламнинг кўнглига қарайманда. Номигагина ишлайман. Уч-тўрт соатга бориб келаман.

Аёл гапларини тугатмай, ичкаридан Абдуқаюмнинг «Ойижон, мен ҳозир тугатаман, меҳмонларга чой бердингизми?» деган овози келди. Аёл «хўп, жоним», деб қўйиб жавон тортмасидан оқ дастурхон олиб стол устига ёйди. У ошхонага чиққач, Бобомурод ўрнидан туриб даразага яқинлашиди-да, кўчага қараб олди.

Бир пиёладан чой ичишга улгуришмай ичкари хонадан Абдуқаюмнинг «Ойижон, мен бўлдим», деган овози эшитилди. Аёл ошхонадан қарийб югуриб чиқиб эшикни очди-да, чироқни ёқди. Кейин ичкари кириб аравачада ўтирган ўғлини олиб чиқди. Абдуқаюм очиқ чехра билан салом бериб, худди ёш боладек қувнаб кетди.

— Эрталаб келганингизда учрашармикинсиз, девдим. Чиқмаганингиз яхши бўлди, ҳозир сизга «сюр-приз» тайёрлаб қўйдим.

Абдуқаюм шундай деб «бу киши ким?» деган маънода Бобомуродга қараб олди.

— Устозим... — деди Омонулло ўгай отасини таништириб.

— Сиз Самандар акамни қамаб қўймадингизми ишқилиб? — деди Абдуқаюм муғомбирлик билан жилмайиб.

— Йўқ. Қамашим керакмиди?

— Шунаقا хаёлингиз бўлган-ку, тўғрими?

— Тўғри. Лекин менда хаёл эмас, гумон бўлган.

Хаммасидан ҳам ана шу гумон ёмонда. Гумон — бир томондан ҳақиқатга қўшни, иккинчи томондан зулмга. Ҳақиқатнинг девори баландроқ, дарвозалари мустаҳкамроқ бўларкан. Дарвозани очишга қийналсангиз, баланд девордан ошиб тушишга эринсангиз деворининг тайини йўқ бу қўшниникига кира қоласиз, тўғрими?

— Унчалик тўғри эмас, гумон кўчасидан ўтмай, ҳақиқат саройига кирилмайди.

— Лекин сиз гумонга асосланиб ҳам қамайсиз-ку, тўғрими? Яна «қамоқ» демайсиз, «еҳтиёт чораси», дейсиз, а?

Омонулло «кўрдингизми» бу болани, «вундеркинд» деб тўғри айтдингиз», деган маънода Бобомурод билан кўз уриштириб олди-да, ўсмирнинг донолиги эриш туюлса ҳам фикрларини давом эттираверсин-чи, деб арқонни узун ташлаб, саволларига шошилмай жавоб бераверди:

— Эҳтиёт чораси баъзан зарур бўлади.

— Қочиб кетмаслиги учунми?

— Баъзан ундан, баъзан эса бир одамни шерикларининг ҳамласидан асраш учун ҳам шундай чора қўрилади.

— Самандар aka қайси бирига кирадилар?

— Самандар акангиз айни пайтда озодликдалар, тилхат олиб, қўйиб юборганимиз.

— Ие, бўлар экан-ку? Опоқим «қўлларини кишанлаб олиб кетиши», деганларига сиқилиб ўтирувдим. Сизларга барибир-да, олим одамни ҳам каллакесарнинг ёнига қўйиб қамайверасизлар.

— Қамоқда олим одам учун алоҳида имтиёзли хона бўлмайди. Бунаقا имтиёзлар, унвонлар, мартабалар озодликда бўлади. У ерда ҳамма teng. Мартабалари ҳам, имтиёзлари ҳам баббаравар.

— Китобдаги гапларни айтяпсиз менга. Биринчи марта ўтирган одам билан учинчи ё тўртинчи марта қамалган одамнинг шароити бир хил бўлмайди-ку? Бизнинг бир қариндошимиз борлар. Уч-тўрт йил қамоқда ўтирсалар, озодликда бир-икки ойгина юрадилар. Яна бир бало қилиб қамаладилар. Ўша одам Самандар aka билан ўтирса тенглик бўлармиди? Чойи бўлса чойини ичиб қўяр, сигарети бўлса чекиб қўяр... Менга ўзлари айтиб бердилар: одамларни лақиллатиб қарта ўйнарканлар. «Просто так, «дурак» ўйнаймиз» дерканлар. Кейин «про СТО деганман», деб юз сўмни бўйнига қўярканлар. Сиз айтган тенглик шуми? Нега куляпсиз?

Бобомурод мийифида кулган эди, йигитчанинг зийрак нигоҳи шуни ҳам илғаб, уни саволга тутди:

— Мен кулгили гап айтдимми?

— Худди қамоқхонада яшаб чиққандай гапиряпсиз, ука, — деди Бобомурод.

— Гапларим нотўғрими?

— Тўғри. Лекин ҳар бир жойнинг ўз қонунлари бўлади. Бу ҳаётда лалайган одам эртами-кечми қамоқка тушиши мумкин. Қамоқда лалайган одам эса лаҳадга тушади. Ҳаёт ҳам урушга ўхшаган нарса, ука. Ким лалайса ё тухмат ўқига учрайди, ё камбағаллик тўрига илинади, ё яна бошқа бир балога учрайди. Жанг пайтида керишиб, эснаётган одамнинг миясини ўқ ўпириб юборадими? Ҳаётда ҳам шундай. Зийрак одам яшаб қолади.

— Санжар aka лалайган лақмамилар?

— Унаقا деганим йўқ. Ман у одамни танимайман. Танимаган одамимга эса баҳо бера олмайман.

Шу пайт Абдуқаюм сурат ишлаб чиқсан хонада нимадир чирсиллади.

— Ойижон, суратлар қуриди, қуригични ўчириб қўйинг, илтимос, — деди Абдуқаюм ошхона томонга қараб. Онаси дарров чиқиб, айтилган ишни бажарди.— Бугун қўлларимга анча жон кириб, суратларни ишлаб қўя қолдим, — Омонулло Абдуқаюмнинг панжалари бу сафар енгилроқ боғланганига эътибор берди.— Ака, сиз кетганингиздан кейин мен кўп ўйландим. Одамлар туғиладилар, яшайдилар, ўладилар. Туғилса — қувонамиз, ўлса хафа бўламиз. Ўша ўлган одам тириклигига ярамас ишларни кўп қилганига қарамай ачинаверамиз, афсусланаверамиз. Мен аввал кўришганимизда ҳам айтудим: Нафиса опани сиз қидираётган одам ўлдирмаганида ҳам барибир бошқа баҳонаи сабаб билан бу дунёни ташлаб кетардилар. Сиз ҳозир қотилни эмас, сабабчини қидиряпсиз. Биласизми, мен одамнинг ўлганига ачинмайман. Чунки ўлим ҳамма учун аталган неъмат. Мен имонсиз кетган одамларга ачинаман. Имонсиз кетса у дунёдаги аҳволи ночор бўлади, мен шунга афсусланаман. Нафиса опа анча имонга кириб қолай девдилар... савол-жавоблари осон бўлсин, ишқилиб... Ойижоним баъзан менга қараб туриб ранжийдилар, менинг бунақалигимдан эзиладилар, ўзларини айбор деб ҳисоблайдилар. Дўхтирлар «сизга туғиши мумкинмас», дейишган экан. Дўхтирнинг айтгани эмас, Оллоҳнинг хоҳлагани бўлади. Оллоҳ ойижонимга фарзанд беришни ихтиёр қилдими — дўхтирингиз нима дея олади? Кўп гапиряпти, деб ғашингиз келмасин. Шу гапларни айтиш учун роса ўйладим-да. Сиз қотилними ё бошқа жиноятчиними излайсиз, ушлайсиз, қамайсиз. Лекин бирини қамасангиз иккинчиси тайёр туради. Сиздан олдингилар ҳам қамаб тугатолмаган, сизлар ҳам тугатолмайсиз, кейингилар ҳам. Нима учун, биласизми? Амаки, айтаверайми, жаҳлингиз чиқмайдими?

Бобомуродга бу йигитчанинг ёшига ярашмаган тарз-да ақлли гапларни айтаётгани аввалига сал эриш туюлган бўлса-да, энди хуш ёқаётган эди. Шу боис Омонулло билан кўз уриштириб олиб:

— Гапираверинг, фикрларингиз менга ёқяпти, — деб тўғрисини айтиб қўя қолди.

— Сизларнинг ишингизда битта хато бор: «шу одам нимага қўлига пишоқ олди, нимага ўлдирди, нимага ўғирлади?» деган саволга жавоб қидирмайсиз. Сиз учун бу одамнинг жиноятни бўйнига олгани муҳим. Сабаб муҳим эмас. Сиз ўтни ўриб оласиз. Илдизи эса қолаверади. Мен ўйлаб-ўйлаб шу илдизнинг нималигини билганга ўхшайман. Тўғриси, битта китобни ўқиб туриб шу фикрга келдим. Ҳамма жиноятнинг бир қаноти НАФС, иккинчи қаноти ҚАЛБнинг нурсизлиги, қалбнинг бўшлиги экан. Ойижоним шу китобдан бир неча сатрни ёзиб бердилар, ўқийсизми?

Абдуқаюм шундай деб аравачаси ёнидаги қопчиқдан тўртта буқланган бир варақ қофоз чиқариб, Омонуллога узатди. Омонулло қофозни очиб аввал сатрларга шошқич кўз югуртиридида, сўнг овозини чиқариб ўқиб бошлади:

— «Қалбингизни ўйланг! Инсон қалби бир гўшт парчасидан иборат эмас. Қалбда маънавий ҳақиқат, Раббоний латофат жо этилган. Қалб айни пайтда инсон кўнглининг эшиги, деразасидир. Деразадан таш-қарига қараганингизда ерларни, осмонни, юлдузларни кўрганингиздек, қалбингизга боққанингизда ҳам кўнгил оламингизни мушоҳада қиласиз. Бу олам— нуроний олам: тенгсиз, кенг, теран олам бўлиб, арши аълога қадар узаниб кетган. Ўзингизни ана шу оламга ўтганингизни, ҳар тарафингизнинг нурга тўлиб-тошганини ҳис қилинг...» — Омонулло хатни ўқиб бўлиб аввал ўгай отасига сўнг жиддий нигоҳини қадаб ўтирган Абдуқаюмга қадади: — Тайёрлаб қўйган сюрпризингиз шуми?

Омонулло шу савол билан сатрлар маъносини теран ҳис этолмаганини ошкор қилди. Абдуқаюмнинг ўзи бу сатрлардан ғоят таъсирланган, бошқалар ҳам шу ҳолатда бўладими, деб фикр қилган эди. Бу чақириқнинг Омонулло учун оддий гапдай туюлганидан ранжиб, афтини ошкора буриштириди.

— Бу Жўшон ҳазратнинг гаплари. Сюрприз ке-йинроқ бўлади. Сиз аввал сўрайдиганингизни мендан сўраб олинг.

— Бизни бир нарса қизиқтирияпти: пастдаги уйда тарақлаган овоз эшилтимадими? Масалан, мих қоқилганими ё тахтанинг тарақлаганими? — деб сўради Бобомурод.

Абдуқаюм бир оз ўйлаб ўтиргач:

— Эшилди, — деди. — Лекин мен слесарлар ишляяптимикин, деб ўйловдим.

— Қанақа слесарлар? Қачон ишлашди?

— Қувурларни, иситгичларни алмаштирамиз, деб юришган экан.

— Сиз уларни кўрдингизми?

— Йўқ, бизникига киришмади. Аввал пастки қаватдагиларникини алмаштиришаркан. Опоқимга учрашибди. Нафиса опам ишда эканлар, «қачон келади?» деб сўрашибди.

— Опоқингиз айтдими?

— Ҳа.

— Омонулло, ЖЕКка қўнфироқ қил. — Омонулло «кеч бўлди», деган маънода соатига қараган эди, изоҳ берди: — Навбатчи бўлади.

— Ҳа, навбатчи бўлади, — деб қувватлади Абдуқаюм, сўнг онасини чақирди: — Ойижон, ЖЕКнинг телефонини беринг.

ЖЕК деб аталмиш идора навбатчиси телефон гўшагини дарров кўтара қолмади. Омонулло тўртинчи марта рақам тергач, норози оҳангдаги «алё» деган товуш эшилди. Омонулло ўзини танитганидан сўнг «иситиш қувурларини қачон алмаштиришга киришасизлар?» деб сўради.

— Буни хўжайнинлардан сўранг. Бугун шанба, эртага якшанба. Индинга келиб сўрайсиз. Биз кичкина одаммиз, — деб жавоб қайтарди навбатчи.

— Хўжайниннинг ўйларидаги телефонни беринг, — деди Омонулло.

Навбатчи бир оз иккиланиб тургач, телефон рақамларини айтди. Бошлиқ уйида экан. Омонуллонинг саволига «1989 йилги режада бундай иш йўқ», деб қисқа ва лўнда жавоб берди. Омонулло унинг гапини Бобомуродга айтгач, Абдуқаюм жонланди:

— Ўзим ҳам шундайдир, деб ўйлаган эдим, — деди қувонч билан.

Ундаги бу ўзгариш меҳмонларни ажаблантириди.

— Ойижон, илтимос, суратларни олиб чиқиб беринг, — деб ялинди Абдуқаюм. Аёл турли ҳажмдаги ўнга яқин суратларни олиб чиқиб бергач, Абдуқаюм улар орасидан иккитасини ажратиб, Омонуллога узат-ди: — Қаранг: мана шу одам бир кун олдин «слесарман» деб келган эди. Опоқим билан шу гаплашган бўлиши керак. Эртасига ҳам келган. Мен сурат яхши чиқадими ё йўқми, деб гумонсираб, сизга айтмовдим.

— Бу одамнинг кирганини кўргансиз, чиққанини-чи?

— Кўрдим.

— Қўлида түгунми ё шунга ўхшаш нарсами бормиди?

— Йўқ.

— Уйда тахминан қанча вақт бўлди?

— Бир соатчадир.

— Самандар акангиздан олдин келдими?

— Ҳа. Нафиса опамлардан ҳам олдинроқ келган.

— Самандар акангиздан олдин чиқдими ё кейинми?

— Кейин шекилли... Ҳа, кейинроқ чиқди.

Омонулло «уйда беркиниб турганми? Унда газчи? Очилов газни ўчириб, деразани очган экан. У чиқиб кетганда ҳам уйда қолган бўлса нима учун деразани беркитиб, газни яна очмади? Ёки... нима учун Очиловни ҳам ўлдирмади?...» деган маънода Бобомуродга қараб қолди. Бобомурод ҳам айни шу хаёлда эди.

— Тўхтанг... — деди Абдуқаюм ўйланиб олиб. — Самандар aka машинадан тушганларида кимдир юқори қаватга кўтарилиди. Самандар aka қайтганларидан ке-йин пастга тушди. Кейин... шу одам кўчага чиқди.

Омонуллонинг «зинада рўпара келиб қолишдан чўчиб юқорига кўтарилганми?» деган савол назарига Бобомурод тасдиқ ишорасини қилди.

— Бу суратни бизга бериб тура олмайсизми? — деб сўради Омонулло.

— Марҳамат, сиз учун атай ишладим...

— Лекин... биз ҳақ тўламаймиз-да? — деди Омонулло кулимсираб.

Абдуқаюм аввалги учрашувдаги гапига шамаъ қилинганини фаҳмлаб кулди-да:

— Америкага борганимизда тўлайсиз, — деди.

Бобомурод бу ҳазилга тушунмай, бир тутинган ўғлига, бир йигитчага ажабланиб қаради. Абдуқаюм эса қолган суратларни ҳам Омонуллога узатди:

— Ўша куни қўлим шикастлангунича олган суратларим: Самандар ака ҳам борлар.

Чиндан ҳам машинага ўтираётган Самандар суратга тушиб қолган эди. Ўриндиққа ўтираётиб уй деразасига ўгирилиб қараган Самандарнинг кўзларида ҳадик муҳрланган эди. «Бечора эр», деб ўйлади Омонулло унинг жавдираган кўзларига қараб.

Үй бекасини «овқат тайёр бўлиб қолди, ўтириңглар», дейишига қарамай, хайрлашиб, пастга тушдилар. Омонулло қўшни эшик қўнғироғи тугмасини босди. Абдуқаюмнинг опокиси слесар ҳақидаги гапларни тасдиқлаб, суратдаги одамни ҳам танигач, Бобомурод «хомлигингни исбот қилдимми?» деган маънода муғамбирлик билан кулимсиради.

Бу орада етиб келган текширувчилар гуруҳи Омонуллодан топшириқ олиб, бетўхтов равишда ишга киришдилар. Омонулло Бобомуродни «вазирликдаги устозим», деб таништиргани учун «устоз» уларнинг ишларига аралашди. Кўчириб, сўнг ўрнига қўйилган тахталарни олиш қийин бўлмади. Бу ердан нимадир қидирилгани аниқ эди. Аммо ўша «нимадир» топилганми ё йўқми — шу номаълум эди. Бобомурод ҳар бир нуқтани синчиклаб текширишни талаб қилди. Оқибатда бураб олиниб сўнг жойига қоқилмаган михга қон теккани аниқланди. Шу михқалпоғида бармоқ изларининг қолгани улар кўнглига чироқ ёқди. Бармоқ излари полтахталари остида қолиб кетган қўлбola бурагичда ҳам бор эди.

— Бармоғини уриб олган ёки нимадир кесган. Бурагични йўқотиб, тополмаган. Шубҳасизки, шошилган. Агар излаганини тополмаган бўлса, асабийлашган, — деди Бобомурод.

— Асабийлашса тахталарни жойига қўйиб, гиламни ёпармиди?

— Ҳамма ёқни афдар-тўнтар қилиб ташлаб кетарди, демоқчимисан? Агар хом ўғри бўлса, шундай қилади. Дурустроқ нарсанинг исини олган бўлса, дарров сир бой бермайди. Бу ердан бўлмаса бошқа жойдан чиқишини кутади. Пайт пойлайди. Ҳар ҳолда у уй эгаларининг келиб қолишларини кутмаган. Агар улар ҳаммомга мўралаб уни кўриб қолишмагандан ўлишмаган бўлишарди.

... Шу каби турли тахминлар билан яrim кечада уйларига қайтишди. Эртасига бармоқ излари ва сурат бўйича тегишли сўров юборилди. Жавоб узоқмади: «Павел Онопко. Херсонда туғилган. Лақаби — Кошак. Украина ССР жиноят кодексининг (...) моддалари билан озодликдан маҳрум этилган. Ҳозир Иркутскдаги (...) қамоқ лагерида...»

Иркутск? Омонулло Тошболтанинг «Иркутскка борувдим» деган гапларини эслади. Эслади-ю, «Ўша ерда изига тушдими?» деган савол хаёлини ёритди. Кейин «Ахир у қамоқда бўлиши керак-ку?» деб ўйлаб, нав-батдаги сўровни юборди. Бу орада Нафисанинг ўйнаши ёдига тушиб, тортмадаги қоғозлар орасидан Матлуба берган хатларни ажратди-да, манзилига қаради. Қаради-ю, рўпарасидаги зими斯顿 ёришгандек бўлди. Эшик қулфининг калит билан эмас, ясама михочқич билан очилганини далилловчи хулоса эса унга энди аҳамиятсиздек туюлди.

Якшанбани архивга оид маълумотларни ўрганиш билан ўтқазиб, уйига кеч қайтди. Уйқуга тўйиб улгурмай телефон жиринги ўйғотди...

## НАФИСА

Бу дунёдаги ҳаёт қилкўприк эмас, унданда хавфли, унданда баттароқдир. Балки устара тифи устида яланг-оёқ юришга қиёслаш ўринлидир? Воқеан шундай. Устара тифи десакда, қилкўприк десакда фарқсиз — Нафиса бу йўлда юра олмади — тойди. Унга бу йўлда қандай юрмоқ лозимлигини ўргатмадилар. Захарни «асал» дедилар — ишонди, зулматни «ойдинлик» дедилар — кўнди, азобни «роҳат» дедилар — маъқуллади... Сассиқ кўлни мавжли денгиз деб хаёл қилиб адашганини, ойдин йўл дегани баҳт саройига эмас, дўзах қопқасига етаклаганини кеч англади. Агар уйида ўлим топмаганида балки «кеч англади» демофимиз ўринсиз бўларди. Ҳаром-ҳалолнинг фарқига эндиғина бораётган жувон учун покиза денгиз йўллари очиларми энди?..

Бир куни ишхонасидаги аёлнинг «Ҳар биби сешанба куни ош дамлаб муҳтоjlарга чиқараман, шунинг учун Худо мушкулларимни осон қилади», деган гапи Нафисага таъсир қилди. Фариштали оила деб аталмиш баҳтдан бошқа ҳамма нарсаси бор Нафиса кейинги ҳафталарда ўзи сезмаган, ўзи истамаган ҳолда эзила бошлаган эди. Турсунали акаси у ёқда, эри тоғда бўлган жувоннинг ёлғиз қолиши азоб эди. Йўқ, Нафиса ўгай онаси таъриф этган даражадаги тоифадан эмасди. Эрсираб қолгани ҳам йўқ эди. Фақат аёллар оиласидан гапиришса, ҳатто турмуш қийинчиликларидан нолишса ҳам уларга ҳаваси келадиган бўлган эди. У эр ҳукмон бўлган кўп болали оиласида эга бўлиш орзусида яшай бошлаган эди. Чиройли ёки пулдор эр ҳаваси шамолда қолган шамчироқ сингари умри поёнига қараб бораарди. Шинам оила орзусида у ош дамлади. Икки ён қўшнисиникига бир косадан чиқарди, бир косани олиб юқори қаватга кўтарилиди. Абдуқаюм уйда ёлғиз эди. Нафиса очик эшикдан кириб, косани аравачага мосланган стол устига қўйди. Нафиса қўшни аёлларнинг бу хонадонга кириб, гаплашиб ўтиришларини биларди, «бу бола кўп китоб ўқииди, бола эмас — бало!» деган таърифни ҳам эшитган эди. Шу сабабли Абдуқаюмнинг «Нафиса опа, бир пас гаплашиб ўтиринг», деган таклифини рад этгиси келмади.

Шундан сўнг ёлғизлик азобига Абдуқаюмнинг сухбатлари малҳам бўла бошлади. Шу ерда унинг тош юраги юмшагандай бўлиб, зулматдаги қалбига иймон нури аста мўралади.

Омонулло Нафисанинг ишхонасига борганида столи тортмасидан ўн икки варакли дафтар олинганини билмас эди. Нафиса бу дафтарга нималарнидир ёзар, кейин узоқ тикилиб ўтиради. Бу ҳолатга қизиқкан ҳамхона аёл унинг ўлимидан сўнг дафтарни олиб ўқиди-ю, аммо жойига вақтида қўйишни унуди. Омонулло келганида эса дафтарни унинг қўлига тутқазишдан чўчиди. Шу боис Нафисанинг қалбидан ўтганлари сир бўлиб қолаверди.

Нафиса Абдуқаюмнинг китоблардан ўқиб берганларини эслаб, айрим гапларни эса ёзиб қўйишни одат қилган эди.

«Сени ҳақиқатдан узоқлаштириб, ёмон одатларга яқинлаштирган кимса энг ифлос одамдир...» — Абдуқаюм шундай дедилар. Унда... Энг яқин одамларим... энг ифлос одамлар экан-да... Вой, Худойим, бу не кўргулик...»

«Ей Одам фарзанди! Дунёга ёмонлик тарқатгани асло олқишишинг сени зулмларнинг энг даҳшатлисига олиб боради...» — Мен шундай қилдимми? Энди зулмнинг энг даҳшатлисига учрайманми? Вой, Худойим, бу не кўргулик...»

«Ей бойлиги билан мағрур бўлган инсон! «Фалончиман!» деб кибрланма, балки «Асли ўзим кимман?...» деб фикрла. Бугун молига мафтун, авлодига мажнун бўлган эй инсон! Кўз юмган кунинг аччиқ-аччиқ ҳақиқатни кўргач тушунасан... Мол-дунёнг кўплигидан севинма, ҳалол қўлга киритганингдан севин. Чунки ҳаром даромад сени оқибат азобга дучор қилади...» — Бу азоблар ҳали менга каммиди... Вой, Худойим, бу не кўргулик...»

«Қалбida иймон нури бўлмаган инсон — уйқудадир. Уни фақат ўлим уйғотади. Шу сабабли Расуллулоҳ «инсонлар уйқуда, ўлганларида уйғонадилар», деган эканлар...» — Мен қандай уйғонар эканман, Вой Худойим...»

Ҳамхона аёл бу сатрларни ўқиб кўп ҳам таъсирланмаган, «ескичага ўқиётган эканда», деб қўя қолган эди. «Қалбнинг нурланиши» деган тушунчадан узоқ бўлгани учун ҳам Нафисанинг сатрларига кўчган туйғуларига ҳамroz бўла олмаганди. Дафтарни Омонулло ўқиган тақдирда ҳам «қотилни аниқлашга ёрдам берувчи далил йўқ», деб қўя қолар эди.

Идора хўжайини «милисага «Финг» десаларинг оналарингни кўрсатаман», дегани сабабли ҳамхона аёл Омонуллога бор гапни айтишдан қўрқди.

... Нафиса ўша куни эрталаб бозорга кириб иссиқ нон, қулупнай кўтариб келиб идорадагиларни меҳмон қилди. Меҳнат таътилини тоғда, эри билан ўтказажагини ҳамхона аёлга айтди. Шунда «ё бугун, ё эртага олиб кетишлари керак, ҳаммомда кран ўлгурдан сув оқяпти. Уста чақирсан келмаяпти, йўғимда сув шариллаб оқиб кетса қўшниларимдан балоларга қоламан», деб нолиди. Шунда ҳамхона аёл: «Вой, Санжарга айта қолмайсизми, меникини бир паста тузатиб берган, асли касби сантехник-ку, билмасмидингиз?» деди-да, чақонлик билан туриб йигитни чақириб келди.

— Ишдан кейин боролмайман. Агар «хўп» десангиз ҳозир бориб тузатиб кела қолай...

Таклиф маъқул бўлиб йўлга тушдилар...

Уларнинг бирга келаётгандарини Абдуқаюм қўрди...

Кўрди-ю, кўнглига шубҳа ораламади, ёмон фикрга бормади...

Уч кундан кейин Нафисани қарғадилар:

— Ўйнаши билан ётган экан, шарманда!

... Шарманда... Шарманда...

Уч кундан кейин Санжарни лаънатладилар:

— Суюқоёққа илакишган экан, йигит ўлгур!

... Йигит ўлгур... Йигит ўлгур...

Ҳамхона аёл ҳам бу гапларга ишонди ва айтдики:

— Илгаритдан кўз сузишиб юрарди-да...

## КОШАК

Кошак неча марта «етап»га қўйилган бўлса ҳам бунчалик қувонмаган эди. Ҳали тож кийиш даражасига етмаган, аммо «От!» деса отишдан, «Ос!» деса осишдан, «Бўғиб ташла!» деса бўғиб ташлашдан қайтмайдиган икки йигитнинг икки қанотига кириши унга баҳт ва омад дарвозаларини ланг очиб берадигандай бўлди. У йўл-йўлакай «Парижда яшаганим яхшими ё Флоридадами?» деган масалада ҳам бош қотиришга улгурди. У ўзи ёқкан зулм ўтида ўзининг қоврилажагини билмай хом хаёлларига банди бўлиб маза қилди.

Уларни шаҳар четидаги тўрт қаватли уйнинг учинчи қаватидаги беш хонали уйга жойлаштиридилар. Деразаларига ўрнатилган янги панжараларга қараганда уй буларнинг ташрифи учун маҳсус «жиҳозланган» эди. Эртасига яна етти киши келиб, уй тўлиб қолди. Кўнгил истаган барча нарсалар: ароқ дейилса — ароқ, наша дейилса — наша, қора дори дейилса — қора дори муҳайё этиб турилди. Кошак ҳатто «Боқув шунаقا бўлса, чет элга жўнашнинг ҳожати ҳам йўқ», деган хаёлга борди. Бўлажак иш режаси билан таништиришга шошилишмади. Шунда Кошак уларни кузатиб турган бошлиқдан «бир уйдаги омонатини олиб келиш» учун рухсат сўради. Бошлиқ катталари билан маслаҳатлашиб унга икки кунга ижозат берди. Кошак ўзи билан келган йигитларнинг бирини ёнига олиб Самандарнинг уйини топди. Кузатди. Эртасига слесар қиёфасида кирди. Кичик хона полининг тахталарини кўчириди. Кўчириди-ю, лаққа тушганига амин бўлиб, ғазаб билан муштумини қисди. Қўлида учли бурама михни ушлаб турганини ҳам унутди. Мих бармоғи учига санчилгандан кейингина ўзига келди...

Жаҳл отига минганича чиқиб кетмоқчи эди, аммо бошлиқнинг «бирорта из қолса, ўзингдан кўр, у ер сен ўйлаган онангнинг уйи эмас», деган топширигини эслаб, тахтачаларни жойига қўйди. Жавонни ўрнига суришга эса улгурмади. Эшикдан ташқарида овозлар келгач, ўзини ҳаммомга урди...

Тұгмали буқлама пичоқ билан әркакни бир ҳамлада үлдирди.

Аёл дод солиб ошхона томонға қочди. Чап құли билан оғзини юмиб, үнг құлидаги пичоқни қовурғаси остига санчди. Аёл йиқилиб типирчилай бошлади. Унинг қулоғидаги зирак күзи ялтиллаб кетди — иккала зиракни шарт қулоқдан узиб ола қолди. Сүнг бармоқдаги узукларни олди — ҳар ҳолда қуруқ кетмаётганидан қувонди. Аёлнинг жон бериши оғир бўлди. Унга раҳми келди — стол устидаги пичоқни олиб, юрагига саншиб, бу дунё азобларидан қутқарди. Пичоқ сопини рўмомчаси билан артиб қўйишни унутмади. Бошлиқнинг из қолдирмаслик ҳақидаги топшириғини эслаб, бунинг ҳам чорасини топди — газ йўлларини очди.

Шанба куни уларнинг вазифалари аён бўлди. Шаҳарчадаги қайси уйларда бадавлатроқ одамлар туришини алоҳида кўрсатиши. Гуруҳ иккига бўлинди. Биринчи гуруҳ — кейин келган етти йигит — учраган одамларни ўлдириб, уйларни ёқиб кетиши керак эди. Кошак эса икки шериги билан бадавлат хонадонларни талаб, сўнг ўт қўйишни зиммасига олди. Қўлга киритилган бойлик ўн кишига теппа-тенг ҳалол бўлиниши қайд этилди. Вазифа яшин тезлигида бажарилиши шарт эди. Шанба куни кечқурун уларни шу кўчалардан икки марта олиб ўтишди. Эртасига кун ёйилганда, узоқда оломон кўриниши билан улар вазифаларини бажаришга киришдилар. Алдангани учун ғазаб отига минганд Кошак бу вазифаларни керагидан ортиқроқ даражада бажаришга ҳаракат қилди. Биринчи уйга бостириб кирганидаёқ хонадон соҳиби унинг кўзига дам Турсунали, дам Тенгиз бўлиб кўриниб пичоғини санчаверди... санчаверди... Ҳар тиф урганида кўнгли роҳатдан яйрайверди... яйрайверди...

Тўмтоқ ақли эса ҳадемай ўзининг қони ҳам оқажагини идрок этмади.

Вазифалар адо этилиб, ҳамма юз берган фожиа ҳақида бош қотираётган кунларнинг бирида Тенгиз «коиласидан хабар олиш» учун ижозат сўраб Турсун-алининг ота уйига борди. Амакиваччалар «СССР прокуратурасидан келган» Тенгизга монелик қилишмади. Боғ ўртаси кавланиб, темир қутича олинди. «Акт» ёзилиб, амакиваччалар гувоҳ сифатида имзо чекдилар. Бир неча йил тупроқ остида «жон сақлаган» темир қутича эртасига ёқ яна Тенгиз учун ишончли бўлган жойга кўмилиб, эгаси озод бўлиб қайтгунига қадар кутди...

## ТЕНГИЗ

У ҳаёти йўлида тиканлар, тошлар борлигини биларди-ю, аммо оловларга дуч келарман, деб ўйламаган эди. Тенгиз «Кошак билан вазифамиз бир бўлса, у ҳароми билан учрашаман», деб янглишиди. Вазифа ўталадиган жой бир бўлгани билан, бажарилуви лозим бўлган юмуш бошқабошқа эди. Таъбир жоиз бўлса, худди болаларнинг «Оқ ва Қизил» ўйинига ўхшарди. Бир гурух бола Оқ, бир гурухи Қизилга айрилганидек, Кошак билан Тенгиз ҳам бўлинган эдилар. Кошак ерли ҳалқ номидан ваҳшийликни бошлагач, Тенгиз тоғликлар номидан қарши зулмни кўтариши лозим эди.

Тенгиз ўзининг гурухи билан шаҳар турмасида вазифа бошланиш онларини кутди. Уларни шанба куни кечқурун шаҳар ёнбошидаги тоғликлар зич яшайдиган маҳаллага олиб келиб, пастқамроқ уйга жойладилар. Кошак гурухидан фарқли ўлароқ, улар макон топган ҳовлига қуролли соқчилар қўйдилар. Тенгиз ва унинг шериклари содик хизмат қилмоқча ваъда берганлари билан, уларга тўла ишонч йўқ эди. Шанба оқшомида вазифа билан таништиришгач, «агар бажаришдан бош тортсангиз ёки қочмоқчи бўлсангиз, жо-йида отиб ташлаймиз», деб огоҳлантиришиди.

Кечаси Тенгиз ухлай олмади. Чекиши баҳонасида ҳовлига чиққанида бир одамнинг дарвоза устунига мато боғлаётганини кўриб соқчига ажабланиб қаради. Соқ-чи унга «ишинг бўлмасин!» дегандай қўл силтаб қўйди.

Кун ёйилганда бошлашди.

Аввал бир тўда ўтди. Уйлардан қора тутун ўрлай бошлади.

Сўнг кичик тўда пайдо бўлди. Олдиндаги Кошакни кўриб Тенгиз дарвозадан отилиб чиқай деди. Соқчи «ҳали вақт бор», деб кўкрагидан итарди.

Кўчага қўйилиши билан Кошакни излади. Топди.

Сандик кавлаётган Кошак орқасида шарпа сезиб ўгирилди, аммо ўзини ҳимоя қила олмади — Тенгизнинг қўлидаги пичоқ бўғзига қадалди-ю, томоғидан отилган қон сандик ичидағи пулларни қизилга бўяди. Дам ўтмай унинг жасади ўзи ўлдирган уй эгаларининг мурдалари билан бирга ёна бошлади...

Ўша дақиқалардаёқ миш-мишлар алангаси ҳамма ёқни қамраб олди:

— Ерликлар тоғликларни тириклайн ёндиришибди...

— Тоғликлар автоматлар билан қуролланиб катта куч билан шаҳарга ёпирилишибди...

Таҳлика, ваҳимада қолган аҳоли лочин чангалидан қўрқсан полапонлардай нажот тилаб қақшар эдилар.

Телевизорда эса мosh ютган хўроздай бўлиб олган нотик кулимсираган ҳолда ваъз айтарди:

— Ҳамма жанжал қулупнойдан чиқиби... Одамлар ҳам нодон...

## ОМОНУЛЛО

Ишхонада телевизор томоша қилиб ўтирган Омонулло бу гапларга ишонди. Икки кундан сўнг у москвалик терговчиларга қўшилиб фожия содир бўлган шаҳарга учди. У кетгач, сўровига жавоб келди: «Сўровингизга биноан шуни маълум қиласизки, Павел Онопко (лақаби Кошак) қамоқ лагеридан қочишга уринганида 1989 йил 20 май куни отиб ўлдирилган».

Уч ой давомида москаваликтерга ёрдам берган Омонулло ишхонага қайтиб бу жавобни ўқидиу ниманидир сезгандай бўлди. Иркутскка бориб келишни илтимос қилди. Аввал ижозат беришди, кейин эса «овора бўлмай ишни ёпиб қўя қолинг», деган маслаҳатда тўхташди.

Шу тўхтамга келинган куни оқшомда прокуратурадан Мелс Хўжаев қўнғироқ қилиб «Ака, Иркутскка бормоқчи эмишсиз, агар маслаҳатимга кўнсангиз — борманг. Сабабини кейинроқ бафуржга гаплашармиз», деди.

Бу орада Фотима Ҳиндистондан қайтди.

Ваъдаги биноан баҳорга чиқиб ўғил туғиб берди.

Диссертациясини ҳимоя қилаётганда Омонулло бешикдаги ўғлини сўрғичда овқатлантириб ўтирас эди. Болтаеванинг ўлимига оид ишни тўхтатишдан воз кечолмагани учун истеъфога чиқишга мажбур бўлган Омонулло учун ўғил боқиб ўтириш улуғ бир баҳт бўлиб туюлар эди...

## СЎНГ...

Адолат Омонуллога қатнайвериб, охири эрининг молини қўлга киритди. Омадини қарангки, янги сов-хоз директорини ҳам қўлга киритишга эришди — катта қизини унга қўшиб қўя қолди. Тошболта олиб келган бойликнинг бир улуши совхоз директорига тегишли эди. Адолат шу бойликни олиб кетиш учун уни уйига таклиф этди. Едирди, ичирди, сўнг...

Ичкарида янги директор ҳузурланар...

Бу ёқда Адолат қувнар, орзулардан тилла саройлар қуравар...

Айвонда эса жон бераётган Тошболтанинг лаблари бир томчи сувга зор...

## ВА НИҲОЯТ...

Ўн йил ичидаги дунё ўзгариб кетди. Кўп юртларни босиб ётган қоронғулик чекинди, бало булатлари тарқагандай бўлди. Офтоб чарақлаган кунларнинг бирида Омонуллони хизматга қайтардилар. Учинчи ўғли туғилганида у полковник даражасига етган эди.

Офтоб нуридан гул ҳам, чақир тикан ҳам баҳраманд бўлганидай, ўпкасини совуқча олдирган Турсун-али ҳам уйига барвақт қайтди. Ўзини тухмат балосига учраган мазлум сифатида кўрсатиб, ҳеч бўлмагандан совхоз директорлигини қайтариш илинжида кўп уринди. Аммо уринишлари зое кетди. Яхшики, шогирдига инсоғ кириб, уни қанотига олди. Турсунали буни шоҳсупа сари босилган биринчи қадам деб ўйлади. Аммо нафс яна ўз ишини қилди: бир вагон

маъдан ўғитларини пуллаётган пайтда қўлга тушди-ю, ўзи билан бирга шогирдини ҳам чоҳга тортири.

Оқибатда:

Адолатнинг қизи ўйнашсиз қолди...

Матлуба яна эрсиз...

Матлубанинг биринчи келинини уй остонасига олиб чиқиб «қайнотасига салом...» дейишаётганда салом эгаси Учқудукдаги қамоқ лагерида ўз тақдирини лаънатлаб ўтиради.

Нуриддин эса...

Қўтоснинг сабоқлари зое кетди. Уйига қайтгач, Нуриддин ота касбини қилди — одам ўлдирган қўлларнинг кетмон дастасига кўниши қийин бўлса-да, барибир изига қайтмади.

Бир куни шомда ғўзаларга сув тараётган дамда шийпон яқинида машина тўхтаб, ундан башанг кийинган одам тушди. Бригада бошлиғи ҳам кетиб бўлган, далада Нуриддин ёлғиз эди. «Хўжайинлардан бири келди», деб ўйлаб, шийпонга яқинлашди-ю, Тенгизни кўрди. У билан қандай кўришишни билмай тараддулланганида Тенгиз қучоқ очди:

— Ҳамзат! Саломатмисан, биродарим! — деб қучоқлаб олди.

Нуриддин «мени яна ўғирликка тортгани келган», деган фикрда, рад жавобини қандай қилиб айтишни билмай ўтирганида Тенгизнинг ўзи мушкулини осон қилди:

— Сени олиб кетгани келганим йўқ, қўрқма, — деди у. — Сендан ўғри чиқмаслигини билардим. Сени у томонларда сақлаб қолишнинг бошқа йўли йўқ эди. Мен юрtingдан озроқ қарз бўлиб қолган эдим, тўғрироғи, товон тўлашим керак эди, шуни тўлагани келдим. Атаганимни бераману кетаман. Энди замон бош-қа, Ҳамзат, ҳаёт ҳам бошқача бўлади. Сен болаларингни ўзингга ўхшатиб тарбиялама. — Тенгиз шундай деб машинадан ихчам жомадон олиб очди. Унинг ичидаги пулу жавоҳирни кўриб Нуриддин лол қолди. Тенгиз пуллардан бир тахламини олиб Нуриддинга узатди:

— Тўйингга келолмадим, бу сенга тўёна.

Нуриддин олмайман, деб чекинган эди, Тенгиз пулни унинг қўнжига солиб қўйди.

— Тўёнадан қайтмайди, аҳмақ! Сендан битта илтимосим бор: ўғилларингдан бирининг исмини Ҳамзат деб қўй, майлими? — У шундай деб жомадонни ёп-ди. — Буниси юрtingга тўлайдиган товон...

Шундай деб кетди...

Нуриддин уни бошқа кўрмади...

Тенгиз унинг учун ширин хотира бўлиб қолди...

## АЙТАР СЎЗЛАРИМ ШУКИ:

Ҳар бир нарсанинг ибтидоси бўлгани каби интиҳоси ҳам мавжуддир. Тангри-таолонинг буюк лутфи, қарами ва марҳамати или баёнимиз шу ерда ниҳоясига етди. Шони Азийм бўлган Оллоҳга беҳад ҳамду санолар бўлсин. Ўқиганингиз мазкур баёнларда ютуққа арзирли жиҳатлар бўлса — Оллоҳнинг марҳаматидандир. Сизни ишонтирмаган, ғашингизга теккан, ҳафсалангизни пир қилган ерлари бор экан, бу қаламимиз ожизлиги, эътиборсизлигимиз, лоқайдлигимиз ва яна аллақанча айбларимиз туфайлидир. Бунинг учун сиз, азиз китобхонлардан узр сўраб, Яратганнинг олдида тавбалар қиласизким, шояд тавбаларимиз қабул бўлиб, бундай кейинги битикларда Ҳақ йўлдан адаштирасаса.

Баёнларда қора бўёқлар кўпроқмикин, деб ажабланарсиз балки? Ажабланманг, бу хато маҳсули эмас. Атайнин шундай қилинди. Зулмдан қочмоқликнинг, зулмга нафрат қилмоқликнинг йўлларидан бири — зулм аслан қандай эканини яхшироқ ва аниқроқ кўриш, англаш, таҳлил қилмоқликдир. Нафснинг келажаги — зулмдир, зулмнинг келажаги эса — хорлиқдир. Биз ана шу оддий ҳақиқатни баён қилмоқчи бўлдик. Бадан поклиги баданга, рух поклиги рухга ҳаёт бағишлайди.

Оллоҳ Таборак ва Таоло «Мулк» сурасининг иккинчи оятида марҳамат қилиб айтадики: «Бисмиллахир Роҳманир Роҳим. Аллазий холақол мавта вал ҳаята лияблувакум айюкум аҳсану амалан. Ва ҳувал азизул ғофур.» (с.а.) (Маъноси: Эй Одам фарзандлари! У ўлимни ва ҳаётни сизларнинг қайси бирларингиз амалда яхшироқ эканликларингизни синаш учун яратгандир. У барчадан ғолибdir ва гуноҳларни кечувчиdir.) Қаранг, инсонни синаш учун ўлим ва ҳаёт яратилган экан. Ажаб, нима учун бу ояти каримада аввал «ўлим», сўнгра эса «ҳаёт» калимаси келяпти? Баъзи уламоларнинг айтишларича, бунинг ҳикмати одамларни яхши амалларга чорлаш экан. Бошқа уламолар эса, «Тафсири ҳилол»да таъкид этилганидек, бунинг ҳикматини «ўлим» калимасининг мазмуни «ҳаёт» калимасининг маъносидан теранроқ, қамровлироқ эканида, деб биладилар. Яъни, ҳаёт — бу ўткинчи дунёning қисқа даври, ўлим эса боқий дунёдаги агадий ҳаётнинг бошланишини билдирад экан. Демакки, ўлим — фоний дунё интиҳоси ва боқий дунё ибтидосидир. Шунга кўра, ўлимни эслаган одам доимо унга тайёргарлик кўриши ва фоний дунёни тарк этгач, шарманда бўлмаслик учун ўзини яхши ишларга сафарбар қилмоғи лозим экан. Аммо, биз — ожиз, нотавон, гуноҳкор бандалар бунга ҳамиша ҳам амал қиласкермаймиз.

Бу дунёни ташлаб кетганлар гапира олсалар эди, биз бу гапларни эшита олсак эдик, ғафлатдаги юмуқ кўзларимиз мошдек очиларми эди...

Биз «гапирмайдилар», деймиз, аслида улар гапирадилар, аммо биз эшитмаймиз, эшитсакми эдик, қалбларимиз пораланиб кетарми эди... уларнинг афсуслари, чеккан нолаларидан қулоқларимиз қоматга келарми эди...

Суюкли пайғамбаримиз Мұхаммад, саллаллоҳу алайҳи васаллам, шундай марҳамат қилган эканлар: «Жоним қўлида бўлган зотга — Оллоҳга қасамки, сизлар менинг сўзларимни улардан (яъни ўликлардан) яхшироқ англаувчи змассизлар, фақат улар жавоб қила олмайдилар холос...»

Бу муборак ояту ҳадисларнинг маъносига етмоғимизни Оллоҳ барчаларимизга насиб этсин.

Неча кунларингизни, тунларингизни, соатларингизни аямай биз билан ҳамсұхбат бўлганингиз учун сизлардан бениҳоя миннатдормиз. Оллоҳ барчаларингизнинг хонадонларингизга қут-баракот бериб, куллу оғатлардан арасин.

Барчаларимизга рух поклиги насиб этсин! Омийн я Роббил-оламийн!

1998 йил.

[www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)

2008